

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛНИ
БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ







ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ
ОЛИЙ МАКТАБИ



ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

«Complex Print» нашриёти
Тошкент - 2022

32(575.1)
66.3(5Ў)
Ў 17

Ўзбекистонда политологиянинг янги босқичи. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: «Complex Print», 2022. – 300 б.

УЎК 32(575.1)
КБК 66.3 (5Ў)

Тузувчи ва масъул муҳаррир: И. Исламов – тарих фанлари доктори, доцент

Таҳрир ҳайъати: М. Қирғизбоев – сиёсий фанлар доктори, профессор,
Б. Омонов – сиёсий фанлар доктори, профессор

Ушбу тўпламда мамлакатимиз сиёсатшунос олимлари ва амалиётчиларининг Ўзбекистонда политологиянинг ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий мақолалари конференция материаллари сифатида умумлаштирилган. Тўпламда тадқиқотчиларнинг сиёсатшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва политологияга оид фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган илмий-амалий аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялари ўрин олган.

Конференция материалларидан ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари мутахассислари, илмий ходимлар, мустақил изланувчилар, докторантлар, талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда барча қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби Илмий-услубий кенгашининг 2022 йил 10 мартдаги 115-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар тўғрилиги ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ISBN 978-9943-7601-5-8

СЎЗБОШИ

Ўтган йилда мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами нишонланди. Тарихан қисқа даврда Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди. Бу жараёнда сиёсий билимларни берувчи фан соҳаларидан бири политологиянинг ўзига хос аҳамиятга эгалигини таъкидлаш ўринли.

2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, 2019 йил «Билим карвони» нодавлат илмий муассасаси ва Ўзбекистон Миллий университети томонидан политология фанини ривожлантиришга қаратилган конференциялар ўтказилди. Ушбу илмий анжуманлар натижалари асосида «Ўзбекистонда политология» [1] ва «XXI асрда Ўзбекистонда сиёсий фанларнинг тараққиёти» [2] номли тўпламлар чоп этилди. Уларда политологияни ривожлантиришнинг турли масалаларига бағишланган илмий мақолалар ўрин олган.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда политология фанини ривожлантириш, сиёсий билимларни ўқитиш ва ўрганиш бўйича қатор ютуқларга эришилди. Бу борада илмий изланишлар олиб борган олимларимиз томонидан миллий политология мактаби яратилди, десак тўғри бўлади.

Ўзбекистонда сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим ва дунёқарашини ошириш ишлари 2019 йилга келиб ўзининг янги босқичига чиқди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 29 январдаги «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Қарори[3] сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур ҳужжатда фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асосларини шакллантириш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш, глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ривожлантириш борасида вазифалар белгиланган.

Сиёсатшунос олимларимизнинг фикрига кўра, мамлакатимизда политологияни ривожлантириш бўйича ишларни янада жадаллаштириш лозим. Политология фанини юқори поғонага кўтариш ва ўқитиш борасида кўплаб муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги профессор-ўқитувчилар ҳамда тадқиқотчилардан ушбу йўналишда кенг қамровли илмий изланишлар олиб боришни талаб қилади.

---

[1] Ўзбекистонда политология: (2001 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси материаллари). – Тошкент: «Шарқ», 2002. – 192 б.

[2] «XXI асрда Ўзбекистонда сиёсий фанларнинг тараққиёти»: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: «Фан ва технология», 2019. – 296 б.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Қарори. 2019 йил 29 январь. [Электрон ресурс]. https://lex.uz/docs/4182353

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, мамлакатимизда политология фани эришган ютуқларни сарҳисоб қилиш, унинг назарий ва услубий асосларини янада такомиллаштириш, сиёсатшунослик йўналишидаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, ўзаро илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабида мазкур конференция ўтказилди.

Мазкур тўпламнинг биринчи бўлимига «Сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлашнинг муаммо ва ечимлари»га оид ўндан ортиқ мақолалар киритилган. Унда Ўзбекистонда сиёсатшунос кадрлар тайёрлашнинг бугунги ҳолати Ўзбекистон Миллий университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари мисолида таҳлил қилинган. Булардан ташқари, сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш, жумладан, сиёсий таҳлилчилар тайёрлаш ва сиёсий консалтинг институтини ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган.

«Сиёсатшуносликка оид тадқиқотларнинг назарий-методологик муаммолари» бўлимида эса, мамлакатимизда сиёсий фанларни ривожлантириш ва унинг устувор тадқиқот йўналишлари ҳамда сиёсатшуносликда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш масалалари акс эттирилган.

Тўпламнинг «Сиёсий фанларни ривожлантириш масалалари» бўлимида эса 20 дан ортиқ мақолалар берилган. Жумладан, сиёсий соҳага оид кадрлар тайёрлашда сиёсий конфликтология, сиёсий психология, сиёсий лингвистика, сиёсий социология, сиёсий фалсафа, сиёсий маркетинг, қиёсий сиёсатшунослик, сиёсий технологиялар, сиёсий минтақашунослик, сиёсий таҳлил ва прогнозлаштириш, геосиёсат, этнополитология каби фанларнинг ўқитиш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, политология фанини ўқитиш бўйича мутахассисларнинг турли ёндашувлари келтирилган. Бундан ташқари, сиёсий фанларни ўқитишда олимларимизнинг ислом цивилизациясига оид билимлар, сиёсий маданият ва мафкура борасидаги қарашларига кенг ўрин ажратилган. Политология фанини ўқитиш бўйича АҚШ, Европа давлатлари, Россия Федерацияси ва Қозоғистоннинг илғор тажрибалари таҳлил қилинган ҳамда муаллифларнинг хулоса ва таклифлари берилган.

Республика сиёсатшуносларининг ушбу илмий анжумани мамлакатимизда политологияни янги босқичга кўтаришга ташланган қадамларнинг давоми бўлиб, политология таълимини ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда юқори малакали сиёсатшунос мутахассислар ва етук олимларни тайёрлаш жараёнларини янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби директори, доцент Мурат Иргашевич Атаев

Биринчи бўлим

СИЁСИЙ ФАНЛАР СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Акбар УТАМУРАДОВ, профессор
(Ўзбекистон Миллий университети)

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСАТШУНОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ: ҲОЛАТ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини халқимизга етказиш, минтақа ва халқаро ҳаётда содир булаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни чуқур англаш, мавжуд жараёнларни илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва тизимли таҳлил этиш сиёсий фанлар олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади. Шу сабабли, таълим соҳасида сиёсатшунос мутахассисларни тайёрлаш масаласига мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътибор берила бошланди. Хусусан, 1995 йилда Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб, Университет ректорининг 1995 йил 15 февраль № 01-21 буйруғига биноан Фалсафа факультетининг «Ижтимоий-сиёсий муносабатлар назарияси» кафедраси негизида «Политология» кафедраси ташкил этилиб, политология таълим йўналишига қабул йўлга қўйилди ва сиёсий фанлар соҳасида мутахассисларини тайёрлашда университетда етарли тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар ҳамда педагог кадрлар таркиби шакллантирилди.

1999 йилда 23.00.02. – «Сиёсий фанлар назарияси ва тарихи» мутахассислиги бўйича аспирантура ва 5А310101 – «Сиёсий фанлар назарияси ва тарихи» мутахассислиги бўйича магистратура очилди. 2001-2002 ўқув йилида 5А310106 – «Амалий сиёсатшунослик», 2006-2007 ўқув йилида эса 5А310108 – «Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот-психологик хавфсизлиги», 2007-2008 ўқув йилидан бошлаб «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлана бошланди. Ушбу йўналиш ва мутахассисликларда талаба ёшларда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асослари, сиёсатнинг умумназарий методологик асослари, замонавий сиёсий таълимотлар, сиёсий ривожланиш моделлари, сиёсий ҳокимият, сиёсий жараён таҳлилининг асосий жиҳатлари ва услублаш жараёнларини ўрганишда анализ ва синтез, сиёсий вазиятни таҳлил қилиш, сиёсий технологиялар, сиёсий тизим таҳлилига даврий ўсиш нуктаи назаридан ёндашиш имкониятлари, сиёсий хавф-хатарларни баҳолаш услублари,

сиёсий башорат ва стратегик режалаштириш каби билим ва кўникмаларни шакллантиришга асосий эътибор қаратилди.

Сиёсатшунослик йўналиши бўйича тайёрланадиган мутахассислар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда, давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда, сиёсий қарорлар кабул килишда ўз таклиф ва мулоҳазалари билан фаол иштирок этиши учун кенг имкониятларга эга бўлдилар. 2012 йилга қадар магистратура босқичини тўртта мутахассислик бўйича 122 нафар магистр, бакалавр босқичини 450 нафар талаба тамомлаган. 2008-2009 ўқув йилидан турли сабабларга кўра сиёсатшунослик йўналишига қабул тўхтатилган ва ДТС Классификатордан чиқарилган эди. Республикамизнинг айрим таълим муассасаларида, хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университетида "Жаҳон сиёсати», Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Халқаро муносабаталар», «Жаҳон сиёсати» каби йўналишларида мутахассислар тайёрланиб келинган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, бошқарув тизимининг турли тармоқларида янгича фикрлайдиган, ўз фикри ва позициясига эга бўлган кадрларни жой-жойига қўйиш масаласи янада долзарб масалага айланди.

Сиёсатшунос мутахассисларни тайёрлаш мамлакатимизда рўй бераётган чуқур институционал ўзгаришларни ўрганишда тадқиқотчилар демократлашув ва модернизациялашув жараёнларини ҳар томонлама англаши, уларда иштирок этиши, жараёнларни илмий-сиёсий баҳолай олиши ва Ўзбекистон сиёсий тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқишда амалий аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг алоҳида тамойил сифатида белгиланиши, ушбу вазифани амалга оширувчилар, асосан, мана шу йўналиш мутахассислари зиммасига улкан масъулиятни юклаши ва сиёсатшунос кадрларни тайёрлашга алоҳида эътиборни талаб этиши кун тартибига қўйди. Шу нуқтаи назардан 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб сиёсий фанлар ихтисосликлари бўйича таянч докторантурага квоталар ажратилди.

Ҳозирги вақтда, республикамизнинг олий таълим муассасаларида Илмий кенгашлар ташкил этилиб, уларда фалсафа доктори – PhD илмий даражаси, фан доктори – «Doctor of Science» DSc – илмий даражалар бўйича қуйидаги ихтисосликлар бўйича диссертациялар ҳимоя қилинмоқда:

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида

23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси. Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси;

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар;

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура.

Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузурида

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар;

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузурида

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузурида

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари.

2017-2021 йилларда юздан ортиқ сиёсий фанлар бўйича фалсафа докторлари (PhD), ўндан ортиқ фан докторларининг (DSc) ҳимоялари ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, кейинги ўн йилда сиёсатшунос мутахассислар тайёрланмаганлиги сабабли, мазкур ихтисослаштирилган Илмий кенгашларда, асосан, фалсафа, тарих, миллий ғоя, журналистика ва филология йўналишлари бўйича базавий маълумотга эга бўлган мутахассислар ҳимоя қилмоқда.

Бугунги кунда сиёсий фанлар бўйича ихтисослаштирилган Илмий Кенгашлар фаолият юритаётган экан, унда сиёсатшунослик йўналишида таҳсил олган базавий бакалавр, магистратура мутахассисликлари битирувчилари ҳимоя қилишларига имконият яратилаётгани мамлакатимиз истиқболида амалга ошириладиган дастурлар, концепцияларнинг илмий-сиёсий нуқтаи назардан ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишидаги самарадорлик кўрсаткичларининг ошишига хизмат қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-4139-сонли қарори сиёсатшунос кадрларни тайёрлашда катта ҳуқуқий асос яратди, дейиш мумкин. Қарор асосида 2019-2020 ўқув йилидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, 2020-2021 ўқув йилидан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида, 2021-2022 ўқув йилидан Ўзбекистон Миллий университететида бакалавриат 60310700 – Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугунги кунда Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Жаҳон иқтисодиёти дипломатия университетларида 51207700 – «Жаҳон сиёсати» таълим йўналишида кадрлар тайёрланмоқда.

60310700 – Сиёсатшунослик йўналишида тасдиқланган ўқув режаларида қуйидаги фанлар ўқитилиши режалаштирилган:

Ўзбекистон Миллий университети	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
МАЖБУРИЙ ФАНЛАР	
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (120)	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (120)
Олий математика (150)	Ўзбек (рус) тили (120)
Фалсафа (120)	Жисмоний тарбия ва спорт (120)
Ўзбек (рус) тили (120)	Чет тили (180)
Хорижий тил (180)	Сиёсатшунослик асослари (240)
Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши (90)	Ўзбек (рус) тилининг соҳада қўлланилиши (120)
Жисмоний тарбия ва спорт (60)	Жаҳон сиёсий тарихи (180)
Сиёсий жараёнларни прогнозлаш ва моделлаштиришда информацион технологиялар (240)	Замонавий сайлов технологиялари (120)
Сиёсий тизим (360)	Сиёсий таълимотлар тарихи (180)
Сиёсий таълимотлар тарихи (210)	Иккинчи хорижий тил (720)
Мутахассисликка кириш (150)	Ахборот технологиялари (120)
Сиёсий маданият (150)	Ўзбек ва жаҳон адабиёти (180)
Амалий сиёсатшунослик (150)	Фалсафа (120)
Давлат бошқаруви асослари (270)	Сиёсий конфиликтология (120)
Жаҳон сиёсати (330)	Нотиқлик санъати (120)
Давлат ва ҳуқуқ асослари (120)	Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати (180)
Геосиёсат (150)	Давлат хизмати асослари (180)
Сиёсий конфиликтология (210)	Социология (120)
Сиёсатшуносликни ўқитиш методикаси (150)	Маъмурий ҳуқуқ (120)
Қиёсий сиёсатшунослик (150)	Иқтисодий сиёсат (120)
Сиёсий жараёнларнинг тизимли таҳлили (300)	Сиёсий жараёнларни моделлаштириш (240)
Глобаллашув ва барқарор тараққиёт (480)	Халқаро муносабатлар назарияси (180)
Сиёсий элита ва етакчилик (450)	Сиёсий таҳлил ва башорат (180)
Сиёсат назарияси ва методологияси (510)	Сиёсий технологиялар (120)
	Сиёсий менежмент (180)

ТАНЛОВ ФАНЛАР (талабалар томонидан 8 та фан танланади)	
Сиёсий этикет ва имиж (120)	Бошқарув психологияси (120)**(120)**
Менежмент асослари (120)	Фуқаролик жамияти (120)
Персонал бошқариш (120)	Минтақашунослик (120)
Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг замонавий концепциялари (120)	Амир Темур ва Темурийлар сиёсий бошқарув тизими (120)
Сиёсий технологиялар ва менежмент (120)	Сиёсий маркетинг (120)
Сиёсий социология (120)	БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадлари (120)
Жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг замонавий ёндашувлари (120)	Геосиёсат (120)
Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш (120)	Маънавиятшунослик (120)
Давлат хизмати (120)	Сиёсий тизимлар ва жараёнлар (120)
Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати асослари (120)	Қиёсий сиёсатшунослик (120)
Минтақавий тадқиқотлар (120)	Ўзбекистон давлатчилиги тарихи (120)
Сиёсий технологиялар ва менежмент (120)	Янги Ўзбекистон: назария ва амалиёт (120)
Ахборот хафсизлиги (120)	Ренессанс тарихи (120)
Минтақавий тадқиқотлар (120)	Жадидларнинг миллий ғоялари (120)
Электорал маданият асослари (120)	Партология (120)
Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш (120)	Сиёсат фалсафаси (120)
Электорал маданият асослари (120)	Давлат ва муниципиал бошқарув (120)
Сиёсий менежмент (120)	Давлат хизмати самарасини ошириш (120)
Сиёсий партиявий тизимлар (120)	Жаҳон динлари тарихи (120)
Сиёсий таҳлил ва башорат (120)	Акмеология (120)
Фуқаролик жамияти (120)	Экстремизм ва терроризм генезеси ва таҳдиди (120)
Ўзбекистонда маъмурийислоҳотлар (120)	Ўзбекистонда маъмурий ислоҳотлар (120)
Сайлов тизими ва технологиялари (120)	Сиёсий этика (120)
	Ахборот хавфсизлиги

Эндиги асосий масала ўқув режаларида белгиланган фанлар бўйича замонавий талаблар асосида ўқув-услубий адабиётларни яратиш, рус ва хорижий тилларда нашр этилган ўқув қўлланма, дарсликларни ўзбек тилига таржима қилиш, уларнинг электрон базасини яратиш, дарс бериш жараёнларига амалиётчи сиёсатчиларни жалб этиш, сиёсатшунослик йўналиши мутахассисларини тайёрлайдиган таълим муассасалари ва кафедраларининг самарали ҳамкорлигини таъминлаш, талабаларнинг малакавий амалиётларини (маҳаллий ва халқаро) ўтказишга алоҳида эътиборни қаратиш, мавжуд **сиёсий таҳлил ва «ақл марказлари»** фаолияти билан таништириш имкониятларини яратиш, сиёсатшунослик бакалавриат йўналиши асосида **«Сиёсий фанлар назарияси ва тарихи»** ва **«Амалий сиёсатшунослик»** каби магистратура мутахассисликларини очиш долзарб вазифалардандир. Таъкидлаш жоизки, тайёрланаётган сиёсатшунос мутахассислар минтақамизда ва халқаро миқёсда бўлаётган сиёсий жараёнларни, қабул қилинаётган дастурлар, концепцияларни, сиёсий жараёнлардаги институционал ўзгаришларни шунчаки таҳлил қилиш, муносабат билдириш билан чекланмасдан, балки уларни ривожлантириш, такомиллаштириш, натижадорлигини таъминлаш бўйича аниқ амалий таклифлар бериши – сиёсатшунос мутахассислар мавқеини янада оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Фаридун САТТАРОВ, доктор политических наук
(Университет мировой экономики и дипломатии)

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ ПОЛИТИЧЕСКИХ НАУК В УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ

В Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4139 от 29.01.2019 было принято предложение Министерства иностранных дел и Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан о создании в Университете мировой экономики и дипломатии кафедры «Политология» в целях дальнейшего развития политологии в качестве учебной и исследовательской дисциплины в нашей стране [1]. В Постановлении Президента основными направлениями деятельности кафедры обозначены такие задачи, как обеспечение подготовки высококвалифицированных кадров в сфере политических наук; подготовка

[1] Мирзиеев Ш.М. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности подготовки кадров, фундаментальных и прикладных исследований в области политических наук» (№ПП-4139 от 29.01.2019).

научных и научно-педагогических кадров международного уровня; подготовка учебников, учебных пособий и учебных программ, планов нового поколения; обеспечение высокого уровня преподавания, фундаментальных и прикладных исследований; проведение научных исследований в сфере политологии; а также создание необходимых методологических и учебно-технологических условий для развития инновационных направлений в сфере политических наук. Очевидно, что неотъемлемой частью решения этих задач является внедрение новейших направлений и дисциплин политических наук в учебный процесс как на уровне бакалавриата, так и на уровне магистратуры.

На современном этапе своего развития политология состоит из нескольких взаимосвязанных дисциплин. Эти дисциплины можно разделить на три основные категории: (1) основные, (2) междисциплинарные и (3) прикладные сферы политического образования и исследования. К основным дисциплинам политологии относятся: политическая теория (иногда под названием политическая философия), теория международных отношений и сравнительная политология [1]. К междисциплинарным дисциплинам политологии относятся такие сферы исследования, как политическая социология, политическая экономика, политическая психология и политическая антропология. К прикладным дисциплинам политологии относятся такие дисциплины, как общественная политика (на англ.: Public Policy), политический анализ и прогнозирование (на англ.: Policy Analysis and Forecast), политический менеджмент, политический маркетинг и другие.

Современное разделение политологических наук		
Основные дисциплины	Политическая теория	Изучает политические понятия и ценности, такие как справедливость, власть и демократия, которые мы используем для описания, понимания и оценки политической практики и институтов.
	Теория международных отношений	Исследует международные отношения (МО) с теоретической точки зрения. Три наиболее известные теории международных отношений – это реализм, либерализм и конструктивизм.
	Сравнительная политология	Область в политической науке, для которой характерно использование сравнительного метода или других эмпирических методов для изучения политики внутри стран (а не между ними).

[1] Caramani, Daniele (ed.). 2017. Comparative politics. Oxford: Oxford University Press.

Междисциплинарные сферы	Политическая социология	Изучает социальные основы политических явлений от государства и гражданского общества до семьи, исследуя такие темы, как гражданство, социальные движения и источники социальной власти.
	Политическая экономика	Исследует соотношение политики и экономики, роль политики в таких экономических процессах, как торговля и производство, а также распределение экономических ресурсов в обществе.
	Политическая психология	Область, посвященная исследованию политики, политиков и политического поведения с психологической точки зрения. Рассматривается как подраздел социальной психологии.
	Политическая антропология	Ядром политической антропологии является сравнительное изучение политики в широком диапазоне исторических, социальных и культурных условий на основе полевых исследований.
Прикладные дисциплины	Общественная политика	Исследует общественную политику как курс действий, созданный или принятый, как правило, правительством в ответ на конкретные общественные проблемы на територии государства.
	Политический анализ и прогнозирование	Совокупность методов и подходов, которые используются правительством или государственным служащими для изучения и оценки политических действий, программ и законопроектов.
	Политический менеджмент	Сфера деятельности, которая включает в себя управление политическими кампаниями, политическое консультирование, защиту интересов, лоббирование, предвыборные опросы и т.д.

На основанной кафедре «Политология» Университета мировой экономики и дипломатии, начиная с 2019 года, начали внедрять в учебный процесс политические дисциплины из всех трех категорий – основные, междисциплинарные и прикладные. Из основных предметов есть основы политологии, политическая философия, сравнительная политология. Из

междисциплинарных предметов есть политическая социология, политическая антропология и политическая психология (последние два предмета запланированы на 2022-2023 учебный год). Из прикладных предметов на сегодняшний день в университете преподается политический анализ и прогнозирование.

Уместно заметить, что предмет «Основы политологии» начали преподавать в университете ещё до основания кафедры в 2018 году. Целями освоения данной дисциплины являются:

(а) получение знаний об основных парадигмах, категориях, методах и законах, дающих о себе знать в политике, теоретических концепциях и подходах в политологии в решении ключевых проблем: национального, регионального, глобального планов, имеющих место в современной политической жизни;

(б) способность применять полученные знания в дискуссиях по теоретическим и практическим проблемам политической жизни;

(в) анализ основных норм современной политики с точки зрения классиков политологии;

(г) умение распознавать основные аспекты современного международного политического процесса. Важно отметить, что данный предмет ведется не только среди студентов по направлению «Международные отношения» и «Политология», но также занятия проводятся среди учащихся по направлению «Международное право» и «Международная экономика и менеджмент», что в свою очередь обусловлено необходимостью подготовки высококвалифицированных специалистов в сфере внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан.

Не менее важным предметом в изучении политических наук выступает «Политическая философия», изучающая фундаментальные концепции политики, такие как власть, справедливость, свобода, право и демократия. Как область исследования политическая философия отличается от политической науки (хотя эти две области часто становятся взаимосвязанными), поскольку первая связана с логической и философской интерпретацией политических идей и концепций, тогда как вторая может пониматься как область эмпирического исследования, изучающего существующие политические факты и практики, наблюдаемые в обществе. Иными словами, политическая философия исследует идеи, ценности и концепции, которые обладают значительной нормативной политической значимостью, а политология изучает реальные факты и практику современных политических систем. Знания и навыки, приобретенные в ходе курса, должны способствовать формированию у студентов компетентности в области политической философии, научить систематическому и

квалифицированному анализу информации и принятию рациональных решений на практике.

Сравнительная политология – одна из трех основных дисциплин политической науки, наряду с политической теорией и международными отношениями. Оно имеет дело с внутренними политическими структурами (такими институтами, как парламенты и исполнительная власть), отдельными и коллективными участниками (избиратели, партии, группы интересов, социальные движения), процессами (процессами разработки политики, коммуникации и социализации, политической культурой). Основная цель этой эмпирической дисциплины – описать, объяснить и предсказать сходства и различия между политическими системами различных стран и наднациональными политическими структурами. Сравнительная политология использует как количественные, так и качественные данные. Как изучаемая дисциплина для студентов, основная цель сравнительной политологии состоит в том, чтобы способствовать и развивать чувство критического осознания окружающего нас мира.

Политическая социология – это курс, посвященный отношениям между обществом и политической властью. Основная парадигма в этой дисциплине – дихотомия между государством и гражданским обществом. Основной результат курса – дать студенту возможность синтетического теоретического и аналитического мышления по ключевым теоретическим вопросам взаимоотношений общества и политики. Ожидается, что после завершения этого курса студенты получат более глубокое понимание противоречий между современным государством и гражданским обществом. Исследования политической социологии предлагают понимание современных теорий власти, интересов, изменений и конфликтов и, следовательно, позволяют студентам анализировать глубокие слои политической жизни. Кроме того, они получают способность объяснять динамику социальных и политических процессов.

Следует отметить, что с 2021-2022 учебного года в УМЭДе планируется внедрение таких междисциплинарных политических наук, как *«Политическая антропология» и «Политическая психология».* Политическая антропология – это подраздел социокультурной антропологии, но, как и антропология в целом, она остается невосприимчивой к точному разграничению. Ядром политической антропологии является сравнительное изучение политики в широком диапазоне исторических, социальных и культурных условий на основе полевых исследований. В рамках курса также изучаются властные структуры общества, включая степень консенсуса и модели равенства или неравенства внутри них. Исследуются способы, которыми лидеры устанавливают или укрепляют свой авторитет с помощью традиций, силы,

убеждения и религии. Политическая антропология предлагает интересные идеи по таким вопросам, как национальная идентичность, этнический конфликт, значение монархии и т.д.

Политическая психология, также будучи междисциплинарной академической областью, представляет собой раздел социальной психологии, посвященный пониманию политики, политиков и политического поведения с психологической точки зрения. Политическая психология стремится понять взаимозависимые отношения между людьми и контекстами, на которые влияют убеждения, мотивация, восприятие, познание, обработка информации, стратегии обучения, социализация и формирование отношения. Политико-психологическая теория и подходы применялись во многих контекстах, таких как: роль лидера; формирование внутренней и внешней политики; поведение в условиях этнического насилия, войны и геноцида; групповая динамика и конфликт; расистское поведение; отношение к голосованию и мотивация; голосование и роль СМИ и т.д. По сути, политические психологи изучают основы, динамику и результаты политического поведения, используя когнитивные и социальные объяснения.

Из числа прикладных предметов в настоящее время в УМЭД преподается *«Политический анализ и прогнозирование»*. Как дисциплина, направленная на решение проблем, «Политический анализ и прогноз» опирается на методы, теории и основные выводы социальных наук для решения практических задач политики. Как преподаваемый курс, «Политический анализ и прогноз» предоставляет студентам комплексную методологию анализа и прогноза политики. «Политический анализ и прогноз» основан на предпосылке, что анализ и прогноз политики – это прикладная социальная и политическая научная область, предназначенная для решения практических задач, стоящих перед государственными учреждениями и общественными организациями. Курс помогает студентам развить практические навыки, необходимые для передачи результатов через служебные записки, позиционные документы и другие формы структурированного аналитического письма. Курс привлекает студентов, предлагая им критически проанализировать аргументы политических деятелей, а также политологов, экономистов и политических философов.

На сегодняшний день перед новообразованной кафедрой «Политология» УМЭД стоят две основные задачи, с которыми мы сталкиваемся:

1) кадровый вопрос;

2) приобретение необходимой литературы по преподаваемым предметам.

Так, первой приоритетной задачей кафедры выступает кадровый вопрос, что предполагает нехватку специалистов в преподавании таких узкоспециализированных направлений политологической науки, как «Политическая философия», «Политическая социология», «Политические технологии», «Сравнительная политология» и др. В свою очередь, вышеназванная проблема напрямую связана с задачей обеспечения библиотеки университета необходимой литературой по вышеперечисленным узкоспециализированным предметам. В решении данного вопроса особый акцент делается на приобретении и создании литературы на узбекском и русском языках как в печатном, так и электронном формате.

Следует отметить, что в целях решения этих проблем со стороны руководства университета и деканата факультета «Международные отношения», а также заведующим кафедрой были проделаны следующие шаги:

- на основе подготовки новых кадров в процесс преподавания предметов, а именно для ведения семинарских занятий, были вовлечены докторанты, стажеры-докторанты, а также выпускники магистратуры УМЭД по направлению «Практическая политология», недавно закончившие обучение с отличием наше учебное заведение. Важно подчеркнуть, что молодые специалисты демонстрируют свой энтузиазм и достаточно высокий потенциал в данном направлении;
- для решения вопроса по литературе был подготовлен пятилетний план публикаций по написанию учебников и учебных пособий на узбекском, русском и английском языках. Кроме того, с участием профессорско-преподавательского состава кафедры «Политология» был составлен список новейшей литературы по узкоспециализированным предметам, и далее предоставлен руководству университета для дальнейшего приобретения печатных изданий в библиотеку.

Подводя итоги, новая кафедра видит определённые перспективы дальнейшего развития, которые в первую очередь связаны с обретением статуса центральной координационной кафедры по направлению «Политология» в Узбекистане. Помимо этого, стоит вопрос развития международного сотрудничества с другими зарубежными факультетами вузов, сообществ и ассоциаций по политологии в целях получения опыта и мирового признания. Для реализации этих перспектив, было бы целесообразным создать политологическую школу УМЭД, которая поспособствовала бы развитию научных исследований в данном направлении и получению отечественного и мирового признания как передовая кафедра политических наук.

Садулла ОТАМУРАТОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор
(Тошкент кимё-технология институти)

ПОЛИТОЛОГИЯ – СИЁСАТШУНОСЛИКМИ ЁХУД ФАННИНГ НОМЛАНИШИДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР ВА МУАММОЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Политология фан сифатида мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина олий ўқув юртларида ўқитила бошланди. Бугунги кунгача бу соҳада кадрлар тайёрланиб келинмоқда ва илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда, фундаментал изланишлар олиб борилмоқда, олий ўқув юртлари талабалари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда, соҳанинг етакчи олимлари томонидан бир қатор монографиялар, илмий мақолалар эълон қилиниб, илмий-назарий конференциялар ўтказилмоқда. Айтиш мумкинки, фанни ривожлантириш ва уни оммалаштириш бўйича мамлакатимизда сезиларли ишлар амалга оширилди. Аммо, бу фанда мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, ёшларимизнинг сиёсий онги ва маданиятини ривожлантириш, сиёсий жараёнлар башоратини (прогнозлаштириш) илгари суриш, ҳокимият тармоқларининг мувозанатда фаолият кўрсатиши муаммоларини таҳлил қилиш ва тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқиш, сиёсий партияларнинг ҳокимиятни эгаллаши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш бугунги тараққиётимиз эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Ана шу масалалар қаторида фаннинг номланишидаги чалкашликларни бартараф этиш ҳам кун тартибида турибди.

Политология 2,5 минг йиллик тарихга эга бўлиб, у юнон тилида «Polis, logos» – давлат, ижтимоий иш ва уни ўрганиш таълимоти маъносида пайдо бўлган, кўпчилик ҳолларда сиёсат ёки **давлатни бошқариш санъати** маъноларида қўлланилиб келинган. Кейинчалик давлатчиликнинг ривожланиши, ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда содир бўладиган муаммоларнинг ортиб бориши ва уларнинг ечимлари ҳақида илмий асосланган таълимотлар ҳамда концепцияларга эҳтиёжларнинг кучайиши натижасида у бутун дунё миқёсида оммалашиб борган. Бугунги кунда «Политология» мустақил ўқув фани сифатида дунёнинг кўпгина мамлакатлари олий ўқув юртларида ўқитилиб келинмоқда. Аммо, Ўзбекистонда унинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва олий ўқув юртларида ўқитилиши, тўғрироғи, ўқитилмаётганлиги борасида муаммолар мавжуд. Энг аввало, унинг номланиши билан боғлиқ масала ҳақида фикр юритиб кўрайлик.

Маълумки, бугунги кунда политология тушунчаси ўзбек тилига таржима қилиниб «сиёсатшунослик», «сиёсатдонлик» каби маъноларни ифода этмоқда. Албатта, гап бу тушунчаларни ишлатмаслик ҳақида кетаётгани йўқ, балки уларнинг ҳар бирини ўз ўрнида, уларда кўзланган

мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қўллаш ҳақида кетмоқда. Лекин уларнинг ҳар иккаласи ҳам политология фанининг мазмун-моҳияти ва унинг кенг қамровли объектини ўзида тўла ифода эттирмайди. Чунончи, «сиёсатшунослик» номланишидан кўриниб турибдики, унинг объекти «сиёсат», сиёсатнинг намоён бўлиш жараёнлари, «сиёсатдонлик» эса сиёсатни қай даражада билиш, ўрганилганлик даражаларини англатади. Албатта, уларнинг ҳар иккаласи ҳам давлат ҳокимияти фаолиятларига бўладиган муносабатларда намоён бўлади. Шу маънода улар «политология»дан бутунлай узоқ тушунчалар эмас, балки унинг таркибий қисмларини ташкил қилади. Политологиянинг қамрови кенг бўлиб нафақат «сиёсат»ни, шунинг билан бирга давлатнинг сиёсий фаолияти, жамиятдаги сиёсий жараёнлар, сиёсий партиялар ва гуруҳларнинг ҳокимиятни ташкил қилиш ва бошқаришдаги амалий фаолиятлари билан бир қаторда, сиёсий ҳокимиятнинг моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларни, жаҳон мамлакатларининг сиёсий ҳаёти ҳамда умумбашарий муаммоларнинг сиёсий жиҳатларини, демократик қадриятларнинг шаклланиш ва амал қилиш жараёнлари, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари каби масалаларни ўрганади.

Ҳар қандай жамият ҳаётида сиёсий ҳокимият муҳим ўрин тутади ва уни кимлар бошқариши, қандай мақсадга йўналтирилиши мамлакат ҳаётини ҳамда истиқболини белгилаб беради. Жамиятнинг сиёсий ҳокимияти, бу ҳокимиятнинг моҳияти ва тузилишини аниқлаш, унинг тақсимланишидаги мувозанат ҳамда механизмларини билиш политология фанидаги муҳим масалаларни ташкил қилади. «Сиёсатшунослик» ва «сиёсатдонлик» келтирилган масалаларнинг ҳаммасини эмас, балки фақат «сиёсат»ни, унинг моҳияти, шаклланиши ва амал қилиши билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этади. «Политология»ни «сиёсатшунослик» ёки «сиёсатдонлик» деб таржима қилиш унинг мазмун-моҳияти ва ўрганадиган масалаларни ўзида тўла ифода этмайди. Фикримизча, фаннинг номини миллий тилларга таржима қилишда ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, дунёда эътироф этилган ва умуминсоний аҳамият касб этган кўпгина фанлар миллий тилларга таржима қилинмасдан ягона номда қабул қилинган. Уларнинг миллий тилларга таржима қилиниши фанларнинг мазмун-моҳияти ва ўрганадиган масалалар қамровини ҳам ўзида тўла мужассам этмайди. Шу маънода, мамлакатимизда «политология»нинг ўз номида қўлланилиши «сиёсатшунослик» ва «сиёсатдонлик»ни фан сифатида эмас, балки унинг мустақил мавзулари сифатида ўрганиш тўғри бўлади. Чунки, дунёда бундай номда фанлар йўқ. Ўзбек тилида бу тушунчаларни муаммоларнинг қўйилиши ва илгари сурилаётган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қўллаш мумкин, лекин мустақил фан сифатида қўллаш дунёда эътироф этилиб келинаётган «политология»нинг нуфузи ва моҳиятини акс эттирмайди, шу маънода уни ўз номи билан аташ мақсадга мувофиқдир. Лекин тор доирада сиёсатни ўрганадиган махсус курс тарзида ҳам «сиёсатшунослик»ни ўрганиш мумкин.

Мавзудаги иккинчи масала бугунги кунда Ўзбекистонда политологиянинг муаммолари ва олий ўқув юртида ўқитилиши масаласи билан боғлиқ. Аввало, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда политологиянинг фан сифатида шаклланиши борасида мустақиллик йилларида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, унинг барча олий ўқув юртларига ўқув фани сифатида киритилганлиги катта воқеа эди. Чунки бу талабаларимизнинг сиёсий онги, сиёсий маданиятини ривожлантиришга қаратилган хайрли қадам бўлиб, дунёнинг тараққий топган мамлакатлари каби Ватанимизда демократик қадриятларни шакллантиришга қаратилган фаолиятининг ифодаси эди. 1998 йили биринчилардан бўлиб профессорлар И. Эргашев, А. Қодиров, Ш. Акромов ва камина ҳаммуаллифлигида тайёрланган «Политология» ўқув қўлланмаси «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилди[1]. Ундаги «Халқаро терроризм» мавзусини нашриётни назорат қиладиган **цензура** (бу пайтда ҳам улар ўз фаолиятини давом эттираётган эди)дан ўтказишимиз анча қийин бўлган эди. Бу мавзуни талабаларга ўқиш тўғри бўлмайди, деб туриб олишган. Қўлланма босмадан чиқиб олий ўқув юртларига етиб бормасданоқ, 1999 йилга келиб Тошкентда террористларнинг ваҳшиёна ҳаракатлари содир бўлди. Ундан кейин бу мавзуда кўплаб мақолалар, монографиялар ва ўқув қўлланмалар тайёрланди. Ҳаммуаллифликда тайёрланган «Политология» ўқув қўлланмамиз олий ўқув юрти талабаларига мўлжаллаб чиқарилган дарсликлар ўртасида биринчи ўринни олди ва муаллифлар олий таълим вазирлиги томонидан мукофотландилар. Ундан кейин ҳам «Политология» бўйича турли олимларимиз томонидан бир қатор ўқув қўлланмалар эълон қилинди. Аммо, вақт ўтиши билан тараққиётга бир томонлама қаровчи технократ раҳбарларнинг ташаббуслари, тиниб-тинчимай қилган ҳаракатлари билан нафақат «Политология», балки «Социология», «Диншунослик», «Маънавият асослари», «Фанларнинг фалсафий муаммолари» ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар улардан мутахассис тайёрланмайдиган олий ўқув юртларида ўқитилиши бекор қилинди. Ҳайратланарли жиҳати шу бўлдики, унинг ўқитилишини бекор қилишдаги ташаббускорлар фикрича, олий ўқув юртларида бу фаннинг ўқитилиши мутахассислик фанларнинг вақтини олади ва тайёрланаётган мутахассисларнинг сифатли кадр бўлишларига ўзининг салбий таъсирини ўтказар эмиш. Ваҳоланки, худди ана шу фанлардан бехабар талабалар бир томонлама билимга эга кадрлар бўлиб етишишини, кеч бўлса ҳам дунёнинг тараққий топган мамлакатлар таълим соҳасининг мутахассислари тушуниб етганлар. Улар бу фанларни ўқитишни давом эттирмоқдалар.

Бу масалада шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳондаги ривожланган мамлакатларда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитилиши жараёнини ўрганишимиздан маълум бўлдики, уларнинг кўпчилигида

---

[1] Отамуратов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. «Политология» ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 254 б.

«Политология» мустақил фан сифатида ўқитилмоқда. Бундан ташқари, хусусий олий ўқув юртларида ҳам «Ижтимоий-гуманитар» фанлар давлат буюртмаси сифатида ўқитиларди. Фақат улар Ўзбекистондаги ижтимоий-гуманитар соҳадаги мавжуд номларда эмас, балки мутахассисликка яқин бўлган номларда ўқитилар, улар 5-6 та фанни ташкил қилар экан. Албатта, ҳар бир мамлакат ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мутахассис тайёрлайди. Аммо биронта мамлакат ўзи тайёрлаётган мутахассисларнинг сиёсий онги, маданияти ривожланмаган, маънан ва ахлоқан қашшоқ кадр тайёрлашдан манфаатдор бўлмайди. Чунки ўз соҳасининг сир-асрорларини юксак даражада эгаллаган мутахассисни тайёрлаш мумкин, аммо унинг касбий ва маънавий сифатлари етарли даражада ривожланган бўлмаса, Ватан, миллат ва жамият манфаатларидан бегоналашган кадр бўлиб етишиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу борада бугунги кунда матбуотда турли соҳа мутахассислари ўзларининг фикрларини билдирмоқдалар. Бу ўта муҳим масала бўйича Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Янги Ўзбекистон стратегияси»да қуйидагилар таъкидланган: «Афсуски, айрим калтабин мулозимларнинг «ижтимоий фанлардан фойда йўқ» қабилидаги ножўя қарашлари оқибатида ушбу фанларнинг салмоғи ва сифати тушириб юборишга йўл қўйилди»... Бу муаммони ҳал қилиш вазифаси ҳақида Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан «Таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларни қай тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт соатларини қандай ташкил этишга доир махсус концепцияни ишлаб чиқиш зарур эҳтиёжга айланган»[1]лиги белгилаб берилди. Ушбу вазифани амалга ошириш республика олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни самарали йўлга қўйиш ва уларнинг нуфузини кўтаришга хизмат қилади. Энг асосийси, уларнинг ўқитилиши ёшларимизда ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик сифатларининг ривожланишига ва миллий ўзликдан бегоналашув каби салбий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англаб етишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Албатта, бугун «Янги Ўзбекистон»нинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларни яратиш керак бўлади. Бунда муаллифлар жамоаси фаол иштирок этишлари мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда политология фани олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунгача **ўтган даврда бу фан тўлалигича шаклланиб, ўрганилиши керак бўлган муаммоларни тўла ўрганаётир деб айта олмаймиз.** Боз устига бугун Ўзбекистонда политология фани ўрганиши зарур бўлган муаммолар бўйича илмий тадқиқот институтлари ёки марказлар ҳам деярли йўқ ҳисобида. Агар жаҳоннинг тараққий топган мамлакатлари тажрибаларига қарайдиган бўлсак, уларнинг айримларида битта эмас, бу фаннинг муаммоларини ўрганадиган 3-4 талаб илмий тадқиқот институтлари, ундан ташқари,

[1] Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 232-235.

аналитик марказлар ва гуруҳлар фаолият кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бугун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олаётганлигини, сиёсий жараёнларда иштирок этаётганлигини ва демократик қадриятларни ривожлантиришга бераётган эътиборини ҳисобга олсак, бу фаннинг турли йўналишларини ўзида мужассамлаштирган илмий тадқиқот институти ва илмий-амалий марказларига эҳтиёж ошиб бормоқда. Ҳеч бўлмаганда политология, социология ва фалсафанинг долзарб масалаларини ўрганадиган илмий тадқиқот институти ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлган бўлур эди. Бугун фуқароларимизнинг сиёсий онги ўсиб бораётгани, уларни бу жараёнларда фаоллаштираётган ОАВ ва турли технологик коммуникацияларнинг кучайиб бориши шароитида илмий асосланган ғоялар ҳамда концепциялар билан таъминлаш, жамиятимизнинг сиёсий барқарор ривожланишига ва фуқароларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол қатнашишларига ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда политологиянинг кўплаб муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш лозим. Улар ҳокимият тармоқларининг мувозанатда ишлашини таъминловчи «механизмлар», тўртинчи ва бешинчи ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатлари, демократик қадриятлар ривожланишидаги муаммолар, сиёсий бошқарув тизими, марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатлари, соҳадаги муаммолар, сиёсий партияларнинг сиёсий жараёнлардан орқада қолаётганлигига сабаб бўлаётган омиллар ҳамда уларнинг ечимлари, ёшларда сиёсий онг ва сиёсий маданиятни ривожлантириш, сиёсий модернизация жараёни билан боғлиқ масалалар, янги Ўзбекистонда сиёсий бошқарувда кадрлар сиёсати, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг долзарб масалаларини ташкил қилади.

Фикримизча, бугунги кунда тўртинчи ва бешинчи ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Айниқса, бешинчи ҳокимият – жамоатчилик фикри ҳокимияти умуман ўрганилмасдан қолмоқда[1]. Мамлакатимизнинг сиёсий жиҳатдан барқарор ривожланишида фуқаролар билан давлат ҳокимиятининг мувозанатдаги муносабатлари асосий омилдир. Аммо, унга эришиш ниҳоятда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки, унинг нафақат объектив, шунинг билан бирга субъектив сабаблари ҳам мавжуд. Ана шу омилларнинг мазмун-моҳияти, амал қилиш ҳолатларигина эмас, балки динамикасини йилнинг чорак кесимларида изчиллик билан ўрганиб бориш ва тегишли илмий тавсияларни мамлакат сиёсий бошқарув тизимида фаолият кўрсатаётган идораларга тақдим қилиб бориш амалий аҳамиятга эга бўлади.

Хуллас, юқорида келтирилган масалаларни ва ҳали тўлалигича келтирилмаган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, ўрганиш, уларнинг ечимларига фундаментал илмий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда «Политология» фанидаги долзарб вазифалар сирасига киради.

---

[1] Қаранг: Отамуратов С. Миллий тараққиёт ҳамда «бешинчи ҳокимият»: муаммо ва ечимлар. «Халқ сўзи», 17 сентябрь, 2020 йил.

Ибадулла ЭРГАШЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор,
Бархаётжон АБДУЛЛАЕВ
(Ўзбекистон Миллий университети)

СИЁСАТШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ДУНЁ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ҳозирги даврда сиёсий фанларнинг олдида турган муҳим вазифадир. Бу сиёсий ҳаётда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар, ундаги ўзгаришлар ва сиёсатшунос кадрларга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжлар билан боғлиқ. Буни ҳозирги глобаллашув жараёни ҳам тақозо этади.

Жамият сиёсий ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри баҳолаш учун ҳам сиёсатни билиш, унинг моҳиятини тушуниш ва сиёсий ҳаётга нисбатан қўйиладиган янгича талаблар ҳамда унинг индикаторларини аниқ ҳисобга олиш зарур. Бунда инсонларнинг сиёсат соҳасида ўзининг мустақил сиёсий фикрига, аниқ фуқаролик позициясига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Яъни инсонлар сиёсат билан шуғулланиши, сиёсатга қизиқиши ҳозирги даврнинг муҳим талабидир. Буни турли хил йўллар билан амалга ошириш мумкин. Хусусан, шу соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳамда фундаментал назарий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш унинг истиқболли муҳим йўналишидир. Бу борада республика олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган концепцияси муҳим манба бўла олади.

Мустақиллик туфайли сиёсат ва сиёсий фанларни ўқитиш ҳамда соҳа бўйича кадрлар тайёрлашнинг мақсад, вазифалари ўзгармоқда, шунингдек инсон-жамият-давлат манфаатлари тизимида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга байрам табригида таъкидланганидек, илгари амал қилиб келган «давлат – жамият – инсон» тамойилини «инсон – жамият – давлат» деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш зарур[1]лиги билан ҳам аҳамиятли. Республикамиз Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 29 январда қабул қилинган ПҚ-4139-сонли Қарори[2] сиёсий фанлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. https://president.uz/uz/lists/view/4815 (мурожаат санаси: 15.12.2021).

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019

соҳасида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин. Қарорда илғор хорижий тажриба ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида сиёсатшунослик фанлари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, жаҳон сиёсатидаги энг янги тренд ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро даражадаги илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, «Сиёсатшунослик» фани бўйича ўқув жараёнини мазмун жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари ва режаларини тайёрлаш масалалари белгилаб олинди. Шунга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021-2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон Қарорига [1] мувофиқ. Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бакалавриатга 25 та, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультетида 25 та, Тошкент давлат шарқшунослик университетида бакалавриатга 50 та, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати мутахассислиги бўйича магистратурага 15 та, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бакалавриатга 50 та, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати ихтисослиги бўйича 15 та, амалий сиёсатшунослик бўйича 15 та магистр тайёрлаш учун давлат буюртмаси параметрлари белгиланди.

Маълумки, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультетида 60310700 – сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Таълим йўналишининг ўқув меъёрий ҳужжатлари – малака талаблари, ўқув режаси, фан дастурлари, ишчи дастурлар ишлаб чиқилди.

Сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш борасида дунёда ўзига хос тажриба тўпланган. Европада сиёсий фанлар ўқув фани сифатида халқаро ва миллий даражада 50 йилдан ортиқ вақт давомида ўқитиб келинмоқда. Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, бу фанларни ўқитиш масаласига Европада сўнгги пайтларда иккита сабабга кўра, янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Гарчи, сиёсий фанлар доирасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, ушбу фанларни ўқитиш масаласидан кўра «қизиқроқ» бўлса-да, малакали сиёсатшуносларнинг аксарияти илмий тадқиқотдан кўра, ушбу фанларни ўқитиш билан кўпроқ шуғулланади. Бу эса ўз навбатида, Европа олий таълим тизимида сиёсий фанларни ўқитиш масаласи долзарблигини англатади. Ҳозирги кунда Европада сиёсий фанлар олий таълим тизимида

йил 29 январда қабул қилинган ПҚ-4139-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2019 й., 07/19/4139/2544-сон. https://lex.uz/docs/4182353 (мурожаат санаси: 15.12.2021).

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.06.2021 й., 07/21/5157/0591-сон. https://lex.uz/docs/5472291 (мурожаат санаси: 15.12.2021).

таҳсил олаётган талаба ва тингловчилар сиёсий онги ва маданиятини шакллантиришга бир сўз билан айтганда, сиёсий таълим ва тарбия соҳасига йўналтирилган. Европада сиёсий фан тараққиёти масалаларини тадқиқ қилган Д. Клингеманн берган маълумотга кўра, Марказий ва Шарқий Европанинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирган 10 та давлатида 4000 дан ортиқ бўлган илмий ходимга эга бўлган 168 та университетда 160 мингта талаба сиёсий фанлар бўйича таҳсил олмоқда [1]. Олий таълим муассасаларининг давлат томонидан молиялаштирилиши, ҳукуматнинг аниқ сиёсий мақсадларга қаратилган интилишлари ушбу фанларни ўқитиш масаласида устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Масалан, сиёсий фанларни ўқитиш борасида илмий-назарий қарашларни баён этган профессор Эрдал Фират хорижда сиёсий фанларни ўқитишга хос иккита ёндашувни ажратиб кўрсатади[2]. АҚШга хос хусусият шундаки, сиёсий фанларни ўқитиш жараёни илмий тадқиқот ва амалий жараёнлар билан ҳамкорликни тақозо этади. Ушбу фанлар соҳасида кадрлар тайёрлайдиган университетлар сиёсий фанлар соҳасидаги илмий тадқиқот марказлари орқали давлат даражасида долзарб бўлган муаммолар, улар билан боғлиқ амалий дастурларда профессор-ўқитувчиларнинг иштироки ва шу орқали университетга қўшимча маблағларни жалб этишга йўналтирилган. Европанинг сиёсий фан таълимида сиёсатнинг назарий масалалари билан шуғулланиш кўпроқ устуворлик қилади.

Россия Федерациясида 1980-90 йилларда профессионал сиёсатшуносларни тайёрлаш йўлга қўйилиб, сиёсатшуносликни ўқитиш бўйича дастлаб давлат таълим стандартлари шакллантирилди, илмий монография ва ўқув қўлланмалар нашр этилди. 2000-йилларнинг бошида тадқиқотчи Т.А. Алексееванинг берган маълумотига кўра, Россияда 300 та сиёсатшунослик ва ёндош фанлар бўйича кафедралар фаолият кўрсатиб, уларда 3 мингдан ортиқ мутахассис фаолият олиб боради [3]. Россияда сиёсатшунослик фани умумий ўрта таълимнинг 10-11-синфларида танлов фани сифатида киритилган бўлиб, бу ҳолат олий таълимда ўқишини давом эттираётган бўлғуси мутахассислар учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва фанларни ўқитишда ҳамда ёшларнинг бугунги сиёсий жараёнларни тушунишида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Миллий университетида сиёсатшунослик таълим йўналиши биринчи семестрида «Мутахассисликка кириш» фани ўқитилади. Ушбу фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга «Сиёсатшунослик» фани ўрганаётган масалалар доирасини ҳар томонлама очиб бериш, фаннинг асосий тадқиқот йўналишлари, замонавий жамиятда содир бўлаётган сиёсий

---

[1] Қаранг: Клингеманн Д. Политическая наука в Западной Европе. Издательство: Аспект-Пресс, 2009.

[2] Қаранг: Erdal Firat. Future trends in teaching political science - a 20 year perspective. Sosyal Bilimler Dergisi / The Journal of Social Science,Yıl: 5, Sayı: 29, Ekim 2018, s. 1-30.

[3] Алексеева Т.А., Соловьев А.И., Коваленко В.И., Ирхин Ю.В., Капустин Б.Г., Комаровский В.С., Ķализе М., Хонг-Мьонг. Дискуссия «Современные проблемы преподавания политической науки в высшей школе» (Материалы международной конференции) // Полис. 2001. №5. С. 123–153.

жараёнлар тўғрисида яхлит билим бериш бўйича дастлабки билим ва кўникмалар шакллантирилади. «Мутахассисликка кириш» фанини ўқитишнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

«Сиёсатшуносликка кириш» фанининг предмети, мақсад ва вазифалари;

- илк сиёсий қарашлар ва назарияларнинг пайдо булиши ҳамда ривожланиш босқичлари;
- мустақиллик ва сиёсий фанларда янгича сиёсий ғоялар ва ёндашувлар;
- сиёсий назариялар ўқув фани сифатида, сиёсий тадқиқотлар методологияси ва унинг характери;
- сиёсий ҳокимият, унинг субстанционал хусусиятлари ва кўринишлари.
- жамиятнинг сиёсий тизими тушунчаси ва тузилиши, сиёсий тизим ва сиёсий режим (тартибот);
- сиёсий институтлар ва сиёсий партиялар;
- демократик эркин сайловлар ва технологиялар;
- замонавий демократия ва унинг йўналишлари;
- сиёсий маданият ва унинг типологияси;
- сиёсий мафкура кўринишлари ва намоён бўлиш шакллари;
- сиёсий онг ва психология, унинг ўзига хос хусусиятлари;
- оммавий ахборот воситалари ва ахборот коммуникация тизими;
- халқаро сиёсат ва муносабатлар мақсадлари ҳамда тамойиллари.
- Ўзбекистон халқаро сиёсат ва муносабатлар субъекти тушунчалари бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиришдир.

Талабалар бу фанни ўзлаштириш орқали сиёсат, сиёсий ҳаёт, сиёсий жараёнлар тўғрисидаги дастлабки билим ва кўникмага эга бўлади. «Мутахассисликка кириш» фанини ўқитишнинг зарурлиги шундаки, кейинги мутахассислик фанларини ўқишга ва ўзлаштиришга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ундаги ҳар бир мавзу бўйича алоҳида фан ва махсус курслар ўқитилади. Уларни кейин қандай ўзлаштириши «Мутахассисликка кириш» фанини қандай ўзлаштирганига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу предмет дунё мамлакатларида Сиёсий фанларга кириш, МДҲ мамлакатларида сиёсатшуносликка кириш, бизда эса, «Мутахассисликка кириш» фани сифатида ўқитилади. Дунё давлатларида сиёсий фанлар бўйича фан дастурларининг мавзулар бўйича таҳлилини қиёсласак, мавзулар бир-бирига яқин, фарқли жиҳатлари ҳам бор.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълимда «Сиёсатшунослик» фани ўқитилмайди, хорижда эса, умумий ўрта ва ўрта махсус таълимда сиёсий фанларни ўқитиш йўлга қўйилган[1]. Шу жиҳатдан сиёсатшунослик таълим йўналишига ўқишга кираётган ёшларнинг сиёсий билим даражалари ҳар хил.

---

[1] Абдуллаев Б.Б. Сиёсий фанлар - Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг муҳим мезони. ЎзМУ хабарлари. 2020, ¼. Тошкент, 2020.

Улар орасида шундай ёшлар борки, улар олдиндан сиёсатга қизиқиш билан қараган ва ўзининг қизиқиши, иқтидоридан келиб чиққан ҳолда, шу таълим йўналишида таълим олмоқда. Албатта, бундай талабалар ёшларнинг бошқа тоифаларига позитив таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Бизнингча, сиёсий фанлар бўйича кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги ва бакалавр сиёсатшунос мутахассисларнинг тайёрланаётганлигига муҳим ютуқ деб қарашимиз лозим. Чунки ёшлар – сиёсатнинг муҳим стратегик ресурси ҳисобланади. Биз демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этар эканмиз, унда сиёсатни яхши тушунган мутахассис кадрлар тайёрланиши ҳамда давлат ва жамият қурилишида фаол иштироки шу соҳани профессионал компетентликка эга бўлган кадрлар билан таъминлашга ёрдам беради. Умуман олганда, сиёсатшунослик таълим йўналишининг очилиши ўзининг истиқболига эга.

Хулоса қилиб айтганда, *биринчидан*, мамлакатимизда сиёсатшунослик соҳасида кадрлар тайёрлашни амалга оширила бошланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, сиёсий фанларни ўқитишда дунё мамлакатларида ўзига хос тажриба мавжуд. Бунда, Европа, АҚШ ва Россия тажрибаларини ўрганиш, сиёсий фанларни ўқитишда уларга хос умумий ва ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олиш ҳамда таълим жараёнида ундан фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, сиёсий фанларни ўқитишда умумтаълим мактаблари имкониятларидан ҳам фойдаланиш зарур. Тарбия фанларини ўқитишда сиёсий фанларга оид билимларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Тўртинчидан, сиёсий фанларни ўқитишни олий таълим муассасаларининг ўқув режасига киритишни ўйлаб кўриш керак. Бу ёшларнинг сиёсий онг ва маданиятини юксалтиришда, сиёсий фаоллигини оширишда ҳамда жамият сиёсий ҳаётида бўлаётган сиёсий воқеаларга онгли муносабат билдириш, унинг яхши-ёмон томонларини фарқлаган ҳолда баҳо беришга имконият яратади. Бугунги ахборотлашган жамиятда бунга бўлган талаб ва эҳтиёж ошиб бораверади.

Бешинчидан, сиёсий фанларни ўқитишда кўпроқ Европа ва бошқа айрим давлатлардаги анъаналарга таяниш керак. Шарқдаги сиёсий қарашлар билан боғлиқ манбалардан ҳам фойдаланиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эгалигини таъкидлаш зарур. Бу Шарқ ва Ғарбдаги сиёсий назариялар ҳамда қарашларни янада бойитишга хизмат қилади.

Олтинчидан, дунё тажрибасига таянган ҳолда сиёсий фанларни ўрганиш ва ўқитишда уни сиёсий тадқиқот марказлари, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш билан узвий алоқадорлигини таъминлаш асосида тегишли лойиҳалар, таклиф ва тавсияларни олиш ҳамда унга таяниш зарур. Бу сиёсий ҳаётдаги реал муаммоларни аниқроқ кўришга ва конструктив таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишда стратегик аҳамиятга эга. Сиёсий фанларни фақат назария сифатида эмас, амалий ҳаёт билан боғлаб ўрганишда конструктив имкониятларни такомиллаштириб бориш лозим.

Бектош БЕРДИЕВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Ўзбекистон халқаро ислом академияси)

ПРОФЕССИОНАЛ СИЁСАТШУНОСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ ИМИЖИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви тобора жадаллашиб, Янги Ўзбекистон сифатида халқаро ҳамжамият томонидан имижи жадал юксалаётган давлат сифатида эътироф этилаётганлиги сиёсатшунослар олдига улкан вазифаларни қўйиши табиий. Сиёсий фанларда кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асосларини ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш, глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, шу асосда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди[1].

Хўш, бу борада нималар ўзгарди, нима янгиликлар рўй берди, мамлакат раҳбари томонидан қўйилган вазифалар ижроси қандай таъминланмоқда? Дунё сиёсий фанлари билан интграциялашув, фаннинг концептуал муаммоларини тадқиқ қилиш ва истиқболларига доир йўналишларни кенгайтириш борасида янгидан-янги изланишлар амалга оширилдими?

Бизга маълумки, дунёда турли кучлар ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, жаҳон миқёсида ресурслар учун шафқатсиз курашлар тобора ортиб бораётганлиги, миллий хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан кутилмаган таҳдидларнинг вужудга келаётганлиги ва энг асосийси, бундай шароитда жамият ва давлат барқарорлигини сақлаш эҳтиёжи бошқа фанлар қаторида Ўзбекистонда сиёсатшуносликнинг ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Дунё миқёсида инсоният тараққиётини белгилашга хизмат қилаётган, давлатлар, миллатлар ва халқлар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг ривожланишини таъминлаб бераётган сиёсий фанлар Ўзбекистон учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистонда сиёсатшуносликнинг фан сифатида шаклланганлиги ва маълум бир босқичларни босиб ўтганлигига

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Қарори. 2019 йил 29 январь. [Электрон ресурс]. https://lex.uz/docs/4182353

чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Ўтган йилларда кўплаб сиёсатшунослар етишиб чиққанлиги, уларнинг турли давлат тузилмаларида, органлари ва бошқарув бўғинларида самарали фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида эътироф этмоқ лозим. Шунингдек, уларнинг кўпчилиги олий таълим даргоҳларида, турли таҳлилий тузилмалар ҳам сиёсий баҳолаш, эксперт фикрларини ишлаб чиқиш, маълум бир сиёсий жараёнларни таҳлил ва прогноз қилиш каби вазифаларда ўрни ҳам беқиёс бўлаётганлигини қайд этиш лозим. Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда сиёсий фанлар доктори, сиёсий фанлар номзоди, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), сиёсий фанлар доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлган кўплаб сиёсатшунос олимлар фаолият юритаётганлигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг 35 миллионли аҳолига эга мамлакат учун салмоғи ҳали ҳам кам эканлигини айтиш жоиз.

Аслида янги Ўзбекистонда сиёсатшуносликка, ҳақиқий сиёсатшуносларга бўлган талаб ниҳоятда юқори. Чунки, мамлакатда тобора жадаллашиб бораётган демократиянинг асл муваффақияти ҳам сиёсатшуносларга, улар томонидан амалга оширилаётган сиёсий таҳлиллар ва тавсияларга ҳар томонлама боғлиқ. Айниқса, бугунги кун мамлакат сиёсий ҳаётида тобора роли ортиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий савияси ва фаоллигини, компетенциясини юксалтиришда ҳам сиёсатшуносларнинг ўрни ниҳоятда муҳим эканлигини, аввало, жамият англаб етмоғи лозим.

Лекин, гоҳида афсус билан қайд этиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсатшунослик, умуман, сиёсий фанлар бошқа кўплаб фанлар қатори ўзини тўлиқ намоён қила олаётгани йўқ. Бу биринчи галда, даврий узилиш, яъни 2010 йилларда мамлакатда сиёсатшуносликнинг фан сифатида ривожланиши тўхтатиб қўйилиши, иккинчидан, бу борада ҳақиқий мутахассисларга нисбатан муносабатнинг ўзгарганлиги билан боғлиқ бўлганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Ҳозирги кунда бундай ташкилий муаммолар бартараф этилганлигига қарамасдан, сиёсатшуносликни фан сифатида дунё даражасига кўтарилди, дея олмаймиз. Албатта, бунинг бир қатор сабаблари бўлиб, уларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, мамлакатда сиёсий фан намояндаларининг халқаро миқёсга чиқа олмаётганлиги, АҚШ, Европа сингари сиёсатшунослик фани тараққий этган мамлакатлар билан муносабатлар, илмий алмашинувлар даражасининг ниҳоятда пастлиги, бу эса фаннинг маълум даражада биқиқликка дуч келганлиги билан ҳам изоҳланади. Шунингдек, бунинг асосий сабабларидан бири сифатида олимларнинг аксарият қисми хорижий тилларни билмаслиги, бу эса дунёнинг турли мамлакатлари университетлари ёки эксперт гуруҳлари ичида маърузалар билан иштирок эта олмаслиги кабиларга ҳам таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, сиёсий фанлар, умуман, сиёсатшуносликнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатадиган, шунингдек, унинг турғунлигини таъминлаётган яна бир омил, сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш, уларга замонавий талаблар асосида таълим бериш, малакасини ошириш, таҳлилий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёнларини йўлга қўйиш, дарсликлар ва қўлланмалар билан таъминлаш муаммоларидир. Ҳозирги даврда сиёсатшунос мутахассисларини тайёрлайдиган деярли барча ОТМларда давлат тилидаги адабиётлар билан таъминлаш борасидаги муаммолар долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Учинчидан, мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари, биринчи галда, сиёсий партиялар ва ННТлар учун сиёсатшунослар сув ва ҳаводек зарур бўлса-да, ушбу партиялар Марказий Кенгашларидан тортиб, ҳудудий ташкилотларига қадар, умуман, сиёсатга, сиёсатшуносликка алоқаси бўлмаган мутахассислар ишлаётганлиги, олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар эса иш тополмаётганлиги ҳам бугунги куннинг реаллигига айланганлигини эътироф этмоғимиз лозим.

Тўртинчидан, мутахассислар тайёрлаш, айниқса, илмий даражали педагоглар тайёрлаш масаласидаги муамммолар ҳалигача сақланиб қолмоқда. Маълумки, мамлакатимиздаги баъзи ОТМлар қошида Илмий даражалар берувчи ихтисослашган илмий кенгашлар мавжуд. Аммо, уларда диссертация ҳимоя қилаётган аксарият олимлар ёки даъвогарларнинг асл мутахассислиги умуман бошқа соҳа эканлиги (маънавият, ҳуқуқ, фалсафа, педагогика, жисмоний маданият, филология, журналистика, ҳаттоки, математика ва физика), лекин диссертация ҳимоя қилишни осон фан соҳаси бу сиёсатшунослик эканлиги деб ҳисоблаши фан тараққиётига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Бошқа фанлар соҳасидан ҳимоя қила олмаган бундай тадқиқотчилар гуруҳи эса ўз ихтисослиги бўйича омади чопмаганлиги ёки сиёсатшуносликка «ўта қизиқиши» туфайли ҳам имкон қадар сиёсий фанлар соҳасида «етук олим» бўлишга интилаётганлигидир. Афсуски, бу ҳолат энг кўп кузатилаётган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бешинчидан, мамлакатнинг халқаро майдондаги имижини юксалтириш, халқаро муносабатлар ва сиёсий таҳлил сингари стратегик вазифаларда сиёсатшуносларнинг ўрни ва роли ниҳоятда пастлиги, уларга бўлган талаб, аниқроғи, вазифалар йўқлиги, давлат ва жамият бошқаруви ҳаётида уларнинг иштироки сезилмаётганлиги ҳам фан тараққиёти олдида турган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, мамлакат парламентидаги депутатлар ичида, давлат ва жамият бошқарув соҳасида ҳам сиёсатшунослар ҳиссасининг жуда камлиги соҳа мутахассисларининг бегоналашувига сабаб бўлмоқда. Энг оғир масалалардан бири сифатида эса сиёсатшунослар, сиёсий фан соҳасидаги мутахассисларнинг фақатгина таълим соҳасида ишлай олиш имкониятигина мавжудлигидир. Зеро, сиёсатшунос мутахассислар давлат бошқаруви, у билан боғлиқ қарорлар

қабул қилиниши, мамлакатнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш билан боғлиқ соҳалар, хавфсизлик тизими, геосиёсий мавқеини юксалтириш ва мамлакатнинг имижини юксалтириш сингари вазифаларда ишлашини таъминлаш давлат ва жамият олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда глобаллашув жараёнларининг кескин тус олаётганлиги, минтақалар, давлатлар ва халқлар ҳаётига нисбатан турли таҳдидлар ортиб бораётган шароитда инсон сиёсий онгини тарбиялаш, унинг руҳиятини бойитиш ва кескин рақобат замони, шиддат билан ўзгараётган ҳаёт бизнинг олдимизга кечиктириб бўлмайдиган, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг инаугурация маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Мана шундай мураккаб ва қалтис вазиятда барчамиз тинч ва осойишта ҳаётимизни асраш, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун янада жипслашиб, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, дадил ва қатъий ҳаракат қилишимиз зарур»[1].

Яқин йилларда сиёсатшунослик фанининг имижини юксалтириш, унинг дунё илм-фани билан интеграциялашувини таъминлаш, етук сиёсатшунос мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқишга жалб қилиш Янги Ўзбекистон олдида турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қолмоқда.

Улуғбек ҲАЙИТОВ, тарих фанлари номзоди, доцент
(Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети)

СИЁСАТШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда сиёсий фанларда кадрлар тайёрлаш, сиёсий жараёнларни ўрганиш ва ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, асосан, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бошланди. Ўзбекистонда сиёсатшунослик нисбатан ёш илмий ва академик фан бўлиб, мустақилликка эришилгандан кейин шаклланган. Сиёсатшуносликнинг мустақил фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши, унинг бугунги кундаги ҳақиқий ҳолати, объектив ва субъектив омиллар таъсирида кечган жараёнлар билан боғлиқлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланган Ш. Мирзиёевнинг инаугурация маросимида сўзлаган нутқи. https: // president.uz/uz/lists/view/4743

жавобларида таъкидланганидек, «Мустақил тараққиёт борасида эришган улкан ютуқлар билан бирга, йўлимиз айрим хато ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаганини очиқ айтиш лозим. Мустабид тузумдан воз кечиб, демократик жамият барпо этишга қаратилган жараёнлар, мураккаб ва таҳликали даврнинг ўзи турли муаммо ва вазифаларни олдимизга кўндаланг қўйди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун билим ва тажрибамиз, ирода ва қатъиятимиз баъзан етса, баъзида етмаган ҳолатлар ҳам бўлди. Шу боис мамлакатимиз тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш, бунинг учун янги ислоҳотларни амалга ошириш объектив зарурат, энг муҳим стратегик вазифага айланди»[1].

Маълумки, Ўзбекистон Миллий университетида (собиқ Тошкент давлат университети) ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида 1991 йил охири – 1992 йил бошида, республиканинг гуманитар университетлари, шунингдек йирик техника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт олий ўқув юртларида сиёсатшунослик кафедралари ташкил этилди. Натижада, қисқа вақтда «Сиёсатшунослик» мутахассислиги бўйича юзлаб кадрлар тайёрланди. Университетлар ва илмий марказлар ўртасидаги халқаро илмий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ўзбекистонлик тадқиқотчи ва ўқитувчиларига хорижий етакчи илмий муассасаларда малака ошириш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик турли анжуман ва семинарларда иштирок этиш имкони яратилди.

«Сиёсатшунослик» фанининг асосий тадқиқот йўналишлари сифатида – давлат қурилиши ва бошқаруви, давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти институтлари тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий мафкура муаммолари, миллий давлатчиликнинг назарий ва услубий асослари, ташқи сиёсат, геосиёсат, бошқарув кадрларини тайёрлаш каби масалалардан иборат бўлди.

Бу даврда Ўзбекистонда сиёсатшунослик инфратузилмаси шаклланган бўлса-да, профессионал сиёсатшунослик жамиятларини бирлаштириш муаммоси мавжуд эди, чунки олий ўқув юртларининг ихтисослаштирилган бўлимлари ва мамлакат илмий марказлари ўртасида алоқалар йўқ ёки паст даражада эди[2].

Мамлакатда сиёсий фанлар бўйича мавжуд илмий-назарий ва ресурс тадқиқот базаси анчагина заиф эди. Асосий муаммо, ўзбек сиёсатшуносларининг асарлари ҳар доим ҳам замонавий илмий концепцияларга асосланмаганлиги, аксинча, эскирган назариялардан фойдаланилганлиги, бу эса Ўзбекистонда сиёсатшунослар томонидан олиб

---

[1] Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. «Янги Ўзбекистон» газетаси. 2021 йил 17 август.

[2] Эргашев И., Жураев С. Становление политической науки в Узбекистане // Политическая наука. 2004. № 3.

борилган тадқиқотларнинг паст даража эканлигига сабаб бўлганлиги қайд этилган эди[1].

1990-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда сиёсатшунослик тадқиқотлари ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди. Бироқ Ўзбекистон сиёсатшуносларини бирлаштиришни мақсад қилган «Сиёсий тадқиқотлар уюшмаси» фаолияти етарлича самара бермади.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида «Ижтимоий фикрни ўрганиш маркази» фаолияти йўлга қўйилди. 2003 йилда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташкил этилиб, у нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида фуқаролик жамиятининг шаклланиши, хусусан, ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий аҳволни таҳлил қилиш соҳасида тадқиқотлар олиб борди.

Ўзбекистондаги сиёсатшунослик тадқиқотининг энг муҳим марказларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳисобланади. Мазкур институтнинг ташаббуси билан 2001 йил октябрь ойида республика миқёсида «Сиёсатшуносликни ривожлантириш муаммоси» мавзусида илмий конференция ташкил қилинди. Анжуманда Ўзбекистоннинг 16 та олий ўқув юрти ва илмий институтларидан юздан ортиқ мутахассис ва олимлар иштирок этди. Анжуманда Сиёсатшунослик бўйича Республика илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш, Ўзбекистон сиёсатшунослар уюшмаси фаолиятини тиклаш бўйича ғоялар илгари сурилиб, нодавлат илмий-таҳлил марказларини очиш ташаббуси илгари сурилди. Бироқ илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар етарли даражада амалга ошмай қолиб кетди.

Бундан ташқари, 1990–2012 йилларда Ўзбекистонда сиёсатшунослик соҳасига қизиқиш ортаётганлиги, соҳада жиддий илмий-тадқиқотлар олиб боришга эътибор кучайиб бораётганига қарамай, 2013 йил бошида барча ихтисослаштирилган сиёсатшунослик факультетлари ва кафедралари, шунингдек, «Сиёсатшунослик» фанидан докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича Илмий кенгашлар ёпилди. Шу тариқа сиёсатшунослик соҳасида мутахассислар тайёрлаш тўхтатилди. Бунинг асосий сабаби сифатида – сиёсатшуносликда илмий методологиянинг йўқлиги, фан предметларининг бошқа гуманитар фанлар билан такрорланиши, ўқув адабиётларининг Ғарб манбаларига асосланганлиги ҳамда миллий илмий меросни ва «ўзбек модели»ни қамраб олмаганлиги кўрсатилди[2].

Эндиликда Ўзбекистонда сиёсатшунослик бўйича кадрлар тайёрлашга муносабат тубдан ўзгарди. 2019 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси

---

[1] Толипов Ф.Ф. Политология – профессия XXI в. А в Узбекистане? // Газета.ш. 05.12.2013. URL: https://www.gazeta.uz/ru/2013/12/05/column.

[2] Гелаев В. «Узбекистан делает еще один шаг с сторону бабаизации» // Газета.т. 02.09.2015. URL: https://www.gazeta.ru/science/2015/09/02_a_7733699.shtml

Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори[1] қабул қилиниши ва унда Сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асосларини яратиш ва ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш, глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, шу асосда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Сиёсатшунослик» бакалавриат таълим йўналиши, «Амалий сиёсатшунослик» таълим мутахассислиги, «Сиёсий фанлар» фани тармоғи ихтисосликлари бўйича таянч докторантура ташкил этилганлиги «Сиёсатшунослик» фанига бўлган муносабатнинг ўзгарганлигини кўрсатди ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш масаласида туб бурилиш, янгича ёндашув сифатида ўта муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Тошкент давлат шарқшунослик университетида, 2020 йилдан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида, 2021 йилда Ўзбекистон Миллий университетида «Сиёсатшунослик» бакалавриат йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги сиёсий фанларни ривожлантириш соҳасидаги катта қадам бўлиши билан бирга, у олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларига ҳам катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги қарорида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети олдига илғор хорижий тажриба, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида сиёсатшунослик фанлари соҳасида юқори малакали, жаҳон сиёсатшунослигидаги энг янги тренд ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро даражадаги илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, "Сиёсатшунослик" фани бўйича ўқув жараёнини мазмун жиҳатидан такомиллаштириш мақсадида янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари ва режаларини тайёрлаш бўйича қўйилган вазифалар ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш билан шуғулланаётган бошқа олий таълим муассасаларига ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида биринчи марта «Сиёсатшунослик» бакалавриат йўналишида «Сиёсий социология», «Сиёсий жараёнларни моделлаштириш ва таҳлил», «Сиёсий тизимлар ва жараёнлар», «Сиёсий конфликтология», «Сиёсий маркетинг», «Сиёсий менежмент» каби бир қатор фанлар бўйича дастурлар ишлаб чиқилди ва уларни босқичма-босқич ўқитиш амалга оширилмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил 4 февраль, 5-сон, 87-модда.

Университетда с.ф.д., профессор М.Қирғизбоев илмий раҳбарлигида ташкил этилган «ИНТЕЛЛЕКТ» – ёшлар сиёсий таҳлил клуби фаолияти ҳам ёш сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Клубда «Илмий-сиёсий мақоланинг ёзилиш қоидалари» мавзусида маъруза ва савол-жавоблар орқали сиёсий фанлар бўйича илмий мақолалар ёзиш сирлари ўргатилади. «ИНТЕЛЛЕКТ» – ёшлар сиёсий таҳлил клуби аъзоларининг интеллектуал ва таҳлилий билимларини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида сиёсатшунослик фани соҳасига оид мавзулар юзасидан тузилган тест саволлари асосидаги викториналар ўтказилади. Шунингдек, «Давлат органлари фаолиятида номарказлашув ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида ва «Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатда эгаллаган позицияси. Жаҳон тажрибаларининг жорий этилиши: АҚШ, Германия, Россия, Франция, Хитой, Япония» мавзуларида маъруза ва тақдимотлар режа асосида олиб борилмоқда. Бу каби ишлар келажакда ёшларнинг билим савиясини ошириш, муаммоли масалаларни таҳлил қилиш, ўз шахсий муқобил муносабатини билдириш, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар чиқариш, давлат ва жамият ҳаётида ўзларининг фаол иштироки билан муносиб ҳисса қўшишга қодир бўлган – Янги Ўзбекистон учун янгича фикрлайдиган кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтган, «Биз – Ўзбекистон фуқаролари жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганини ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этмоқдамиз. Айниқса, «инсон ҳуқуқ ва эркинликлари», «қонун устуворлиги», «очиқлик ва ошкоралик», «сўз эркинлиги», «дин ва эътиқод эркинлиги», «жамоатчилик назорати», «гендер тенглик», «хусусий мулк дахлсизлиги» сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани диққатга моликдир.

Бир ҳақиқатни очиқ тан олишимиз лозим: вақт ўтиши билан ислоҳот жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда, шиддатли замон олдимизга янада улкан вазифаларни қўймоқда. Ҳаётнинг ўзи бизни кўп нарсага ўргатмоқда. Шу сабабли биз доимий изланишдамиз. Изланиш бор жойда ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар ҳам бўлиши табиийдир»[1], деган юртбошимиз сўзлари замирида ёш, замонавий фикрлайдиган ва амалий фаолият олиб боришга қодир бўлган сиёсатшунос кадрларни тайёрлашда ютуқлар билан бир қаторда соҳадаги мавжуд муаммоларни, амалий ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва амалий хулосалар чиқаришни талаб қилади. Булар қуйидагилар:

[1] Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. «Янги Ўзбекистон» газетаси. 2021 йил 17 август.

1. Сиёсатшуносликнинг ўқув фани сифатида шаклланиши ва замон талаблари асосида нафақат профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш, балки ўқув режалар, дарсликлар, моддий-техника базасини, илмий-услубий адабиётларни яратишга эътиборни қаратиш;

2. Университетларнинг профессор-ўқитувчилари олдида турган вазифалардан бири – талабалар ва ёшларни ўзгарувчан сиёсий вазиятда қандай ҳаракат қилишни ўрганишларига ёрдамлашиш, уларни «Сиёсатшунослик» фанининг кўплаб муаммолари билан таништириш, шунингдек, адабиёт орқали жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини ўрганиш, онгли танлов қилиш, сиёсий маданият ва ўтиш даврининг оғир шароитларида оператив мослашиш кўникмаларини шакллантириш, догмага айланган (қотиб қолган) мафкуравий қарашлардан халос бўлишларига кўмак бериш;

3. Сиёсатшунослик бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий кўрсатмалар, ҳар қандай илмий фанлар сингари талабага ҳозирги босқичдаги жамият сиёсий ҳаётидаги мураккаб ҳодиса ва жараёнларни тушуниш, таҳлил қилишга ёрдам берувчи ўқув-услубий ва илмий-услубий концпепциялар ишлаб чиқиш, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш механизмларини яратиш;

4. Жадал кечаётган сиёсий жараёнлар, ўзгаришлар, ислоҳотлар, сайловлар технологиялари ва хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш, тегишли хулосалар чиқариш кучли сиёсий билимларни талаб қилади. Жаҳон тажрибасини, мамлакат тарихини яхши биладиган экспертлар, сиёсатшуносларнинг фикр-мулоҳазалари, фаол сиёсий рақобат муҳити яратиш, сиёсий экспертиза ўтказиш, асосланган хулосалар тайёрлаш, мақсад ва вазифалар доирасидан келиб чиқиб, сиёсий дастурлар, ҳудудларда муқобил лойиҳалар тайёрлаш, бу соҳада, барча ишларни мувофиқлаштирувчи кучли ташкилот тузиш;

5. Тарих, сиёсатшунослик, фалсафа, социология фанларнинг давлат ва жамият ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти атрофлича таҳлил этиш орқали, ижтимоий-гуманитар фанларни чуқур билган соҳа мутахассислари, тиббиёт, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш асосида Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга эришиш.

6. Сиёсатшунослик бўйича таълим олаётган университет талабалари олдида амалиётчи сиёсатшунослар маърузалар ўқиши ва маҳорат дарсларини ўтказиши, сиёсатшунос талаба-ёшларнинг меҳнат ёки тадқиқот амалиёти ўтишлари бўйича тажриба объектларни аниқлаш;

7. Талабалар учун «Ахборот таҳлили» мавзусида ўқув жараёни доирасида фойдаланиш учун танлов асосида ўқув қўлланма тайёрлаш лозим. «Интернет фойдаланувчилари»нинг ярмидан кўпи ижтимоий тармоқлардан асосий ахборот манбаи сифатида фойдаланмоқда, уларда ахборотни танлаш, ишлов бериш, сиёсий таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш вақти етиб келди.

Анри ШАРАПОВ, кандидат политических наук, доцент
(Университет мировой экономики и дпломатии)

ПОЛИТИЧЕСКИЕ НАУКИ СЕГОДНЯ

Судьба политических наук (политологии прежде всего) в условиях постсоветских стран, в том числе касательно Узбекистана, неоднозначна. Пройденный путь имеет ряд особенностей, которые позволят охарактеризовать процесс становления политической науки.

Более масштабное и углубленное знакомство с политическими науками стало доступным в конце 80-х и в начале 90-гг. Это происходило с открытием профилирующих кафедр и факультетов, организацией лекций и семинаров для студентов, впоследствии с приглашением зарубежных специалистов в рамках определенных грантов. Таким образом стала распространяться так называемая грантомания. Возможно, это было одним из способов выживания научных исследований на фоне плачевного состояния экономики. Впоследствии этот процесс в зависимости от страны был пересмотрен. Тем не менее, сложился огромный опыт сотрудничества с зарубежными учеными и подготовки проектов.

Немаловажным моментом стало то, что молодежь, получив образование в ведущих университетах и научных центрах мира, продолжила свою карьеру у себя на родине, хотя не все из них вернулись в вузы. Одним из каналов академического обмена стал фонд «Умид», который в дальнейшем по конъюнктурным соображениям был закрыт. Был период, когда политология была заменена на предмет «Гражданское общество».

Несмотря на превратности судьбы, политические науки развиваются. Частым явлением стало приглашение зарубежных ученых-политологов, проводятся научные конференции и семинары. Отечественные ученые издают свои научные труды за рубежом. Наравне с государственными университетами параллельно проводят исследования институты гражданского общества, хотя у последних финансовые возможности ограничены.

Происходит формирование разных исследовательских центров и площадок для обсуждения актуальных вопросов внешней и внутренней политики государства. В связи с этим следует привести слова одного из ученых РФ. Так, профессор О. Гаман-Голутвина отмечает, что предметное поле политических наук многосоставно и полиаспектно. В связи с их мозаичностью г.Алмонд метафорически сравнил политологию с множеством

столиков в кафе, имея в виду сосуществование в политической науке различных исследовательских стратегий[1].

Исходя из этого следует отметить, что социально-политические дисциплины вращаются вокруг человеческого фактора и его интересов. А на фоне формирования нового поколения особенно актуальным являются вопросы политической социализации. Теория о политической социализации была активно разработана в конце 50-х годов XX в. в США. Исследование политических интересов молодого поколения на основе политической социализации особенно значимо и у нас, так как молодежь составляет большинство населения и наиболее активную её часть.

На фоне проводимых в стране реформ потенциал участия молодежи в политических процессах малоизучен. Одно дело обозначить актуальность вопроса, другое дело проведение эмпирических исследований по данной теме. Отмечая существование 17 разновидностей между западного и незападного типа политических процессов по Л.Паю, следовало бы провести исследования по политическому участию молодежи в политических процессах[2].

Более того, Д. Истоном и Дж. Деннисом были проведены эмпирические исследования, в рамках которых были опрошены 12 тысяч американских детей с целью определить их отношение к видимым атрибутам политической системы[3].

Преимущества эмпирических исследований в политических науках заключаются в том, что с одной стороны, будет происходить кристаллизация корпуса политологов, формирование политологов-эмпириков по исследуемой проблематике. В этом вопросе социологи достигли значимых результатов. С другой стороны, в процессе проведения исследований будут выявлены особенности регионов, злободневные темы для населения. По результатам исследования будут укрепляться методологические основы политических исследований в стране.

Как бы не был важен вопрос обеспечения легитимности для власти через выборы, участие представителей электорального корпуса в избирательном процессе неоднозначно. Поверить в идеологическое клише СМИ – это непозволительная роскошь для политолога-эмпирика.

Если обратим внимание на дебри политических наук, можно найти подтверждения этому. Проведенные исследования Г. Алмонда и С. Вербы в пяти странах выявили «интересные» данные. Так, воздействие политики на их повседневную жизнь полностью отрицали 11% опрошенных

---

[1] Гаман-Голутвина О.Политология как метадисциплинарная матрица//Международные процессы. Том 14. №1. С.92.

[2] См. Мухаев Т.Политология. М.: Проспект, 2011. С.353.

[3] Там же. С.454.

американцев, 23% англичан,17% западных немцев,19% итальянцев, 66% мексиканцев. Регулярно интересуются политическими событиями 27% американцев, 23% англичан, 35% западных немцев,11% итальянцев,15% мексиканцев. «Посмешищем и глупостью» выглядят избирательные кампании в глазах 58% опрошенных американцев,37% англичан, 46% западных немцев, 15% итальянцев и 32% мексиканцев [1].

Естественно, необходимо учитывать временные факторы, влияние социальных сетей и др.

Для исследовательских тем не существует табу. Можно и нужно исследовать также внешнеполитические процессы и события. Например, проведение опроса с участием туристов, которые посещают нашу страну, как говорится, со стороны виднее. Или с участием наших граждан, которые посетили или чаще бывают за рубежом.

В исследованиях внешнеполитической деятельности проделаны серьезные работы. Например, в трудах патриарха китаеведения профессора А. Ходжаева тщательно анализируются особенности китайской цивилизации и современное состояние взаимоотношений КНР со странами Центральной Азии [2]. Среди работ профессора А. Ходжаева есть также произведения об истории Великого шелкового пути, истории народов Центральной Азии. Уникальность этих работ заключается в том, что они основаны на китайских источниках.

С точки зрения социологического подхода были проведены количественные и качественные исследования молодежи и миграционного процесса со стороны таких ученых-социологов, как А. Сеитов и Ф. Парманов [3]. В данных работах основной акцент был сделан на социальных вопросах. По сути, социологические теории – это политологические теории, как пишут американские ученые.

Подытоживая необходимо отметить, что в процессе принятия политических решений для научно обоснованного сопровождения нужны не только политические науки, но и ученые с целостным мировосприятием политической действительности и не подверженные идеологическим и конъюнктурным давлениям, а это не всегда лицеприятно. Это необходимо для того, чтобы при проведении реформ благодаря научным исследованиям можно было поставить правильный диагноз, чтобы подготовить соответствующий рецепт.

---

[1] Мухаев Р.Т. Политология. М.: Проспект,2011. С.432.

[2] Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. Т.:2020.390 с.

[3] Сеитов А.П. Молодежь Центральной Азии. Узбекистан.Алматы, 2016 г. 280с., Парманов Ф.Я. Миграция, интеграция, трансформация.Т.: 2020.284 б.

Ҳамза ҚАЛАНДАРОВ
(Бухоро давлат университети)

СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎҚИТИЛИШИ ВА СИЁСАТШУНОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ

Мамлакатимиз собиқ Иттифоқ таркибида бўлган йилларда сиёсий фанларни ўрганиш ва ўқитиш ишларига ўта эътиборсизлик билан қаралиб, бундай фанлар буржуа фани, илмга зид таълимот сифатида кўрилган, уларни ўрганиш ва ўқитиш батамом тақиқлаб қўйилган эди. XX асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларнинг бошларига қадар собиқ Иттифоқда сиёсатшунослик фанига доир биронта ҳам китоб нашр қилинмаган, дарслик ёки ўқув қўлланмаси ёзилмаган. Фақат 60-йилларнинг ўрталарига келиб, айрим жамиятшунос ва ҳуқуқшунос олимлар бу фаннинг баъзи масалаларини ёритишга доир илмий мақолалар билан чиқа бошлаган эдилар. Иттифоқ тарқалиб кетгунга қадар бирор ўқув юртида алоҳида ўқув предмети сифатида киритилмаган.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда сиёсий фанларни ўрганишга ва уни ривожлантиришга реал имконият пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» деган маърузасида «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотига эришувида катта таъсир кучига эга», дея таъкидлаган эди[1].

Истиқлолнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ўқув юртларида ўқув дастурларига бир қатор сиёсий фанлар киритилди ва ўқитила бошланди. Ўзбекистонда 1993 йилдан сиёсатшунос кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўша вақти ушбу касб давлатнинг демократик ривожланиши учун керакли бўлган муҳим касб дея кўрилган. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлардаги сиёсатшунослик факультетлари фаолият юритиб, ҳар йили юзлаб кадрлар тайёрланган. Илмий кенгашлар фаолияти йўлга қўйилиб, бир қатор ўзбек сиёсатшунос олимлари «Сиёсий Фанлар Халқаро Ассоцицияси» (ИПСА)га ҳам аъзо бўлишган. Мустақил сиёсатшунос Фарҳод Толипов таъбири билан айтганда, «Мустақиллигимизнинг илк давридан бошлаб, сиёсатшунослик Ўзбекистонда янги давр рамзи сифатида ўқитилиши бошланган эди. Ёш, мустақил давлатнинг тараққиётига ўз

---

[1] Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 26.

ҳиссасини қўшиш ниятида минглаб ёшлар сиёсатшуносликни ўз касби сифатида танлади. Янги давлат ва янги фан бир-бирига ҳамоҳанг эди». Бироқ кейинчалик сиёсатшунослик фани ўқув дастурларидан олиб ташланиб, олий ўқув юртлари сиёсатшунос мутахассислар тайёрлашни тўхтатади. Бу ишларга изоҳ сифатида сиёсатшунослик фанининг предмети бошқа фанларда ҳам такрорланаётганлиги, сиёсатшуносликда илмий методология йўқлиги ва ниҳоят, илмий адабиёт Ғарбда кенг тарқалган назариялар тўғрисида кўпроқ маълумот бериб, ўзимизга хос тараққиёт йўлимиз, «Ўзбек модели»нинг атрофлича тушунтирилмаётганлиги, сиёсатшуносликнинг мазмуни ва таркиби замонавий талабга жавоб бермаётганлиги ҳақида хулосага келинганлиги айтилди. Хуллас, 2012–2013 ўқув йили бўйича охирги битирувчилар ушбу соҳада дипломларини олган ва сиёсий фанларни ўқитиш ҳамда кадрлар тайёрлаш жараёни тўхтатилган эди.

Жаҳон сиёсий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар ўзини маърифатли деб ҳисоблаган ҳар бир кишидан сиёсатни чуқурроқ билишни, у билан шуғулланишни талаб этади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг эркинлашуви инсонлардан сиёсатни чуқурроқ идрок этиш, сиёсий жараёнларда фаол қатнашишини тақозо қила бошлади. Президент Ш. Мирзиёев ўзининг «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобида таъкидлаганидек, халқимизнинг сиёсий тафаккури ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганлиги, атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, ислоҳотларимизга дахлдорлик туйғуси билан яшамоқда[1]. Президент фикрини давом эттириб, «Айни пайтда ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадларини тарбиялашимиз зарур»лигини баён этади. Бундай мақсадга эришишда сиёсий фанларнинг, сиёсатшунос кадрлар тайёрлашнинг аҳамияти беқиёс.

Бу борада 2019 йил 29 январда қабул қилинган «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Президент қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорни қабул қилишдан мақсад:

- сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш;
- фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асослари шаклланиши ва ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш;
- глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

---

[1] Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. –Toshkent: O‘zbekiston, 2021. – B.19.

- шу асосда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш каби масалалардир.

Қарорга мувофиқ Сиёсатшунослик кафедраси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- илғор хорижий тажриба ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида сиёсатшунослик фанлари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;
- жаҳон сиёсатидаги энг янги тренд ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда халқаро даражадаги илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;
- «Сиёсатшунослик» фани бўйича ўқув жараёнини мазмун жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари ва режаларини тайёрлаш;
- ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини илгари суриш соҳасида Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар олдида турган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим бериш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг юқори даражасини таъминлаш;
- сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати, халқаро иқтисодиёт ва менежмент, халқаро ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини ўқув жараёнига ҳамда тегишли ўқув режалари ва дастурларига татбиқ этиш[1].

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ҳам 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб «Сиёсатшунослик» йўналишида мутахассислар тайёрлаш бошланди.

Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсат ва дипломатик фаолиятида Шарқ мамлакатлари асосий устувор йўналиш эканлигини эътиборга олган ҳолда қайд этиш мумкинки, бугунги кунда етук ва профессионал шарқшунос-сиёсатшунос кадрларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ушбу жараёнларда Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатларини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг тажрибаси ва салоҳиятини илмий жиҳатдан тўғри баҳолаш ҳамда холисона хулоса чиқариш сингари масалалар шарқшунос-сиёсатшунослар олдида турган долзарб вазифалардандир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелда қабул қилган «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам Шарқ мамлакатлари сиёсати, уларнинг халқаро майдондаги нуфузи, Шарқ замонавий сиёсий жараёнларини илмий жиҳатдан ўрганиш, мазкур йўналишда илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Siyosiy fanlar sohasida kadrlarni tayyorlash, fundamental va amaliy tadqiqotlar samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 2019 yil 29 yanvardagi PQ-4139-sonli qarori https://lex.uz/ru/docs/-4182353.

маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш масалалари алоҳида қайд этилади[1].

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, юқоридаги ҳужжатлар мамлакат раҳбарининг стратегик вазифаларни олдиндан кўра билиб, қарорлар қабул қилаётганлигини англатади. Зеро, бугунги кун мамлакатимиз ташқи сиёсати ва дипломатик фаолиятида дунё мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантириш халқаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, турли ташқи хавфларга ва таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш, инсоният учун ўта муҳим бўлган вазифаларни биргаликда ҳал қилиш масалалари ҳар қачонгидан-да устувор аҳамият касб этаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Бунинг учун эса мамлакатнинг миллий манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш ва уни ҳимоя қилиш, миллий тараққиётига қаратилган ҳар қандай омилдан самарали фойдаланиш, инвестицион салоҳиятини ошириш ва уни жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш лаёқатига, қобилиятига эга бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий фаолиятининг муҳим қисми сифатида майдонга чиқмоқда. Чунки мамлакатимизнинг дунё миқёсида ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши, халқаро майдонда катта обрў-эътибор қозонишининг энг асосий шарти ва омили – чуқур таҳлилий тафаккурга эга кадрлардир.

Садриддин РАХИМОВ, доктор философии
по историческим наукам (PhD)
(Университет журналистики и
массовых коммуникаций Узбекистана)

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОЙ ПОЛИТОЛОГИИ КАК НАУКИ И УЧЕБНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

Политология, являясь наукой о политике, занимает видное место среди наук об обществе, основными направлениями исследований которой являются закономерности формирования и развития системы институтов государственного управления и гражданского общества, политической власти, формы и методы ее функционирования в обществе, а также политические системы, политические режимы, политическая культура и др.

Возникновение политологии как самостоятельной науки

Политическая мысль, знание о политике своими корнями уходит вглубь веков, насчитывает более двух тысяч лет. Наука о политике, будучи

[1] Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining «Sharqshunoslik sohasida kadrlar tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish va ilmiy salohiyatni oshirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida»gi 2020 yil 26 apreldagi PQ-468-sonli qarori. https://lex.uz/docs/-4791086

одной из старейших областей интеллектуальной деятельности человечества, первоначально была частью истории, философии, социологии и права. Издавна люди занимаются осмыслением политических процессов и явлений, пытаясь определить пути и методы наилучшего государственного устройства, построения справедливого общества. Но при этом среди них нет согласия в отношении того, как надлежит жить, кто и что должен получать от общества, кто достоин власти, как должны распределяться общественные ресурсы, что лежит в основе общественной жизни – сотрудничество или конфликт. С точки зрения Аристотеля, все это делало политику «царской наукой» – наукой, с помощью которой можно улучшить жизнь и создать достойное общество[1].

Исторически изучение политики эволюционировало от универсализма восточной и античной философской и социально-политической мысли к формированию в Великобритании, Германии, Франции и США в конце XIX в. самостоятельных политологических научных направлений и дисциплин, таких как политическая философия, политические науки, теории государства, политическая истории и др. Одними из первых научных учреждений, специализирующихся на исследованиях в области политической науки, были Свободная школа политической науки во Франции (создана в 1871 г., ныне – Парижский институт политических исследований), Школа политических наук в Колумбийском университете США (1880 г.), Лондонская школа экономической и политической науки (1895 г.). В 1903 г. была создана Американская ассоциация политической науки, объединившая политологов США и положившая начало созданию подобных ассоциаций и в других странах мира[2].

За последние десятилетия значительный шаг вперед сделала политическая наука в Италии. Особенно это проявилось созданием в 1981 году Национальной ассоциации политической науки, внедрением в университетскую систему преподавания и широком общественном признании политической науки, в существенном качественном и количественном росте научной продукции, а также утверждением в культуре представления о том, что любое политическое решение должно приниматься с опорой на эту науку[3].

При этом важно заметить, что развитие итальянской политологии является результатом взаимодействия ряда факторов, в числе которых:

- сознательное усиление группы авторитетных исследователей вывести политическую науку за академические рамки, сделать ее методически независимой от других дисциплин, таких как юриспруденция,

---

[1] Эндрю Хейвуд. Политология. Перевод с англ. под ред. Г. Водолазова и В.Ю. Бельского. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 544 с.

[2] Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология: Учебник. – М.: Юристъ, 2000. – С.20.

[3] Развитие и институционализация политической науки в Италии // www.bygeo.ru/strany/italiya/1675-razvitie-i-institucionalizaciya-politicheskoy-nauki-v-italii.html (20.11.2021).

история и политическая философия. Среди этих исследователей выделялись Н. Боббио (Bobbio), Дж. Сартори (Sartori), Б. Леони (Leoni);

- социальное и экономическое развитие итальянского общества, которое в 60-е годы приобрело принципиально новые черты, а именно – в основе его изменений лежала политика реализма, проведение которой нуждалось в соответствующих научных рекомендациях;
- давление извне, в первую очередь со стороны американской науки в эпоху господства там бихевиоризма (наука о поведении). Через финансирование исследований и других форм научной кооперации американские институты – и государственные, и частные – сыграли существенную роль во введении в итальянскую науку новых методов и тем для исследования, содействовали внедрению слабой еще итальянской политической науки в институциональную систему страны;
- изменения в структуре итальянских университетов, позволившие политической науке вписаться в нее[1].

Рассматривая эти факторы, а также учитывая то обстоятельство, что последствием фашистского режима была полная утрата научно-политической культуры в Италии, можно прийти к выводу, что итальянская политология начинала практически с нуля и в настоящее время имеет свою особую значимость в жизни общества.

Развитие политической науки и дисциплины в Узбекистане

Для Узбекистана и других стран Центральной Азии политология является относительно новой наукой, хотя как официально признанная научная и учебная дисциплина существует с момента обретения независимости. В начале 1990-х политология как академическая дисциплина была включена в учебную программу таких высших учебных заведений, как Ташкентский государственный университет[2] и Ташкентский институт востоковедения[3], были созданы специализированные кафедры политологии, сформирован профессорско-преподавательский состав. В дальнейшем процесс создания подобных кафедр продолжился и в других вузах республики.

Однако следует заметить, что важную роль в становлении политологии в Узбекистане сыграло открытие таких научно-исследовательских организаций и высших учебных заведений, как Институт стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан (1992 г.)[4], Университет мировой экономики и дипломатии (1993 г.), Академия государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан (1995 г.)[5], Центр

---

[1] Там же.
[2] В 2000 году переименован в Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека.
[3] В 2020 году преобразован в Ташкентский государственный университет востоковедения.
[4] http://isrs.uz/ru/page/smti-haqida (03.12.2021).
[5] В 2012 году переименована в Академию государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» (1997 г.) и других исследовательских и образовательных учреждений.

В целом, инфраструктура политической науки в Узбекистане была сформирована, тысячи студентов прошли обучение в специализированных кафедрах и получили дипломы политологов, многие исследователи в этой области были приглашены для участия в международных конференциях, прошли стажировки в ведущих зарубежных научно-исследовательских институтах и центрах, функционировали диссертационные советы, в которых проходили защиты докторских и кандидатских диссертаций по политологии.

Но вместе с тем существовала проблема консолидации профессиональных политологических сообществ Узбекистана, так как связи между профильными кафедрами вузов и научно-исследовательскими центрами отсутствовали или находились на низком уровне[1]. А созданная в начале 1990-х годов в Узбекистане Ассоциация политических исследований с целью объединения политологов страны, в силу разных причин, не смогла функционировать эффективно[2].

Начиная с 2013 года для политической науки в Узбекистане настали трудные времена. Были закрыты специализированные советы по защите диссертаций по политологии, прекращена подготовка специалистов в этой области и учебная дисциплина была исключена из учебной программы высших учебных заведений. А это, в свою очередь, отрицательно сказалось на институциональном развитии политической науки в республике в целом.

В дальнейшем в течение ряда лет политологам пришлось проводить свои исследования в рамках смежных дисциплин – новейшая история, социальная философия, социология, теоретическое правоведение, экономическая теория [3] , и только в 2019 году процесс внедрения политологии в систему высшего образования был возобновлен. В частности, было принято Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности подготовки кадров, фундаментальных и прикладных исследований в области политических наук» от 29 января 2019 года, нацеленное на подготовку в Университете мировой экономики и дипломатии квалифицированных кадров в сфере политических наук, а также проведение комплексных системных исследований в области становления и развития гражданского общества, политических основ национальной государственности, формирования и реализации внутренней и внешней политики государства в условиях глобализации[4].

---

[1] Эргашев И., Жураев С. Становление политической науки в Узбекистане // Политическая наука. 2004. №3. –С.72-80.

[2] Толипов Ф.Ф. Политология – профессия XXI в. А в Узбекистане? // www.gazeta.uz/ru/2013/12/05/column/ (09.11.2021).

[3] Новая наука: как выросла политология в Узбекистане // https://ia-centr.ru/experts/ravshan-nazarov/novaya-nauka-kak-vyrosla-politologiya-v-uzbekistane/ (19.11.2021).

[4] https://lex.uz/ru/docs/4182355 (24.11.2021).

Учитывая, что в условиях современного мира политология является одной из самых востребованных наук в мире, в настоящее время подготовка политологов также осуществляется и в других вузах республики, в числе которых Национальный университет Узбекистана, Ташкентский государственный университет востоковедения, Университет журналистики и массовых коммуникаций.

Таким образом, процесс институционального развития политологии можно разделить на три этапа: 1991-2013 гг. – становление и развитие политической науки; 2014-2018 гг. – стагнация политологии как учебной дисциплины; с 2019 г. до н.в. – новый этап в развитии политической науки в Узбекистане. Можно констатировать, что после официального признания политологии, в 2019 году резко повысился интерес к данной дисциплине и мы стали свидетелями нового этапа развития политологической школы в Узбекистане. В республике, в целом, создана действенная структура, позволяющая осуществлять научно-исследовательскую и аналитическую деятельность, разработана определенная нормативная, научная и учебная база политологии.

Вместе с тем в процессе подготовки политологов были выявлены также серьезные трудности и ограничения на этом пути, решение которых способствовало бы институциональному развитию политической науки в Республике Узбекистан. В частности:

1. В высших учебных заведениях остро ощущается дефицит современной научной литературы и журналов по специальности, особенно научно исследовательских работ по политологии, мировой политике и международным отношениям, геополитике и других научных публикаций на узбекском языке. Недостаточно обоснованных аналитических материалов по внешней и внутренней политике.

2. Не сформирована единая ассоциация политологов или научно-координационный совет по проблемам политической науки в Узбекистане, которая смогла бы объединить профильные учреждения и своевременно информировать о происходящих конференциях, научных и образовательных проектах и других важных мероприятиях международного и республиканского масштаба в части, касающейся политологов. К примеру, несмотря на то, что последствием Второй мировой войны и фашистского режима в Италии была практически полностью утрачена политическая наука, созданная в 1981 году Национальная ассоциация политической науки сыграла важную роль в развитии итальянской политологии, которая в настоящее время имеет особую значимость в развитии современного общества.

3. В большинстве специализирующихся в подготовке политологов вузов не уделяется достаточное внимание проведению исследовательской работы. Профессорско-преподавательский состав в основном занят преподавательской деятельностью. Гранты для научно-исследовательской деятельности выделяются мало.

Қахрамон ТАШЕВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ СОҲАДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Ўзбекистонда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётган, сиёсий трансформация жараёнлари кечаётган ҳозирги даврда «Сиёсатшунослик», «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фанларини олий таълим муассасаларида ўқитиш объектив зарурат ҳисобланади. Чунки, тараққиётнинг ушбу босқичидан ўтган ривожланган давлатлар тарихи яқин келажакда сиёсат ва халқаро сиёсий йўналишдаги мутахассисларга эҳтиёж ортишини кўрсатмоқда. Бу эса, сиёсатчи кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш ва янгича ёндашувларни талаб этади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларини тамомлаётган сиёсий соҳадаги кадрлар ички ва ташқи сиёсий вазиятларда учрайдиган турли мураккабликларини, сиёсий тизим ва давлат қурилишининг ўзига хос жиҳатларини, сайловлар каби муҳим сиёсий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнини, турли давлатлар ва халқларнинг Ўзбекистон билан иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ҳамда мафкуравий ҳамкорлиги бўйича имкониятларини осон англай оладиган ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли таклифлар берадиган малакага эга бўлишлари лозим.

Шунингдек, улар ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида, давлат ва бизнеснинг сиёсий манфаатлари таҳлили, давлат бошқарувининг турли моделларини тузиш ва амалда қўллаш, сиёсий маслаҳатлар бериш, сиёсий экспертизада иштирок этиш, амалий сиёсий технологиялардан фойдаланиш, ахборот-таҳлилий фаолиятни олиб бориш ҳамда сиёсатшунослик йўналишида таълим бера оладиган мутахассис бўлиши малакавий талабларда акс эттирилган.

Ўзбекистонда сиёсатшунослик фани ривожининг янги босқичи бошланди. Ҳозирги вақтда республикамиздаги бир қатор олий ўқув юртларида, хусусан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабида сиёсатшунослик кафедралари фаолият юритмоқда. Ушбу кафедралар нафақат ўқув майдони, балки илмий-тадқиқот фаолияти учун ҳам ташкилий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада ушбу йўналишда олиб борилаётган диссертация тадқиқотлари ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Шу тарзда мазкур фан мамлакатимиз таълим ва тадқиқот маконида ўзининг ўрнини эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистонда таҳлилий фикрлаш қобилияти ва кўникмаларига эга бўлган бўлажак сиёсатчи кадрларни тайёрлашдаги ижобий жиҳатларни эътироф этиш билан бирга, таъкидлаш ўринлики, ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш асосий вазифамиз ҳисобланади. Бунда, албатта, соҳага оид хорижий тажрибани таҳлилий ўрганишимиз ва мамлакатимиз тараққиёт йўлига мос равишда тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиб, ўқув жараёнига татбиқ этишимиз керак бўлади.

Бу борада, энг аввало, малакали ўқитувчи ва сиёсатчилар билан таълим жараёнини таъминлаш масаласига эътибор қаратилиши лозим. Россия ва бошқа хорижий давлатлардаги сиёсатшунос таҳлилчи кадрлар тайёрлайдиган илғор олий ўқув юртлари ўқитувчилар таркиби назарий билимлар билан бирга, сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этиб келаётган, амалий тажрибадан хабардор шахслардан иборат эканлигини ўзларининг ютуғи сифатида баҳолайдилар. Шу боис, юртимиздаги олий ўқув юртларидаги ўқув жараёнига ҳам ички ва ташқи сиёсат соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб борган, сиёсий жараёнларда бевосита қатнашган давлат хизматчилари ва фан арбобларини жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, бугунги давр «глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрлар»[1]ни тарбиялаш ҳаёт-мамот масаласи эканлигини юзага чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, талабаларга назария ва амалиётни ўзаро уйғунликда тақдим этган ҳолда, уларни реал ҳаётга тайёрлашни талаб этади. Бунинг учун ўқув жараёнларига давра суҳбати, семинар, амалий ҳужжатлар турлари билан танишиш ва уларни тайёрлаш, танқидий баҳолаш, сиёсий жараёнларни моделлаштириш, амалиётга яқинлаштирилган турли интеллектуал ўйинлар ва ўқиш билан реал воқелик ўртасидаги тафовутни камайтиришга хизмат қиладиган бошқа тадбирларни киритиб бориш лозим. Бу тадбирлар олий ўқув юртлари битирувчиларининг юқори малакали кадрлар бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайди.

Илғор хорижий тажриба шуни кўрсатадики, муайян соҳанинг ривожланиши учун, аввало, соғлом рақобат муҳити ва ушбу фаолиятни баҳоловчи мезонлар бўлиши керак. Хорижда сиёсатчи ва таҳлилчиларни тайёрлайдиган олий ўқув даргоҳлари фаолиятининг турли жиҳатларини баҳоловчи рейтинглар эълон қилиб борилади.

Мисол учун, Россия Федерациясида 2010 йилдан бошлаб «Новости» ахборот агентлиги ва Иқтисодиёт олий мактаби илмий тадқиқот университети томонидан Россия Федерациясининг сиёсатшуносларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёни мониторинги олиб борилади[2]. Унинг асосида мамлакатдаги сиёсатшунослик

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2019. 384 б.

[2] Факультет политологии МГИМО-Университета / ред.: А.Н. Ракова, М.А. Троицкий; под общ. ред. А.Д. Воскресенского. М.: МГИМО-Университет, 2009. URL: http://www.mgimo.ru/files/38157/ MGIMO_ 2009-1.pdf

йўналишидаги қайси факультетларга абитуриентларда талаб юқорилиги (нуфузи) бўйича дастлабки хулосалар чиқарилади. Юртимизда ҳам юқоридаги каби ошкора мониторинг тизимлари йўлга қўйилиши олийгоҳларнинг ўз фаолиятини янада яхшилашига сабаб бўладиган омиллардан бири бўлар эди.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон минтақавий ва халқаро иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бу ҳолат келажакда миллий манфаатларимизни таъминлашда хорижий тилларни яхши биладиган, иқтисодий билимларга эга, таҳлилий фикрловчи сиёсатчи кадрларга талабнинг янада ортишига сабаб бўлишини прогноз қилиш мумкин. Бундан келиб чиқадики, сиёсатшунос кадрларни тайёрлашда уларнинг сиёсий таҳлилчилик қобилияти, иқтисодий билимлари билан бирга хорижий тилларни ҳам пухта ўзлаштиришига эътибор қаратиш даркор.

Сиёсатшуносларни тайёрлайдиган олий ўқув юртлари таркибида ўқитувчи ва талабаларнинг мақолаларини чоп этиб борадиган, Интернет тармоғида ўзининг электрон саҳифаларига эга бўлган газета ва журнал нашриётларининг ҳам ўрни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга ёш олимлар ва талабалар ўртасида сиёсатнинг турли йўналишлари бўйича «Энг яхши мақола» танловини ўтказиш мутахассисларнинг малакасини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кундаги сиёсий жараёнлар суръатининг юқорилиги, ахборот алмашинувининг тезлиги ҳамда юртимиз, минтақа ва халқаро майдонда бўлаётган сиёсий ўзгаришлар фанлардан ўқув дастурлари ва маърузаларни мунтазам янгилаб боришни, янги авлод дарсликларини тайёрлашни тақозо этади. Бунда, айниқса, сиёсий соҳада кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларидан давлат тилидаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ишларини тезлаштириш талаб этилади.

Бундан ташқари, хориждаги мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари тажрибаси таълим беришнинг юртимиз ва хориждаги илғор педагогик технологияга асосланган янги методларини ўқув жараёнига жорий этиб боришни, ўқув жараёнининг барча босқичларида талаба ва тадқиқотчиларга жиддий равишда илмий раҳбарлик қилишга эътибор қаратишни, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ва уларнинг натижаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўқув жараёнида назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш мақсадида сиёсатшунослик йўналишидаги олий ўқув юртларини битирган ва профессионал соҳада юқори натижаларга эришган олимлар, экспертлар ва сиёсат соҳасида етук мутахассисларни таклиф этиш талабалар учун фойдали бўлади.

Асосий таклифларимиздан бири, олий ўқув юртларида сиёсий фанларга оид замонавий талабларга жавоб берадиган дарсликлар ва ўқув

адабиётларининг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Ўзбекистон Миллий университетети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети профессор-ўқитувчилари томонидан янги авлод дарсликларни яратишга эътиборни қаратиш лозим. Жумладан, “Сиёсатшунослик”, “Тизимли таҳлил”, “Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш”, “Сиёсий технологиялар” каби дарслик, ўқув қўлланма ва луғатларни ўзбек тилида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда ўқитувчи-профессорлар ва талабалар учун қулай ижодий муҳит ва шарт-шароитлар яратиш, ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг профессионал ўсиш ва эришиладиган ютуқларга асосланган аниқ ҳамда ошкора механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ҳам жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Аброр ТЕШАБОЕВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ КОНСАЛТИНГ ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Мамлакат сиёсий ҳаётида демократик институтларнинг ривожланиши сиёсий консалтинг хизматларининг юзага келишига замин яратади.

Сиёсий консалтинг кенг маънода жамоатчилик билан алоқалар *(Public Relations)* бўйича технологияларни қўллаш соҳаларидан бири бўлиб, муайян сиёсий вазифаларни ҳал этишда ва мақсадга эришишда айрим тоифадаги фуқароларга касбий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Мазкур атаманинг кенг маъноси сиёсий консультант, махсус лойиҳалар бўйича «ИМА-КОНСАЛТИНГ» фирмаси директори И. Даченков томонидан очиб берилган. Унинг таъкидлашича, «сиёсий консалтинг» атамаси сиёсий вазиятни мониторинг, таҳлил ва аудит қилиш, шунингдек ҳокимият, нуфуз (имиж) ёки бизнес манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган сиёсий лойиҳалар ва қарорларни тайёрлаш, амалга ошириш ҳамда баҳолаш бўйича касбий иш-фаолиятини ўзида ифодалайди. Тор маънода эса россиялик тадқиқотчилар А. Ситников ва Е. Морозовалар таъкидлаганидек, «юқори самарали технологияларни яратиш ва амалиётда қўллаш орқали сиёсий кампанияларни интеллектуал ва ташкилий жиҳатдан таъминлашга оид касбий фаолият» [1] бўлиб, аксарият ҳолларда сайловолди кампаниялари

[1] Ситников А.П., Морозова Е. Г. Предисловие к русскому изданию // Справочник по политическому консультированию. – Москва: ИНФРА-М, 2002. – С. 8-9.

жараёнида кўрсатиладиган касбий хизматлар билан уйғунлашган ҳолда талқин этилади.

Сиёсий консалтинг алоҳида касб сифатида XVIII аср охири – XIX аср бошларида АҚШ сиёсий амалиётида вужудга келган бўлиб, даставвал фақатгина сайловлар жараёни билан боғлиқ бўлган. «Сиёсий консалтинг» тушунчаси сиёсий атама сифатида илк бор XX асрнинг 60-йилларида америкалик сиёсий консультант Ж. Наполитан *(АҚШда 100 дан зиёд сайловларда консультантлик қилган)* томонидан илмий муҳитга киритилган[1].

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, сиёсий консалтинг хизматидан фойдаланиш демократик мамлакатларда *(асосан, АҚШ ва айрим Европа давлатлари)* ҳар қандай даражадаги сайловларни ўтказиш жараёнининг ажралмас қисми ёки стандартларидан бири сифатида эътироф этила бошлади.

Кейинчалик, давлат ва жамият бошқарувида сиёсий институтлар салмоғи ва нуфузининг ошиши, демократик ислоҳотлар ва фуқароларда сиёсий онг ҳамда маданиятнинг юксалиши сиёсий консалтинг хизматидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж доирасининг янада кенгайишига олиб келди.

Ҳозирда ривожланган мамлакатлар сиёсат ва бизнес соҳаси вакилларининг аксарияти сиёсий консалтинг хизматларининг мижози ҳисобланади. Энг қизиғи, сўнгги вақтларда мамлакатда сиёсий консалтинг хизматларининг мавжудлиги сиёсий режимни баҳолаш индикаторлари қаторидан ўрин эгалламоқда.

Бугунги кунда амалий сиёсий консалтинг соҳасига: мижозларга сиёсий масалаларда маслаҳатлар (консультациялар) бериш, медиа-стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш, сиёсий (шу жумладан, сайлов) кампанияларни ўтказиш, ижтимоий ҳаракатлар, партиялар ҳамда фуқаролик ташаббуслари билан боғлиқ стратегияларни яратиш ва уларни қўллаш технологиялари[2] киради.

Сиёсий консалтинг институти, ўз навбатида, фуқароларнинг сиёсий онги ва маданияти ривожида ижобий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида бу каби институтлар шаклланиш арафасида турган бўлиб, давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда сиёсий консалтинг хизмати ривожига бўлган объектив эҳтиёж қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни халққа етказиш, сиёсий тизим, айниқса, фуқароларнинг

---

[1] Наполитан Дж. Причастные к сотворению // Справочник по политическому консультированию. – Москва: «Имидж-Контакт», 2002. – С. 9.
[2] Малкин Е., Сучков Е. Политические технологии. – Москва: «Русская панорама», 2006. – 680 с.

сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларнинг давлат сиёсатига нисбатан хайрихоҳлигини ошириш;

иккинчидан, давлатчиликнинг энг муҳим элементи бўлмиш сиёсий ҳокимият фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, ички ва ташқи аудитория олдида сиёсий етакчининг нуфузини оширишга қаратилган сиёсий технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;

учинчидан, сиёсий соҳада вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидларни аниқлаш мақсадида сиёсий вазият мониторингини олиб бориш ва баҳолаш, бу борада чуқур илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, сиёсий хавф ва таҳдидларга нисбатан самарали сиёсий технологияларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш;

тўртинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари айрим мансабдор шахсларининг ўз фаолиятларида йўл қўяётган кундалик камчиликларни *(масалан, жамоатчилик ёки ОАВ вакиллари билан учрашувларда нўноқлик, ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тўлиқ англамаслик ва ҳ.к.)* бартараф этиб бориш;

бешинчидан, республикада сиёсий консалтинг хизматини ривожлантириш бўйича чуқурлаштирилган тадқиқотлар олиб борувчи, замонавий сиёсий технологияларни ишлаб чиқувчи ҳамда амалиётда уларни қўллаш юзасидан тегишли тавсия бера олувчи аналитик марказни ташкил этиш;

олтинчидан, республикада сиёсий консалтинг ва экспертлик, сиёсий коммуникация ва технологиялар йўналишларида мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий сиёсий жараёнлар талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий сиёсий жараёнларга интернет-коммуникациялар кириб келишининг жадаллашуви, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар ролининг ортиб бориши сиёсий консалтинг хизматларига бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди.

2021 йил июнь ойида бўлиб ўтган ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича МДҲ экспертлар форумида қайд этилишича, республикамизда Интернетдан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2020 йилда 22,5 млн нафардан ошиб, 2016 йилга нисбатан ўсиш суръатлари 17%ни [1] ташкил этган. Табиийки, ушбу ҳолат сиёсий соҳа субъектлари фаолиятининг виртуаллашганлик даражаси ўсишига олиб келади ва уларнинг сиёсий ижтимоийлашганлик ҳолатини ҳам акс эттиради, дейиш мумкин.

[1] 2020 йилда Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 22,5 миллион кишига етган. «Янги Ўзбекистон» газетасининг сайти – https://yuz.uz/news/2020-yilda-ozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni-225-million-kishiga-etgan?

Мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, ислоҳотларга нисбатан фуқароларнинг сиёсий хайрихоҳлиги ва халқаро майдонда мамлакат нуфузини ошириш юзасидан қатор хорижий давлатларда сиёсий консалтинг марказлари фаолиятидан самарали фойдаланиб келинади.

Уларни ташкил этиш ва фаолиятининг йўлга қўйилиши қуйидаги омиллар билан асосланади:

– демократик институтлар ва сиёсий рақобатнинг ривожланиши;

– фуқароларни сиёсий манипуляция қилиш услубларининг кўпайиб бораётганлиги, сиёсий кампанияларни амалга оширишда ахборот муҳитининг ўзгариб бориши ва сиёсатнинг виртуаллашуви;

– сиёсий қарорлар қабул қилинишида фуқаролар иштироки даражасининг ўсиши, уларнинг сиёсий онги ва маданиятининг ривожланиши;

– сиёсий технологлар касбий маҳоратининг юксалиб бориши натижасида жамиятда уларга бўлган талабнинг ошиши ва ҳ.к.

Сиёсий консалтинг хизматига бўлган талабнинг ўсиши ушбу соҳанинг тижоратлашувига олиб келди. Масалан, бугунги кунда биргина АҚШда сиёсий консалтинг марказларининг йиллик пул айланмаси 6 млрд долл. дан ортади. Шунингдек, АҚШда политконсультантлар бажарган иши ва нуфузига қараб ойига 18,5 минг доллардан 500 минг долларгача *(ўртача 90 минг доллар)* маош олади[1]. Умуман олганда, чет элда сиёсий консалтинг институти хизмат кўрсатиш соҳасининг мустақил йўналишларидан бири сифатида тижоратлашиб улгурган. Бундай ташкилотлар муайян уюшмаларга бирлашиб, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини илгари сурадилар. Мисол учун, АҚШда 1969 йилдан бери AAPC *(American Association of Political Consultants, ҳозирда 1 600 нафардан ортиқ аъзолари мавжуд)*[2], Европа Иттифоқида 1996 йилдан EAPC *(the European Association of Political Consultants, бош офиси Вена шаҳрида, аъзолари ЕИнинг 20 дан зиёд давлатларидан)*[3] фаолият олиб бормоқда.

Украинада сиёсий консалтинг хизмати собиқ Иттифоқнинг бошқа давлатларига нисбатан ривожланган бўлиб, ҳозирда ушбу мамлакатда «SIC Group Ukraine», «VIP-Консалтинг», «Легал-Солюшин», «Elionorum» сингари нуфузли сиёсий консалтинг компаниялари мавжуд.

МДҲ давлатларидан Россия Федерациясида сиёсий консалтинг ривожлантиришга эътибор XX асрнинг 90-йилларида бошланган. 1993 йилда ташкил этилган «Сиёсий технологиялар маркази»[4] сиёсий консультациялар бериш билан шуғулланувчи энг йирик ташкилотлардан биридир. Марказ

[1] Political Consult Salary, https://www.comparobly.com
[2] https://theapc.org/about
[3] https://www.eapc.eu/about
[4] www.cpt.ru/about

мижозларга пуллик сиёсий консультациялар бериб бориш, бизнес-PR бозорида фаолият кўрсатиш, корпоратив маданият, тренинг ва маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, инқирозга қарши чоралар ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқот-таҳлил ишларини амалга ошириш билан шуғулланиб келади.

Ҳозирга қадар Марказ томонидан давлат ва хусусий сектор ташкилотлари учун 5 мингдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилган. Компания Россиядаги барча умуммиллий сайловлар ва бошқа турли тадбирларда иштирок этган бўлиб, асосий мижозлари давлат бошқаруви идоралари *(Президент Администрацияси, Хавфсизлик Кенгаши, вазирликлар ва ҳ.к.)*, тадбиркорлик субъектлари *(Транснефть, Газпроминвестхолдинг ва ҳ.к.)*, халқаро ташкилотлар *(Жаҳон банки, Exxon Mobil, Financial Times, Еврокомиссия ваколатхонаси ва ҳ.к.)* ҳамда хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ҳисобланади.

Сиёсий технологиялар марказнинг кадрлар бутлови учун 2017 йилда РФ Иқтисодиёт олий мактабида таянч кафедраси очилган (кафедра мудири – Б.Макаренко бир вақтнинг ўзида Марказ директори ҳисобланади). Шунингдек, Марказ мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг таҳлилини олиб боришда ўзига хос экспертлик ресурси – сиёсий шарҳлар сайти «Политком.Ру»ни ишга туширган.

2014 йилда ташкил этилган «Россия сиёсий консультациялар ассоциацияси»[1] ҳозирга қадар 20 мингдан ортиқ сайлов ва бошқа сиёсий кампанияларни амалга оширган бўлиб, 75 нафар нуфузли сиёсий консультантлар, сиёсатшунос ва сиёсий технологларни ўзида бирлаштиради.

РФда сиёсий технологиялар устида иш олиб борувчи бошқа номдор ташкилотлар сифатида «ИМА-КОНСАЛТИНГ», «Полилог», «ИМИДЖ – контакт», «Самарали сиёсат фонди», «НОВОКОМ», «Регион Медиа» сиёсий консалтинг, оммавий коммуникациялар ва PR-агентликларини келтириб ўтиш мумкин. Улар буюртма асосида сиёсий тадқиқотлар ўтказиш, сиёсий хатарлар таъсирини минималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, сайлов кампанияларини ўтказиш, сиёсий брендинг, лоббизм, ҳокимият органлари ва бизнес тузилмаларига жорий сиёсий консультатив ёрдам кўрсатиш, ОАВ ва замонавий медиада PRлар ҳамда бошқа махсус сиёсий лойиҳаларни амалга ошириб келади.

Сиёсий эксперт ва консультантларни ўзида бирлаштирган сиёсий консалтинг компаниялари фаолияти Қозоғистон Республикасида ҳам ривожланиб бормоқда. Мамлакатда 2019 йилдан буён фаолият олиб борувчи «Personal PRoject» *(2009 йилда ташкил этилган собиқ «PRogress»*

[1] rapc.pro/page7654943.html

компаниясининг ҳуқуқий вориси) томонидан сиёсий консалтинг борасида ҳозирга қадар 230 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилган.

Қирғиз Республикасида «Марказий Осиё халқаро консалтинг компанияси» – «CAIConsulting» *(1998 й., бош офиси Бишкекда, Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистонда офислари мавжуд, 80 дан зиёд лойиҳаларни амалга оширган)*[1] ва «M-Vector» халқаро тадқиқот ва консалтинг компанияси *(1997 й., Тожикистон ва Канадада офислари бор, 1 300 дан ортиқ лойиҳаларни амалга оширган)*[2] фаолият юритиб келмоқда. Мазкур марказлар турли долзарб йўналиш бўйича мижозларга хизмат кўрсатади. Масалан, «M-Vector» компанияси дин, тинчлик ва барқарорлик, сиёсий ва электорал тадқиқотлар, миграция, конфликтлар, давлат тизими, медиа-тадқиқотлар, радикаллашув ва экстремизм каби мавзулар юзасидан иш олиб боради.

Хориж тажрибаси борасида олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда сиёсий жараёнларни таҳлил қилиб бориш, муҳим сиёсий қарорлар қабул қилиш учун мавжуд муаммолар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, сиёсий етакчиларнинг нуфузини ошириш, давлатнинг ички ва халқаро майдондаги обрўсини юксалтириш ҳамда миллий манфаатлар доирасидаги бошқа долзарб масалаларда сиёсий консультантлар хизматига мурожаат қилиш ёки уларни давлат лойиҳаларига фаол жалб этиш тенденцияси мавжуд. Аксарият ҳолларда эса сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнини уларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, сиёсий консалтинг хизматининг тизимли йўлга қўйилганлиги жамиятдаги муаммоларга адекват *(муносиб)* ечим топиш ва шу орқали аҳоли орасидаги норозилик даражаси ўсишини олдини олишда, энг муҳими, сиёсий хавф-хатарларни эрта аниқлаш, баҳолаш ва олдини олишда муҳим омиллардан саналади.

Ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш масаласи хорижий давлатларда самарали йўлга қўйилган. Хусусан, АҚШнинг қатор нуфузли олий таълим муассасалари – Питсбург, Ховард, Луизиана, Колорадо, Америка ва Ж. Вашингтон университетларида сиёсий консультант кадрлар тайёрланади.

Россияда М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Сиёсатшунослик факультетида «Сиёсий консалтинг» ҳамда Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг Бошқарув ва сиёсат факультетида магистратура учун мўлжалланган «Халқаро сиёсий консалтинг» ўқув дастурлари доирасида кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Стратегик

---

[1] https://www.ciaconsulting.org
[2] https://www.m-vector.com

таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Давлат бошқарув академияси, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида сиёсатшунослик, сиёсий технологиялар ёки жамоатчилик билан ишлаш мутахассисликлари бўйича ўқув курслари мавжуд бўлиб, айнан, сиёсий консалтинг мавзуси мазкур курслар доирасида қисқа вақт мобайнида ўқитилади, холос.

Бу ҳолат республикамизда, айниқса, унинг хусусий секторида сиёсий консалтинг хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг паст даражада эканлиги билан изоҳланади. Шунга қарамасдан, давлат сиёсатининг муайян йўналишида сиёсий хатарларни аниқлаш ва ҳал этиш, муҳим сиёсий тадбирларни ташкиллаштириш, аҳоли ва ташқи аудитория орасида давлатнинг сиёсий нуфузини ошириш мақсадида сиёсий консалтинг хизматидан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамизда сиёсий консалтинг марказлари фаолиятини босқичма-босқич ривожлантириш, бу борада тадқиқотлар олиб бориш ва хориж тажрибасини ўрганиш, мазкур йўналишда кадрлар тайёрлаш тизимини, шу жумладан, тегишли олий таълим муассасаларидаги сиёсатшуносликка оид мавжуд ўқув қўлланмаларини замонавий сиёсий жараёнларни инобатга олган ҳолда миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан такомиллаштириш, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, луғатлар ва бошқа ёрдамчи материаллар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, сиёсий консалтинг фаолияти йўлга қўйилмаган ёки етарли даражада тараққий этмаган давлатларнинг амалиётида сиёсий хатарларни ўз вақтида аниқлаш, баҳолаш ва прогноз қилишда муайян муаммолар кузатилмоқда.

Муаммоларни вақтинчалик ҳал этиш мақсадида, бундай давлатлар тажрибасида, кўп ҳолларда, фақатгина муҳим сиёсий тадбирлар арафасида хорижлик сиёсий консультант ёки сиёсий технологлар хизматидан фойдаланиш ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Шуларни инобатга олган ҳолда, тегишли давлат идоралари *(Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Давлат бошқаруви академияси, Фанлар академияси ва ҳ.к.)* замонавий сиёсий жараёнларни тадқиқ этиб бориш ҳамда истиқболда сиёсий хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш, муҳим сиёсий тадбирларни ташкиллаштириш, мамлакатнинг сиёсий нуфузини ошириш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан давлат буюртмаси асосида тадқиқотлар ўтказиш, сиёсий консультациялар тайёрлаш ҳамда сиёсий технологияларни ишлаб чиқишга ихтисослашган **Сиёсий тадқиқотлар маркази** *(ёки институти)*ни ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш миллий сиёсатшунослик мактаби олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Арслон ХУРМАТБЕКОВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ КОНСАЛТИНГ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Сиёсий жараёнларнинг таҳлилини амалга ошириш, мавжуд сиёсий муаммолар ечимини топишда қарорлар қабул қилиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, сиёсий партиялар ва сиёсий етакчиларнинг жамият ва халқаро майдондаги обрўсини ошириш, умуман олганда, давлатнинг ижобий имижини оширишда сиёсий консультантлар хизматидан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Бунга мисол сифатида АҚШ ва бошқа ривожланган демократик мамлакатларни мисол қилиш мумкин. Сиёсий консалтинг соҳасининг ривожланиши учун дастлаб демократик институтлар ва ОАВлари ривожланиши лозим.

Сиёсатшунослик фанининг ривожида сиёсий консалтинг соҳаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки **сиёсий консалтинг** бу – сиёсат субъектларига ўз вазифаларини амалга оширишда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда жамоатчилик билан алоқалар ўрнатишда ёрдамчи вазифасини ўтайди.

Сиёсий консалтинг соҳасида қадрлар тайёрлашда, биринчи навбатда, сиёсий консалтингда фойдаланиладиган технологияларга эътибор бериш зарур. Бугунги кунда профессионал сиёсий консалтинг ўз фаолиятида қуйидаги технологияларидан фойдаланади:

- стратегик консалтинг;
- аҳоли фикрини ўрганиш;
- спичрайтинг;
- имижмейкинг;
- спин-докторинг;
- сиёсий рекламани ОАВларида олиб боришни режалаштириш;
- сайлов олди тадбирларини ўтказиш;
- фондрайзинг ва бошқалар[1].

Юқорида келтирилган технологияларни таҳлил қилиш орқали сиёсий консалтинг соҳаси учун қадрлар тайёрлашнинг турли фанлар билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Хусусан, стратегик консалтинг технологиясини амалиётга жорий қилиш учун стратегик таҳлил, тизимли таҳлил, сиёсий таҳлил, менежмент ва иқтисодиёт фанларини ўрганиш талаб этилади.

Шунингдек, сиёсий консалтинг социология фани билан ҳам ўзаро боғлиқ. Чунки ижтимоий фикрни ўрганиш социология фанининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Сиёсат субъектларига маслаҳат

[1] Wikipedia.org « Political consulting»

беришда аҳоли орасида турли сўровлар ўтказиш, аҳолининг сайловлар арафасидаги қайфиятини аниқлаш, жамиятнинг турли қатламларини қийнайдиган муаммоларни аниқлашда социологиядан кенг фойдаланиш мумкин. Бу эса сиёсий консультантларнинг социологияни ўрганиши лозимлигини кўрсатади[1].

Тарихдан маълумки, кўплаб машҳур сиёсатчиларнинг омма олдида обрўсини ошириш воситаси – уларнинг сўзлаган нутқидир. Нотиқларнинг ўз ортидан инсонларни эргаштира олишига сабаб, уларнинг мукаммал тайёрланган нутқлардан самарали фойдаланганидир. Мисол учун, фикримизча, У. Черчилъ, А. Гитлер, Б. Муссолини ва бошқаларни келтириш мумкин. Сиёсий консультантлар эса, ўз навбатида, сиёсий лидерларга сўзлайдиган маърузаларини тайёрлаб берадилар. Бу эса спичрайтинг деб аталади. Кенгроқ таъриф берилганда спичрайтинг (инглизча «Speechwriting» – нутқ сўзлаш) оммавий маърузалар учун сиёсатчиларга профессионал равишда тайёрлаб бериладиган матнлар ҳисобланади. Ушбу матнлар ўз ичига, асосан, кучли PR технологияларини қамраб олади ва омманинг психологиясига таъсир этиш орқали сиёсий тадбирларда қўлланилади[2]. Профессионал сиёсий консультант кадрлар тайёрлашда лингвистика, риторика, психология, маркетинг каби фанларни ҳам чуқур ўрганиши зарур. Чунки бу фанларни яхши билган консультантларгина жуда яхши маърузалар тайёрлай олишади.

Ахборот маконида сиёсатчиларнинг имижини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги ахборот технологиялари ривожланган замонда кўпчиликнинг диққат марказида бўлувчи инсонларнинг ҳар бир айтган сўзлари назардан четга қочмайди. Айниқса, кейинги йилларда ижтимоий тармоқларда сиёсатчиларнинг кулгили ҳолатлари жуда кўп учрамоқда. Хусусан, давлат бошқаруви органларида ишловчи раҳбар ходимларнинг ижтимоий тармоқларда тарқалиб кетган аудио материалларини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу ҳолатлар сиёсатчиларнинг имижини тушириб юборади. Шунинг учун сиёсий консультантлар сиёсатчиларнинг имижини оширишда имижмейкинг технологияларидан фойдаланилади. Имижмейкингдан самарали фойдаланиш учун, албатта, маркетинг, этика ва эстетика фанларини яхши ўзлаштириш лозим.

Шунингдек спин-докторинг, фондрайзинг ва бошқа технологиялардан самарали фойдаланишда иқтисодиёт, менежмент, маркетинг ва бошқа шу каби фанларга оид билимларга зарурат юзага келади.

Ҳозирги кунда сиёсий консалтинг соҳасида кадрлар тайёрлаш кўплаб хорижий мамлакатларда самарали йўлга қўйилган. Жумладан, АҚШнинг Питсбург, Ховард, Луизана, Колорадо, Ж. Вашингтон каби университетларида, шунингдек, Россияда М.В. Ломоносов номидаги Москва

[1] Справочник по политическому консультированию / Под ред. проф. Дэвида Д. Перлматтера. 2002.
[2] Кривоносов А. Д. Основы спичрайтинга: Учебное пособие. – СПб.: СПбГУ, 2003.

давлат университетининг Сиёсатшунослик ва халқаро сиёсат факультетида, Париждаги Сиёсий тадқиқотлар институтида, Канадада Йорк университети, Карлтон институтидаги Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар факультетларида сиёсий консалтинг бўйича кадрлар тайёрланади. CNN ахборот агентлиги томонидан 2021 йилда энг яхши политология мактаблари сифатида қайд этилган ушбу таълим муассасаларида асосан энг яхши сиёсий консультантлар ва сиёсатшунослар тайёрланиб келинмокда:

- Давлат бошқаруви мактаби. Жон Ф. Кеннеди, Гарвард университети;
- Принстон университети;
- Колумбия университети;
- Йель университети;
- Чикаго университети;
- Лондон иқтисодиёт ва сиёсий фанлар мактаби, Буюк Британия;
- Пенсильвания университети;
- Оксфорд университети, Буюк Британия;
- Жоржтаун университети;
- Калифорния университети, Лос-Анжелес;
- Жорж Вашингтон университети;
- Лондон университет коллежи;
- Ли Куан Ю давлат сиёсати мактаби, Сингапур Миллий университети[1].

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, юқорида келтирилган ўқув муассасаларида сиёсий консультантлар тайёрлаш учун қуйидаги ўқув дастурларидан фойдаланилади:

- *Мутахассисликка кириш (сиёсатшунослик ва сиёсий консалтинг асослари);*
- *Сиёсий таълимотлар тарихи;*
- *Сиёсат назарияси;*
- *Сиёсий фалсафа;*
- *Сиёсий социология;*
- *Сиёсий психология;*
- *Сиёсий минтақашунослик;*
- *Замонавий сиёсий муносабатлар ва сиёсий жараёнлар;*
- *Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар;*
- *Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш;*
- *Сиёсий бошқарув;*
- *Замонавий сиёсий назариялар;*
- *Сиёсий антропология;*
- *Замонавий дунёда этносиёсий муаммолар;*
- *Сиёсий конфликтология;*

---

[1] https://worldscholarshipforum.com

- *Халқаро муносабатлар назарияси асослари;*
- *Сиёсий қарорлар қабул қилишнинг қиёсий таҳлили;*
- *Замонавий дунёда парламентаризм ва президентлик (қиёсий таҳлил);*
- *Сайлов тизимлари моделлари (қиёсий таҳлил);*
- *Замонавий партия тизимлари (қиёсий таҳлил);*
- *Сиёсий технологиялар;*
- *Давлат сиёсатининг асослари;*
- *PR - менеджмент;*
- *Спичрайтинг* асослари ва бошқалар[1].

Хулоса ўрнида кайд этиш лозимки, бугунги кунда қатор мамлакатларда давлат сиёсатининг муайян йўналишларида сиёсий хатарларни аниқлаш ва ҳал этиш, муҳим сиёсий тадбирларни ташкиллаштириш, аҳоли ва ташқи сиёсатда давлатнинг сиёсий нуфузини ошириш мақсадида сиёсий кадрларни тайёрлаш устувор аҳамият касб этмоқда. Сиёсий консалтинг соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда ва мамлакат ичидаги сиёсий жараёнларни тизимли ва қиёсий таҳлил қилиш, катта аҳамиятга эга сиёсий муаммоларни ечишда тавсиялар ишлаб чиқиш ва сиёсат субъектларининг обрўсини оширишда, давлатнинг имижини юксалтиришда ва бошқа долзарб масалаларга оид сиёсий консультантларнинг аҳамияти ошиб бормоқда[2].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳам сиёсий консалтинг соҳасини ривожлантириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, сиёсий консультант қадрларни тайёрлашда олий таълим муассасаларидаги сиёсатшуносликка оид фанларни чуқур ўрганиш, ўқув-услубий қўлланмаларни замонавий сиёсат ва миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Ушбу фикрларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам сиёсий консалтинг марказларини ривожлантириш, сиёсий консультант кадрлар тайёрлашнинг зарурриятини куйида келтирилган фикрлар билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларимизнинг сиёсий онгини ривожлантириш, сиёсий маданиятни юксалтириш, давлат сиёсатига фуқароларнинг фикрини ўрганишда сиёсий консалтингнинг ўрни ортиб бормоқда;

иккинчидан, сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, сиёсий етакчининг нуфузини оширишда сиёсий консультантлар хизматидан фойдаланиш лозим;

---

[1] https://mgimo.ru/study/faculty/politics/otdeleniya-fakulteta-politologii/docs/spisok-uchebnykh-distsiplin-po-otdeleniyu-sravnitelnoy-politologii-i-politicheskoy-ekspertizy/

[2] www.iapc.org

учинчидан, жаҳонда ва мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг тизимли ва қиёсий таҳлилини амалга ошириш, илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, сиёсий хавфсизликка қарши таҳдидларни аниқлаш ва олдини олишда сиёсий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, сиёсий партияларнинг фаолиятини ривожлантириш, сўнгги йилларда ОАВлари ва ижтимоий тармоқларда кулги ва танқидларга, муҳокамаларга сабаб бўлган давлат органлари ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликларини бартараф этишда консультантлар хизматидан фойдаланиш ва бошқалар.

Демак, Ўзбекистонда ҳам сиёсий консалтинг бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш вақти етиб келди. Бу борада сиёсий консалтинг бўйича ўқув дастурлари, китоблар, луғатлар тайёрлаш, нуфузли хорижий ўқув муассасаларининг сиёсатшунослик ва сиёсий консультантлар тайёрловчи факультетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, жаҳонга машҳур сиёсий консалтинг марказлари билан бирга турли конференциялар, хусусан, онлайн конференцияларни ташкил этиш ҳам ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ботир РАХМАНОВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ ТАҲЛИЛЧИЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИДА ЧЕТ ТИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Сиёсат ва сиёсий жараёнларнинг ўзига хос тезкорлиги ҳамда уларда иштирок этувчи субъектларнинг хилма-хиллиги замонавий сиёсатшунослик соҳасида мутахассисларнинг олдига кенг қамровли билимларни эгаллаш вазифасини қўймоқда. Шу билан бирга, халқаро майдонда сиёсий ҳаётга оид маълумотлар оқимининг ҳажми ва шиддати кескин ортиб бораётгани, уларнинг асосий мазмуни қайси тилларда ифода этилаётганлиги ҳамда турли сиёсий информацион муҳитларнинг шаклланишида айнан қайси тилларнинг аҳамияти ортиб бораётганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки сиёсий таҳлил жараёнида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида юз бераётган ўзгаришлар, маҳаллий ва халқаро миқёсдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлашда бир неча тиллардаги манбаларини ўрганиш зарур бўлади.

Маълумки, дунё халқлари сўзлашадиган тиллар сони қанчалик кўп бўлишига қарамасдан, мавжуд беш мингдан ортиқ тилларнинг 15-20 % давлат тиллари сифатида сиёсий жраёнлар ва халқаро алоқаларни амалга оширишда иштирок этади ва шулардан бор-йўғи бештаси Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг расмий тили сифатида тан олинади. Биргина Европа Иттифоқи ҳудудида 260 га яқин тилларда сўзлашилади, аммо ушбу ташкилотнинг расмий тили сифатида улардан 24 таси эътироф этилган. Эътиборлиси, Европа Иттифоқининг аҳамиятга эга барча ҳужжатлари ушбу тилларга таржима қилинса-да, муҳим сиёсий ва иқтисодий маълумотлар алмашувида, асосан, учта тил, яъни инглиз, немис ва француз тиллари иштирок этади. Хусусан, инглиз тили Европа Иттифоқи аҳолисининг 13% учун она тили ҳисобланади, аммо уни Иттифоқнинг 51% фуқаролари яхши билишади, француз ва немис тилларида эса бу кўрсаткич тегишли равишда 18% ва 32% тенг[1].

Кўриниб турибдики, информациянинг кенг қамровли бўлиши, у яратилаётган тилнинг расмий сиёсатда акс этиши ва аҳолининг ушбу тилга муносабати билан боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд информацион борлиқда фаолият юритаётган етакчи сиёсий таҳлил марказлари, информацион агентликлар, оммавий ахборот воситалари қайси тилда маълумот тарқатиши ва ушбу хабарларни тушуниши уларнинг тилини билишни талаб этади.

XX асрнинг 90-йилларига келиб, фан-техника соҳасида юзага келган кескин ривожланиш оқибатида дунёдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг мувозанати бузила бошлади. Мазкур инқирозий жараёнларда мутлақо янги воситалар, субъектлар, имкониятлар ва хусусиятларга эга ҳамда назорат қилиш мураккаб бўлган маълумотлар оқими юзага келди ва бу ҳолат ҳамон давом этмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, сиёсий жараёнларни таҳлил ва талқин қилиш масаласи ҳам мураккаблашиб кетди. Маълумотлар оқимининг кенгайиб бориши, унинг янги информацион технологиялар ёрдамида барча чегараларни бузиб ўтаётганлиги жамият тараққиётига улкан ижобий ҳисса қўшаётганлиги билан бир қаторда, ўзининг салбий таъсирини ҳам намоён қилмоқда. Бундай таъсирни, авваламбор, сиёсий бошқарувда, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги қарорлар қабул қилиш жараёнларида кузатиш мумкин.

Маълумотлар оқимини кузатиш, назорат қилиш, ундан самарали фойдаланиш мақсадида сўнгги ўн йилликларда давлат ташкилотлари ва вазирликларда янги мутахассислик, яъни сиёсий таҳлилчилар гуруҳи шаклланиб келмоқда. Бугунги кунда бу касбга нисбатан бўлган талаб борган сари ортиб бормоқда ва бу ҳолат, ўз-ўзидан, ушбу соҳа мутахассисларининг чет тилларини билиши асосий талаблар сифатида эътироф этилмоқда[2].

Таъкидлаш жоизки, сиёсий таҳлилчилик фаолиятида ўрганиш ва қайта ишланиши керак бўлган маълумотлар оқимининг қамрови ҳам жуда катта бўлиб, бунда чет тилларини билиш объектив заруратдир. Сиёсий таҳлилчилар турли чет тилларидаги маълумотларни тўплашдан олдин уларни ўқиш, тушуниш ва ўрганиши керак бўлади. Бунда таҳлилчининг тил билиш лаёқати муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, замонавий халқаро сиёсат ва

[1] Mark Davis. World GDP by Language. Unicode.org. Мурожаат санаси 21.09.2019.

[2] Бондаренко М., Бонадренко С. Полезные навыки аналитиков. Как стать профессионалом. Манба: https://habrahabr.ru/company/sqalab/blog/219667/.

иқтисодий муносабатлар ҳақидаги маълумотларни тўлақонли ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш учун нафақат ўзбек тилини, балки *муҳим сиёсий маълумотлар тарқатилаётган чет тилларини билиш* ҳам зарур. Ҳар бир мутахассис учун, авваламбор, танқидий ва таҳлилий фикрлаш, ҳужжат тайёрланадиган тилни мукаммал даражада билиш, юқори тезликда ўқиш ва ёзиш малакалари, замонавий компьютер дастурларини иш жараёнида унумли ва эркин қўллай олиш ҳамда маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилувчи энг камида иккита хорижий тилни яхши билиш каби кўникма ва малакаларни киритиш мумкин. Ушбу масаланинингдолзарблигига мисол тариқасида қайд этиш мумкинки, Европа Иттифоқи доирасида расмий тил мақомида қўлланилаётган 23 тилдаги маълумот тарқатувчи субъектларнинг ҳар бири ўзининг жорий сиёсатдаги таъсирини сақлаб қолишга ва кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда[1].

Сўнгги йиллардаги амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, чет тилларини чуқур ўқитиш масаласи сиёсий таҳлилчилар тайёрловчи деярли барча ўқув даргоҳларининг ишчи дастурларида назарда тутилмоқда. Шу жумладан, мамлакатимиздаги сиёсий таҳлил билан шуғулланувчи ташкилотларнинг деярли барчасида ўзбек тили билан бир қаторда чет тилларини, авваламбор, рус ва инглиз тилларини пухта эгаллаган мутахассисларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби, ички ва ташқи сиёсат ҳақида бир неча чет тилларида тайёрланган маълумотларни ўзаро қиёсий таҳлил қилиш мавжуд сиёсий вазиятнинг объективлигини таъминлашда ўта муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Хусусан, чет тилларидаги маълумотларни таҳлил қилиш жарёнида бирор бир соҳага оид маълумотларни тўплаш, уларни муқобиллик тамойили асосида ўрганиш ҳамда объектив баҳо бериш учун бир нечта мустақил манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, одатда муқобил манбалар турли давлатларнинг оммавий ахборот воситалари, расмий идоралари ва тадқиқот институтларининг нашрлари ёки мустақил тадқиқотчиларни мақолаларидан иборат бўлиб, улар турли тилларда ёзилган ҳамда бир масалага нисбатан турлича қарашларни акс эттирадилар. Бундан ташқари, ҳар бир таҳлилчи бундай муқобил манбалар билан ишлашда улардаги маълумотларнинг ишончли эканлигини ҳам аниқлай олиши лозим. Бунинг учун эса у жуда кўплаб хорижий ахборот манбаларининг расмий мақомларини ҳам яхши билиши ҳамда уларни доимий тарзда ўқиб ва кузатиб бориши зарур. Демак, таҳлилчининг чет тилларини билиши, авваламбор, у тайёрлаётган таҳлилий ҳужжатнинг *объектив ва ишончли* бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

---

[1] Романченко В. Сколько иностранных языков вы знаете? «....в европейских инстанциях на равных используется 23 языка (английский, болгарский, венгерский, нидерландский, греческий, датский, ирландский, испанский, итальянский, латышский, литовский, мальтийский, немецкий, польский, португальский, румынский, словацкий, словенский, финский, французский, чешский, шведский и эстонский), плюс, ряд языков с ограниченным применением (ирландский, каталанский, галисийский, баскский, валлийский и шотландский гэльский).» Манба: https://3dnews.ru/190390

Бундан ташқари, сиёсий таҳлилчилар тайёрланаётган ҳар бир ҳужжатнинг мазмунан бой ва стилистик жиҳатдан жозибадор бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади. Бунинг учун унга турли мазмундаги матнлар билан ишлаш малакаси, ҳар бир мақола ёки ҳужжатдаги асосий фикрни аниқлай олиш, ҳужжат тайёрланаётган тилда ва чет тилларида жуда кўплаб лексик воситалар, грамматик шакллар, мураккаб сўзлар ва иборалар, синонимлар, антонимлар, талаффуз ва имло қоидаларини яхши билиш керак бўлади. Шу билан бирга, чет тилини яхши билиш таҳлил қилинаётган мақола ёки ҳужжат муаллифининг матн остида яширинган фикрлари, қарашлари ёки ёндашувларини англаб олишга ёрдам беради. Чунки кўплаб мақола ва таҳлилий ҳужжатларда расман баён қилинаётган маълумотлардан ташқари матн остидаги бир қатор яширин ва мураккаб мазмунлар ёки мақсадлар ҳам акс эттирилиши мумкин. Буни англаб олиш учун чет тилларини шунчаки билиш эмас, балки энг камида хорижий тилда фикрлай олиш малакасига эга бўлиш даркор. Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, таҳлилчиларнинг чет тилларини чуқур билиши, улар тайёрлаётган ҳужжатнинг *мазмунан бой ва шаклан мукаммал бўлишига* ҳисса қўшади ҳамда ақлий меҳнатнинг маҳсулоти сифатида унинг таъсир кучи ошишига хизмат қилади.

Сиёсий таҳлилчилик фаолиятининг самарасини оширишга хизмат қиладиган яна бир муҳим омиллардан бири бу *чет тилларида ўқиш малакаси* ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир таҳлилчи ўз вазифаси ва тайёрлаётган ҳужжатининг мақсадидан келиб чиқиб, кўплаб ёзма маълумотлар билан танишади ва уларни ўқиб ўрганади. Бугунги кунда мавжуд электрон маълумотлар оқимини ҳисобга оладиган бўлсак, битта ҳужжатни тайёрлаш учун ўқиб ўрганилиши зарур бўлган матнларнинг ҳажми бир неча ўн бетдан, бир неча юз бетгача бўлган миқдорни ташкил қилиши мумкин. Энг муҳими, ушбу маълумотларнинг кўпчилиги чет тилларида бўлиши табиий ҳолат. Шунинг учун ҳам чет тилларида тезкор ўқиш малакасига эга бўлиш замонавий таҳлилчилар учун асосий касб малакаларидан биридир.

Мавжуд амалиётда чет тилларида ўқишнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин: маълумотни кўздан кечириш учун ўқиш; маълумот билан танишиш учун ўқиш; маълумотни ўрганиш учун ўқиш.

Чет тилини ўқитиш амалиётида тилни мустақил қўллай олиш ва эркин билиш даражасига эришиш мақсадида юқоридаги ҳар бир ўқиш тури учун маълум бир ўлчамдаги шартли ўқув *меъёрлари* ҳам шаклланган бўлиб, улар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Маълумотни *кўздан кечириш учун ўқиш* деганда, уларнинг мавзуси ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш назарда тутилади. Бунинг учун мақола ёки асарнинг номи, муаллифи, боблар ёки алоҳида абзацлар ва гапларни кўздан кечиришнинг ўзи кифоя қилади. Бундай турдаги ўқишда сиёсий таҳлилчи анчагина катта ҳажмдаги тил материалларини билиши зарур бўлади. Бунда нафақат луғат бойлиги, балки тилнинг грамматик ва стилистик хусусиятларини ҳам яхшигина тушуниш лозим. Ушбу ўқиш тури

учун бир дақиқа ичида 1–1,5 бетдан иборат маълумотни кўздан кечириш меъёр сифатида қабул қилинган.

2. *Маълумот билан танишиш* учун ўқиш деганда, бирорта асар ёки мақоланинг умумий мазмуни билан танишиш назарда тутилади ва ўқувчининг эътибори асосий маълумотни англаб етишга қаратилган бўлади. Бу тезкор ўқиш тури бўлиб, у матн мазмунини англашга йўналтиради. Бунда матндаги асосий далиллар ва умумий мазмун эътиборга олинган ҳолда, тушуниш даражаси 70% дан кам бўлмаслиги керак. Бунда матндаги иккинчи даражали маълумотлар тўлиқ бўлмаса ҳам асосий мазмун аниқ тушунилиши лозим. Бундай ўқиш тезлиги инглиз ва француз тиллари учун бир минутда 180-190 та сўз, немис тили учун эса 140-150 та сўз одатий меъёр сифатида қабул қилинган. Чет тили ўрганувчилардаги ўқиш техникасининг автоматлашгани, одатда, ана шу турдаги ўқиш даражасига қараб аниқланади.

3. *Маълумотни ўрганиш* учун ўқиш деганда, матндаги мазмунни чуқур англаш, унга танқидий назар билан қараш, ўқилганларни таҳлил қилиш назарда тутилади. Бунда олинган маълумот узоқ вақтга эслаб қолишга ва келажакда ундан қайта фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ўқиш, одатда, бирмунча секин кечади, айрим маълумотлар эса қайта-қайта ўқилади. Ушбу ўқиш турида матнни 100% тушуниш асосий мақсад бўлиб, унинг мазмуни тўла англаб етилади ҳамда танқидий назар билан таҳлил қилинади. Бундай турдаги ўқиш тезлиги, вазиятдан келиб чиқиб, шартли равишда белгиланиши ва бир дақиқада ўртача 50-60 та сўздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши лозим[1].

Юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, чет тилларини пухта эгаллаш замонавий сиёсий таҳлилчилик фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бундай малака ёрдамида амалга оширилган таҳлилий жараён ўта тезкор кечади ва тайёрланаётган ҳужжатнинг объектив ва ишончли бўлишини, мазмунан бой ва шаклан мукаммал бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, замонавий информацион оқимларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб бораётганлиги ва уларнинг тезкорлигини эътиборга оладиган бўлсак, чет тилларини билиш ёрдамида кўзланган мақсадга мос келувчи маълумотларни ўрганиш ва тўплаш бирмунча самарали кечади. Сиёсий таҳлилчилар чет тилларини пухта эгаллаши учун уларда зарур тил компетенциялари, шу жумладан, самарали ўқиш малакаси ўта юқори бўлиши лозим. Бунинг учун эса мутахассис доимий тарзда ўзининг чет тилидаги билимларини бойитиб бориши, тилнинг нафақат лексик, балки грамматик ва стилистик хусусиятларини ҳам яхши тушуна олиши ва сиёсий матнлар билан юқори самарадорликда ишлаш малакасига эга бўлиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий таҳлил соҳасидаги мутахассиснинг юқори малакали ҳамда эришиладиган натижаларнинг самарали бўлишига катта ҳисса қўшади.

[1] Федоткина Е. В. Чтение на иностранном языке и его роль в учебном процессе в неязыковом вузе // Научно-методический электронный журнал «Концепт». 2015. – Т. 13. – С. 1056–1060. – URL: http://e-koncept.ru/2015/85212.htm.

Иккинчи бўлим

СИЁСАТШУНОСЛИККА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор
(Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети)

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ АСОСИДА РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги даврга келиб сиёсатшунослик фани назария ва категориялари такомиллашиб ва ривожланиб бормоқда. Дастлаб Юнонистонда шаклланган мазкур фан бугун дунё фанига айланди. Ахборот коммуникациялари ва Интернет ижтимоий тармоқларининг кенгайиб ва кучайиб бориши сиёсатшуносликни умумсайёравий фанга айлантирди.

Маълумки, дастлаб «сиёсат» тушунчаси қадимги юнон тилидаги (πολι (поли) – кўпчилик, τικός (тикос) – манфаат, иккаласи биргаликда – *политикос сўзини ташкил этади*) сўзлардан келиб чиққан эди. Бошқача айтганда, сиёсат кўплаб манфаатларнинг ўзаро биргаликда яшаш йўлларини топиш учун кураш ва излашдир. Бундан келиб чиқилса, сиёсий ҳаёт инсоннинг ўз манфаатларини бошқалар олдида ҳимоя қилишидир.

Демак, ҳозирги даврдаги сиёсат тушунчаси қадимги юнон тилидаги «politike»дан келиб чиқиб, уни таржимаси давлатни бошқариш санъати маъносини беради. Икки минг йил ичида бу тушунча анча трансформацияга учради. Қадимги дунё ва ўрта асрларда «сиёсат» тушунчаси мутлақ даражада давлат бошқаруви билан узвий равишда боғлиқ бўлди. Чунки, жамиятнинг аксарияти ҳокимият фаолиятига таъсир этишдан бутунлай маҳрум эди. Янги даврдан бошлаб (яъни, XVII аср ўрталаридан) Европада жамиятнинг катта қисми сиёсий муносабатларга тортила бошланди. Бу ҳолат XIX асрга келиб сиёсатнинг ҳокимиятни эгаллаш ва амалга оширишга боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос муҳим соҳаси сифатида эътироф этилишига олиб келди.

Қадимги даврда сиёсий фанлар асосчиси номини олишга эришган Аристотель қуйидаги сўзни бежиз айтмаган эди: «...Чамаси, тан олиш керакки, олий фаровонлик, асосан бошқарадиган муҳим фанлар ихтиёрига тегишлидир. Шундай фанни давлат тўғрисидаги (ёки сиёсий) фан ифодалайди. ...Бу, чамаси, бошда айтилган фикрга мувофиқ келади: биз давлат ҳақидаги фаннинг мақсади энг олий фаровонлик яратиш, деб фараз қилган эдик. Шунинг учун ҳам бу фан бошқаларидан кўра кўпроқ ўз диққат-

эътиборини муайян сифатларга эга бўлган, яъни юксак маънавиятли, гўзал хатти-ҳаракатларни бажара оладиган фуқароларни яратишга қаратади»[1].

Ўз даврида Аристотель сиёсат олами ҳақида фикр юритар экан, унинг мазмуни ҳақида шундай аниқликни киритган эди: «...инсон ўз табиатига биноан сиёсий мавжудот»дир.. Албатта, Аристотелнинг бу фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, кўз олдимизда сиёсатшунослик фанининг аҳамияти янада кенгроқ ва чуқурроқ намоён бўлади.

Аристотель сиёсат мавзусини ниҳоятда чуқур таҳлил этиш асносида қуйидаги фикрни илгари суради: «Агар барча фанлар ва санъатларнинг охирги мақсади фаровонлик бўлса, барча фанлар ва санъатларнинг, айниқса, сиёсатнинг энг асосий ва устувор мақсади олий фаровонликдир»[2]. Мутафаккир бу фикри билан сиёсатнинг жамият фаровонлигини оширишдаги аҳамиятини очиб бериш баробарида унинг бошқа фанлар ва санъат билан ўзаро уйғун ҳолдаги мақсадини ҳам аниқлаштириб берди. Шу билан бирга, Аристотель сиёсатни фан сифатида барча фанлар қаторида қайд этиш қатори унинг асосий мақсадига алоҳида урғу беради. Бу ҳолат сиёсатга оид фанларнинг қадимги даврда ҳам юқори мақомга эга эканлигини англатади.

Қадимги юнон файласуфи Анитисфен (эр.ил.444-366 йй.) «сиёсат билан қандай муносабатда бўлиш лозим», деган саволга «худди одамлар олов билан муносабатда бўлганидек: куйиб кетмаслик учун унга жуда ҳам яқинлашмаслик, совқотиб қолмаслик учун ундан жудаям узоқлашиб кетмаслик лозим»[3]. Платоннинг фикрича, «сиёсатга кирмаганлиги учун ўзини ақлли деб ҳисоблаган одам ўзидан ақлсиз одамлар томонидан бошқарилиши билан жазоланади». Ш. Монталамбер эса «Сиз сиёсат билан шуғулланмаслигингиз мумкин, лекин барибир сиёсат сиз билан шуғулланади» деган фикрни билдиради. Немис социологи Макс Вебер сиёсатни қуйидагича таърифлаган эди: «Сиёсат деб, атрофлича муҳокама қилинганда, ҳокимиятда иштирок этишга интилиш ёки иштирок этишни англатади, ёки одамлар гуруҳларининг давлатлар ўртасидами ёки давлат ичидами ҳокимиятни тақсимлашга таъсир қилишини ўзида англатадиган ҳодисага айтилади[4].

Сиёсат доимо жамиятдаги одамлар ҳаёти шарт-шароитларини сақлаш ёки ўзгартиришга қаратилган бўлади. Чунки, сиёсат ижтимоий жараёнларни бошқариш ва мувофиқлаштириш жараёнида одамлар эҳтиёжларини

---

[1] Аристотель. Никомахова этика //Соч.: В 4-х т. Т. 4 / Пер. с древнегреч.; Общ. ред. А.И.Доватура. – Москва: «Мысль», 1984. – С. 55-69.

[2] Аристотель. Соч.:В 4-х т. Т. 4 /Пер. с древнегреч.; – Москва: «Мысль», 1984. – С. 455-467.

[3] Мысли и изречения древних с указанием источника// https://sv-scena.ru/Buki/Mysli-i-izryechyeniya-dryevnikh-s-ukazaniyem-istochnika.16.html.

[4] Политика с древнегреческого// https://vasque-russia.ru/politika-s-drevnegrecheskogo/.

қондиришга хизмат қилади[1]. Отто фон Бисмарк эса, «Сиёсат – бу рўёбга чиқариш санъати» деган эди[2].

Сиёсатнинг шарқона талқинлари ҳам унинг асосий хусусиятлари ва белгиларини очиб беради. Алишер Навоийнинг замондоши ва дўсти Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» асарида сиёсат тушунчаси қуйидагича таърифланади: «Сиёсат сўзининг асл маъноси кишини ғамга солишдир. Истилоҳ маъноси эса мамлакатни қўлда тутиш ва ҳар кимни ўзига муносиб ўринга қўйишдир. Сиёсат икки хил бўлади: бири ўз нафсига нисбатан сиёсат қилиш, иккинчиси ўзга кишига сиёсат қилиш. Ўз нафсига нисбатан сиёсат қилиш бўлган сиёсат шуки, ёмон сифатларни ўзидан йўқотиш ва яхши хулқларни эгаллашдир. Бошқага нисбатан сиёсат эса яна иккига бўлинади. Биринчиси, ўз аъёнлари ва яқинлари сиёсати ва уларни тартибга солиш. Иккинчиси, умумхалқ сиёсати. Бунинг биринчиси мулозимлар тарбияти ва одоби. Аммо иккинчи қисми шундайки, подшоҳ мамлакатидаги бадфеъл ёмон одамларни қўрқувда тутиши, яхшиларни эса доимо умидли ҳолда тарбиялаши керак»[3].

Абу Наср Форобий илмларнинг структурасида сиёсат илмини (илм ал-маданий – шаҳар ҳақидаги илм, шаҳарни бошқариш илми) тўртинчи ўринга қўяди. Албатта, бунда Форобий шаҳар деганда полисни назарда тутади. Форобий Платон ҳақида фикр билдириш асносида «ҳокимият эга бўлиш хоҳишининг чин истак эканлигини, унга бўйсунишнинг зарурлигини тушунтиради ва бундан келадиган фойдани кўрсатади»[4]. Бу билан Форобий ҳокимиятнинг бўйсундириш хусусияти воситасида сиёсатга ишора қилади.

Кўриниб турибдики, сиёсат ҳақидаги фан ёки сиёсатшунослик энг қадимги даврдан ҳозирги давргача тўхтамасдан ривожланиб келмоқда. Чунки бу фанга бир бутун ҳолда, тизимли таълимот сифатида қарашлар фақат бундан юз йилдан олдинроқ давр ичида пайдо бўлди. Кейинги 1–1,5 аср ичида жамиятда сиёсатшуносликни ўрганишга зарурат жуда ҳам кучайди. Илгариги пайтларда «бу фан билан фақат юқори элита қатламлари шуғулланишлари лозим» деган қарашлар ҳукмрон бўлса, кейинги даврга келиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳокимиятни учга бўлиниш принципини амалга ошириш, кўппартиявийликни ривожлантириш, муқобил сайловларни ташкил этиш, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш соҳаларидаги муаммоларни ўсиб бориши сиёсий элита ва фуқароларни сиёсатшунослик фани асосларини чуқурроқ билишларини тақозо этмоқда.

---

[1] Гобозов И.А. Социальная философия// Феномен политики //https://studme.org/244588/filosofiya /fenomen_ politiki.

[2] 11 самых ярких цитат и афоризмов Отто фон Бисмарка // https://www.liveinternet.ru/users/leon_ meusi/post 402107894/.

[3] Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи муҳсиний. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2011. – 261 б.

[4] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 21.

Бошқача айтганда, сиёсатшунослик фанининг объекти ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳаси ҳисобланади. Бу соҳа, асосан, қуйидагилардан иборат:

- жамият ҳаётининг сиёсий соҳаси – бу, асосан, давлатга оид ўзаро ташкилий алоқалар, хатти-ҳаракатлар ва муносабатлар соҳасидир;
- сиёсатшуносларнинг асосий вазифаси – нафақат ҳуқуқий фанлар предмети бўлган давлатнинг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил этиш, балки умумий манфаатларни амалга оширишни бош мақсад қилиб олган давлат ва ҳокимиятга оид муносабатларни жамият сиёсий институтлари сифатида тадқиқ этишдан иборатдир.

Шу муносабат билан сиёсатшунослик фанининг ўрганиш предмети – сиёсий ҳокимият, унинг моҳияти ва тузилмалари, бу ҳокимиятни амалга ошириш ва унинг тақсимланиш механизмлари, ҳокимиятнинг ўзини жамият аъзоларининг кўпчилик қисми томонидан қўллаб-қувватлашига эришишини таъминлаш қобилиятини ошириш, сиёсий ҳокимиятнинг жамият фаолиятини назорат қила олиш қобилиятини шакллантириш;

- жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўз ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзларининг сиёсий ва ижтимоий ташкилотлари – сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, оммавий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар кабиларни тузади. Амалда сиёсат турли мафкуралар ва ғоявий-сиёсий оқимлар илгари сураётган кучлар ўзаро тўқнашувлар майдонига айланади. Шунинг учун ҳам сиёсий ташкилотлар, манфаатлар гуруҳлари, мафкуравий таълимотлар фаолиятини ўрганиш сиёсатшуносликнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Сиёсатшунослик фанининг предметини қуйидагича таърифлаш мумкин: сиёсатшунослик – бу сиёсий субъектлар, сиёсий институтлар ва сиёсий онг кабилар таркибини ташкил этган сиёсий тизимда амал қилаётган ва ривожланаётган давлат билан ҳамжиҳатликдаги уюшган жамият ҳақидаги фан.

Сиёсатшунослик фанининг жамият сиёсий тизими тузилмалари ва уларнинг амал қилишини ўрганиш мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги асосий вазифалари шаклланди:

- жамият сиёсий тизимини шаклланиши ва ривожланишининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини яхлит ҳолда, шунингдек, унинг таркибини ташкил этувчи сиёсий институтлар (сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар, сиёсий етакчилик, сиёсий элита, сайлов тизимлари ва ҳ.к), сиёсий муносабатлар ва жараёнларни тадқиқ этиш;
- сиёсий тизимни яхлит ҳолда ва унинг асосий унсурларини ўзгартириб ва тўғрилаб боришга имконият берувчи механизмларни яратиш ва уларни такомиллаштириш;
- сиёсий тизимни ривожлантиришда пайдо бўлиши мумкин бўлган инқироз вазиятлари сабабларини аниқлаш ва уларни мувофиқлаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

▪ ҳаётда рўй бераётган сиёсий жараёнлар, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари, жамиятни ривожлантиришдаги ролини турли далиллар воситасида тушунтириш;

▪ жамиятдаги сиёсий тизимни барқарор ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга доир назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Сиёсатшунослик фанининг функциялари:

▪ дискриптив функция (сиёсий ҳодисалар ва уларнинг характерли белгиларини ички ва ташқи алоқаларини тўлиқ тасвирлаш учун мўлжалланган), асосан, сиёсий ҳодисаларнинг ташқи ва ички алоқаларини, уларнинг характерли белгиларини ҳар томонлама ва тўлиқ равишда ўрганади;

▪ сиёсатшунослик фани баҳолаш функциясини ҳам бажариб, бунда у ёки бу ижтимоий субъектнинг сиёсий объектлар тўғрисидаги нуқтаи назаридан ҳукмлар чиқаришини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида қарор чиқариш жараёни амалга оширилади;

▪ сиёсатшунослик қиёслаш функциясида турли тенденциялар ва уларнинг ривожланиши, таснифлашлар, қонуниятлар кабиларга оид хулосалар ва баҳолашларни шакллантиришдан олдин турли сиёсий ҳодисалар (ҳокимиятлар тизимлари, идора этиш режимлари, сиёсий маданият турлари ва бошқалар) ўзаро қиёсланади;

▪ сиёсатшуносликнинг қайта ўзгартириш функцияси ҳам муҳим аҳамиятга молик жараён бўлиб, у жамият эҳтиёжлари асосида ҳокимият соҳасининг амалий фаолиятига киритиладиган, давлат бошқарувидаги «чиқим ва харажатларни» камайтирадиган, эришадиган натижаларни мақсадларга мувофиқ келишини таъминлайдиган билимларни шакллантиришни назарда тутади;

▪ сиёсий фан башорат қилиш функциясини ҳам бажаради. Унга мувофиқ, мақсадларни амалга оширишни қўллаб-қувватлайдиган, гипотетик тарзда бўлажак ўзгаришларни аниқлашга уринувчи, амалга оширилган хатти-ҳаракатларни эътироф этувчи билимларни ишлаб чиқиш зарурияти асосида истиқболда рўй бериши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида тахминий тасаввурлар шаклланади;

▪ сиёсатшунослик фанининг аҳолини ижтимоийлаштириш функцияси ҳокимият муносабатларида иштирок этадиган кишиларнинг сиёсий онгини шакллантиришга қаратилган[1].

XIX–XX асрлар тарихга ҳозирги замонавий сиёсий қарашларнинг шаккланиш ва ривожланиш даври бўлиб кирди. Замонавий сиёсий қарашлар илк бор АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида ривожланди. АҚШда сиёсий фанларнинг ривожланиши, сиёсатшунослик фанининг

[1] Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 14-б.

жамият ҳаётидаги ўрни ошиб бориши бу мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган тарихий тараққиётга боғлиқ ҳолда кечди.

АҚШ сиёсатшунослари мамлакатда сиёсатшунослик фанининг ривожланиш жараёнини тўртта босқичга ажратиб кўрсатади:

Биринчи давр замонавий сиёсатшуносликнинг қарор топган даври сифатида талқин этилади. Бу даврни немис муҳожири Ф. Либер (у 1857 йилда Колумбия университетида АҚШда илк бор очилган сиёсий фанлар кафедрасига биринчи мудир бўлиб тайинланган эди) бошлаб берди. 1830 йилдан бошлаб сиёсатшунослик фани олий таълим жараёнига киритила бошланди. Бу даврда АҚШнинг йирик университетларида (Колумбия, Йель, Гарвард, Принстон ва бошқа) сиёсий фанлар олий мактаблари ва сиёсий фанлар бўлимлари ташкил этилди. Шу каби мактаблардан бири 1880 йилда Колумбия университетида ташкил этилган сиёсий фанлар мактабидир. Бу даврда Жон Берджес, Теодор Дуайт Вулси, Вудро Вильсон каби олимлар сиёсатшунослик фанини фуқаролар сиёсий қарашларини оширишга кучли таъсир кўрсата оладиган даражага олиб чиқди.

Иккинчи босқичида (1920–1940 йй.) ўзининг концептуал мазмунига эга бўлди. Сиёсий фанларнинг ривожланишида Чикаго университети катта рол ўйнади. Кейинроқ бу фан Мичиган университетида ривожланиб, унинг қошида «Ижтимоий тадқиқотлар институти», Мичиган шаҳрида эса «Тадқиқот маркази» очилди. Шунингдек, Колумбия университети қошида «Амалий ижтимоий тадқиқотлар бюроси» ишга тушди.

Учинчи босқичда (Биринчи жаҳон урушидан кейинги йилларда) АҚШ сиёсий фанларида туб ўзгаришлар рўй берди. Сиёсий тизим ва сиёсий муносабатларни тадқиқ этиш усули – бихевиоризм – психология, социология ва сиёсатшунослик фанларининг бирлашган усули сифатида қарор топди. Унинг асосий муаллифи А. Бентли ўзининг «Бошқариш жараёнлари» (1908) асарида сиёсий жараёнларда манфаатдор гуруҳлар хулқ-атворини ўрганишни илгари суриб, биринчи навбатда, бу соҳада сиёсий фанларга муҳим аҳамият бериш лозим, деган ташаббусни илгари сурди. Кейинчалик бу йўналиш Ч. Мерриам, В. Манроу ва Г. Лассвелл кабилар томонидан ривожлантирилди.

Тўртинчи босқичда бихевиоризм инқирозга учраб, сиёсий фанларнинг тизимли ва тузилмавий-функционал таҳлил этиш усулларини такомиллаштиришга доир назариялар кашф этилди. Бу соҳани ривожланишига Д. Истон, Г. Алмонд, С. Хантингтон, Ж. Фарр, Ж. Пауэлл, Ж. Колеман каби олимлар катта ҳисса қўшди. Сиёсий фанлар бир неча йўналишларга бўлинди: сиёсий фалсафа (Жон Роулс, Ион Элстер, Брайэн Барри, Жон Ганнелл; сиёсатшуносликнинг рационал-фаолиятли (rational-actor) ёндашуви, сиёсий иқтисод, сиёсий назария, когнитив сиёсий фан (Рикер, Ордешук, Тейлор) ва бошқалар. Бу пайтда ҳам бихевиоризмнинг асосий мафкурачилари – Д. Истон («Political system») ва Г. Алмонд кабилар ўз тадқиқотларини янада чуқурлаштирди.

Ҳозирги даврга келиб АҚШда сиёсатшунослик турли ривожланиш босқичларини ўз бошидан кечираётган билимларни уйғунлаштириб турувчи фанга айланди. Америка сиёсий фанлар уюшмаси томонидан тасдиқланган ва эътироф этилган қуйидаги сиёсий фанлар янада ривожланиб бормоқда:

1) Сиёсий назария ва сиёсий фалсафа (у сиёсий фикрлар тарихини ҳам ўз ичига олади);

2) Америка бошқаруви ва сиёсати;

3) Қиёсий сиёсатшунослик;

4) Халқаро муносабатлар ва халқаро сиёсат;

5) Ижтимоий бошқарув ва сиёсат.

Сиёсатшунослик фани Европада ҳам шиддат тезлик билан ривожланди. Францияда сиёсатшунослик фан сифатида XIX асрнинг охирларидан бошлаб шакллана бошлади. Бу жараён конституциявий ҳуқуқнинг сиёсийлашуви, шунингдек, унинг таркибига сиёсий масалаларнинг аста-секин кириб келиши, конституциявий ҳуқуқнинг социология билан яқинлашиши ва баъзи олимларнинг конституциявий ҳуқуқ доирасини кенгайтиришга интилиши кабилар сиёсий фанларнинг қарор топишига сабаб бўлди. Бу жараённинг авж олишига рус муҳожир ҳуқуқшуноси, проф. М.Я. Острогорскийнинг илмий фаолияти («Демократия ва сиёсий партияларнинг ташкил топиши» номли асари 1903 йилда Францияда нашр этилган) кучли таъсир қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин сиёсий фанларнинг жаҳон миқёсида ривожланиши учун шарт-шароитлар етилди. Бу даврда ЮНЕСКО сиёсий фанларни демократик жараёнларда муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиб, уларни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни кўра бошлади. 1948 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда сиёсий фанлар масалалари бўйича халқаро коллоквиум ташкил этилди. Коллоквиумда махсус ҳужжат қабул қилиниб, унга биноан сиёсий фанларнинг таркибий унсурлари тизимлаштирилди.

1949 йилда ЮНЕСКО доирасида Парижда Сиёсий фанларнинг халқаро уюшмаси ташкил этилди. Унинг ҳар йилда ўтказиб туриладиган конференцияси сиёсий тадқиқотлар ривожланишида муҳим рол ўйнади. Лекин бу даврга келиб ҳам жаҳонда сиёсий фанлар бўйича АҚШ етакчилик қила бошлади. Сиёсий фанларнинг халқаро уюшмасини ташкил этишда ҳам АҚШ олимлари ўзларининг фаол ташаббускорликларини намойиш қилган эди. Кейинчалик АҚШ ҳудудида 1,5 мингдан ортиқ сиёсатшунослик кафедралари фаолият кўрсата бошлади. АҚШ сиёсий фанлар уюшмасининг ўзи 16 минг аъзоларга эга бўлиб, улар сиёсий тизимдаги ҳокимият тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтларига хизмат кўрсатади[1].

Ўзбекистонда давлат мустақиллигини эълон қилиниши билан сиёсий фанларни шакллантиришга зарурат пайдо бўлди. Мустақилликнинг

[1] Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2013. – 24-б.

дастлабки давридан бошлаб мамлакатдаги барча олий ўқув юртларида сиёсатшунослик фани ўқитилди. 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент шарқшунослик университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида, сиёсатшунослар тайёрлайдиган алоҳида бакалавр ва магистратура йўналишида мутахассисликлар таълим жараёнига жорий этилди. Сиёсатшунослик фани бўйича бакалаврлик иши, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш русумга кирди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотлари янада чуқурлашиб бориши билан сиёсий фанларга нисбатан эҳтиёжлар янада кучайди. Сиёсий фанлар ўтиш давридаги сиёсий муносабатларни тадқиқ этиш баробарида Америка, Европа ва Шарқдаги ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, либерал ислоҳотларни амалга ошириш тажрибаларига оид қатор илмий тадқиқотларни олиб боришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша бошлади.

Ҳозирги ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши, давлат бошқаруви ва сиёсий соҳаларда инновациявий бошқарув услубларининг кўпайиб бориши, бошқарув тизимида АКТ воситасидаги «электрон ҳукумат»нинг кашф этилиши сиёсий тизим ва сиёсий фанлар ривожланишига кучли таъсир кўрсатди. Айни пайтда сиёсатшунос – бу ўз давлатида ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам сиёсий воқеаларни яхши биладиган, сиёсат муносабатлар билан боғлиқ ҳар қандай тарзда кечаётган ҳаётнинг барча соҳаларини ўрганадиган, мамлакат ёки хорижда содир бўлаётган воқеаларни таҳлил эта оладиган, шунингдек, рўй бераётган воқеаларни асосли равишда тушунтира оладиган мутахассисдир. Сиёсатшунос йирик бир компанияда бошқарув ва етакчилик муаммоларини қандай ҳал қилиш, унга тўғри ечимлар йўлини таклиф қила олиш ёки уларни бажариш ҳамда бошқарув тизимини мувофиқлаштириш жараёнларида катта роль ўйнайдиган – ижро этувчи шахс даражасига кўтарилди.

Сиёсатшунослик кўп қиррали бўлиб, у ўз мамлакати ва дунёда кечаётган сиёсий жараёнларни таҳлил қила оладиган мутахассис тайёрлаш омилидир. Замонавий сиёсатшунос учун фундаментал таълим, интеллектуаллик ва бир неча фанлар – тарихдан то халқаро муносабатларгача бўлган фанларни чуқур ўзлаштиришни тақозо этади. Агар хорижий тажрибага эътибор берсак, ҳозирги даврда АҚШ университетлари 634 та, Буюк Британия 324 та, Австралия 34 та, Швеция 15 та бакалаврлик дастурини таклиф қилмоқда. АҚШнинг барча университетларида сиёсатшунослик фани ўқиталади[1].

[1] Файзуллаев А. В защиту политологии. 9 июня 2017//https://www.gazeta.uz/ru/2017/06/09/political-science/.

Сиёсатшунослик касби 3 та йўналишда амал қилади: жамиятдаги нодавлат уюшмалар ташкилотчиси; сиёсатшунос-олим; сиёсий ҳаёт амалиётчиси. Биринчи йўналишда сиёсатшунос жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалари эксперти; иккинчи йўналишда сиёсатшунос-олим сиёсий фанлар соҳасида махсус сертификатланган, жамиятнинг сиёсий ҳаётини атрофлича таҳлил қила оладиган мутахассис; учинчи йўналишда сиёсатшунос-маслаҳатчи (консультант), сиёсий журналист, эксперт ва сиёсатшунос вазифаларини бажаради. Айнан мана шу тоифадаги сиёсатшунослар сайловларни уюштиради, сиёсий лидерлар ва сиёсий партиялар имижини яратади.

Сиёсатшуноснинг мутахассис сифатидаги фаолияти моҳияти қандай? Бу саволга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- турли сиёсий жараёнлар ва ҳодисаларни тадқиқ этиш;
- сиёсат ва сиёсий жараёнларнинг иқтисодий, ижтимоий жараёнлар билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш;
- сиёсий ҳодисаларнинг жамият учун аҳамияти даражасини аниқлаш;
- сиёсий ташкилотлар (давлат, сиёсий партиялар ва бошқалар) фаолиятини таҳлил қилиш;
- сиёсий хулқ-атвор механизмларини ривожлантириш;
- сиёсий технология билан шуғулланиш;
- сиёсий башоратларни ишлаб чиқиш.

Шу билан бирга, кейинги ярим аср ичида сиёсий фаолият билан боғлиқ қатор янги касблар шаклланди:

1) сиёсий партиялар ходимлари ва экспертлари;
2) жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассис (ПР -менежер);
3) сиёсий стратег;
4) сиёсий журналист;
5) давлат хизмати ходими;
6) дипломат ва халқаро нодавлат ташкилотлар ходими;
7) сиёсий эксперт;
8) сиёсий консультант;
9) сиёсий консалтинг эксперти;
10) сиёсий технолог;
11) спичрайтер;
12) сиёсий таҳлилчи;
13) сиёсий тадқиқотчи;
14) сиёсий фанлар ўқитувчиси;
15) сиёсий психолог;
16) сиёсатшунос-имижмейкер;
17) маҳаллий бошқарув органлари хизматчиси;
18) нодавлат нотижорат ташкилотлар хизматчиси;
19) ахборот-таҳлил идоралари хизматчиси;
20) сиёсий менежер;

21) сиёсий маркетолог.

Таҳлиллардан маълум бўладики, сиёсатшунослик дастлаб сиёсий фикр, давлат бошқаруви ва назарий қарашлар сифатида шаклланган бўлса, ҳозирги даврга келиб универсал фанга айланди: у жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўзаро инсоний муносабатларни адолат принциплари асосида кечиши, давлат ва сиёсий ҳокимиятни инсон манфаатларига хизмат қилиши, жамият ҳаётининг равнақ топиши учун шарт-шароитлар яратадиган, бу жараёнга ўз услубларини таклиф этадиган фанга айланди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанининг ривожланиш ҳолати, бу соҳада пайдо бўлган муаммолар ечимларини топиш мақсадидан келиб чиқиб, ушбу хулосаларни билдирамиз:

- ҳозирги Янги Ўзбекистонни шакллантириш, Ренессанс пойдеворини қуриш мақсадлари ва стратегиясини, мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларини амалга ошириш талабларидан, шунингдек, ёшларни сиёсий жараёнлар ва ҳодисаларга оид мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш заруратида келиб чиқиб мамлакатнинг барча ОТМларида «Сиёсатшунослик» фанини таълим дастурига киритиш;
- мамлакатда сиёсий фанларни ривожлантириш, бу соҳада жаҳон интеграциясига кириш мақсадида «Ўзбекистон сиёсатшунослар ассоциацияси»ни тузиш;
- сиёсатшунос кадрлар меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун «Сиёсий касблар реестри»ни тузиш ва уни давлат органларига тасдиқлаш учун тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Мурат АТАЕВ, доцент,
Шухрат ТАДЖИЕВ, доктор философии
по политическим наукам (PhD)
(Высшая школа стратегического анализа и
прогнозирования Республики Узбекистан)

ПОЛИТОЛОГИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: КАКИХ РЕЗУЛЬТАТОВ ЖДЕТ ОТ НЕЕ ОБЩЕСТВО И ГОСУДАРСТВО?

Политическая наука в Узбекистане в современном ее понимании – молода и развивалась собственно параллельно процессам государственного и общественного строительства, конструирования системы управления, политических и идеологических основ национальной государственности, политической культуры и гражданского общества. В условиях строительства нового государства политологи-ученые, преподаватели, юристы и идеологи внесли огромный вклад в строительство

государственной системы и общественных отношений, формирование личности в нашей многонациональной и многоконфессиональной стране.

Особое значение все эти годы имела деятельность государственных и в меньшей степени негосударственных аналитических структур и центров, которые зачастую брали на себя ответственность в вопросах стратегического и актуального политического анализа для принятия государственных решений, изучения зарубежного опыта и его адаптации в условиях Узбекистана, развития правовых основ государства и создания механизмов обеспечения легитимности власти «для обеспечения ее стабильности и оптимальности».

По нашем мнению, узбекская политология, пройдя этапы подъема и спада, находится в рамках «парадигмы освоения» современных знаний мирового уровня. Сегодня само время требует от науки быть постоянно на передовой политических процессов, объективно анализировать и активно участвовать в событиях внутри и вне государства, готовить фундаментальные и прикладные работы для содействия решению вопросов власти и управления. Политической науке необходима более широкая синергия с властью.

С избранием Президентом Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева ситуация стала меняться – специальность политология и соответствующий учебный предмет заняли подобающее им достойное место в числе социально-гуманитарных дисциплин. Политологи все шире вовлекаются в реальные политические дела. Просматривается баланс между наукой и политической властью, когда последняя дает карт-бланш политологам в плане разработки операбельных научно-прикладных идей, которые способствовали бы успешной реализации общественно-политических реформ в стране, и с другой стороны, сама является генератором новых установок в этой сфере, предоставляя возможность науке анализировать ситуацию, прогнозировать и высказывать предложения.

Перед политической наукой, как междисциплинарной отраслью, стоят важнейшие задачи, которые вытекают из логики внутренних процессов. Ученые и практики могли бы громче сказать свое слово по таким вопросам, как внесение изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан; перспективы предложения об избираемости *хокимов* и их вывода из института местных *кенгашей*; трансфер части властных полномочий из центра на областной и районный уровни; использование политтехнологий партийными структурами; пути дальнейшего развития гражданского общества в условиях либерализации; роль социологических исследований в принятии политических и административных решений; гендерная политика; этнопсихологические аспекты управления, роль социальных сетей в формировании политического сознания и многим-многим другим.

Поэтому представляется проблематичным достижение зримых результатов без интернационализации политологии Узбекистана: знание учеными иностранных языков и признанных методологических подходов, научный обмен, проведение международных конференций и семинаров.

Одновременно, по нашему мнению, ключевыми остаются научные проблемы концептуализации (а) национальной идеи, (б) национальной идентичности и (в) идеологемы «Новый Узбекистан» [1], имеющих как внутреннее, так и внешнее звучание.

Рассмотрим некоторые внешние аспекты данной проблематики и попытаемся проанализировать ее с точки зрения продвижения положительного имиджа нашей страны, ее международного авторитета и влияния.

В свое время советская система стремилась перемолоть культурно-цивилизационные особенности народов Союза в общем идеологическом котле для создания некоего *homo soveticus*, одержимого единой идеей строительства коммунизма. Крах этой идеологии не только освободил сознание огромной массы людей от тоталитаризма, но и поставил перед национальными элитами сложнейшую задачу формирования национальной идеи и самоидентификации в достаточно сложной конкурентной среде международного общества.

Данные категории должны были быть понятны и признаваемы внутренней и внешней аудиторией.

И в настоящее время некоторые внешние силы, несмотря на декларируемую готовность оказать Узбекистану морально-политическую поддержку в реализации реформ, сохраняют в качестве критического аргумента или тыла для возможного отхода от достигнутых договоренностей якобы сохраняющиеся «проблемы в области прав человека». Внимания требует акцент на необходимости обеспечения в Узбекистане широких религиозных свобод[2], что может при определенных условиях расшатать межконфессиональную и, следовательно, общественную стабильность.

В плане международного положения выдвигаются оценки о стратегической зависимости от политики великих держав Евразийского макрорегиона, недружественном и высокомерном отношении к более слабым соседям в регионе в прошлом, необходимости постоянного балансирования между ведущими центрами силы – Россией, Китаем и Соединенными Штатами.

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон нашриёти. – Б. 38.

[2] В США заявили, что не пытаются восстановить военное присутствие в Узбекистане // https: // tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/5206462.

Гипертрофируется негативное влияние конфликта в Афганистане на общественно-политическую и экономическую ситуацию в регионе [1], в негативном ракурсе преподносится транспортная изолированность территории, выносятся на передний план проблемы недостаточности природных ресурсов – плодородной земли и воды, Аральское экологическое бедствие. Все еще культивируется региональная разобщенность стран Центральной Азии. Подобные однобокие и во многом искусственно структурированные тезисы могут в неблагоприятном ключе влиять на инвестиционный климат и искажать объективную оценку реальных позитивных тенденций на национальном и региональном уровнях.

Недостатки в формировании единого, понятного и признанного образа страны вызывают среди отечественного и зарубежного экспертного сообщества дискуссии об определении национальной или геополитической идентичности, принадлежности Узбекистана к устоявшимся в современном мире цивилизациям или альянсам государств – исламской умме, тюркскому миру, евразийскому сообществу, либеральным прозападным союзам[2].

В этом отношении весьма показателен анализ выдающегося американского политолога, профессора Гарвардского университета *Сэмюэля Хантингтона,* который выдвинул в начале 1993 г. в своей статье «Столкновение цивилизаций?» новую «цивилизационную модель» мировой политики. Его концепция, в развернутом виде опубликованная в книге «Столкновение цивилизаций», представляется весьма востребованной в наши дни, если учесть глубокие противоречия по линиям геополитических разломов, в том числе на межрелигиозной, межнациональной и межрасовой почве.

С. Хантингтон в своей статье, рассматривая многообразие цивилизационной самоидентификации Анкары, подчеркивает, что «Турция прилагает все усилия, чтобы выстроить для себя новую идентичность» и «ответ гласит: «Ташкент»[3]. Тем самым американский политолог намекает на тюркскую идентичность Турции, которая в наши дни все ярче проявляется в ее внешней политике, а Узбекистан в этом уравнении играет весомую роль в силу своего мощного культурно-цивилизационного притяжения.

В своем одном из самых известных произведений «Конец истории и последний человек» американский философ и футуролог *Фрэнсис Фукуяма* высказывается о том, что «нации, созданные современным национализмом, во многом были основаны на прежнем «естественном» языковом разделении. Но еще они были намеренным продуктом националистов, у которых была некоторая степень свободы в определении того, кто или что

[1] Олкотт М.Б. Государства Центральной Азии идут своим путем // Московский Центр Карнеги. – М., 2013, №1-2 (58). - С.70-73 // http:/www.carnegie/ru/proecontra.

[2] Абдуллаев Ш. Трансформация международной системы и геополитической идентичности Узбекистана // Международные отношения. – Ташкент, 2017, №4. – С.100-107.

[3] Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис. – М., 1994. - С. 43-44.

составляет язык или нацию. Например, «пробуждающиеся» сейчас нации в советской Средней Азии не существовали как осознающие себя языковые сущности до большевистской революции; сегодня узбекские и казахские националисты роются в библиотеках, чтобы «переоткрыть» исторические языки и культуры, которые для многих из них являются совершенно новыми»[1].

Данная работа американского автора издана в 1992 г., вскоре после обретения Узбекистаном и Казахстаном государственного суверенитета, и впоследствии автор отказался от части изложенных в ней принципиальных положений. Суть в другом. Следует помнить то обстоятельство, что книга Ф. Фукуямы до сих пор входит в университетские курсы по различным научным и учебным дисциплинам, по сути, в анналы политологии и философии и содержит не вполне корректную оценку процессов укрепления национальной идентичности государств нашего региона.

Во-первых, национальная идентичность узбекского народа ввиду очевидных факторов априори не может быть предметом для дискуссий. Сильное развитие в Узбекистане «чувства национального самосознания и достоинства» и стремление к «самоутверждению» даже в годы советской власти отчетливо смог заметить Зб. Бжезинский в ходе своих поездок до и после обретения независимости Узбекистаном.

Во-вторых, узбекский народ даже в труднейшие периоды своей истории не терял своего языка и культурно-духовных ценностей, обладал и продолжает приумножать свою уникальную национальную идентичность, вбирающую в себя широчайшую палитру философий, языков и традиций Востока и Запада. В целом, выше приведенные теории являются спорными.

В этом контексте мы поддерживаем тезис профессора Ш.М. Абдуллаева о том, что мультикультурализм Узбекистана является источником его «мягкой силы». Очевидно, что мультикультурализм в мире и особенно в Европе фактически находится в глубоком кризисе, вызывая тем самым на политическую авансцену популистов и откровенных право-радикалов. Принципы мультикультурализма, на которых строилась идентичность ЕС в последние десятилетия, переживают огромные трудности. Принцип *trust building* (строительства доверия), который господствовал в Европе, подвергается большим сомнениям. В государствах ЕС преобладают заметно разные подходы и ценности в вопросе европейского единства. На этом фоне ситуация в Центральной Азии, в том числе в Узбекистане, резко отличается и это признают западные исследователи. Без сомнения, наш регион обладает всеми исходными характеристиками для того, чтобы выступать площадкой для межцивилизационного взаимодействия и сотрудничества различных культур. Это является частью гуманитарной идентичности.

---

[1] Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек. – М.: АСТ, 2004. - С.418-419.

Уместно в этом контексте привести мнение профессора Р.Х. Муртазаевой, которая утверждает, что «Узбекистан, один из очагов цивилизации, на протяжении трех тысячелетий смог выстоять благодаря многообразию культур, толерантности, богатому разнообразию этносов, традиций и конфессий. В качестве исторической эстафеты предков узбекистанцам передана мысль о том, что сила и будущее в единстве»[1].

Целесообразно обратить внимание на то, что некоторые внешние игроки и значительная часть зарубежной аудитории, исходя из собственных геополитических интересов, рассматривают Центральную Азию в качестве единого регионального актора, зачастую игнорируя заметные историко-цивилизационные, культурные, демографические и иные различия между проживающими здесь народами[2]. Это не способствует продвижению исторически сложившихся и искусственно культивируемых положительных образов об Узбекистане для отстаивания интересов государства. В то же время какой-либо дилеммы в вопросе оценки национальной и региональной идентичности не существует. Будучи в эпицентре основных исторических и современных региональных событий и не претендуя на некую исключительность, Узбекистан не может «отрывать» национальную «самость» от «общерегиональной» и рассматривает последнюю скорее в качестве исключительно важной компоненты развивающегося регионализма в Центральной Азии.

Кроме того, назрели серьезные научные дискуссии относительно теоретического осмысления современных внутри- и внешнеполитических процессов в странах региона, если учесть неоднозначность и спорность, по крайней мере в контексте коренных изменений в Узбекистане, использования теорий патримониализма (Макс Вебер) и неопатримониализма (Ш. Эйзенштадт) при анализе и определении систем государственного управления в Центральной Азии[3].

В плане научной полемики внимательного рассмотрения также требуют ранее изложенные обобщающие тезисы российских ученых в отношении характера политических систем государств Центральной Азии: «авторитарный плюрализм» (по Р. Скалапино); «нелиберальная демократия» (по Ф. Закария); «консервативно-патерналистское» устройство (по А. Воскресенскому); «анклавно-конгломератный тип» политико-социальной системы[4]. Полезность таких обсуждений очевидна как для внутреннего научного дискурса, так и внешнего проецирования

---

[1] Муртазаева Р.Х. Проявление толерантности узбекского народа в полиэтничном Узбекистане в условиях независимости // https://cyberleninka.ru/article/n/proyavlenie-tolerantnosti-uzbekskogo-naroda-v-polietnichnom-uzbekistane-v-usloviyah-nezavisimosti.

[2] Ларюэль М. Внешняя политика и идентичность в Центральной Азии // Pro et Contra // Московский Центр Карнеги. – М., 2013. №1-2 (58). С.6-7 // http:/www.carnegie/ru/proecontra.

[3] Казанцев А.А. «Большая игра» с неизвестными правилами: мировая политика и Центральная Азия. – М.: МГИМО - Университет, 2008. - С. 105-106.

[4] Богатуров А.Д., Дундич А.С., Троицкий Е.Ф. Центральная Азия: «отложенный нейтралитет» и международные отношения в 2000-х годах. Очерки текущей политики. - М.: НОФМО, 2010. С.12-15.

политических образов об Узбекистане. Образование в 2020 г. Института государства и права Академии наук Республики Узбекистан для осуществления «фундаментальных и прикладных исследований в области государства, права и политико-правовых учений», безусловно, будет иметь положительное значение в этом процессе[1].

Таким образом, многослойность и многозначность исторического, геополитического, культурного и этнического кода страны напрямую влияют на конструирование национальной идеи и идентичности.

Самое важное заключается в том, что эти категории вызывают живой интерес и у молодежи Узбекистана, что требует от политической науки фундаментального подхода и разработки стройных методологических концептов, вбирающих в себя лучшие национальные традиции и богатый опыт зарубежных исследований.

Ровшан АЛИМОВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Жамиятимизда кечаётган сиёсий ўзгаришлар, янгиланишлар олий мактаб олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий янгиланишлар кишилар онгини ўзгартириш орқали амалга оширилади. Айнан сиёсий фанлар олдида бугун ана шундай улуғвор вазифа турибди.

Сиёсий фанлар Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнггина фан сифатида шаклланаётган бўлса-да, у чуқур тарихий илдизларга эгадир. Ватамизнинг сиёсий тафаккури тарихида Абу Наср Форобий, Низомулмулк, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Амир Темур, Улуғбек, Бобир каби бир қатор олим ва давлат арбоблари чуқур из қолдиган. Лекин мустабид тузум туфайли сиёсий фикрлар ривожида узилиш юз берган эди. Истиқлол туфайли, ўзбек халқи яна ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эришди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида кишиларимиз сиёсий онги ва сиёсий маданиятининг юксалиб бораётганлигини кўряпмиз. Ушбу шароитларда Ўзбекистонда янги, навқирон фан йўналиши сифатида сиёсатшунослик, яъни политология ривожлана бошлади ва сиёсий тадқиқотлар ўтказиш йўлга қўйилди.

---

[1] Указ Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева от 29 апреля 2020 г. «О дополнительных мерах по кардинальному совершенствованию юридического образования и науки в Республике Узбекистан» // https://uza.uz/ru/documents/o-dopolnitelnykh-merakh-po-kardinalnomu-sovershenstvovaniy-29-04-2020.

Ўзбекистонда политология фанини ривожлантириш борасида қатор ютуқларга эришилди. Олимларимиз томонидан мамлакатимиз сиёсий тизимига, жамиятда юз бераётган муҳим сиёсий жараёнларга, ижтимоий-сиёсий соҳада шахс мақомига, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг сиёсий маданияти ва маънавиятини юксалтириш масалаларига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, ташқи сиёсати, халқаро муносабатлар, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш муаммоларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди.

Политологиянинг объектини сиёсат, сиёсий жараёнлар белгилаб, унинг предметини сиёсий ҳокимиятнинг қарор топиши, фаолияти ва қонуниятлари ташкил этади. Сиёсий фанлар йўналишидаги тадқиқотлар турли фанлар билан узвийликда амалга оширилади. Булар геосиёсат, геоиқтисод, тарих, география, ижтимоий психология, конфликтология, мамлакатшунослик, маданиятшунослик ва бошқалардир. Сўнгги вақтларда алоҳида бир йўналиш сифатида миллий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий муаммолари ҳам тадқиқотлар объектига айланди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда сиёсий фанлар бўйича қуйидаги ихтисосликлар бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда:

23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси. Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси;

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар;

23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура.

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари.

23.00.05 - Миллий хавфсизликнинг тизимли таҳлили ва истиқболини белгилаш муаммолари шифрлари бўйича ихтисослашган кенгашлар фаолият олиб бормоқда.

1992 йилдан то ҳозирги кунга қадар республикамизда, сиёсий фанлар бўйича 300 дан ортиқ диссертациялар ҳимояси амалга оширилган. Бу келтирилган рақамлар шундан далолат берадики, сиёсатни тушунадиган ва тўғри тушунтириб бера оладиган, уни кузатиб борадиган, таҳлил этадиган, холисона баҳолай оладиган, Ўзбекистонда, қўшни давлатларда ва бутун дунёда кечаётган жараёнлар ҳақида сиёсий тафаккур ва илмий мушоҳадага эга бўлган миллий сиёсатшунослар қатлами шаклланиб келмоқда. Ушбу кадрлар бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида, илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида, фондларда, жамоат ва нодавлат ташкилотларида, вазирлик ва идораларда меҳнат қилиб, ўз билим ва маҳоратларини Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини қуриш йўлида сафарбар қилмоқдалар.

Айрим олимларимизнинг илмий мақола ва китоблари хорижий мамлакатларда ҳам чоп этилиб, Ўзбекистонни дунёга танитиш борасида муҳим омил бўлмоқда. Аммо сиёсатшуносларимизнинг аксарият қисми ўз тадқиқотларида Россияда, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида чоп этилган

манбаларга нисбатан кўпроқ таяниб изланиш олиб борадилар. Бир тарафдан бу тушунарли, албатта. Бироқ, бу илмий ишларда бизнинг сиёсий ҳаётимиз тарихи, юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, ташқи сиёсатимиз устуворликлари, қолаверса миллий манфаатларимизни таъминлаш масаласи билан узвий боғланган бўлиши керак. Ҳар қандай хорижий илмий манбадан фойдаланиш қиёсий, танқидий, баҳс-мунозара тарзида амалга оширилса, ўринли бўлади.

Мамлакатимизда политология фанини янада ривожлантириш хусусида қуйидаги таклиф ва тавсияларни беришни жоиз деб биламиз:

1. Сиёсий фанлар йўналишида, мавжуд ҳар бир ихтисослик шифрларига мос келадиган ва тадқиқ қилиниши зарур бўлган долзарб мавзулар рўйхатини етакчи сиёсатшунос олимлар иштирокида ишлаб чиқиш лозим. Жумладан, рўйхатга қуйидаги йўналишлар бўйича мавзулар киритилиши мақсадга мувофиқ:

- сиёсий фанлар тарихи ва назарияси;
- сиёсий фанлар методологияси, яъни ички ва ташқи сиёсат узвий боғлиқлигининг механизмларини ишлаб чиқишга, XXI асрда дунё ҳамжамияти ривожланишининг янги йўналишлари ва омилларини ўрганишга, Ўзбекистоннинг умумжаҳон миқёсида янада илғор ўринларга чиқиб боришининг сиёсий механизмларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги ютуқлар ва мавжуд муаммоларни илмий жиҳатдан чуқур ва тизимли таҳлил этиш;
- Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан турли йўналишлардаги муносабатлари;
- мамлакатимиз атрофидаги геосиёсий камарларда жойлашган минтақавий давлатлар ва “куч марказлари”нинг Марказий Осиёда тўқнаш келган муштарак ва зиддиятли манфаатларини ҳамда уларнинг иқтисодий ва сиёсий-ҳарбий қудратларининг ўсиб бориши ва бу жараёнларнинг Ўзбекистонга таъсирини чуқур ва комплекс тарзда ўрганиш;
- умумжаҳон ва минтақавий даражадаги геосиёсий омилларнинг алоҳида олинган давлат ёки аниқ бир давлатлар гуруҳига таъсирини тадқиқ этиш;
- дунёдаги глобаллашув ва регионализм жараёнлари ҳамда уларнинг давлатлар миллий манфаатларига, геостратегиясига таъсирини ўрганиш;
- АҚШ, Россия, Хитой, Европа Иттифоқи, Япония, ислом дунёси, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаларини ўрганиш билан боғлиқ мамлакатшунослик ва минтақашунослик тадқиқотларини ривожлантириш.

Бироқ, ҳар бир тадқиқотчи ушбу рўйхатга кирмаган, унинг нуқтаи назарига кўра илмий янгилик яратишга молик бошқа бир мавзуни танлаш имкониятига эга эканлиги алоҳида белгилаб қўйилиши лозим.

2. Сиёсий фанлар бўйича республика миқёсида фаолият олиб борадиган Мувофиқлаштириш кенгашини тузишни таклиф этамиз. Унинг зиммасига қуйидаги вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқ:

- сиёсий фанлар бўйича диссертацияларининг тадқиқотчилар томонидан танланган мавзуларини кўриб чиқиш, баҳолаш ва тасдиқлаш;
- сиёсий фанлар йўналиши бўйича тайёрланган монографиялар, ўқув қўлланма ва дарсликларни ўрганиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва Мувофиқлаштириш кенгаши орқали нашрга тавсия этиш;
- “Политология”, “Геосиёсат”, “Халқаро муносабатлар” фанлари йўналишида республика миқёсида эътироф этиладиган янги ягона дарсликларни тайёрлаш ва нашр этиш бўйича муаллифлар гуруҳини белгилаш.

3. Сиёсий фанлар соҳасида илмий фаолият олиб бораётган республика олимларининг доимий мулоқотларини, баҳс-мунозараларини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон политологлари уюшмасини ташкил этишни тавсия этамиз.

4. Сиёсатшуносликнинг турли муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияларини ҳар йили ўтказиш.

Қудратхўжа ШЕРЗОДХОН, сиёсий фанлар номзоди, профессор
(Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети)

СИЁСИЙ ФАНЛАР – ЯНГИЧА ФИКРЛАШ, ДУНЁНИ АНГЛАШ ФАНИ

Инсоний жамоа ёки жамият пайдо бўлиши билан сиёсат ҳам туғилди. Арасту сиёсатни этикадан ажралиб чиққан, деган фикрни билдиради. Яъни, ҳали сиёсат пайдо бўлмасидан аввал ахлоқий ва маънавий қадриятлар сиёсат вазифасини бажарган. Кейинчалик инсоний бирликлар яшаш учун ҳимояланиш ёки ҳокимиятга эришиш, ҳокимиятни ушлаб туриш ва бошқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, сиёсатга зарурат сеза бошлаган.

Сиёсий фанларга оид назарияларга мурожаат қилсак, сиёсатнинг вужудга келиши ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашув жараёнини ўзида ифода этади ва меҳнат тақсимоти билан боғланади. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида эҳтиёжлар жуда оддий бўлиб, инсонлар фақат тирик қолиш учун курашганлар, холос. Улар мустақил яшашга қодир бўлмаганликлари учун «яхлитлик»ка – уруғ ва қабилага уюшган. Одамлар табиатга мослашиб яшаган, кун кечирган, ўзаро муносабатларни эса диний меъёрлар ва анъаналар воситасида тартибга келтирган.

Аста-секин меҳнат қуролларининг такомиллашуви туфайли инсон ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка (овчиликдан

деҳқончиликка) ўтган. Аграр жамиятда меҳнат қуролларининг такомиллашуви (металл плугнинг яратилиши) ва ҳайвонлардан ишчи кучи, тортувчи куч сифатида фойдаланиш оқибатида инсон ўз эҳтиёжларини қондиришга заруратдан кўпроқ маҳсулот етиштира бошлайди.

Қўшимча маҳсулот инсоннинг иқтисодни ривожлантириш билан боғлиқ имкониятларини анча кенгайтирди. Натижада, мол айрибошлаш, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва шаҳарлар пайдо бўлди. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётда муҳим ўзгариш ясади – **у жамоадан алоҳида шахснинг ажралиб чиқишига** олиб келди. Ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига эга мустақил шахс «табиий жамият»дан «фуқаролик жамияти»га ўтишда асос бўлиб хизмат қилди.

Эндиликда шахснинг феъл-атвори диний меъёрлар ва анъаналар билангина белгиланмай қолди. Унинг жамиятдаги мақоми иқтисодий имкониятлари, бойлиги, обрўйига боғлиқ бўлиб қолди. Бироқ худди шу ерда инсоният яна бир муаммога тўқнаш келди: унинг мулки ҳимоясиз эди ва бу омил шахснинг мустақиллиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий институтларни шакллантириш ва ривожлантиришни талаб қилди.

Келишилган хатти-ҳаракатларга эҳтиёж мавжуд бўлган, бироқ табиий келишув бўлмаган жойда ва вақтда сиёсат вужудга келади. Турли манфаатларни мувофиқлаштириш, жамият яхлитлигини сақлаш ва унинг амал қилиши самарадорлигини таъминлаш эҳтиёжи ҳокимият институтларининг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада, давлат, бюрократик аппарат, армия, мафкура ва ҳоказолар вужудга келди. Сиёсат энди шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилмай, умумаҳамиятга эга гуруҳий манфаатларни қондиришга хизмат қила бошлади. Чунки бир тоифа одамлар манфаатларининг қондирилиши аҳолининг бошқа қатламлари манфаатларининг чекланишига, камситилишига олиб келар эди.

Буюк Британиянинг Уэбстер луғатида сиёсатга қуйидаги таърифлар берилган:

- Ахлоқнинг давлат ва жамият билан боғлиқ бир қисми бўлиб, ҳукуматнинг шахс олдидаги ахлоқий-маънавий мажбуриятларини қамраб олади.
- Сиёсий хатти-ҳаракатлар, амалиёт.
- Бир-бири билан рақобатдаги манфаат гуруҳлари ўртасидаги мусобақа ёки сиёсий муносабатлар.
- Нодавлат ташкилотларнинг ҳукумат устидан назоратни кенгайтириш мақсадидаги хатти-ҳаракатлари.
- Жамиятнинг сиёсий бошқаруви.
- Алоҳида шахснинг сиёсий тамойиллари, маслаклари, сиёсат хусусидаги фикр-мулоҳазалари ёки майллари.
- Жамиятдаги инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва низоли-зиддиятли муносабатлар йиғиндиси.

- Етакчилар ва итоат этувчилар ўртасидаги муносабатлар.
- Сиёсий фан[1].

Мутафаккирлар фикрича, **сиёсат –** шахслар, гуруҳлар, яхлит жамият манфаатларини амалга ошириш ва эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолият соҳаси бўлиб, давлат ҳокимиятини эгаллаш, уни сақлаш ва фойдаланиш сиёсатнинг негизини ташкил этади. Ҳокимият, нуфуз, ташкилот ва бошқарув бор жойда сиёсат ҳам бўлади. Булар – сиёсатнинг ўзига хос кўрсаткичларидир.

Сиёсатга интилишларнинг сабаблари кўп. Лекин, асосан, манфаатдор инсонгина сиёсатда иштирок этади. Дарҳақиқат, инсон ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини давлатнинг аралашувисиз қондира олмаганида сиёсатга киришади. Масалан, инсонни унинг иш ҳақи миқдори қониқтирмаяпти. Бошқа кишилар ҳам унга ўхшаш ҳолатдалар. Булар бирикиб, ташкилот тузиб, ҳукуматга эътироз билдирадилар. Агар ҳукумат уларга ён босмаса ёки муаммоларни ниҳоятда секин ҳал қила бошласа, бу соф иқтисодий талаблар сиёсий мазмун касб эта бошлайди, чунки одатда бундай ҳолатда кишилар ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб этадилар. Демак, манфаатлар сиёсатнинг негизини ташкил этади. Улар билан ҳисоблашмаслик ёки улардан узоқлашиш сиёсатда сунъийликни орттиради ва манфаатлар асосига қурилмаган сиёсат эртами-кечми ҳалокатга маҳкум бўлади. Манфаат – келишув, барқарорлик, равнақ асосидир.

Собиқ шўролар даврида «Сиёсатшунослик» фани буржуа фани сифатида эълон қилиниб, унинг СССРга кириб келишига йўл қўйилмади. Лекин, бу шўролар даврида сиёсий фанлар ўқитилмади, дегани эмас. Бу даврда олий ўқув юртларида «КПСС тарихи», «Илмий коммунизм», «Илмий атеизм» каби сиёсий фанлар маркисизм-ленинизм нуқтаи назари ва таълимоти асосида ўқитилди. Бу фанлар, албатта, сиёсатшунослик фанининг ўрнини боса олмасди. Улар жуда ҳам маҳдудлик тарзида, пролетариат диктатураси ва ишчи деҳқон мафкураси манфаатларидан келиб чиқиб ўқитилди.

1991 йил Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан «Сиёсатшунослик» фанини ривожлантиришга эҳтиёж пайдо бўлди. Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб мамлакатдаги барча олий ўқув юртларида «Сиёсатшунослик» фани ўқитилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида сиёсатшунос мутахассислар тайёрлаш йўналишлари жорий этилди. Сиёсатшунослик фани бўйича бакалаврлик иши, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш русумга кирди.

Лекин, бу даврда махсус сиёсатшунослик мутахассислигини эгаллаган кадрлар йўқлиги учун мазкур фан файласуфлар, тарихчилар ва бошқа

---

[1] Словарь Уэбстера – «Американский словарь английского языка». – Москва: 1975 // https://www.ozon.ru/ product/ webster-s-dictionary-26349463/#section-description--offset-80.

ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари томонидан ўқитила бошланди. 1992–2010 йилларда сиёсатшунослик фанининг шаклланиш даври ўз ниҳоясига етмасдан бирданига тўхтаб қолди. Бунинг устига, ҳали ҳақиқий маънодаги сиёсатшунос олимлар ва профессор-ўқитувчилар таркиби ҳам тўлиқ шаклланмаган бир пайтда сиёсатшунослик фани таълим тизими ва сиёсий ҳаётдан чиқариб ташланди.

1995 йилда Ўзбекистон Миллий университетида «Сиёсатшунослик» мутахассислиги бўйича бакалавр ва магистр тайёрлайдиган кафедра ва факультет фаолият юритиб, 1995–2009 йилларда сиёсатшунослик таълим йўналишида 665 та талаба бакалавриат йўналишида таълим олди. 2010 йилдан бошлаб бу йўналиш бўйича ОТМга қабул тўхтатилди. Унинг магистратура йўналиши ҳам бекитилди. Бу ҳолатнинг сабаблари анча кейин, 2013 йилда очиқ айтилди. 2013 йил август ойига келиб барча ОТМлардаги бошқа йўналишлар учун ҳам «Сиёсатшунослик» фанини ўқитиш тўхтатилди. Унинг сабаби сифатида ҳукумат томонидан мазкур фанни таълим тизимидан чиқариб ташлашни асослаб бериш тузилган ишчи гурух хулосасида қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Мазкур фаннинг илмий жиҳатдан методологик асоси йўқ ҳамда унинг предмети ва объекти мавҳум. "Сиёсатшунсолик" фанининг назарий манбаа ва илдизлари собиқ шўро давридаги ижтимоий-сиёсий фанлар методологиясидан келиб чиққанлиги боис, бугунги замон, фуқаролик жамияти, ривожланган демократик жамият қуриш, ёшларнинг сиёсий онги, дунёқараши, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда фаннинг тарбиявий, маънавий-маърифий таъсирчанлигини ошириш талабларига жавоб бермайди. Бу ҳолат фаннинг методологик асослари, объекти ва предмети бугунги ҳаётда мавҳумлиги оқибатида юзага келган»[1].

«Сиёсатшунослик» фанига берилган бу баҳо субъектив, адолат принципларига асосланмаган эди. Бу фаннинг олий таълим тизимидан чиқарилиши натижасида 58 та ОТМдаги 89 та ижтимоий-гуманитар кафедралардаги 131 та профессор-ўқитувчи, сиёсатшунослик таълим йўналишида бакалавр ва магистр бўлган ёшлар ўзларининг севимли машғулотларидан маҳрум бўлди. Яна 131 та профессор-ўқитувчининг 58 тасига (44 фоизи) «нафақа ёшига яқинлашиб қолган» деган «айб» қўйилди.

2011 йилдан бошлаб сиёсий фанлар бўйича фан номзоди ва доктори диссертацияси ҳимоя қилинадиган илмий кенгашлар ҳам ёпилди. Шу тариқа Ўзбекистонда бу фан илм ва таълим соҳасидан чиқариб ташланди. Бу ҳолат мамлакатда сиёсий муносабатларни ривожлантириш ва сиёсий тизимни ислоҳ этиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатди. Давлат ва жамият қурилиши ислоҳотлари ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш тажрибаси ва назарий асосларини эътиборга олмаган ҳолда амалга

[1]Қаранг: В Узбекистане отменена политология. 31 августа 2015 г.// https://www.ridus.ru/news/196151.

оширила бошланди. Бу ҳолат давлат ва жамият бошқарувини бозор иқтисодиётига мослаштиришга оид ислоҳотларнинг тўхтаб қолишидаги сабаблардан бири эди.

Сиёсатшунослик, умуман, сиёсий фанларни қайтадан «тирилтириш», унинг обрўси ва нуфузини ўз жойига қўйиш Ш.М. Мирзиёевнинг мамлакат Президенти этиб сайланганидан кейин бошланди. Давлат бошлиғи мамлакатда сиёсий фанларни ривожлантириш, бу соҳадаги кадрларни тайёрлаш, маъмурий ислоҳотларни ўз ниҳоясига етказишда сиёсий фанларнинг ўрнини чуқур ва теран равишда англаб етган эди. Шунинг учун бу соҳада туб ўзгаришлар амалга оширa бошланди. Шунингдек, сиёсий фанлар бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари ҳамда унвонларини олиш қайтадан ташкил этилди.

ОТМларда сиёсатшунослик йўналиши ихтисослиги бўйича бакалавриат ва магистратура таълими ёпилганидан кейин 9 йил, турли йўналишларга «Сиёсатшунослик» фанини ўқитишни тўхтатиб қўйилганига 4 йил ўтганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январда «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга биноан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига 2019–2020 ўқув йилида «Сиёсатшунослик» бакалавриат таълим йўналиши бўйича «Амалий сиёсатшунослик» таълим мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилиш, шунингдек, «Сиёсий фанлар» фани тармоғи ихтисосликлари бўйича таянч докторантурага қабул қилинадиган бўлди. 2020–2021 ўқув йилида эса Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ва Тошкент давлат шарқшунослик университетларига «Сиёсатшунослик» бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқишга қабул қилишга рухсат этилди[1].

Шу билан бирга, Президент қарорида илғор хорижий тажриба ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида сиёсатшунослик фанлари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, жаҳон сиёсатидаги энг янги тренд ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда халқаро даражадаги илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Албатта, ҳар қандай жамият ёки давлат сиёсатшунослик фани ютуқларини амалиётга қўлламай туриб демократик бошқарув усулларини эгаллай олмайди. 2020-2021 ўқув йилида бизнинг университетга «Сиёсатшунослик» бакалавр йўналишига ажратилган 25 та ўринга тест синовларидан юқори балл олган 105 нафар, 2021-2022 ўқув йилида эса 25 ўринга 75 та абитуриент талабалик ҳуқуқини қўлга киритганлиги, кириш балларининг ниҳоятда баландлигини бу фанга қизиқишларнинг катта

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Қарори. 2019 йил 29 январь. [Электрон ресурс]. https://lex.uz/docs/4182353

эканлигини англатади. Бу ҳолат профессор-ўқитувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Сиёсатшунослик бўйича кадрлар тайёрлашда учта муҳим жиҳатга эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз. Биринчиси, назария билан бир қаторда амалиётга алоҳида аҳамият бериш зарур. Иккинчиси, талабада мустақил фикрлаш, сиёсий жараёнларга ўз муносабатини билдира олиш қобилиятини ошириш лозим. Учинчидан, ҳозирги кучли глобаллашув даврида талабалар айрим олинган давлатлар ёки минтақалар бўйича ихтисослашуви даркор.

Ҳозир бизнинг жамоада дастлаб тажриба тариқасида «Хорижий минтақашунослик» фани бўйича талабаларни бир неча гуруҳларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида бир давлат ёки минтақага оид соҳага ихтисослаштириш режаси тузилди. Масалан, «Хитойшунослик», «Америкашунослик», «Ҳиндшунослик», «Яқин шарқшунослик», «Японшунослик», «Европашунослик» каби йўналишлар бўйича талабаларни гуруҳларга бўлиб машғулотлар ўтказиш ўзининг самарасини беради, деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозирги даврда минтақа ва давлатларга оид энциклопедик билимлар жуда ҳам кенгайиб кетганлиги учун кўпроқ уларни гуруҳлаштириб ўрганиш мантиққа тўғри келади.

Хуллас, мамлакатимизда 2021 йил июль ойида «Сиёсат» ижтимоий-сиёсий журналининг таъсис этилиши ҳам сиёсий фанларни ривожлантириш, сиёсий тизимдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли сиёсий маданиятини ошириш, Янги Ўзбекистон сиёсий мазмунини бойитиш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур журнал миллий матбуотимизда хизмат қилаётган сиёсий журналистлар ижодининг аҳамиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Илёс ИСЛАМОВ, тарих фанлари доктори, доцент
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ УСТУВОР ТАДҚИҚОТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлиги муайян давлатдаги сиёсий барқарорликнинг қандай даражада таъминланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боисдан сиёсий хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш йўналиши сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ва социологлар томонидан илмий тадқиқотларнинг объектига айланди. Бугунги кунда сиёсий хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш мавзусига бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, қуйида уларни таҳлил қиламиз.

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик туфайли сиёсий тизимни ривожлантириш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий жиҳатларини тадқиқ этиш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар амалга ошира бошланди. Табиийки, улар орасида сиёсий хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш борасидаги тадқиқотлар алоҳида ўринга эга. Жумладан, И. Бобоқулов ва Х. Умаровларнинг фикрича, «сиёсий хавфсизликнинг моҳияти мустақил ички ва ташқи сиёсатни юритиш ҳамда давлат тузилмаси масалаларини ўзи ҳал эта олиш имконияти билан белгиланади. Давлатнинг халқаро майдондаги барқарор ҳолати ҳам ички сиёсий барқарорликдан келиб чиқади»[1].

Р. Самаровнинг илмий изланишларида «сиёсий барқарорлик» ва «сиёсий хавфсизлик» тушунчаларга табиий уйғунлик сифатида қаралган. Олим, сиёсий хавфсизлик халқаро муносабатлар тизими доирасида барқарор сиёсий суверенитетни таъминлаш, миллатнинг, институтларининг давлат тузилиши масаласини мустақил ҳал эта олиш, эркин ички ва ташқи сиёсат юритиш имкониятларини, шунингдек, шахс, жамият ва давлат манфаатлари мувозанатига асосланган сиёсий барқарорликни назарда тутади[2].

Юқорида келтирилган илмий ишларда сиёсий хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни ўрганиш масалалари ва унинг айрим жиҳатлари ёритилган. Ҳозирги вақтда сиёсий хавфсизлик ва сиёсий барқарорлик муаммоларини миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан фундаментал тадқиқ этилган илмий ишлар етарли эмас.

Сиёсий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига оид Россия Федерациясида амалга оширилган илмий тадқиқотларда сиёсий тизим, сиёсий хайрихоҳлик, сиёсий хавфсизликни таъминлашда давлат органлари ва ахборот технологияларининг ўрни каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларни моҳиятидан келиб чиқиб тўрт гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин:

Биринчи гуруҳ тадқиқотларида сиёсий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий тизим барқарорлигига бевосита боғлиқлиги ўрганилган бўлиб, уларга мисол тариқасида С. Комаров ва Д. Гришенколарнинг диссертацияларини келтириш мумкин. Жумладан, сиёсий фанлар доктори С. Комаровнинг «Миллий хавфсизликни таъминлашнинг омиллари тизимида Россия сиёсий барқарорлигини шакллантиришнинг механизми ва методологияси» мавзусидаги докторлик диссертациясида муаллиф миллий хавфсизликни таъминлашда сиёсий барқарорликнинг ўрни алоҳида очиб берилган. Муаллифнинг фикрича, «Мамлакатда инқилобларнинг амалга оширилмаслиги, ички муаммоларни давлат куч ишлатмасдан ҳал қилиши,

---

[1] Бобоқулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – 68-б.

[2] Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Тошкент: «Akademiya», 2010. – 120-б.

конституциянинг доимий равишда қайта кўриб чиқилмаслиги ва фуқароларнинг давлат тузумига қарши чиқишларининг кузатилмаслиги ҳамда ҳукумат ичида беқарорликнинг бўлмаслиги каби ҳолатлар сиёсий тизим барқарорлигини кўрсатади»[1]. Мазкур ёндашув ўринли бўлиб, уларга сиёсий барқарорликни баҳолаш мезонлари сифатида ҳам қараш мақсадга мувофиқ. Масалан, Украинада амалга оширилган 2004 ва 2013-2014 йиллардаги «рангли инқилоблар» ҳукумат тепасига келган сиёсий кучларнинг талабларини ҳисобга олиб бир неча марта конституциянинг қайта кўриб чиқилиши, фуқароларнинг давлат сиёсатидан норози бўлиб унга қарши чиқишлари, сиёсий элита ўртасидаги конфликтларнинг кучайиши сиёсий беқарорлик ва сепаратизмнинг ривожланишига олиб келди.

Д. Гришенконинг «Замонавий Россиянинг сиёсий хавфсизлиги: ҳолати ва амалга ошириш механизмлари» номли ишида сиёсий хавфсизлик ички ва ташқи шарт-шароитлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. «Сиёсий хавфсизликни таъминлашда ички шароитлар (вазияти) асосий ижтимоий гуруҳларнинг туб манфаатларини ўзида акс эттирган ва жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган, жиддий ижтимоий ва сиёсий конфликтлардан холи бўлган барқарор сиёсий тизимни англатади»[2] деб таъкидлаган.

Иккинчи гуруҳга оид тадқиқотларда сиёсий барқарорликнинг турли жиҳатлари таҳлил қилинган. Хусусан, жамият сиёсий барқарорлигини таъминлаш масалалари А. Семченков, сиёсий барқарорликни таъминлашда этник ва диний омиллар Н. Тузов, сиёсий барқарорликни таъминлаш механизмлари, объектив ва субъектив омиллари С. Бойко ва С. Савинлар томонидан илмий тадқиқ этилган.

Сиёсий фанлар доктори А. Семченковнинг илмий изланишларида «жамият сиёсий барқарорлигини таъминлаш» тушунчаси моҳиятини очиб берилган. Олимнинг таъкидлашича, «Жамият сиёсий барқарорлигини таъминлаш – бу ҳукуматнинг легитимлигини таъминлашга, мамлакатда фуқаролараро, миллатлараро ва динлараро тотувликни сақлашга ҳамда ҳудудий яхлитлик ва суверенитетни ички, ташқи ва трансчегаравий таҳдидлардан ҳимояланишга қаратилган давлат органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг чора-тадбирларини ўзида акс эттиради»[3].

Н. Тузовнинг «Россия Федерацияси сиёсий барқарорлигида этник ва диний омиллар» диссертациясида диний ва этник омилларинг мамлакат

---

[1] Комаров С.М. Методология и механизм формирования политической стабильности России в системе факторов обеспечения национальной безопасности: автореф. дис. … докт. политических наук. – Москва, 2000. – 42 с.

[2] Грищенко Д.Ю. Политическая безопасность современного Российского государства: состояние и механизм обеспечения: автореф. дис. … кандидат политических наук. – Владимир, 2008. – С. 10.

[3] Семченков А.С. Противодействие современным угрозам политической стабильности в системе обеспечения национальной безопасности России: автореф. дис. … докт. политических наук. – Москва, 2012. – С. 22.

сиёсий барқарорлигига таъсири ўрганилган. Муаллиф фикрича, «сиёсий барқарорликнинг таъминланиши ва унинг келажаги этник ва диний омилларнинг ривожланиш йўналишлари, хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирига боғлиқ. Шунингдек, бу жараёнларга давлатнинг маъмурий-бошқарув институтларининг муносабатини ҳам ҳисобга олиш лозим»[1].

С. Бойконинг «Сиёсий барқарорликни таъминлаш механизмлари: халқаро ва миллий жиҳатлар» номли тадқиқотида сиёсий барқарорликни таъминлаш механизмларини шакллантирувчи энг асосий субъектлар сифатида давлат ва унинг институтлари келтирилади. «Айнан давлат ўз органлари ва тузилмалари орқали музокаралар ўрнатиш ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш йўли орқали сиёсий барқарорликни таъминлашда бош актордир. Давлат ўз барқарорлигини таъминлаш учун мамлакатнинг сиёсий барқарорлигига таъсир этувчи муаммоларни ҳал қилиш энг муҳим омил ҳисобланади»[2]. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик масалалари сиёсий барқарорликнинг таъминланишига бевосита таъсир кўрсатади.

С. Савиннинг «Ўзгариб бораётган жамиятда сиёсий барқарорлик» мавзусидаги тадқиқот иши сиёсий барқарорликнинг объектив ва субъектив омилларини ўрганишга бағишланади. Объектив омиллар қаторига муаллиф сиёсий институтларнинг турғунлиги ва давлатнинг ҳокимиятларга бўлиниши тизимининг самарадорлигини киритади. Бундай жамиятлар сиёсий маданиятнинг сақланиб қолишини таъминлайди. Муаллиф давлат ҳокимиятининг жамиятдаги легитимлиги ва самарадорлигига субъектив омиллар сифатида қараган[3].

Жамият сиёсий барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг сиёсий хайрихоҳлиги ва ҳукуматга бўлган ишонч даражасини ошириш муҳим масалаларидан биридир. Кейинги йилларда ривожланиб кенг қамровли имкониятлар яратаётган ахборот-коммуникация технологияларининг сиёсий барқарорликни таъминлашдаги ўрни М. Лазарев ва Н. Бануляларнинг тадқиқотларида ёритилган бўлиб, уларни ***учинчи гуруҳ***га киритишимиз мумкин.

Сиёсатшунос М. Лазаревнинг фикрича, сиёсий хавфсизлик – фуқароларнинг сиёсий хайрихоҳлиги билан бевосита боғлиқдир. Сиёсий хайрихоҳлик омилини мамлакатни бошқаришда юзага келадиган давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги ўзаро сиёсий муносабатларнинг ўзига хос

---

[1] Тузов Н.В. Этнический и религиозный факторы политической стабильности Российской Федерации: автореф. дис. … докт. политических наук. – Москва, 2008. – С. 8.
[2] Бойко С.И. Механизмы обеспечения политической стабильности: Международный и национальный аспекты: автореф. дис. … канд. политических наук. – Москва, 2006. – С. 3.
[3] Савин С.Д. Политическая стабильность в изменяющемся обществе: автореф. дис. … канд. социологических наук. – Санкт-Петербург, 2003. – 29 с.

шакли сифатида кўради[1]. Фуқароларнинг ҳукуматга нисбатан бўлган сиёсий хайрихоҳлиги конституцион тузумнинг мустаҳкамлиги ва унинг изчил ривожланиши учун шароит ҳозирлайди ҳамда давлат барқарорлигининг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Н. Бануляк давлат органлари томонидан қўлланиладиган янги ахборот-коммуникация технологияларига жамият ишончини қозониш воситаси сифатида қарайди. Мамлакат тараққиёти ва барқарорлигининг асосий шарти – бу ҳукумат ва жамият ўртасида доимий фаолият юритиб турадиган очиқ мулоқот канали ёрдамида эришиладиган жамиятнинг давлат тузумига бўлган ишончидир. «Давлат ахборот-коммуникация технологиялари воситасида демократиянинг вакиллик моделидан коммуникатив шаклига ва ундан делибератив моделига ўтиш йўлини босиб ўтади. Бунинг натижасида фуқаролик жамиятининг давлат бошқарувидаги иштироки кенгаяди ва ҳукуматга бўлган ишончи ортади»[2].

Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилиши, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усуллари жорий этилиши, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимининг амалиётга татбиқ этилиши халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Тўртинчи гуруҳга сиёсий барқарорликни таъминлашда давлатнинг ахборот сиёсати билан боғлиқ жиҳатларини ўрганган И. Волченков ва Е. Ветроваларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

И. Волченковнинг таъкидлашича, яхши самара берадиган ахборот сиёсатига фақатгина тизимли ёндашувга асосланган ҳолда эришилади. Давлат томонидан амалга ошириладиган ахборот сиёсати туфайли жамиятнинг бирлашуви таъминланади. Муаллиф фикрига кўра, «*давлат ахборот сиёсати* – бу ҳукуматнинг жамият устидан, айнан, ахборот соҳасидаги бошқарувидир. Мазкур сиёсат жамиятдаги ахборот оқимини ҳам ахборот борлиғи субъектларининг фаолиятини назорат қилишга имкон яратади»[3].

Е. Ветрованинг «Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда давлатнинг ахборот сиёсати омил сифатида: ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги диссертация ишининг предмети сифатида давлат ахборот сиёсатининг давлат бошқаруви самарадорлигига кўрсатадиган таъсирининг ўзига хос хусусиятлари

---

[1] Лазарев М.В. Политическая лояльность как фактор стабильности государства: автореф. дис. … докт. политических наук. – Москва, 2004. – С. 40.

[2] Бануляк Н.А. Новые информационно-коммуникационные технологии как инструмент формирования общественного доверия к органам государственной власти России: автореф. дис. … канд. политических наук. – Москва, 2013. – 25 с.

[3] Волченков И.Д. Разработка и реализация информационной политики органами государственной власти в Российской Федерации: автореф. дис. … канд. политических наук: 23.00.02 / И.Д.Волченков. – Москва, 2008. – С.14.

белгиланган. Муаллиф ўз тадқиқоти якунида давлат ахборот сиёсати мазмун-моҳиятининг ҳозирги шароитда ўзгаришларга дуч келиши ахборот-коммуникация жараёнларининг давлат бошқарувидаги ролининг ошиши билан боғлиқдир, дейди Е. Ветрова. Келажакда давлат ахборот сиёсатининг давлат бошқарувига бўлган таъсири кучайиб бораверади[1].

Юқорида қайд қилинган диссертация ишларида тадқиқотчилар томонидан сиёсий барқарорлик масаласига ўз давлати миллий манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб хулосалар берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сиёсий хавфсизлик масалаларига оид амалга биз танишган илмий ишларнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги мулоҳазаларни билдирамиз:

1. Мамлакатимизда сиёсий хавфсизлик соҳасига оид илмий тадқиқотлар кўлами етарли даражада эмас.

2. Сиёсий хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш мураккаб жараён бўлиб, унинг объекти ва субъектини, ривожланиш кўрсаткичлари ва ресурсларини, ижтимоий-сиёсий бошқарув хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

3. Ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашиб бораётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимиз сиёсий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурати мавжуд. Шунингдек, бу илмий тадқиқотларда сиёсий хавфсизликни таъминлаш воситалари ва методларини такомиллаштиришга ҳамда сиёсий хавфсизликни тизимли таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бугунги кунда, сиёсий хавфсизлик соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда, сиёсий хавфсизликни таъминлашга бевосита хизмат қилувчи ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;

иккинчидан, сиёсий хавфсизликни таъминлаш тизимини мониторинг қилишга қаратилган назарий ва амалий аҳамиятга эга тадқиқотларни кўпайтириш;

учинчидан, сиёсий хавфсизлик соҳасида тадқиқотларни яратиш орқали унинг ижросини таъминлашнинг муқобил йўлларини ишлаб чиқиш.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда миллий хавфсизликка қаратилган реал ва потенциал таҳдидлардан келиб чиқиб, сиёсий хавфсизликни таъминлашга оид ҳозирги қуйидаги тадқиқот йўналишларини тавсия этамиз:

---

[1] Ветрова Е.Н. Государственная информационная политика как фактор повышения эффективности государственного управления: современное состояние и приоритеты совершенствования: автореф. дис. … канд. политических наук: 23.00.02 / Е.Н. Ветрова. – Орел, 2014. – С. 8.

1. Сиёсий хавфсизликни таъминлаш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш:

- сиёсий хавфсизликни таъминлашда давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ролини ошириш;
- сиёсий хавфсизликни таъминлашда парламент назоратини кучайтириш;
- минтақавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи сиёсий институтларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш.

2. Фуқаролик жамияти ривожланишининг сиёсий хавфсизликка таъсирини тадқиқ этиш:

- давлат органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш;
- фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий фаоллигини ошириш;
- халқаро нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг сиёсий хавфсизликка таъсирини тадқиқ этиш;
- муҳолифат сиёсий партияларнинг сиёсий барқарорликка таъсирини очиб бериш;
- жамоатчилик назорати – сиёсий хавфсизликни таъминлашнинг омили сифатида.

3. Сиёсий барқарорликни таъминлаш:

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялаш;
- мамлакатимизда фуқаролараро, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлаш;
- жамият барқарорлигини таъминлашнинг сиёсий-фалсафий омиллари;
- сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш технологиялари;
- сиёсий инқирозга олиб келувчи омиллар ва уларни ривожлантирувчи кучлар;
- ички сиёсий хавфсизликни таъминлаш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;
- ташқи сиёсий хавфсизликни таъминлаш стратегиясини такомиллаштириш.

4. Ахборот таҳдидларининг сиёсий хавфсизликка таъсирини тадқиқ этиш:

- ОАВлари орқали сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишга оид технологиялар;
- Интернет тармоғи орқали сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиш ва манипуляция қилиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш;
- ахборот соҳасидаги ички ва ташқи таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қарши кураш;

- сиёсий хавфсизликни таъминлашда сиёсий рекламанинг роли;
- замонавий сиёсий технологияларнинг сиёсий ҳокимият барқарорлигини таъминлашдаги ўрни;
- сиёсий мақсадларга эришишда «юмшоқ куч» сиёсати;
- ахборот ресурслари сиёсий хавфсизликни таъминлашнинг воситаси сифатида.

5. Халқаро муносабатларда сиёсий хавфсизликни таъминлаш:

- халқаро муносабатларда мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ўрни ва ролини ошириш;
- Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини (сиёсий имижини) мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборотларни етказиш;
- минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий воситалари;
- давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини тадқиқ этиш.

6. Сиёсий хавфсизликни тизимли таҳлил қилиш:

- сайлов кампаниялари ва сайлов технологияларининг давлат сиёсий хавфсизлигига таъсирини тадқиқ этиш;
- сиёсий хавфсизликни тизимли таҳлил қилиш методикаларини такомиллаштириш;
- сиёсий хавфсизлик мониторингини амалга ошириш;
- сиёсий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш ва прогнозлаш.

7. Сиёсий таҳдидларга қарши кураш:

- конституциявий тузумни ўзгартиришга қаратилган таҳдидларга қарши кураш;
- сиёсий экстремизмга қарши курашни такомиллаштириш;
- ёшларнинг онгини сиёсий манипуляция қилишга қаратилган таҳдидларга қарши кураш;
- ижтимоий тангликларнинг сиёсий хавфсизликка таъсирини ўрганиш.

Юқорида келтирилган тадқиқот мавзулари сиёсий хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган долзарб йўналишлар бўлиб, улар сиёсий жараёнларнинг ўзгариб бориши, сиёсий соҳадаги турли ноанъанавий таҳдидларнинг пайдо бўлишига мос равишда шаклланиб боради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, сиёсий хавфсизликка оид тадқиқотларни ривожлантириш орқали сиёсий соҳадаги миллий манфаатларимизга қаратилган таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва уларга қарши кураш самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўламиз.

Илёс ИСЛАМОВ, тарих фанлари доктори, доцент
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби),
Шухрат МАХМУДОВ сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Самарқанд давлат университети)

СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ОИД ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади», – деб таъкидлаган эди[1]. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда барча соҳалар каби давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш ва олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатимиз самарадорлигини оширишга ҳам янгича ёндашувлар талаб этилмоқда. Ана шундай ёндашувлардан бири сиёсий жараёнлар самарасини ошириш мақсадида замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланишдир.

Сиёсий технологиялар – бу сиёсий соҳада кутилган муваффақиятли натижаларга эришиш ва сиёсий жараённинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда қўлланиладиган тартиблар, усуллар ва йўлларнинг йиғиндисидир[2].

Ўзбекистондада сиёсий технологиялар муайян сиёсий лойиҳаларни амалга оширишда, сиёсий ҳокимиятни шакллантиришда, сайлов жараёнлари ва сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини оширишда, шунингдек, ижтимоий фикрни шакллантиришда қўлланилмоқда.

Сиёсий технологияларни такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этиш сиёсатшунослар, файласуфлар, социологлар ва психологлар томонидан илмий тадқиқотларнинг объектига айланган. Ушбу йўналишдаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, мамлакатимизда ҳам сиёсий технологияларнинг турли жиҳатларини тадқиқ этиш борасида бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилганидан дарак беради.

Н. Умарова ва У. Исломбековларнинг «Сиёсий технологиялар» ўқув қўлланмасида сиёсий ҳаётни самарали ташкил этишга хизмат қиладиган технологияларнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ муҳим масалалар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017.
[2] Анохин М. Г. Современные технологии эффективной политики: Учеб. пособие. – Москва: РУДН, 2008. – 239 с.

ёритилган[1]. Қўлланмада мамлакатимизда демократик жараёнларга фаоллик бағишлашга қодир имкониятлар, механизмлар ва мавжуд технологиялар ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази томонидан хорижий давлатларда сиёсий партиялар кенг қўллайдиган ва сайлов кампанияларини ташкил этишда самарали восита сифатида намоён бўлувчи сайлов технологиялари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари ўрганилган[2].

Мазкур мавзу бўйича О. Юлдашев томонидан ҳозирги даврда сайловлар тизими ва кампанияларига кириб келаётган сайлов технологияларининг мазмун-моҳияти, усуллари, уларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган, шунингдек, Ўзбекистондаги сайлов жараёнларига кириб келаётган сайлов технологиялари тавсифланган[3].

Бундан ташқари, глобаллашув шароитида содир бўлаётган жараёнларнинг шиддат билан ўзгариши натижасида замонавий ҳарбий можароларда кенг қўлланилаётган «гибрид уруш»лари мавзусида ҳам илмий тадқиқотлар амалга оширилган[4].

Ҳозирги вақтда сиёсий технологиянинг шаклларидан бири «юмшоқ куч»дан халқаро муносабатларда ва мамлакатимиз имижини оширишда фойдаланишнинг айрим қирралари миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан тадқиқ этилган[5].

Юқорида қайд қилинган тадқиқотлар доирасини кенгайтириш ва сиёсий технологиялар борасида хорижий давлатлар тажрибаларини қиёслаб ўрганишга етарли даражада эътибор қаратиш лозим.

Ривожланган хорижий давлатларда сиёсий технологлар мавзуси чуқур тадқиқ қилинган, жумладан, сиёсий технологияларни кенг кўламда қўллаш, ижтимоий технологияларни жамият ҳаётининг турли соҳаларига мослаштириб жорий қилиш масалалари яхши йўлга қўйилган. XXI асрга келиб Ғарб давлатларининг сиёсий технологлари томонидан ишлаб чиқилган технологиялар нафақат ички сиёсий жараёнларда, балки

---

[1] Умарова Н., Исломбеков У. Сиёсий технологиялар (Ўқув қўлланма). – Тошкент: «Академия», 2007. – 148-б.

[2] Замонавий сайлов технологиялари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари (методик қўлланма). – Тошкент: «Navro'z», 2014. – 112 б.

[3] Юлдашев О. Сайловларда сиёсий технологиялардан фойдаланиш тажрибаси. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2013. – 72 б.

[4] Хамидов С. Гибридная война через призму международного права / Особенности современных международных отношений и приоритеты внешней политики Республики Узбекистан». Сборник статей республиканской конференции. – Ташкент: УМЭД, 2017. – С. 37–41; Каримов Д.М. «Гибридная война» как современный вид агрессии / Особенности современных международных отношений и приоритеты внешней политики Республики Узбекистан». Сборник статей республиканской конференции. – Ташкент: УМЭД, 2017. – С. 58–65.

[5] Таджиев Ш.Ш. Исползование инструментария «мягкой силы» в международных отношениях // Международные отношения – УМЭД, 2018. № 2. – С. 107–117.; Махмудов Ш.А., Таджиев Ш. Мамлакат имижини ошириш борасида хорижий тажрибалар // Миллий тараққиёт: хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Фарғона, 2019. – Б. 198—203.

халқаро доирадаги сиёсий жараёнларда ҳам қўлланилмоқда.

Бугунги кунда Ғарб давлатлари қўллаётган сиёсий технологияларни тадқиқ этиш ва илғор тажрибаларни мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларга қўллаш мақсадга мувофиқ. Шуни таъкидлаш ўринлики, Ғарбда қўлланилаётган сиёсий технологиялар борасидаги тажрибаларни жорий этишда миллий манфаатларимиз ҳисобга олинмаса, сунъий равишда «мослаштириш» амалга оширилса, кўзда тутилган сиёсий натижага эришиб бўлмайди.

Сиёсий институтлар самарадорлигини таъминлашда сиёсий технологияларнинг долзарб аҳамият касб этаётганлиги, шунингдек, миллий манфаатларимиз устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги уч йўналишда илмий тадқиқотлар амалга оширилишини муҳим деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатимизда олиб борилаётган ички сиёсатнинг самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсий технологиялар;
- ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга оширишда қўлланиладиган сиёсий технологиялар;
- миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган манипулятив технологиялар.

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда сиёсий технологияларнинг ўзига хос ўрни бор. Хусусан, хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда сайлов технологияларини такомиллаштириш, сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини ошириш, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ривожлантириш, ижтимоий фикрни шакллантириш, сиёсий барқарорликни таъминлаш бўйича қуйидагилар долзарб тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

- сиёсий партиялар имижини оширишга қаратилган сиёсий технологиялар;
- сайлов жараёнларида номзодлар имижини шакллантириш технологиялари;
- сайлов кампаниялари самарадорлигини оширишда қўлланиладиган PR технологиялар;
- аҳолининг электорал маданиятини ошириш технологиялари;
- сиёсий технологиялар ёрдамида фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари;
- сиёсий технологиялар ижтимоий фикрни шакллантиришнинг омили сифатида;
- республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини фуқароларга етказишда ОАВ ролини ошириш масалалари;

- мамлакатимизда фуқаролараро, миллатлараро ва динлараро тинчлик ҳамда тотувликни таъминлашга хизмат қилувчи сиёсий технологиялар;
- ОАВлари ва глобал Интернет тармоғида тарғибот-ташвиқотга йўналтирилган сиёсий технологиялар;
- замонавий сиёсий технологиялар воситасида сиёсий ҳокимият барқарорлигини таъминлаш механизмлари;
- жамият барқарорлигини таъминлашда сиёсий технологияларнинг ўрни.

Ушбу мавзулардаги тадқиқотлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ички сиёсатнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

2. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида давлат мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш борасида ташқи сиёсий фаолиятни олиб бормоқда. Ушбу жараёнларда сиёсий технологиялардан, жумладан, мамлакатнинг тарихий, маданий, этник ўринга эгалиги ҳисобга олиниб «юмшоқ куч»дан фойдаланилиши ташқи сиёсат фаолиятнинг самарадорлигини оширади. Мазкур йўналишда қуйидаги мавзуларда тадқиқотларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини ривожлантириш;
- халқаро муносабатларда мамлакатимизнинг имижини ошириш имкониятлари;
- Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар моҳиятини жаҳон оммасига етказишда ОАВлари ролини ошириш масалалари;
- миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашда «юмшоқ куч» сиёсати;
- «юмшоқ куч» сиёсий конфликтларнинг олдини олиш воситаси сифатида.

3. Ғарб сиёсий технологлари томонидан ишлаб чиқилган технологиялар нафақат сиёсий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатишда, балки турли сиёсий конфликтлар, «рангли инқилоблар», сиёсий инқирозларни юзага келтиришда восита ҳисобланиб, Ғарб давлатларининг манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Бу сиёсий технологиялар, асосан, Интернет тармоғи ва ОАВларининг имкониятларидан фойдаланиш, глобал сиёсий технологиялар сифатида кенг оммани сиёсий манипуляция қилиш орқали амалга оширилаётганлиги сир эмас.

Юқорида таъкидланганларни ҳисобга олиб, миллий манфаатларимизга зид бўлиши мумкин бўлган деструктив сиёсий технологияларни тизимли таҳлил қилиш, уларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим вазифамиздир.

Шунингдек, ушбу йўналишда қуйидаги мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим саналади:

- ОАВлари орқали амалга ошириладиган сиёсий манипуляциялар;
- Интернет тармоғи орқали сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиш ва сиёсий манипуляция қилиш масалалари;
- ижтимоий тармоқларда амалга оширилаётган сиёсий технологиялар;
- виртуал бирлашмалар фаолияти сиёсий технология сифатида;
- конституциявий тузумни ўзгартиришга қаратилган сиёсий технологиялар;
- радикал тузилмаларга қарши курашда қўлланиладиган сиёсий технологиялар ва бошқалар.

Юқорида белгиланган сиёсий технологияларни тадқиқ этишга оид мавзулар бугунги кун нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, сиёсий жараёнларнинг ўзгариб бориши, интернет технологиялар таъсирида сиёсий технологияларнинг янги шакллари пайдо бўлиши табиий ҳолга айланди. Шу сабабли сиёсий технологиялар борасидаги тадқиқот мавзулари ҳам ўзгаришларга мос равишда такомиллашиб бориши лозим.

Сиёсий технологиялар борасидаги тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида ушбу ишларнинг олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

- сиёсий партиялар ва сайлов жараёнлари самарадорлигини оширишда қўлланиладиган PR технологиялар ҳамда республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини фуқароларга етказиш технологияларига оид тадқиқотларни ривожлантириш;
- Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини назарда тутган ҳолда «юмшоқ куч» билан боғлиқ сиёсий технологияларни таҳлил қилиб бориш;
- Ғарб давлатлари томонидан қўлланилиб келинаётган глобал сиёсий технологияларнинг салбий таъсирларини мониторинг қилиш;
- сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш масалаларига оид диссертацион тадқиқотларни амалга ошириш ва республика миқёсида илмий-амалий конференция ва семинарлар ташкил этиш;
- сиёсий технология бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- сиёсий технологиялар бўйича ўтиладиган фанларнинг ўқув дастурларини миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб такомиллаштириш.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, сиёсий технологияларга оид тадқиқотлар республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан бир қаторда, миллий манфаатларимизга қаратилган сиёсий таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва уларга қарши курашда кенг имкониятларни яратади.

Фирюза МУХИТДИНОВА, юридик фанлар доктори, профессор
(Тошкент давлат юридик университети)

ХОТИН-ҚИЗЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ

Маълумки, янгиланаётган Ўзбекистонда бугунги кунда энг катта эътибор хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Чунки ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омили, эҳтиёжи, талаби ва ҳаётий тамойиллари мавжуд бўлиб, уларни шакллантириш ва ривожлантиришда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятининг аниқ йўналишлари ишлаб чиқилади. Ҳозирги даврнинг энг катта масалаларидан бири – хотин-қизлар сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда қўллаб-қувватлашга қаратилганлигидир. Шу боис ҳам, жаҳон миқёсида хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора юксалиб бормоқда.

Шарқда азалдан аёлларга нисбатан ҳурмат эътибор кучли бўлган. Бу ҳақда, яъни хотин-қизларнинг давлат бошқарувида тутган ўрни масалалари қадим юнон олимлари Афлотун, Арастудан бошланган, Шарқ халқлари мутафаккирлари – Ибн Сино, Исмоил ал Бухорий, Форобий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларида комил инсон тарбиясида аёлларнинг муҳим ўрин тутиши сиёсий-ҳуқуқий қарашларида баён этилган.

Таълимотларда қайд этилганига қараганда, ҳаётда аёлларнинг ҳуқуқлари эркакларникидан анчагина паст бўлган. Замон ривожланган сари дунёда аёлларнинг ўрни ошиб борди. Шунингдек, давлатчилик тарихидан маълумки, Шарқ аёллари, жумладан, Темурийлар даврида давлатнинг сиёсий-ижтимой тузумида улар ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Бу ҳақда кўп йиллар давомида Амир Темур давлатчилигида давлат ва бошқарувга оид илмий тадқиқот олиб борган Ш. Ўлжаева[1] нинг илмий ишлари эътиборга лойиқ. Манбаларда қайд этилишича, Сароймулкхоним кунлардан бир кун ўз жамғармаси ҳисобига, савоб учун Аллоҳ йўлида бир мадраса бино қилдириш мақсадида Амир Темурдан ижозат сўраган. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос балдоғини сотувга қўйиб, бу маблағни мадраса қурилишига сарфлаган. Сароймулкхоним мадраса қурилиши жараёнида қурилиш майдонига тез-тез келиб иш бошқарувчиларга ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сароймулкхоним кўпинча бирга юрган. Тарихий манбаларнинг якдиллик билан берган маълумотларига кўра, ўта зийрак, тадбиркор Сароймулкхоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган.

---

[1] Uljaeva Shohistahon, Khamidov Khojiakbar, Kalkanov Eshmatboy, Urazalieva Gulshada, Normatov Otabek // Some Pages Development of Entrepreneurship in the Empire of Amir Temur // - Pp.5250-5253 https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v9i1/A2951109119.pdf;

Айнан мазкур давр Темурийлар Ренессанси даври бўлиб тарихга киргани айни ҳақиқатдир. Бу даврда сиёсий ҳаётда ўзининг донолиги билан фаол иштирок этган ўзбек аёлларидан бири Умаршайх Мирзонинг (1456-1494) қизи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг опаси Хонзода бегим бўлиб, ўзининг ақл-идроки ва тадбиркорлиги билан, сарой маликалари орасида юксак эътиборга сазовор бўлади. Хонзода бегим Бобуршоҳ ва унинг тахт вориси Ҳумоюн шоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган.

БМТнинг жамиятда хотин-қизлар гендер тенглигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётда илм-фанни кенг тарғиб этишга қаратилган сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги Минг йиллик ривожланиш дастурида[1] белгиланган вазифалар барча давлатлар олдига янги вазифаларни қўйдики, натижада хотин-қизлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон миқёсида таниқли сиёсатчи, олима, санъаткор, спортчи, тадбиркор ва бошқарувчи сифатида ўзларини намоён этишмоқда. Қувонарли томони шундаки, аёллар ўз ҳаракати ва интилиши билан ҳаётий муҳим соҳаларида: сиёсий бошқарувда, парламентда, суд-ҳуқуқ соҳасида, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматлар, фан, маданият ва спорт, санъат, ахборот каби деярли барча соҳаларда фаолият юритишмоқда. Сиёсий нуқтаи назардан олиб қараганда, жаҳоннинг бир қанча мамлакатларда аёллар фаоллиги кўзга ташланади. Тереза Мей, Ангела Меркель, Хиллари Клинтонларнинг лидерлик хусусиятлари ва фаоллигини дунё тан олмоқда. Франциялик Кристин Лагард Халқаро валюта фондини бошқарди. Аёллар адолатга таяниб иш кўриши тараққиёт учун энг катта пойдевор бўлади. Аргентинада Кристина Киршнер, Бразилияда Дилма Руссефф, Исландияда Йоуханна Сигюрдардоуттирларнинг ҳаракати хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилганилиги билан таҳсинга сазовор.

АҚШ Олий Судининг биринчи аёл судьяси Сандра Дэй О'Коннор эса суд амалиётида хотин-қизлар ролини ошириш тарафдори эканлигини таъкидлаган. Демак, ҳозирги даврда дунёнинг барча мамлакатларида аёллар сиёсат бобида тенг ҳуқуқлиликка эришиб, парламентда салмоқли ўринларни эгаллашмоқда. Айниқса, парламентларда аёллар роли ошганини кўриш мумкин. Масалан, Швеция, Эстония ва бошқа Европа давлатлари парламентларида аёллар кўпчиликни ташкил қилиши билан ажралиб туради. Бироқ, Африкадаги Руанда мамлакатининг парламенти депутатлари ичида хотин-қизларнинг сони бу борада бутун Европани ортда қолдиради. Ушбу давлат парламентининг 48,8 %ини хотин-қизлар банд этган. Ундан кейин Швеция 45 %, Дания 40 %ни ташкил қилади. Қўшни давлат бўлмиш Афғонистонда аёлларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кенгайганлигини ижобий баҳолаш мумкин. Бу ҳолатнинг ўзиёқ хотин-қизларнинг сиёсий,

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 841-сон қарори.

ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда фаоллашаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга эътибор берсак, аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қарийб 100 та миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Маълумки, мамлакатимиз Конституцияси аёлларнинг фундаментал ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатловчи бош Қонун ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон БМТ ва Халқаро Меҳнат ташкилотининг қатор конвенцияларини Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ратификация қилган. Улар орасида Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида[1], Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида[2], Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида[3]ги ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Асосий қонунимиз – Конституцияда ҳам хотин-қизларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилган. Ҳукумат томонидан чиқарилаётган қарор ва фармойишларда аёллар, оилалар, фарзандлар манфаати ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим мақсадлари қаторидан жой олди. Натижада янги қонунлар қабул қилинди. Агар хотин-қизларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнининг тарихий босқичига назар ташласак, манбаларда қайд этилганидек, Марказий Осиё ёзма ёдгорликларида, жумладан «Авесто»[4]да оддий ахлоқ нормаларига риоя этиш – энг биринчи маънавий софлик деб қаралганлиги, инсон маънавий ҳаёти ва моддий таъминоти, жисмоний баркамоллиги уйғун тушунилганлиги маълум бўлади.

Аёлларга хос хусусиятлар тўғрисида мулоҳаза юритганда милоддан аввалги 1-минг йилликда хитойлик файласуф аёл Цзинь-Нин Цун томонидан ёзилган қуйидаги фикрларни қайд этиш жоиз деб ҳисоблаймиз: «Аёллар – гўзаллик ижодкоридир». Улар ўзини гўзаллик, мусаффолик ва Ердаги тартибнинг мухтор вакиласи сифатида тутиши зарур. «Ҳаёт аёлнинг қўлларига муҳтождир»[5]. Унинг фикрича, аёллар лидерлиги ва тадбиркорлиги шарқона анъаналарга, хусусан, Дао фалсафасига мос келади. «Шарқ аёли қандай фаолият билан шуғулланмасин, – деб уқтиради бу доно аёл, – у гўзалликни тарғиб этувчи, ахлоқий идеалларни ўзида ифода қилувчи тимсол бўлиб қолади».

Абу Райҳон Беруний турли халқларнинг тарихий-маданий хусусиятларини тадқиқ этар экан, Сосонийлар давлатида лақаби Бахтли

---

[1] Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. https://www.lex.uz/ru/docs/2685528

[2] Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция. https://lex.uz/docs/2747578

[3] Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 111-КОНВЕНЦИЯ. Женева, 1958 йил 25 июнь. ЎзР Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 499-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган.

[4] Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. УЎК: 2(075). –Тошкент: 2013. – 57 б.

[5] Ўша манба. – 114-б. Авесто. –Тошкент: «Шарқ», 2000. – 48-б. Авесто – тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: «Шарқ» НМАК, 2001. – Б. 3-20.

бўлган Бўрон Хисрав Парвиз қизи (тахминан 409-458 йиллар) ва лақаби Адолатли бўлган Озармидухт Парвиз қизи (тахминан 411-459 йиллар) каби аёллар шоҳлик қилганлиги қайд этилган[1]. Демак, ушбу даврда минтақамизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тақиқланмаган, аксинча, ҳатто давлат бошқарувида иштирок этишганига гувоҳ бўламиз.

Шарқ мутафаккири Низомулмулк «Сиёсатнома» [2] асарининг қирқ учинчи бобида «Улар мавжудлигининг мақсади – наслни сақлашдан иборат», деган фикрлар берилган.

Тарихда аёл подшоҳлар ҳақида ҳам ривоятлар талайгина. Масалан, Унсур ал-Маолий Кайковуснинг «Қобуснома»[3] асари Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур асар ҳисобланиб, унда ҳам қатор ибратли ва ҳаётий панд-насиҳатлар ўрин олган. Янги Ўзбекистонда бу ғоя ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида нутқ сўзлаб нутқида гендер масаласига алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида «биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди» [4] , деб мамлакатимизда хотин-қизлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни назарда тутди. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка уйғунлаштириш орқали мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар масалаларига оид халқаро мажбуриятларни виждонан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз томонидан «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»[5]ги конвенциянинг аъзоси сифатида миллий қонунчиликка унинг нормаларини уйғунлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда бу борада муҳим қадамлар қўйилди. 2019 йил 2 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун

---

[1] Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. –Тошкент: «Фан», 1968. – Б. 142-146.

[2] Сиасет-намэ. Книга о правлении вазира XI столетия Низам Ал-Мулька/ перевод, введение в изучение памятника и примечения профессора Б.Н.Заходера. – Москва-Ленинград. 1949. – С.179.

[3] Кайковус. Қобуснома. Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов. – Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: «Истиқлол», 1994. – 93 б.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. https://president.uz/uz/lists/view/3851

[5] Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. https://www.lex.uz/ru/docs/2685528

тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»[1]ги ҳамда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»[2]ги қонунлар қабул қилинганди. «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунда аёлларни жинси бўйича бевосита ва билвосита камситишни тақиқланишига алоҳида урғу берилган. Мазкур қонун давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ушбу қонуннинг мақсади хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда тазйиқлар ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, тазйиқлар ва зўравонликдан жабрланганларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш ҳам қонуннинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аёллар ҳуқуқини халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари, оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро конвенцияларга қўшилган ва уларга амал қилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар асосида мазкур масалага қуйидагича хулоса қилиш ўринлидир. Ҳар қандай давлат бошқарувида гендер масалаларини таъминлаш долзарб вазифага айланганини давр тақозо этмоқдаки, бундай шароитда **хотин-қизлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда сиёсий фанларни ўқитиш ўта муҳимдир.** Эндиликда жаҳон ижтимоий тараққиёти фан, маориф ва илмий бошқаришдан иборат учта асосий негизга таяниб бормоқдаки, бу бутун дунёда эътироф этилган ҳақиқатга айланди. Бу борада сиёсий фанлар давлат, жамият ҳаётининг асосий йўналишларини: сайлов жараённи, сиёсий фаоллик, сиёсий маданият ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ижтимой ҳуқуқларининг таъминланиши кўп мамлакатлар тажрибасида амалий ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан, «Сиёсатшунослик, «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» каби фанлар ўқитилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Агар Сиёсатшунослик сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг механизми ва воситалари ҳамда амалиётини ўрганадиган фан бўлса, Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи эса, сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожи, сиёсий маданият ва мафкура,

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида», 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ–561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

[2] 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ–561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

халқаро тизимлар ҳамда умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганади. Мазкур фанлар узвий ва ҳамкор бўлиб, ҳар қандай жамият аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиради. Бундай жараёнда эса, хотин-қизлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиб, мутафаккир олимлар асарларини янги Ўзбекистон стратегияси асосида таҳлил этиш, илмий муомалага киритиб принципиал янги сиёсий билимларни яратиш мавжуд билимлар тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Анвар ЮЛДАШЕВ, тарих фанлари доктори, профессор
(Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси)

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-КАСБИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ва асосий мақсади аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган янги иқтисодий сиёсат ҳар бир раҳбар ходим зиммасига юқори даражадаги масъулият ва талаблар юклайди. Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, ҳар бир раҳбардан ғайрат-шижоат, ҳалоллик ва садоқат билан ишлашни талаб этмоқда. «Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади»[1].

Илмий-назарий тарафдан қараганда мазкур талабларни икки жиҳатдан ўрганиш мумкин. **Биринчидан,** бугунги глобаллашув шароитида давлат бошқаруви миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг етакчи ташкиллаштирувчиси бўлиб келмоқда. Бундай шароитда самарали бошқарув ҳар қандай ривожланишнинг устувор йўлларини очиб беради, меҳнат ресурслари, инсон капиталидан унумли фойдаланиш имкониятини яратади. Агар, бошқарувнинг самарали усул ва услублари қўлланилса, у ҳар қандай соҳада мунтазам ва динамик ўсишни таъминлай олади.

Иккинчидан бундай шароитда ҳар бир раҳбар ходим унга бириктирилган жамоа, ташкилот, қолаверса, ҳукумат ва давлат олдидаги ўз масъулиятини чуқур ҳис этиши лозим. Бошқарувнинг комплекс характерга эга эканлиги, унинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий мақсадлари

[1] Мирзиёев Ш.М. Андижонда ўтказилган мажлисда сўзланган Президент нутқидан. Танланган асарлар. 2-том. – 88-б.

бирлигини кўрсатади. Ушбу фаолиятнинг асосий ташкиллаштирувчиларидан бири унинг тарбиявий характерга эга эканлигидир.

Маълумки, ҳар қандай фаолият бошқарилиши лозим. Ўз пайтида марксизм-ленинизм назариясининг асосчиларидан бири Карл Маркс *«нисбатан катта бўлган ҳар қандай ташкилотдаги ижтимоий муносабатлар озми-кўпми бошқарувни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, жузъий вазифалар ва умумий мақсадлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиради»*[1] *деган эди*. К.Маркснинг фикрича, *«алоҳида скрипкачи ўзини ўзи бошқаради, лекин оркестр эса дирижёр бошқарувига муҳтож»*[2].

Албатта, сўнгги пайтларда марксизм-ленинизм таълимотига кам одам эътибор беради, лекин К. Маркснинг юқоридаги ўхшатмаси чуқур маънога эга эканлигини тан олишимиз лозим. Чунки мураккаблик ёки ҳажм жиҳатидан турлича бўлган жамоалар оркестр каби турли даражадаги бошқарувни талаб этади. Шунингдек, раҳбарни оддий дирижёр билан ўхшатишда ҳам бир томонлама ёндашиш ноўрин, чунки самарали бошқарув раҳбардан нафақат «дирижёрлик», балки «композиторлик» маҳоратини талаб этади. Бу эса раҳбар ходим ўзи бошқарадиган жараённинг эътиборга молик барча жиҳатларини ўзи шакллантириши кераклигидан далолат беради. Натижада у ҳам кундалик режалаштирилган вазифаларни, ҳам истиқболдаги стратегик мақсаднинг бажарилишини таъминлаши керак.

Бошқарув фаолиятининг ижтимоий заруриятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, унинг характери, қўлланиладиган услуб ва воситалари, шунингдек, раҳбар ходимнинг бошқарув усули мавжуд иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади. Ушбу фаолият айрим адабиётларда «раҳбар тажрибаси», «бошқарув усули», «раҳбар услуби», «иш усули» сифатида ҳам ифодаланади.

Муваффақиятли бошқарув тажрибасининг аҳамияти ва унинг самарадорлигини доимий равишда такомиллаштириб бориш исбот талаб қилмайдиган ҳолат. Бундай тажрибанинг аҳамияти ҳам икки жиҳатдан эътиборга лойиқ.

Биринчиси, самарали бошқарув амалиётда жамланган тажрибани илмий умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчиси, ушбу тажриба келгусида амалиётга татбиқ қилиш учун фойдаланишда материал сифатида ишлатилиши мумкин. Тажриба – бу амалиётдан олинган, ҳали ўзининг илмий-услубий негизини топмаган ҳолат. Ҳар қандай илмий таълимот негизида амалиётда ўз тасдиғини топган тажриба шаклланади, умумлаштирилади ва асосланади. Демак, ҳар қандай назария бизнинг амалий билим ва кўникмаларимизнинг мантиқан тизимлаштирилган ва умумлаштирилган хулосаси, унинг мазмун-моҳиятини

---

[1] Маркс К., Энгельс Ф. – М.: Собранные сочинения, 2-е изд. – Т. 23. – С. 342.
[2] Ўша жойда. – С. 342.

тушунтириш учун хизмат қилади. Ушбу фикр бошқарув фаолиятига, шунингдек, давлат ва жамоат бошқарувига ҳам тааллуқли.

Бундай шароитда умумлаштирилган амалий тажриба бошқарув фаолияти назариясининг негизи ва ажралмас қисми деган тезисни инкор этиб бўлмайди. Бу эса бошқарув илмини такомиллаштириш мақсадида соҳадаги амалий тажрибани умумлаштириш ва тизимлаштириш лозимлигини англатади.

Кўз олдингизга келтириб кўринг, агар мамлакатимизнинг турли соҳаларидаги корхона ва ташкилотларнинг ўртача бошқарув даражаси хориждаги илғор ташкилотларнинг бошқарув даражасигача кўтара олинса, натижада республикамизнинг мазкур соҳаларида ишлаб чиқариш унумдорлиги қанчалик ошган бўлар эди. Демак, бошқарув даражасининг ўсиб бораётган талабларига жавоб бериш учун унинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқариш ҳамда илғор амалий тажрибасини умумлаштириш лозим.

Бошқарувнинг самарали олиб борилган амалий жиҳатларига кўпинча «бошқарув маҳорати» деган ибора қўлланилади. Ушбу ибора билан одатда бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи раҳбар ходимларнинг ўзларига хос бўлган ёндашув, жиҳат ва қобилиятлари назарда тутилади. Мазкур иборанинг мазмунида ташкилот, корхона ёки соҳани самарали бошқариш тажрибаси, ушбу тажрибани тизимли равишда умумлаштириб бориш ҳам киради.

Самарали бошқариш учун кенг қамровли, чуқур билимлар ҳам талаб қилинади. Ушбу билимларни бошқарув фаолиятида унумли қўллаш учун раҳбар ходимлар шахсий тажриба ва махсус кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Одатда чуқур билим ва кўникмалар узоқ вақтдаги фаолият натижасида шаклланади. Шу қаторда вақтни тежаш зарурияти, ундан унумли фойдаланиш бошқарув фаолияти учун ҳам долзарб муаммо. Бу эса ҳар ким фақат ўз ютуқ ва камчиликлари асосида билим ва тажрибага эга бўлишлари керак дегани эмас. Шунинг учун самарали бошқарув тажрибаси доим барча ва алоҳида раҳбарлар томонидан ўрганилиши ва келгусида фойдаланиш учун таҳлил этилиб, умумлаштирилиб борилиши лозим.

Малумки, кўпинча раҳбарлардан бошқарувга илмий ёндашиш талаб этилади. Бошқарувга илмий ёндашишнинг ўзи нима десангиз, кўплар жавоб бера олмайди. Раҳбарнинг қабул қилаётган қарорлари, агар улар давлатнинг конституцияси, асосий қонунлари, мамлакат раҳбари ва ҳукумати қарорларига зид ва қарама-қарши бўлмаса, шунингдек, оптимал қарорлар бўлиб, норматив талабларга жавоб берса, улар илмий асосланган қарорлар дейилади[1].

---

[1] Юлдашев А.Э., Хасанов О.А., Салайдинов Б.Ш. Тизимли таҳлил ва қарор қабул килиш асослари. – Тошкент, «Замон полиграф», 2017. – Б. 82-83.

Илмий асосда бошқариш – ходимларни илҳомлантириш, ғайратлантириш, уларнинг ҳаракатларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ кечади. Шу билан бирга, бошқарув – бу мунтазам равишда қарорлар ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш. Раҳбарнинг кўп қиррали бошқарув фаолияти у ҳаётга татбиқ этаётган қарорлар ва уларнинг назоратида намоён бўлади. Бошқарувнинг яна бир характерли жиҳати шундаки, унинг натижасида ҳам бугунги куннинг вазифалари бажарилади ҳамда истиқболли мақсадларни бажариш учун негиз тайёрланади.

Самарали бошқарув қарорларини қабул қилувчи раҳбар учун керакли шарт, *биринчидан,* юқори даражада чуқур билимларга эга эканлиги ва *иккинчидан,* бой амалий тажрибага асосланиши лозимлиги.

Бундай шароитда етарли амалий тажрибага эга бўлишнинг ўзида ҳам икки асос мавжуд**.** *Биринчиси* – шахсий тажриба. *Иккинчиси* – соҳа бўйича илғор ютуқларга эга шахслар билан тажриба алмашиш, улардан ўрганиш, умумлаштириш ва доимий равишда таҳлил қилиб бориш.

Раҳбарнинг шахси

Бугунгидек мураккаб, дунё мамлакатлари олдида янги глобал таҳдидларнинг долзарблашуви шароитида раҳбар ходим, шахс сифатида фақат ўзига хос бўлган жиҳатлар билан намоён бўлади. Уни шахс сифатида баҳолаш учун инсонийлик жиҳатлари, умумий билимлар даражаси, раҳбарлик кўникмалари, лидерлик, тизимли ва танқидий фикрлаши, гуруҳда ишлай олиши, мулоқат маданияти, шунингдек, ўзгалар тажрибасини ижодий ишлата билиш қобилиятларини инобатга олиш зарур.

Раҳбар ходим ҳар қандай шароитда ҳам ўз билим ва кўникмаларини, ўзгалар тажрибасидан олган сабоқларини амалда ижодий қўллай ола билиши лозим. Раҳбарлик фаолиятининг шакли, даражаси, усул ва воситалари турлича бўлишидан қатъи назар, кўпчилик самарали фаолият олиб борган раҳбарлар бошқарув фаолияти умумэътироф этилган асосий принциплар ва услубларни ишлатган ҳолда ўхшаш сифатларга эга эканлигини кўрамиз. Мисол сифатида А. Македонский, Амир Темур, Бобур, У. Черчиль, Ф. Рузвельт, К. Аденаур каби сиёсий, ҳарбий ва давлат раҳбарларини эсга олишимиз мумкин. Улар турли хил характерга эга бўлишлари билан бир қаторда, барчалари учун умумий бўлган чуқур таҳлил, ташкилотчилик, стратегик режалаштириш, ҳар қандай шароитда ҳам мақсадни аниқлай олиш ва унга эришиш учун ҳаракат қилиш, қатъият ва керак ҳолларда эгилувчанлик каби қобилиятларга эга эканликлари тарихдан маълум.

Юқорида таъкидланганидек, бошқарув фаолияти раҳбар ходимга катта талаб ва масъулиятлар юклайди, улар ичида бирламчиси маънавий-ахлоқий принциплар ва профессионаллик. Бугунги кун раҳбар ходимларига

қўйиладиган асосий талабларни (*ҳозирда компетенциялар деган ибора кўпроқ қўлланилмоқда, замонавий илмий адабиётларда 5, айримларида 9 тури мавжуд. Хусусан, стратегик фикрлаш, тизимли таҳлил, лидерлик, бошқарув профессионализми, креативлик, мослашувчанлик, натижага йўналганлик, янги тажрибага очиқлик, гуруҳда ишлай олиш*) қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Сиёсий талаблар (компетенциялар). Раҳбар ходим давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида етарли билимга эга бўлиши ва ўз билимларини ҳаётга татбиқ эта билиши керак. Ҳар қандай муаммони ҳал қилишда у давлатнинг устувор мақсадлари ва давлат сиёсатиниг йўналишларидан келиб чиқиши лозим. Мазкур муаммоларни у (якка тарзда ёки жамоа билан) еча билиши, мураккаб муаммоларни ҳал қилишда жамоа фикрига қулоқ сола билиши керак.

Раҳбар ўз қўл остидаги ходимларни руҳлантириш, илҳомлантириш, ўзининг ёки ўзгалар тажрибаси асосида уларни Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга чорлай олиши лозим.

2. Ишчанлик қобилияти (профессионализм). Раҳбарнинг ишчанлик қобилияти унда илмий билимлар, амалий тажриба, техник, технологик, иқтисодий ва ижтимоий тайёргарлик, шунингдек, психология ва педагогикадан керакли билим ва кўникмаларга эга эканлиги билан боғлиқ. Ишчанлик қобилияти ватанпарварлик (сиёсий тайёрлик) билан бирга самарали бошқарувнинг негизи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, раҳбар ўз фикрини қисқа, аниқ ва тушунарли изоҳлашни билиши даркор. Бундан ташқари, раҳбар қонунчиликнинг ўзига тегишли соҳаларида етарли билимга эга бўлиши лозим.

Таҳлиллар ва кузатишлар шуни тасдиқлайдики, агар раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан ва ташаббускор ходимлар кўп бўлса, бундай жамоада муҳит соғлом бўлиб, ходимларнинг ишчанлик кайфияти ҳам юқори бўлади. Раҳбар маънавияти фаолият самарадорлиги ва жамоанинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб, етакчининг иқтидори жамоа муваффақиятини таъминлайди. Олимларнинг таъкидлашича, жамоа ютуқларининг саксон фоизи раҳбарнинг сиёсий етуклигига (тайёрлигига), ташкилотчилигига, қолган йигирма фоизигина ходимларнинг салоҳиятига боғлиқ эканлиги исботланган[1].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш ўринлики, давлат хизматчиларининг сиёсий-касбий билимларини ошириш давлат бошқарувининг самарадорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

---

[1] Мордвинова Е.Л., Ростовцева И.А. Эффективное командообразование с помощью методов мотивации // https://cyberleninka.ru/article/n/effektivnoe-komandoobrazovanie-s-pomoschyu-metodov-motivatsii/viewer.

Фаридун САТТАРОВ, доктор политических наук
(Университет мировой экономики и дипломатии)

ВОПРОСЫ ИНТЕРПРЕТАЦИИ КОНЦЕПЦИИ «ВЛАСТЬ» В СОВРЕМЕННОЙ ПОЛИТОЛОГИИ

«Власть» – одно из самых распространенных понятий в политическом и социальном академическом дискурсе. Как предмет политической мысли, понятие «власть» имеет долгую историю, что позволяет созвать парад выдающихся политических мыслителей от Платона до Парето и Питкина. Систематическое изучение концепции «власть» началось в первой половине XX в. с работ Бертрана Рассела, выдающегося британского мыслителя, который утверждал, что фундаментальным понятием в социальных и политических науках является «власть» в том же смысле, в котором «энергия» является фундаментальным понятием в физике[1]. Менее чем через столетие, понятие «власть», как утверждают Марк Хаугард и Стюарт Клегг, действительно было широко признано самой центральной концепцией социальных и политических наук[2]. За этот период понятие «власть» стало предметом серьезного интереса в самых разных областях и дисциплинах, включая не только традиционно политические науки, такие как политология[3] или теория международных отношений[4], но и социальные и гуманитарные науки, такие как философия[5], история[6], экономика[7], социология[8].

Несмотря на растущий интерес к концепции власти, поражает тот факт, что эта концепция мало обсуждается не только в научных публикациях, издаваемых в нашей стране, но и в учебниках по политологии. Обычное сравнение зарубежных и отечественных учебников по политологии может показать, что передовые англо-американские учебники начинаются с объяснения понятия «власть» как главной концепции политических наук, в то время как отечественные учебники уделяют очень мало внимания данной концепции (что бывает в лучшем случае), либо совсем его исключают из своих дискуссий (что бывает в худшем случае), поскольку отсутствует

---

[1] Russell, Bertrand. 2004. Power: A New Social Analysis. London: Routledge. [Впервые был опубликован издательством «George Allen & Unwin Ltd» в Лондоне в 1938 году].
[2] Haugaard, Mark, and Stuart Clegg. 2009. «Why Power is the Central Concept of the Social Sciences.» in The Sage Handbook of Power, edited by Mark Haugaard, and Stuart Clegg, 1-24. London: Sage.
[3] Shively, W. Phillips. 2018. Power & Choice: An Introduction to Political Science. London: Rowman & Littlefield.
[4] Nye, Joseph S. Jr. 2011. The Future of Power. New York: Public Affairs.
[5] Hindess, Barry. 1996. Discourses of Power from Hobbes to Foucault. Oxford: Blackwell.
[6] Mann, Michael. 1986. The Sources of Social Power, Volume I: A history of power from the beginning to A.D. 1760. Cambridge: Cambridge University Press.
[7] Bartlett, Randall. 1989. Economics and Power: An Inquiry into Human Relations and Markets. Cambridge: Cambridge University Press.
[8] Giddens, Anthony. 1984. The Constitution of Society. Outline of the Theory of Structuration. Cambridge: Polity Press.

взаимодействие с передовыми исследованиями и методами обучения в этой области. Даже в процессе дискусии о концепции «власть» обычно опираются на русскоязычную литературу, в которой, надо заметить, слово «власть» имеет более узкое значение, чем в английском слово «power».

Действительно, «power» имеет два основных значения в зависимости от предлога или частицы, с которой это слово используется. При использовании с предлогом «over» в виде «power over», это слово означает властвование одного человека над другим, что приобретает более негативную коннотацию (поскольку в этом виде оно чаще всего ассоциируется с принуждением, манипуляцией, угнетением и т. д.)[1]. При использовании с частицей «to» в виде «power to», это слово означает силу, умение или способность человека действовать, что может иметь более позитивную коннотацию (поскольку в этом случае оно ассоциируется с производством, возможностями, эффективностью и т. д.)[2].

Рассматривая слово «власть» в русскоязычной литературе, можно заметить, что его значение ближе к английскому «power over» (т.е., власть *над* кем-либо)[3]. При переводе с русского на узбекский язык это слово передается как «ҳокимият» (власть, управление). Таким образом, значение данного слова сужается, что приводит к одностороннему толкованию понятия «власть». При русскоязычном употреблении теряются такие значения, как «умение», «способность», «могущество», а в узбекском переводе исчезают значения «маҳорат», «қобилият», «қудрат». Проведённые сравнения выявляют не языковые предпочтения, а потерю нюансов. Следовательно, важно учитывать возможности по-разному интерпретировать одно и то же понятие. Иногда остается та интерпретация, на которую повлияли историко-лингвистические особенности языка-посредника.

От точности перевода зависит понимание терминов и концепций, следовательно, и развитие политологии как учебной и исследовательской дисциплины. Невнимательность к специфике перевода понятий может привести к потере смысла того или иного термина, повлиять на восприятие и понимание тех явлений, которые эти термины описывают. Следовательно, неточный перевод чреват серьёзными последствиями. Здесь уместно вспомнить слова французского философа Мишеля Фуко, который призывал «раз и навсегда перестать описывать проявления власти в отрицательных терминах: она, мол, «исключает», «подавляет», «цензурует», «извлекает», «маскирует», «скрывает». На самом деле, власть производит. Она

---

[1] Haugaard, Mark. 2012. «Rethinking the four dimensions of power: Domination and empowerment.» Journal of Political Power 5, no. 1: 33-54

[2] Haugaard, Mark. 2012. «Rethinking the four dimensions of power: Domination and empowerment.» Journal of Political Power 5, no. 1: 33-54

[3] Ледяев, Валерий. 2001. Власть: Концептуальный Анализ. РОССПЭН.

производит реальность; она производит области объектов и ритуалы истины»[1].

Казалось бы, зачем заботиться о точности одного понятия? Но ведь проблемы перевода терминов и толкования их значений могут касаться и других ключевых концепций политических наук. Правильное определение термина «власть» один из важных шагов на пути дальнейшего развития политологии в качестве учебной и исследовательской дисциплины в стране. В Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4139 от 29.01.2019 было принято предложение (Министерства иностранных дел и Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан) о создании в Университете мировой экономики и дипломатии кафедры «Политология»[2]. В постановлении Президента ясно указано, что одним из основных направлений деятельности кафедры является «подготовка учебников и учебных пособий, учебных программ и планов нового поколения с целью обновления содержательных аспектов учебного процесса по предмету «Политология»». Поставлена задача создания учебников по политологии, которые будут отвечать новейшим направлениям мировой политологии. Очевидно, что переводы и интерпретации новых терминов станут неотъемлемой частью решения задачи. Именно из этих соображений, в данной статье и приведен анализ разных трактовок одного из важнейших понятий политологии – «власть».

На протяжении долгих исторических периодов слово «власть» определялось по-разному. Например, для Платона власть означала «класс вещей, которые… позволяют нам – или чему-либо еще в этом отношении – делать то, на что мы способны»[3]. Для Джона Локка власть означала «быть способным внести или получить любое изменение»[4]. Для Томаса Гоббса власть означала наши «нынешние средства для заполучения некоторого видимого блага в будущем»[5]. Для Бертрана Расселла власть означала «производство намеченных эффектов»[6]. Для Макса Вебера власть означала «вероятность того, что один из участников социальных отношений будет в состоянии выполнить свою волю, несмотря на сопротивление»[7]. Для Арендт власть означала «человеческую способность не только действовать,

[1] Foucault, Michel. 1977. Discipline and Punish: The Birth of the Prison. Translated by Alan Sheridan. New York: Vintage Books.

[2] Мирзиеев Ш.М. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности подготовки кадров, фундаментальных и прикладных исследований в области политических наук» (№ПП-4139 от 29.01.2019).

[3] Plato. 1997. «Republic.» In Plato: Complete Works, edited by John M. Cooper, 971-1223. Indianapolis: Hackett.

[4] Locke, John. 1854. The Works of John Locke. Volume I: Philosophical Works. London: Henry G. Bohn.

[5] Hobbes, Thomas. 1839. Leviathan. The English Works of Thomas Hobbes, Volume III, edited by Sir William Molesworth. London: John Bohn.

[6] Russell, Bertrand. 2004. Power: A New Social Analysis. London: Routledge. [Впервые был опубликован издательством «George Allen & Unwin Ltd» в Лондоне в 1938 году].

[7] Weber, Max. 1946. Essays on Sociology. New York: Oxford University Press.

но и действовать согласованно»[1]. Наконец, для Роберта Даля власть основана на формуле: «*А* имеет власть над *Б* до такой степени, что *А* может заставить *Б* сделать то, что *Б* в противном случае не сделал бы»[2].

Большинство существующих определений власти можно сгруппировать в четыре основные категории: (1) эпизодическая, (2) диспозиционная, (3) системная и (4) конститутивная[3]. Если рассматривать это понятие с *эпизодической* точки зрения, то власть понимается как социальные отношения, в которых один субъект осуществляет власть над другим, например, посредством соблазна, награды, принуждения, манипуляции и т.д. Если рассматривать с *диспозиционной* точки зрения, то власть понимается как умение, способность или потенциал отдельного лица, индивида или субъекта добиваться каких-то значимых результатов. Если рассматривать с *системной* точки зрения, то власть понимается как свойство различных социальных, культурных, экономических или политических институтов и систем, которые структурно создают возможности для индивидуальных действий. Наконец, если рассматривать с *конститутивной* точки зрения, то власть понимается как то, что составляет или производит сам социальный субъект.

Первые две интерпретации можно охарактеризовать как «индивидуалистические» взгляды на власть, поскольку они рассматривают власть как свойство отдельных лиц, индивидов или субъектов. Последние две интерпретации можно охарактеризовать как «структуральные» взгляды на власть, поскольку они рассматривают власть как свойство, принадлежащее социальным и материальным структурам, системам и институтам.

Рассмотрим эпизодический взгляд на власть. Классическое определение с этой позиции было предложено Максом Вебером, который определил власть как «вероятность того, что один из участников социальных отношений будет в состоянии выполнять свою волю, несмотря на сопротивление»[4]. Это определение Вебера оказалось очень влиятельным. В том же понимании Роберт Даль предложил то, что он назвал «интуитивной идеей власти», согласно которой «*А* имеет власть над *Б* до такой степени, что *А* может заставить *Б* сделать то, что *Б* в противном случае не сделал бы»[5]. Исследования Даля о власти вызвало в конце 1960-х годов дебаты, в которых мнение Даля было оспорено сначала Питером Бахрахом и Мортоном Барацем[6], а затем Стивеном Люксом[1]. Тем

---

[1] Arendt, Hannah. 1958. The Human Condition. Chicago: The University of Chicago Press.
[2] Dahl, Robert A. 1957. «The Concept of Power.» Behavioral Science 2, no. 3: 201-215.
[3] Allen, Amy. 2016. «Feminist Perspectives on Power.» The Stanford Encyclopedia of Philosophy, edited by Edward N. Zalta. https://plato.stanford.edu/archives/fall2016/entries/feminist-power.; Sattarov, Faridun. 2019. Power and Technology: A Philosophical and Ethical Analysis. London: Rowman and Littlefield.
[4] Weber, Max. 1946. Essays on Sociology. New York: Oxford University Press.
[5] Dahl, Robert A. 1957. «The Concept of Power.» Behavioral Science 2, no. 3: 201-215.
[6] Bachrach, Peter, and Morton Baratz. 1970. Power and Poverty: Theory and Practice. New York: Oxford University Press.

не менее, хотя эти критики не согласились с общей интерпретацией, предложенной Далем, они, видимо, приняли его эпизодическое определение власти, согласно которой *А* осуществляет власть над *Б*, способом, противоречащим интересам *Б*[2].

Эпизодический взгляд на власть также занимал видное место в социальной психологии[3] и в критической теории[4] – области знаний, которые изучали механизмы и действия власти на основе видов стимулов и мотиваций, которые один субъект может предложить другому субъекту в рамках властных отношений, таких как вознаграждение, принуждение, манипулирование, убеждение, авторитет и т. д. Следует заметить, что Мишель Фуко утверждал, что «если мы говорим о структурах или механизмах власти, это лишь постольку, поскольку мы предполагаем, что одни люди обладают властью над другими»[5]. Как видим, эпизодический взгляд на власть получил достаточно широкое распространение. Несмотря на то, что существовали различные варианты эпизодического взгляда на власть, все они, похоже, имеют следующие характерные черты: (1) акт осуществления власти происходит в эпизодах; (2) власть – это то, что осуществляется одними людьми над другими; (3) власть осуществляется в рамках социальных отношений между двумя или более участниками.

Перейдем к рассмотрению диспозиционного взгляда на власть. В начале 1970-х годов эпизодический взгляд на власть стал подвергаться постоянной критике, в первую очередь со стороны аналитически и философски настроенных теоретиков, которые поддерживали диспозиционный взгляд на власть, согласно которому власть рассматривается как умение, способность или потенциал. Например, Энтони Кенни считал: «… Способность виски опьянять ... явно отличается от его проявления: виски обладает этой способностью, пока оно безвредно стоит в бутылке, но оно начинает проявлять свою способность только после того, как его выпили ...»[6]. Так если в эпизодической интерпретации власть рассматривается только как её фактическое проявление, то диспозиционный взгляд оценивает власть, даже когда она ещё не проявилась и существует как потенциал.

Диспозиционный взгляд на власть восходит к работам Платона, который определил власть как то, что «позволяет [нам] – или чему-либо еще

---

[1] Lukes, Steven. 1974 (2005). Power: A Radical View. London: Palgrave Macmillan.
[2] Lukes, Steven. 1974 (2005). Power: A Radical View. London: Palgrave Macmillan.
[3] French, John R.P., and Bertram Raven. 1959. «The Bases of Social Power.» In Studies in Social Power, edited by Dorwin Cartwright, 259-269. Ann Arbor, MI: Institute for Social Research.
[4] Fay, Brian. 1987. Critical Social Science: Liberation and its Limits. Ithaca, NY: Cornell University Press; Brey, Philip. 2008. «The Technological Construction of Social Power.» Social Epistemology 22, no. 1: 71-95.
[5] Foucault, Michel. 1982. «The Subject and Power.» Critical Inquiry 8, no. 4: 777-795.
[6] Kenny, Anthony. 1975. Will, Freedom and Power. Oxford: Blackwell.

в этом отношении – делать то, что мы способны»[1]. Спустя столетия Томас Гоббс аналогичным образом определил власть как наши «нынешние средства для заполучения некоторого видимого блага в будущем», где «нынешние средства» понимаются как его диспозиционные качества[2]. Следуя его примеру, Джон Локк считал, что власть означает «способность внести или получить любое изменение»[3]. Из современных диспозиционных определений власти приведем мнение Ханны Арендт, для которой власть означает «человеческую способность не просто действовать, а действовать согласованно»[4].

Заслуживает внимания анализ власти, предложенный Ханной Питкин. В защиту диспозиционного взгляда на власть Питкин утверждала, что этимологически английское «power» связано с французским «pouvior» (быть способным), которое, в свою очередь, происходит от латинского «potere» (быть способным). Исходя из этого, Питкин считает, что власть – это то, что нас делает способным сделать что-либо: «Власть – это способность, потенциал или необходимые средства»[5]. Интересно отметить, что Стивен Люкс, который поддержал эпизодический взгляд на власть в первом издании своей книги (Power: A Radical View, 1974), принял диспозиционный взгляд на власть в пересмотренном втором издании своей работы[6].

Рассмотрим системный взгляд на власть. В то время как эпизодический и диспозиционный взгляды на власть сосредоточены на действиях и способностях индивидов, системная точка зрения характеризует власть как свойство более широких социальных, экономических, культурных и политических систем, структур и институтов. С системной точки зрения, как считает Хаугард, власть рассматривается как «способы, которыми данные социальные системы наделяют индивидов диспозиционной способностью, таким образом структурируя их возможности для действий»[7]. Следовательно, системный взгляд на власть позволяет различать, как социальные, культурные, экономические и политические системы и институты прививают определенные способности отдельным лицам[8].

---

[1] Plato. 1997. «Republic.» In Plato: Complete Works, edited by John M. Cooper, 971-1223. Indianapolis: Hackett.

[2] Hobbes, Thomas. 1839. Leviathan. The English Works of Thomas Hobbes, Volume III, edited by Sir William Molesworth. London: John Bohn.

[3] Locke, John. 1854. The Works of John Locke. Volume I: Philosophical Works. London: Henry G. Bohn.

[4] Arendt, Hannah. 1970. On Violence. London: Penguin.

[5] Pitkin, Hanna Fenichel. 1972. Wittgenstein and Justice: On the Significance of Ludwig Wittgenstein for Social and Political Thought. Berkeley, CA: University of California Press.

[6] Lukes, Steven. 1974 (2005). Power: A Radical View. London: Palgrave Macmillan.

[7] Haugaard, Mark. 2010. «Power: A ‘Family Resemblance’ Concept.» European Journal of Cultural Studies 13, no. 4: 419-438.

[8] Allen, Amy. 2016. «Feminist Perspectives on Power.» The Stanford Encyclopedia of Philosophy, edited by Edward N. Zalta. https://plato.stanford.edu/archives/fall2016/entries/feminist-power.

Системный взгляд на власть можно найти в теории структурирования, разработанной Энтони Гидденсом[1]. Власть, по словам Э. Гидденса, характеризуется тем, что нужно понимать как «двойственность структуры»: с одной стороны, власть относится к способности людей «вносить изменения», а с другой стороны, власть относится к структурному «свойству общества или социальной общности»[2]. Такой взгляд на власть соответствует концепции структуры Э. Гидденса. Согласно Э. Гидденсу, структура не только ограничивает индивидов, но и позволяет им, например, предоставлять ресурсы, которые отдельный субъект может использовать в ходе своего взаимодействия с другими. Тот факт, что индивиды используют структурные ресурсы, предполагает, что власть состоит не только из действий и способностей индивидов, но также из социальных и материальных ресурсов. Системный взгляд на власть, разработанный Э. Гидденсом, может служить важным коррективом к тем взглядам, которые описывают проявление власти предвзято, как создание ограничений.

Касательно конститутивного взгляда на власть можно отметить, что он фокусируется на трансиндивидуальных способах, которые создают или воспроизводят самих индивидов или субъектов[3]. Конститутивность власти – это то, что становится частью внутренней моральной и духовной *конституции (или содержания)* отдельных лиц, индивидов или субъектов. Этот взгляд на власть восходит к Спинозе, который писал: «Человек является частью природы, и всё, посредством чего человек полон решимости действовать, следует относить к власти природы»[4].

Как видим, системный взгляд и конститутивный взгляд имеют много общего, поскольку они рассматривают власть как свойство социальных, культурных, экономических и политических систем и институтов. Однако, согласно Эми Аллен[5], разница между этими двумя взглядами в том, что системный взгляд видит власть в том, как институты и структуры предоставляют ресурсы и средства индивидам для достижения своих жизненных целей, а конститутивный обращает внимание на то, как эти индивиды сами и социальный мир, в котором они действуют, формируются посредством власти.

---

[1] Giddens, Anthony. 1984. The Constitution of Society. Outline of the Theory of Structuration. Cambridge: Polity Press

[2] Giddens, Anthony. 1984. The Constitution of Society. Outline of the Theory of Structuration. Cambridge: Polity Press

[3] Allen, Amy. 2016. «Feminist Perspectives on Power.» The Stanford Encyclopedia of Philosophy, edited by Edward N. Zalta. https://plato.stanford.edu/archives/fall2016/entries/feminist-power.

[4] Spinoza, Benedict de. 2002. «Theological-Political Treatise.» In Spinoza: Complete Works, edited by Michael L. Morgan, 383-583. Indianapolis: Hackett.

[5] Allen, Amy. 2016. «Feminist Perspectives on Power.» The Stanford Encyclopedia of Philosophy, edited by Edward N. Zalta. https://plato.stanford.edu/archives/fall2016/entries/feminist-power.

Если рассматривать власть с конститутивной точки зрения, то власть представляется как производственная сила (или потенциал), в процессе функционирования которой отдельные лица обретают свой внутренний моральный, духовный и культурный мир. Действительно, власть – это то, что становится нашим внутренним миром и богатством, тем, что делает нас людьми.

Приведенный выше анализ показывает нам ряд вещей:

Во-первых, наш анализ термина «власть» показывает, что термины политического дискурса могут иметь разные значения и интерпретации, особенно если мы применяем кросс-лингвистический подход. В самом деле, вряд ли возможно напрямую перевести термин с одного языка на другой, сохранив его значение. Это говорит о том, что когда мы переводим термины политического дискурса с одного языка на другой, мы должны уделять особое внимание нюансам перевода.

Во-вторых, значение терминов и понятий никогда не бывает статичным, а динамичным, и их интерпретация меняется со временем, как мы это видели с концепцией «власть». В контексте задачи развития политической науки в нашей стране это предполагает, что мы должны не просто рассматривать значение термина «власть» как навсегда закрепленное другими, а, скорее, подвергать его значение постоянному аналитическому обсуждению и уточнению.

В-третьих, приведенный выше анализ концепции власти также показывает, что англо-американская политическая наука, скорее всего, под влиянием позитивизма и аналитической философии в течение прошлого века, стремилась к большей аналитической точности в отношении терминов и концепций политического дискурса. Что касается задачи развития политической науки в нашей стране, это говорит о необходимости большего взаимодействия с международными, в том числе и англоязычными исследованиями в различных областях политических наук.

В заключение подведем итоги. На данном этапе развития перед политическими науками стоят несколько важных задач, которые четко указаны в постановлении Президента[1], в том числе подготовка учебников, учебных пособий и учебных программ нового поколения. Переводы и интерпретации новых терминов станут неотъемлемой частью выполнения этой задачи. На примере рассмотрения понятия «власть» видно, что имеют значения нюансы перевода при интерпретации новейших терминов.

---

[1] Мирзиеев Ш.М. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности подготовки кадров, фундаментальных и прикладных исследований в области политических наук» (№ПП-4139 от 29.01.2019).

Бахтиёр ОМОНОВ, сиёсий фанлар доктори, профессори
(Ўзбекистон Миллий университети)

СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛИ

«Модернизация» (фран. moderisatio, modere – энг янги) замонавий талабларга мувофиқ ўзгариш ва такомиллаштириш маъносини билдиради. Гап нафақат саноат-техника тараққиёти, балки инсоннинг дунёқараши унинг методологик ёндашуви, тафаккур услублари, ҳатто турмуш тарзи ўзгариши билан белгиланади. Бу тамойилларнинг тубдан ўзгариши инсон томонидан қўлланилаётган тушунчалар, концепцияларнинг ўзгаришига ҳам олиб келади.

Бизга маълумки, ҳар қандай жамият ҳаётида сиёсий ривожланишни тадқиқ этиш учун турли хил назарий-методологик ёндашувлар танлаб олинади. Ҳозирги даврда модернизация парадигмаси орасида формацион, цивилизацион ёндашувлар алоҳида аҳамият касб этади. Модернизация – ўта мураккаб сиёсий жараён. Унда ўзгаришлар инсон ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида рўй бериши натижасида янги тушунчалар, тамойиллар ва ёндашувлар ҳам одамлар онгида шакллантириб борилади.

Ўзбекистонда модернизация тузилмасининг структуравий-функционал таркиби мустақил илмий тадқиқот мавзуси сифатида комплекс-тизимли ўрганилмагани бу соҳага қизиқишни оширади. Баъзи илмий тадқиқотларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларда модернизацияга муқобил қарашлар берилган бўлса-да, бугунги кунгача унинг ягона тузилмаси, жамиятни модернизациялаш тушунчасининг моҳияти ва мақомини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилмаган. Илмий адабиётларда ҳам унинг мазмуни турлича талқинда берилади. Масалан, «Фалсафа қомусий луғати»да тушунчага умуман таъриф берилмаган.

Шу ўринда модернизация нима, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг илмий талқинлари жуда кўп. Ғарб ва Шарқ мамлакатларида унга муносабат ва қарашлар турлича. Ўрганилганлар асосида қуйидаги умумий таърифни келтирамиз:

«Модернизация деганда аграр (анъанавий) жамиятни индустрлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тузумни трансформациялаш тушунилиб, бу жараёнда давлат тараққиёти ижтимоий-иқтисодий концепциясини қайта кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ-эркинликларини янги норма, стандартлар асосида таъминлаш, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар тизимини янгича, замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш кўзда тутилади»[1].

---

[1] Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Тошкент: «Aloqachi», 2019. – Б. 6–7.

Хўш, бу сиёсий жараён нима мақсадда амалга оширилади? Биринчи навбатда, жамиятда шундай ўзгаришлар қилишга табиий эҳтиёж, зарурият туғилади, қолаверса, шиддатли тус олаётган глобаллашув унга турткидаберади ва жараённи тезлаштириб юборади. Ҳозирда мамлакатимизда ҳам шундай ҳолат содир бўлмоқда. **Модернизациялашдан кўзланган асосий мақсад: анъанавий турмуш тарзидан замонавий жамиятга ўтиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишда юқорироқ босқичга эришишдир.**

Мисол учун Японияни олайлик. Мамлакатда император Муцухито (1868–1912) ҳукмронлигидаги Мэйдзи-иси реставрацияси даврида биринчи марта сиёсий ислоҳотлар ўтказилган. Узоқ асрлик ихоталашувдан сўнг, очиқлик сиёсати олиб борилган. Японларнинг ютуғи шундаки, ҳукумат тепасига сиёсий заиф буржуазия эмас, балки феодал зодагон вакиллари, бой савдо-судхўр капитал вакиллари бўлган ватанпарвар кучлар олиб келинди, бу эса капитализм ривожини белгилаб берди.

Японияда модернизациялаш жараёни бошидаёқ «япон руҳияти – ғарб техникаси» (вакон-ёсай) шиори остида кечганини биламиз. Бунда «вакон» анъанавий маданият, маънавий қадриятга боғланиб дунёни идрок этиш, «ёсай» – замонавий маданият, цивилизация маъносини билдиради[1]. Бундан олдин, император Токугава (XVII–XVIII аср) даврида ҳам бошқарув тизимини модернизациялаш олиб борилган, ўшанда миллий маданият хитой анъаналарининг узоқ давом этган ассимиляция (аралаштириб юбориш) жараёнидан маълум вақт ўтгач, ўзининг классик ҳолатига қайтди.

Модернизацияни ўрганганимизда **«цивилизация»** тушунчасига ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Лотинча «фуқаровий, ижтимоий» маъносини билдирган цивилизация талқини маҳаллий-тарихий ташкил топишига кўра, маданиятшунослик, ижтимоий, этнопсихологик, географик каби ёндашувлардан таркиб топади. Маданиятшунослик нуқтаи назаридан унинг асосини дин ташкил этса, ижтимоий-маданий ёндашувда (Ж. Уилкинс) ижтимоий-сиёсий алоқалар, механизмларнинг ўзаро ҳамкорлигига устуворлик берилади[2]. Аслида, цивилизация жамият ривожланиши муҳим босқичи ва юксак савияга эга жамият ташкил топишининг бир тимсоли, дейиш мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошига келиб, модернизация тушунчаси моҳияти мазмуни бўйича янгича ёндашувлар пайдо бўлди. Ушбу долзарб масалани ўрганган Р. Дал, Г. Алмонд, Л. Пай бу жараёнда ўрта синфнинг пайдо бўлиши, таълим даражасининг ўсиши сиёсий ҳокимиятда жиддий ўзгаришлар ясашини, С. Хантингтон, К. Дойч, Х. Линдз қаттиққўл авторитар бошқарув, ҳукмрон партия бўлиши керак, деган фикрларни олға

---

[1] Беляков А. Акио Морита. Душа компании // Интеррос, 2001. № 1. – С. 53–58.

[2] Wilkins J.S. The Evolutionary Structure of Scientific theories. In: Bology and Philosophy, 1998, NY. 13. – P. 479–504.

сурдилар. XX асрнинг 60-йилларида инглиз олими Ш. Эйзенштадт биринчи марта модернизациянинг содда таърифини ишлатди: «Тарихий модернизация Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ўн еттинчи асрдан йигирманчи асргача ривожланган, кейинроқ барча Европа давлатларига тарқалган, ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрларда Жанубий Америка, Осиё ва Африка қитъаларига кўчирилган ғоя бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизимнинг жиддий ўзгаришига олиб келади»[1]. Д. Аптер, С. Блэк, С. Хантингтон, А. Турен, Ш. Эйзенштадт Лотин Америкаси, Осиё, Африкадаги сиёсий ривожланиш қонуниятлари, мавжуд тенденцияларини ўрганиб, модернизациянинг истиқболли эканлигини исботлаб бердилар[2].

Жамиятни янгилаш, ислоҳ этиш муаммоси Шарқ олимлари ва давлат арбоблари томонидан ҳам махсус ўрганилган. Ўрта асрлардаги мусулмон Шарқидаги давлат арбобларидан бири Низомулмулк (1018–1092) «Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук» асарида (1091) шахс ва давлат тушунчасига эътиборини қаратди. «Жамиятда адолатни қарор топтириш ночор, иложсиз кишиларга молиявий кўмак бериш ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдир, – деб ёзади аллома. Адолат арконлари орқали давлатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилади. Давлат хизматчилари ҳар бир ишда оқсоқоллар, олимлар ва жамиятнинг мўътабар кишилари билан маслаҳатлашиб турмоғи лозим»[3].

Низомулмулкнинг қарашида адолатли давлат сиёсатигина жамиятнинг янгиланишига олиб келади, деган фикр ётибди, бу қараш эса европалик олимлар И. Кант ва Ж.-Ж. Руссоларнинг «жамият сулҳи» ғоясига ҳамоҳанг туради.

XX асрнинг ўрталарига келиб, модернизация тушунчаси кенг тадқиқ этила бошланди. Масаланинг туб моҳияти, мазмунини илмий очиб беришда америкалик Ж. Хабермас, англиялик М. Хоркхаймер, Т. Адорно, Ж. Томсон, М. Шадсон, К. Кэлхаун, Д. Келлнер каби олимларнинг илмий-назарий қарашлари муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, Ж. Хабермас ижтимоий фаровон жамиятни шакллантириш жараёнида ҳокимият тизими аралашувини чеклашни ёқлайди. Муаллифнинг нуқтаи назарича, давлат ҳокимияти орқали жамиятни бошқариш фуқаролар сиёсий иштирокини сусайтиради, натижада индивид ва шахс, ҳокимият тизими ва эркин ҳаёт тарзи ўртасидаги ўзига хослик йўқолади[4].

---

[1] Пугачев В., Соловьев А. Сиёсатшуносликка кириш. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004. – Б. 436–437.
[2] Apter D. The politics of modernization. – London, 1965; Black C.E. op.cit.; Huntington S.P. Political order in changing societies. – New haven, 1968; Huntington S.P., Nelson G.M No easy choice: political participation in developing countries. – Cambridge, 1976; Tourene A. Modernity and Cultural specificities // International Social Science Journal. November. 1998, № 18; Эйзенштадт Ш. Революции и преобразование обществ. Сравнительное изучение цивилизаций. – Москва: 1999.
[3] Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. – Тошкент: «Адолат», 1997. – 256 б.
[4] Habermas J. Postmetaphysical Thinking. – Cambridge: Polity, 1992. – P. 127-132.

М. Хоркхаймер, К. Кэлхаун жамиятнинг сиёсий модернизацияси материалистик (ижтимоий таъминланганлик, молиявий барқарорлик) ва идеалистик (меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор, хайрихоҳлик) ўзаро ёндашуви асосида рўй беради, дейди. Д. Келлнер фикрича, «бозор муносабатига мослашган жамиятда шахс, жамият, давлат каби фалсафий категориялар моҳиятан моддий қиймат билан ўлчанади, ижтимоий муносабатлар инсонийлик эмас, балки «бартер» хусусиятига эга бўлади»[1]. Бизнингча, бу ёндашувлар бирмунча баҳсли бўлиб, у фақат Ғарб мамлакатларига мос келади.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида кўплаб илмий ёндашувлар кузатилди. Сиёсатшунос С. Верба ва Л. Пай модернизациялашда жамият аъзолари психологиясини ўзгартириш ва янги қадриятлар (демократия) тизимини қабул қилишни[2], У. Мур[3] ва Х. Экстайн[4] мамлакатни индустрлаштиришни биринчи ўринга қўядилар. Юқоридаги фикрлар илмий асосланган бўлса-да, сиёсий жараённи ўтказишда ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароити, иқтисодий имкониятлари у қадар инобатга олинмаган. Хусусан, У. Мур ва Х. Экстайннинг фикрини ҳар бир маконда қўллаб бўлмайди. Масалан, Совет Иттифоқи парчалангандан кейин ўз мустақил йўлини бошлаган ёш республикаларда иқтисодий асоснинг ўзи бўлмаган. Иқтисодий пойдевор қурмасдан сиёсий модернизация тузилмаларини ташкил этиш ва индустрлаштиришни жадаллаштириб бўлмайди. Демак, бугунги кунда МДҲ мамлакатларида жамиятни модернизациялаш учун олдин мустаҳкам иқтисодий заминни тайёрлаш масаласи кўндаланг турибди.

Модернизациянинг янги тарихи XVIII асрда Европа мамлакатларида ихтироларнинг яратилиши, инсон фаолиятига илмий, муҳандислик билимларининг кириб келиши ва улардан фойдаланиш маҳсули сифатида дунёга келган эди. Бу атама, асосан, XX асрнинг ўрталарида илмий таомилга киритилди. Модернизация назарияси дастлаб 1950-1960 йилларда АҚШ университет таълимида Т. Парсонс, Р. Мертон томонидан илгари сурилган эди. Унинг асосчилари таниқли америкалик мутахассислар С. Липсет, Ф. Ригге, Д. Энгер, Р. Уарт, С. Хантингтон бўлишган. XIX аср 80-йилларида модернизациялаш назарияси қайта кўриб чиқилиб, у ривожланишнинг шарти эмас, балки функцияси сифатида қаралди. Унда кўпроқ ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузилмаларни ўзгартириш устувор мақсад, деб қабул қилинди.

---

[1] Kellner D. Critical Theory, Marxism and Modernity. – Cambridge: Polity, 1989. – P. 64.
[2] Pye L.W., Verba S. Political Culture and Political Development. –Princeton, 1965. – P. 13.
[3] Moore J. Colonialism: The case of Mexican-Americans. in Social Problems, 1970, Nr.17. – P. 463-472; Capitalism over the Longue Duree: A Review Essay. In: CriticalSociology, 1997, Nr. 23 (3). – P. 103-116.
[4] Eckstein H. The Idea of Political Development: From Dignity to Efficiency. in: World Politics, 1982, NY. 34. – P. 451–486.

Фақат XX асрнинг 90-йилларига келиб, Хитой, Япония, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг жадаллашган моделлари олимлар томонидан эътироф этила бошланди. Мазкур жараёнга ўтишда «моддий ва маданий бойликлар тақсимоти», «ўхшашлик», «легитимлик» каби инқирозлар содир бўлиши тан олинди. Демак, инқирозларни енгиб ўтган халқ ва давлатгина бу жараёнда ютиб чиқади ва фаровонликка эришади...

Модернизациянинг «қувиб борувчи», «жадаллашган», «такрорланувчи» номли моделлари мавжуд. Модернизация парадигмаси (андозаси) доирасида кўпдан-кўп назарий-методологик ва хусусий фанларга асосланган ёндашувлар яратилган. Шарқ мамлакатлари янгича моделларни «кашф» этганидан кейин уларда Ғарб турмуш тарзини мажбурий қабул қилиш эмас, балки уйғунлашган жамиятни қуриш имконияти вужудга келди.

Жамиятни модернизациялаш масаласини ўрганишда **«ўтиш даври» тушунчаси** муҳим ўринни эгаллайди. Ўтиш даврининг нимадан бошланиши ва қандай поёнига етиши масаласини сиёсат фалсафаси фани ўрганади. Бу ўта мураккаб босқич бўлиб, уни босиб ўтмай туриб, биронта мамлакат барқарор тараққиётга эриша олмаган, чунки айни шу босқичда барча соҳаларда барқарор тараққиёт учун зарур пойдевор яратилади. Аммо улар ўз-ўзидан юзага келмайди, балки мамлакатнинг тараққиёт даражаси, халқнинг менталитетидан келиб чиқиб, ўтишнинг мақбул назарий асослари ишлаб чиқилади.

Ўтиш даври, глобаллашув жараёнлари ҳақида бир қатор китоблар муаллифи, устозимиз фалсафа фанлари доктори, профессор С. Отамуратов ёзганидек: «Ўтиш даврини жамият ўзи эришган имкониятлар асосида ривожланишнинг тугаши, ўсиб келаётган эҳтиёжларни қондира олмай қолишидан бошлаб, ундан юқори имкониятларни юзага келишигача бўлган муҳлат, деб белгилаш мумкин. Бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган «ўтиш даври» ёки аниқроғи «оралиқ» босқичининг муҳлати ана шу янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум ўз имкониятларини тўла юзага чиқариб, барқарор тараққий қилиш жараёни юзага келиши билан тугайди»[1]. Таъкидланганидек, ўтиш даврида моддий омилдан ташқари, сиёсий омилнинг ролини аниқлаб олиш зарур бўлади.

Ўтиш даври ҳар бир мамлакатда турлича кечади. Бу жараёнда ижобий ўзгаришлар билан бирга, баъзида орқага кетишлар, жиддий молиявий инқирозлар юзага келиши ҳам мумкин. Чунончи, ҳар бир мамлакатда беҳисоб имтиҳонлар, синовлар даври бўлади, илмий-техник тараққиётда талаб, эҳтиёж ва имкониятлар фарқланишига қараб, қарама-қаршиликлар вужудга келади, агар улар вақтида ечилмаса, вазият чуқурлашиб бораверади.

[1] Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий қирралари). – Тошкент: «Akademiya», 2005. – 219 б.

Ўтиш даврининг барча мамлакатлар учун умумий андозаси бўлмайди. Ўтишнинг тайёр модели бўлмагани боис, у ёки бу давлат учун унинг самарали андозаси (модели)ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёни силлиқ амалга ошмайди, балки трансформациялашув жараёнида турли ички зиддиятлар ҳам юзага келади. Муаммолар ўз вақтида, тезкорлик билан ечилмаса, зиддиятларнинг олди олинмаса, аҳоли норозилиги кучайиб, фуқаролар уруши келиб чиқиши мумкин.

Яхши аёнки, бугунги бозор муносабатлари – ўзини ўзи бошқарадиган тизим. Бозор иқтисодиётини барпо этишдан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминловчи муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборат.

Жаҳонда миллий ривожланиш жараёни модернизация парадигмаси доирасида турли хил нуқтаи назарлар асосида таҳлил қилинади. Сўнгги йилларда шаклланган ёндашувларда қатъий детерминизмдан воз кечилиб, Ғарб демократиясига чизиқли модель асосида эмас, кўп чизиқли модель – ривожланиш йўлига ўтиш имконияти илмий асосланди. Модернизация парадигмаларининг асосини ташкил қилган эволюционизм ва фундаментализм ёндашувларини чеклаш ҳисобидан макроижтимоий тизимлар таҳлилидан микроижтимоий жараёнларни тадқиқ қилиш имконияти илк марта эътироф этилмоқда. Бу назариянинг тўғрилигини Хитой, Сингапур, Малайзия давлатлари амалда исботлаб бердилар[1].

Илмий адабиётларда модернизация жараёнидаги ўзгаришлар ички ва ташқи (эндоген ва экзоген) таъсирлар натижасида пайдо бўлади, деган фикр ҳукм суради. Аслида миллат такомилига таъсирлар ва таҳдидлар ҳам ички, ҳам ташқи тарафдан кузатилади. Булар эса реал борлиқнинг кенг қамровли ёндашувлар ёрдамида акс эттирилиши ва реалликка татбиқ этиш доираси тобора кенгайганлигини билдиради.

Ўзбек олимлари мамлакатимизда модернизация жараёнларини ўрганишда унинг ўзини эмас, балки «цивилизация», «глобаллашув», «миллий ривожланиш фалсафаси» каби тушунчаларни кўпроқ ишлатишади. Сиёсий модернизация ва жамият модернизацияси масаласи эса алоҳида мавзу холида ҳозирга қадар тадқиқ қилинмаган.

Модернизация жараёни таҳлилида **«трансформация»** тушунчаси асосий ўринда туради. Трансформация – тизимнинг ўзини сақлаш, қайта ишлаб чиқариш жараёни. Унда беқарор тизим бошқа мегатизимга ўтади ёки ички тузилмасини ўзгартиради. Трансформация – ижтимоий тизимнинг имманент умумий сифат хусусияти бўлиб, тизим бир структуравий тузилмадан ривожланган барқарор тизимга алмашади. У тизимнинг бутун

---

[1] Дэн Сяопин. Строительство социализма с китайской спецификой. – Москва: 1997; Ли Куан Ю. Из третьего мира – в первый. История Сингапура (1960–2000) 3-е издание. – Москва: Манн, Иванов и Фербер, 2015.

мазмун моҳиятидаги ўзгариш, шахс ва институтларнинг табиий ривожланиш қонуниятлари асосида мақсадга йўналтирилган фаолияти ўзгариши. Трансформация жараёни кўп векторлик ва ўзгаришларнинг амалга ошиш суръатлари жадаллашганлиги бўлиб, бу ўзгаришларда субъектив омилларнинг таъсири юқори бўлади. Олимлар трансформацияни бир тизим иккинчисига алмашаётгандаги ҳолат, деб аташади. Буни биз жамиятнинг тараққиётини тўхтатувчи ўз ўтмишидаги салбий ҳолатлардан воз кечиши, янги мақсад ва ғоялар сари интилиши, деб атаймиз. Жамиятда янгилик ва эскилик ўртасида кураш мобайнида трансформация жараёнида ижтимоий тўқнашувларнинг кучайиши ва кескинлашуви кузатилади. Бу жараён ўзида деструктив ва конструктив имкониятларни жамлайди, деструктив ва конструктив йўналишларга эга бўлади. Конструктив трансформация жараёни натижасида жамиятда бутунлай ёки унинг айрим соҳаларининг прогрессив ривожланиши таъминланади.

Модернизациялаш жараёнида замонавийликни тушуниб етмаслик, янгиликка қарши туриш, ўта хурофотчилик, сусткашлик, турғунликлар билан кураш каби ҳолатлар кўпайиб боради. Бошқача айтганда, бюрократик аппарат янгилик ва янгича қарашларни ёқтирмайди. Фалсафа фанлари доктори А. Қодиров собиқ Иттифоқдан мерос қолган бюрократиянинг типик кўринишини чиройли изоҳлайди: «ўз раҳбарлик фаолиятининг ижтимоий-сиёсий ўрни ва аҳамиятига лоқайдлик; ишнинг мазмуни ва натижасига эмас, балки кўпроқ шаклига, миқдорига эътибор бериш; ўзидан пастки лавозимда ишловчи раҳбарларни қаттиқ назорат остида тутиш; таваккалчилик, ижодий ёндашувга, кўрсатмадан четга чиқишга ижозат бермаслик; ўзидан юқорида турувчи мансабдор шахсга ёқишга интилиш; мустақил қарор қилишдан қўрқиш кабилар бюрократик онгни юзага келтирувчи сабаблардир»[1].

Ана шу салбий иллатлар бугунги кунда ўзбек жамиятининг эртанги кунига тўсқинлик қилмоқда.

Глобаллашув ва модернизациялаш бир-бирига яқин ва таъсир ўтказадиган омиллар. Бугунги кунда глобаллашув ҳар бир мамлакатда фақат иқтисод соҳасини эмас, балки жамият сиёсий тизими ва халқаро муносабатларни, ҳатто модернизациялаш тақдирини белгиловчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Модернизациялаш – замонавийлашиш ва анъанавийликдан замонавий ҳаёт тарзига ўтиш жараёни. Глобаллашувнинг нуфузи ошганлиги, аввало, Ғарбда илғор технологиялар, тадқиқот институтлари ва сиёсат билан белгиланади. Ахборот технологиялари, мобил тизимлари ривожланган сари глобаллашувнинг таъсир доираси янада кенгайиб бораверади.

«Модернизациялаш жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузилмаларни ўзгартиришни кўзда тутади», деган қарашлар мавжуд. Ғарб

---

[1] Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 115 б.

олимларининг фикрича, у шахснинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва маънавий эркинлигини, давлатнинг жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлайди; Шарқ олимлари назарида бошқарув шакллари узвийлиги, ҳокимиятни ташкил этишнинг асосий шакл ва тамойиллари сақланганлиги, жамиятда урф-одатлар, анъаналар ва жамоавий бирдамлик қадрланиши устуворлик қилади. Демак, инсонга барибир танлаш имкони берилмоқда. Дейлик, хитойлик тадбиркор АҚШ менежмент тизимидан унумли фойдаланади, аммо жамият ҳаётида, ҳатто миллий маҳсулотида хитой руҳини сингдиради. Чин ҳақиқатни айтадиган бўлсак, япон, сингапур, малайзиялик фуқаро ислоҳотларда миллий руҳ ва миллий ғурурни юқори қўйгани боис, тараққиётда илгарилаб бормоқда...

Шарқ мамлакатларида 1990-йиллар ўрталарида модернизация истиқболини амалда кўрсатиб берувчи **«осиё феномени»** вужудга келгани сиёсатшунослик илмида воқеага айланди. Рус олими М. Титаренко Хитойда модернизациянинг ноанъанавий модели яратилиб, бунда «сиёсат ва иқтисодиёт, демократия ва маънавият ўртасидаги ўзаро муносабатлар Ғарбнинг демократик тизимидан ўзгача мазмун касб этганлиги» [1] ни асослайди. Буни «осиёча модернизациялаш» ёки «модернизациянинг янги кўриниши», деб баҳолаш мумкин.

Сиёсий модернизациялаш – мураккаб комплекс жараён. Жамиятда ижтимоий гуруҳларнинг даромади кескин фарқланса, самарали иқтисодий ўсишга эришилмайди; шаклланмаган маданий етук шахслар иштирокисиз бозор тузилмалари шаклланишга улгурмайди; фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаса, демократик қадриятлар ривожланмайди. Кўриб турганингиздек, талаблар ва мезонлар бир-бирига боғланиб кетади, агар улар ҳисобга олинса, жараён такомиллашиб боради. Ҳаттоки Европа давлатларида модернизациялаш қарийб икки юз йилга чўзилган.

Умуман олганда, жамиятни модернизациялаш қуйидаги босқичлардан ташкил топади**:**

Биринчи босқич ўрта синф шаклланади, анъанавий институтларнинг трансформация ҳодисаси юз беради.

Иккинчи босқич жамиятда коммуникация, урбанизация ва инновацияни тарқатиш жараёни тезлашади.

Учинчи босқич трансформацияни изчил давом эттириш натижасида «постмодернити» деган жамият вужудга келади.

Шу билан бирга, модернизация жараёнларини шакллантириш учун шарт-шароит туғдирувчи омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Булар қуйидагилар:

---

[1] Титаренко М. Жизнестойкость и стабильность китайской цивилизации – условие развития Китая / Востоковедение и мировая культура. – Москва: 1998. – С. 59.

Ҳуқуқий омил: фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини тарбиялашга хизмат қилувчи тизим (оила, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим)нинг сифат даражаси. Ҳуқуқий масалаларни яхши билиш фуқаронинг фаоллашуви ва ижтимоийлашувига олиб келади. Модернизацияда кутилган натижага эришишда аҳоли сиёсий онги, бозор иқтисоди қонуниятлари, демократиянинг асосий тушунча ва тамойилларини қабул қилишга тайёргарлик даражаси етакчи роль ўйнайди.

Иқтисодий омил: мисол учун XVII асрда Европада бошланган саноат инқилоби иқтисодиётни ривожлантириб, одамларнинг турмуш тарзини ўзгартирди. Кейинроқ АҚШ, Европа Иттифоқи ўз техника ва технологияларини Осиё ва Африка давлатларига «экспорт» қилиш орқали бу ўлкаларга ғарбона яшаш тарзини сингдиришга киришди.

Маънавий-ахлоқий омил: давлат бошқаруви тизимида модернизация ижобий янгиланиш, юксалиш даврини бошлаб берса, маънавият, одоб, тарбия тизимида у миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларнинг бузилишига олиб келади.

Кейинги йилларда сиёсий модернизация назарияси ва амалиётида олимлар бош қотирадиган **муаммолар** кўпайган. Сабаби, сиёсий тизимда содир бўладиган бир қатор жиддий инқирозлар борки, уларни синчиклаб ўрганиб, мавжуд камчиликларни имкон борича бартараф этиш модернизациянинг вазифаси ва кафолати ҳисобланади. Келинг, уларни бирма-бир келтириб ўтамиз:

Модернизациянинг ўхшашлик инқирози. Унда «мамлакат ўз йўлини танлаш чоғида миллий ва ҳудудий манфаатларда ихтилоф пайдо бўлади, ижтимоий-синфий бўлиниш миллий жипслашишга таъсир қилади, этник ва субмиллий мансублик зиддиятлари кучаяди»[1].

Модернизациянинг легитим инқирози. Сиёсий ҳокимият жамиятдаги гуруҳларга сиёсий қарорларни қабул қилишга рухсат бермайди, анъанавий институтлар таҳдидга учрайди, жамият билан ҳукумат ўртасида ҳамжиҳатлик йўқолади, фуқаролар қарорларни қабул қилиш жараёнида лоқайдликка ўтади, сиёсий ҳокимият учун курашда рақобат кучаяди, омманинг сиёсий пассивлиги, ҳукмрон элитанинг сиёсий салтанатни сақлаб қолишга қодир эмаслиги намоён бўлади[2].

Модернизациянинг шериклик инқирози. Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнига рухсат олишга манфаатдор гуруҳларнинг сони ошади, шериклар сиёсий ҳокимият учун курашни кучайтиради, манфаатдор гуруҳларнинг жамиятда ўрнини тополмагани оқибатида, сиёсий тизимнинг

---

[1] Золотухин И. Демократизация «по-филиппински»: обзор и анализ основных тенденций внутриполитического развития в период с 1998 по 2004 г г. // Ойкумена, 2007. Вып. 2. – С. 27–35.

[2] Фетисов А.С. Политическая власть: проблемы легитимности // Соц.- полит. журнал. 1995. № 3. – С. 101–112; Краснов Б.И. Теория власти и властных отношений // Соц.- полит. журнал. 1994. № 3–6. – С. 76–84.

ривожи сустлашади, мухолифат гуруҳларнинг кескин радикаллашув жараёни юз беради, булар эса сиёсий беқарорликка олиб келади. Бундай вазиятда элитанинг сиёсий мухолифатга муносабатини тартибга солувчи уч ҳолат кўриб чиқилади: биринчиси, куч ишлатиш йўли билан мухолифатга оммавий босим ўтказиш (Пиночет даврида Чилидаги воқеалар)[1]; иккинчиси, мухолифатни қонун доирасида эътироф этиш; учинчиси, нафақат мухолифатни «де-юре» тарзида тан олиш, балки у билан биргаликда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш[2].

Модернизациянинг сингувчанлик инқирози. Давлат бошқаруви ресурсларининг пасайиб кетиши натижасида ижтимоий соҳага кўрсатмаларини сингдириши қийин кечади, жамиятнинг табақалашиши кучаяди.

Модернизациянинг тақсимот инқирози. Бошқарувчи элитанинг жамият моддий фаровонлигини ошириш ва ресурсларни тақсимлашга қодир эмаслиги аён бўлади. Масалан, Лотин Америкасида жамиятнинг маргиналлашуви (чеккада, ораликда туриш) кучли мулкий табақалашувни келтириб чиқарди. Шунда Бразилия, Чилида камбағаллар сони ва улушининг қисқариши Мексика, Венесуэлада мулкдорларнинг ортиб бориши эвазига ёпилди.

Кўриниб турибдики, модернизациялаш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш анча мураккаб кечади. Кутилмаганда юз берган инқирозлар сиёсий жараёнларга ва миллий тараққиётга сезиларли равишда таъсир ўтказиши мумкин. Айниқса, мамлакат фуқароларининг сиёсий тайёргарлик даражаси, миллий онги, сиёсий маданияти ҳисобга олинмасдан бошланган ислоҳотларда янги муаммолар, ижтимоий инқирозлар содир бўлади. Бу объектив ҳолатни 2005-2019 йилларда Араб давлатларида содир бўлган воқеалар мисолида кўрамиз. Лотин Америкасида жамиятни модернизациялаш жараёни юз йилдан ошган бўлса-да, у кутилган самара келтирмади. Жамиятда ижтимоий табақалашув, бойлар ва камбағаллар ўртасида фарқлар нисбатининг кучайиши қийинчиликни туғдирмоқда.

Муҳим ҳақиқат шуки, ҳар бир мамлакатда сиёсий модернизация тақдири қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ўзаро алоқаси, бир-бирини тушуниши ва тутган объектив позициясига боғлиқ ҳолда кечади. Аввало, улар асосий функциялари ва ўз мақомларини билиб олиши керак. Ғарб таҳлилчиларининг фикрича, учта тузилмада қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрни доимо юқори туриши лозим. Давлат ҳокимияти тақсимланиш моделига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият жамиятда мавжуд барча ижтимоий гуруҳларнинг вакиллик органларини таъминлаши, сиёсий қарорлар қабул қилишда сезиларли таъсир кўрсатиши керак. Парламент

---

[1] Калишевский М. Аугусто Пиночет спас Чили на крови //Эксперт, 1998, № 13. – С. 21.
[2] Философия власти. – Москва: Изд-во МГУ,1993. – С. 110–143.

«давлатнинг сиёсатини белгилайди» (Ж. Локк), «парламентнинг фаолияти халқ томонидан назорат этилмайди» (Э. Берк)[1].

Ижроия ҳокимиятининг жамиятни модернизациялаш жараёнидаги иштироки масаласи ҳам кўплаб тадқиқотлар учун яхши мавзу бўлиши мумкин. Жамият ғоявий-сиёсий ҳаётида жонланиш кўп ҳолларда ҳокимият тизими қисман қулаганда юз беради. Таниқли олим Э. Хейвуд ижро этувчи ҳокимиятни «бюрократик раҳбарият», деб атайди. Улкан бюрократик, ҳам маъмурий аппаратдан иборат ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳақиқий вазифаси сиёсий қарорларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўлса-да, ҳукуматнинг давлат сиёсатида етарли даражада фаолият кўрсатмаслиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

биринчидан, фаолияти кун сайин кенгайиб борадиган бюрократик аппаратни бошқаришга профессионализм етишмайди, чунки аппаратда бошқарув тажрибаси етарли бўлмаган ходимлар кўпроқ ишлайди;

иккинчидан, улар ўз моддий манфаатини ҳеч қачон унутмайди, сабаби, турли манфаатдор гуруҳлар ишини ўзидаги департаментлар назорат қилади»[2].

Иккинчи ҳолат жиддий таҳлил қилинса, ҳукуматда эгоистик манфаатли кишилар бирлашуви орқали коррупция хавфи туғилиши яққол кўзга ташланади. Ана шу омилнинг ўзиёқ нафақат миллий иқтисодиёт ривожига, балки мамлакатимизда сиёсий ислоҳотларнинг тизимли давом этишига халақит берадиган куч ҳисобланади. Энг ачинарли жиҳат шундаки, коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида турувчи, бунга бевосита масъул бўлган идораларнинг ўзида ҳам коррупцияга тўлиқ барҳам беришга эришилмаётгани кечирилмас ҳолат, деб баҳоланади.

Хулоса шуки, мамлакатда давлат ҳокимияти тизимини модернизациялаш, хусусан, сиёсий, маъмурий ислоҳотлар концепциясини қабул қилишни кечиктириб бўлмайди. Коррупция – модернизациялаш кушандаси, бу масала ечилмас экан, жамият модернизацияси ҳам, миллий ривожланиш ҳам юз бермайди. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланаётган, бозор муносабатларига ўтилаётган даврда мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, жамоатчилик назорати тизимини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқишга ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж ва талаб йилдан-йилга ортиб бораверади. Демак, демократик жамиятда фуқаро – жамият – давлат ўзаро муносабатларини мувозанатлаштириш ва тартибга солиш масаласини кечиктириб бўлмайди.

---

[1] Политология. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 35.
[2] Хейвуд Э. Политология (Politics). Учебник для вузов. – Москва: «ЮНИТИ», 2005. – С. 245.

Фатхулла ХИКМАТОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети)

СИЁСИЙ ФАНЛАР ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

Олимларнинг фикрича, XXI аср ахборот асрида ахборот урушлари, ахборот хуружи каби тушунчаларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келди. Ушбу ҳолат бевосита мавжуд бўлган таҳдидлар билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида ахборотни тўғри таҳлил қила оладиган (нафақат техник жиҳатдан) ҳамда жамиятнинг ривожланишини илмий башорат қила оладиган экспертларга талаб кучаймоқда. Бунга мисол қилиб ривожланган давлатларда ўз фаолиятини самарали олиб бораётган тадқиқот марказларини келтириш мумкин.

Дунёда аналитик марказларнинг тармоғи ривожланган, у кенг кўламли ички ва ташқи муаммолар бўйича ҳукумат, жамоат ва хусусий ташкилотларда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш билан шуғулланади (сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик, ижтимоий соҳа, экология, озиқ-овқат, тиббиёт ва бошқалар). Йиллар давомида улар бошқарув фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг тобора муҳим воситасига айланди. Масалан, RAND Corporation маркази, Брунклин жамғармаси, мудофаа ва ташқи сиёсат маркази ва ҳоказо.

Пенсильвания университети профессори Ж.Ж. Макгинн аналитик тузилмалар сонининг ўсиши учун бир нечта асосий сабабларни келтиради: ахборот ва технологик инқилоб; идоралар ҳажмининг ортиши ижроия қўмитаси ва уларнинг ахборотга бўлган монополиясини тугатиш; ҳукмрон доираларга бўлган ишонч инқирози; тўғри шаклда ва ўз вақтида тақдим этилган қисқа ахборотга бўлган талаб[1]. Ж.Ж. Макгинн фикрига кўра, таҳлил марказлари сони сиёсий эркинлик даражаси, сиёсий режимнинг табиати, сиёсий партияларнинг сони ва таъсири, фуқаролик жамияти ва университетларнинг автономлиги даражаси ва ЯИМ даражаси [2] каби кўрсаткичлар билан боғлиқ. Натижада «ақл марказлари» сони ички ва ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир қилади. Улар, «қарор қабул қилувчилар сиёсий ғояларни ташкил этиш ва фильтрлаш усулларини такомиллаштиришлари керак»[3]. Бошқача айтганда, замонавий шароитда ҳукмрон элиталар ахборот етишмаслигидан эмас, балки унинг ортиқчалиги

---

[1] McGann J. G. 2019 Global go to think tank index report / J. G. McGann. Univ. of Pennsylvania, 2019. – P. 11.
[2] McGann J. G. 2019 Global go to think tank index report. – P. 20–21.
[3] Сунгуров А. Как возникают политические инновации: "фабрики мысли" и другие институты-медиаторы / А. Сунгуров. – Москва: РОССПЭН, 2015. – С. 63.

муаммосини бошдан кечирмоқда, бу тизимлаштирилган билимларга бўлган талабни оширади. Миллий экспертлар ҳамжамиятининг асосий элементлари сифатида «ақл марказлари» ишлаб чиқилган тузилмасининг мавжудлиги бошқарув қарорлари ва умуман давлат самарадорлигининг муҳим кўрсаткичига айланди[1]. Маълумотларга кўра, Ер юзида жами 10000 дан ортиқ таҳлил марказлари фаолият юритаётган бўлиб, шулардан 26,2 фоизи Европада, 25,2 фоизи Шимолий Америкада жойлашган. Нисбатан қуйи поғонада, 20,7 фоиз улуш билан Осиё рейтинг «учлиги»ни якунлайди.

Ғарбда бундай ташкилотлар юз йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлайди. Бугунги кунда турли лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун жалб этиладиган маслаҳатчилар ва консультантлар турли конкурслар ва тендерларни келтириш ўринлидир. Экспертларнинг кенг қамровли ҳамкорлигига экспертларининг иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро гуруҳнинг ташкил этилиши мисол бўла олади. Бундай дастурлар доирасида шаклланган алоқалар параллел экспереметлар ва илмий ишларни олиб боришга шароит яратиши билан бирга манфаатдор гуруҳлар ва олимларга билим ва тажрибалари билан ўртоқлашиш имкониятини беради.

Маълумотларга таянадиган бўлсак, озиқ-овқат саноати ва уни бошқариш жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўғини ҳисобланади (айниқса, «Covid-19» каби пандемия ҳолатларида). Шундай қилиб, рўйхатнинг биринчи ўрнида АҚШ кўрсатилган, яъни ушбу давлатда 56 та таҳлил маркази томонидан озиқ-овқат билан боғлиқ барча муаммолар ўрганилади: экспорт, импорт, талаб, таклиф, ер ва сув ресурслари, чорвачилик, боғдорчилик, иссиқхоналар, сифат кўрсаткичлари, лаборатория ўрганишлари ва ҳоказо[2]. Ушбу омил туфайли АҚШда озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар кўзга ташланмайди, нарх-наво, одатда, бир текисда сақланади. Афсуски, мазкур рўйхатда Ўзбекистон йўқ, балки шунинг учун ҳам бизда қиш келиши билан картошка, гўшт муаммоси бошланади. Бу рўйхатда ҳатто бирон-бир МДҲ давлатини ҳам учратмаймиз.

Таҳлил марказлари аслида нима учун керак? Одатда, улар мустақил равишда бирон-бир муаммони чуқур ўрганади: маълумотлар йиғиш, таҳлил қилиш ва масалага таъсир этувчи омилларни аниқлаш усули ҳам ўзгача бўлади. Шунингдек, барча ҳукуматлар шундай босимга учрайдиларки, бунинг натижасида стратегик танловга қарши тактик қарорларни қабул қилишга мойил бўладилар. Сиёсий рақибларнинг кескин баҳслари узоқ муддатли мақсадларни соядa қолдиради: яхши стратегия ақлларнинг очиқлиги ва сафарбарлигига кўмаклашади, сиёсатчилар эса, аксинча, барча масалаларда яширин иш қилишга ва мухолифатни қийин аҳволга солишга

[1] Аналитические сообщества в публичной политике: глобальный феномен и российские практики / редкол.: Н.Ю. Беляева (отв. ред.), Ш.Ш. Кабадзе, Д. г. Зайцев. – Москва: РАПН: РОССПЭН, 2012. 12. с.

[2] McGann J. G. 2019 Global go to think tank index report / J. G. McGann. Univ. of Pennsylvania, 2019. – P. 45.

уринадилар. Ҳокимият мансабларига узоқ бўлмаган муддатга сайланган вазирлар ва маъмурлар мураккаб танловни амалга оширмасликка кўпроқ мойил бўлиб, содир бўлган хато ва рискларни келгусида қайтармаслик тамойилига амал қилмайдилар ёки келажакда содир бўлаётган ҳодисаларни ҳисобга олмайдилар: давлат амалдорлари вазиятдан келиб чиқиб, келажакдаги фойдаларга турли «ҳисоб ставкалари»ни белгилайдилар.

Стратегиялар қайси мақсадларга йўналтирилган бўлиши керак? Ҳукуматлар турли хил мақсадларга эга, улар ичида миллий ютуқларни кўрсатишдан ЯИМ ўсиши, аҳолининг ҳаёт фаровонлиги таъминланиши ва ҳоказолар. Илгари давлатлар биринчи мақсади ҳудудини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, олтинни кўпроқ топиш ва армияни кучайтириш бўлган. Бугунги кун демократик ҳукуматлари номоддий нарсаларнинг қадрига етганлар. Булар орасида ишонч, бахт, билим, қобилият, меъёрлар ва барқарор институтларни санаб ўтиш мумкин[1]. Ушбу ресурсларнинг ўсиш тавсифи аграр ёки ҳарбий ривожланишдан кескин фарқ қилади. Билим янги билимларни ўзлаштиришга кўмак беради. Барқарор институтлар иқтисодий ўсишни ва халқ фаровонлигини таъминлайди, улар эса, ўз навбатида, институтларнинг барқарорлигини таъминлашга ёрдам кўрсатадилар.

АҚШлик таниқли сиёсатшунос К. Леш ўзининг «Элиталар уйғониши» асарида ёзишича, «Ҳозирги даврни биз экспертлар даври деб аташимиз мумкин, чунки қабул қилинаётган ҳар бир қарор жиддий ҳамда концептуал экспертизага муҳтож». Айнан шунинг учун Ўзбекистонда мутахассис кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ўйлаймиз.

Сўнгги ўн йилликда нафақат Америкада, балки дунёнинг аксари мамлакатларида «ақл марказлари»нинг жадал кўпайиши, уларнинг таъсир доираси ва кўлами кенгайганини билдирди.

Пенсильвания университети статистик маълумотига кўра, Ўзбекистонда 17 та таҳлил маркази фаолият юритмоқда. Қўшни давлатлар билан солиштирганда, Қозоғистонда – 28, Қирғизистонда – 27 ва Тожикистонда – 7 та таҳлил маркази мавжуд, Туркманистон ҳақида эса маълумот мавжуд эмас[2].

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлгандан сўнг мамлакатимиз ҳукумати томонидан муайян тадқиқот марказларини ҳамда Олий ўқув юртларида политолог кадрларнинг тайёрланишига катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда кадрлар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Шарқшунослик институти, Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

---

[1] Бизнингча бугунги кунда сиёсий рискларни олдини олишда мазкур омиллар, ҳарбий ва сиёсий омиллардан бирламчи ҳисобланади.

[2] Костылёв Е. В. Зарубежные и отечественные мозговые центры / Е. В. Костылёв // Гуманитарная наука и идеология. Гуманитарные науки как фабрики мысли: Материалы научного семинара. – Москва: «Научный эксперт», 2007. Вып. 2. – С. 235.

ҳамда Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабида тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий фанларни ривожлантириш учун бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин, фикримизча, ҳозирги кунда сиёсий фаннинг ривожланишида муайян камчиликлар мавжуд. Ўзбекистонда сиёсатшунослигининг ривожланишига тўсқинлик қиладиган омиллар ва ҳолатлар қуйидагилар:

1. Тадқиқот марказлари ҳамда ўқув муассасалари ўртасида алоқалар яхши йўлга қўйилмаган.

2. Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ва сиёсий қарорлар қабул қилишда ҳалигача политологларнинг иштироки етарли эмас.

3. Ўзбек тилидаги ижтимоий-сиёсий фанларга оид адабиётларнинг танқислиги ва уларни молиялаштириш тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги.

4. «Ижтимоий-сиёсий фанлар» кафедралари қошида тадқиқот марказларининг мавжуд эмаслиги. Сиёсатшуносликнинг академик фан сифатидаги янгилигини ҳисобга олсак, сиёсатшунослик таълимида узоқ муддатли педагогик, дидактик анъаналар мавжуд эмас. Бошқа томондан, ўқитувчилар камдан-кам ҳолларда сиёсат соҳасида профессионал тажрибага эга бўлиб, бу «схоластик» анъанани ва таълимни ҳақиқий тажрибадан ажратишни такрорлайди.

5. Экспертларнинг сиёсий билимларига талабнинг пастлиги.

6. Тадқиқотларни молиялаштиришнинг етарли даражада эмаслиги, сиёсий амалиётда экспертлар ва илмий маълумотларнинг етишмаслиги, сиёсатшуносларни касбий тайёрлаш тизимининг номукаммаллиги.

7. Давлатнинг сиёсатшунослик ҳамжамиятига эҳтиёткорона муносабати ҳам ғарб назариялари ва концепцияларининг ички сиёсатшуносликнинг шаклланишига сезиларли таъсири билан боғлиқ. Ўзаро бегоналашув натижасида фан ва таълим муҳитида мухолифат кайфиятининг кучайиши хавфи мавжуд.

8. Сиёсатшуносларнинг профессионал даражаси пастлиги академик фандан ташқарида пул топиш эҳтиёжи мавжудлиги билан изоҳланади, бунинг натижасида уларда китоб ўқишга вақтлари етишмайди.

Назаримизда, мазкур камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича кадрларни тайёрлайдиган Олий ўқув юртлари интеграциялашувига эътиборни қаратиш лозим. Ушбу жараён олий ўқув юртлари орасида соғлом рақобатнинг вужудга келишига хизмат қилади ҳамда профессор-ўқитувчилар савиясини оширади.

2. Талабаларда ҳамда профессор-ўқитувчиларда таҳлилий кўникмаларни шакллантириш учун кафедралар қошида эмпирик ва аналитик тадқиқот марказларининг очилиши мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистон сиёсатшунослигининг ривожланиши, биринчи навбатда, ўз анъаналари ва илмий мактабларига, ички сиёсий амалиётни таҳлил қилишга, хорижий тажрибани танқидий қайта кўриб чиқишга асосланиши керак. Сиёсатшуносликда миллий ўзига хослик, илмий билим ва сиёсий соҳада тажриба етарли эмас.

4. Бугунги кунда ўзбек сиёсатшунослигининг истиқболли вазифаси ўзбек цивилизациясининг асл характерини илмий асослашни, шунингдек, Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетининг объектив зарурлигини ишлаб чиқиш бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, ўзбек сиёсатшунослигининг мақсади Ўзбекистоннинг тарихий, этник-конфессионал, ижтимоий-маданий, иқтисодий, географик, геосиёсий ва бошқа хусусиятларига мос келадиган мамлакат сиёсий ривожланишининг ўзига хос моделини топишда кўринади.

5. Сиёсий тилнинг расмий версияси ҳали ҳам Ўзбекистон сиёсий тажрибасининг ўзига хослиги ва жаҳон сиёсий ривожланишини идрок этишнинг изчил йўналишини ишлаб чиқилмаган. Институционал даражада илмий ва эксперт ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг янги моделини, ижтимоий ва сиёсий билимларнинг ғарб манбалари билан алмашиш жараёнларини бирлаштириш зарур. Хорижий ижтимоий-сиёсий фикрни тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш талаб этилади. Илмий сўз билан айтганда, сиёсий бошқарувнинг миллий йўналтирилган моделларини ишлаб чиқиш, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органларининг сўрови – муайян илмий мавзулар бўйича давлат меъёрий ҳужжати академик жамоатчилик учун муҳимдир.

Юқоридагилардан айтиб ўтилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий-сиёсий фанлар мутахассислари тайёрланиши Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат қуришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Улуғбек ЙЎЛБАРСХУЖАЕВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Сиёсат соҳаси барча даврларда инсоният учун энг долзарб масалалардан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Кичик оиладан бошлаб йирик давлатлар бошқарувигача ўзаро муносабатларни тартибга солишда сиёсатнинг маълум кўриниш ва даражалари намоён бўлади. Ҳар бир шахс у ёки бу даражада (анъанавий, фаол ва пассив) сиёсатнинг иштирокчиси ҳисобланади. Айниқса, замонавий босқичда бутун жаҳонда юз

бераётган сиёсий жараёнлар мазкур йўналишда чуқур илмий изланишларни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан, бугунги кунда сиёсатшуносликнинг турли соҳалари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам «Сиёсатшунослик» фанини ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2019 йил 29 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли қарори чиқди. Мазкур қарор ушбу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотларни ривожлантиришга янада кенг йўл очди. Таъкидлаш жоизки, 1992 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) томонидан сиёсий тадқиқотлар соҳасида тўрт йўналишда (23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси. Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси, 23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар, 23.00.03 – сиёсий маданият ва мафкура, 23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари) илмий тадқиқотларни фаоллаштириш мақсадида ихтисослашган Илмий кенгашлар ташкил этилган.

Сиёсий фанлар бўйича фан доктори (DSc) ва номзоди (PhD) илмий даражаларига талабгорларининг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган журналлар рўйхати ОАК томонидан тасдиқланган. Хусусан, тадқиқотчиларнинг мақолалари чоп этиш тавсия этилган журналлар рўйхатида 30 та миллий нашрлар, 39 та Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари нашрлари, 18 та Европа, 11 та Америка, 19 та Осиё мамлакатлари нашрлари жами 117 журнал номи келтирилган[1]. Шунинг учун, сиёсий соҳа бўйича тадқиқотчиларнинг фалсафа ва тарих фанлари бўйича 2018 йилгача диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган илмий нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар эътиборга олиниши келтириб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида сиёсатшуносликка доир мақолалар чоп этиш мумкин бўлган айрим журналлар келтирилмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабининг «Тизимли тадқиқотлар» номли илмий-таҳлилий журнали сиёсатшунослик соҳасидаги журналлардан бири ҳисобланади. Ушбу журналда, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат, сиёсий ва ижтимоий сиёсий ривожланиш, ижтимоий сиёсат, иқтисодий ривожланиш ва жаҳон иқтисодиёти ҳамда ҳарбий қурилиш каби мавзулардаги мақолалар чоп этилади. Мақолалар *hs@exat.uz* ҳамда *hs.uz@mail.ru* электрон манзиллари орқали қабул қилинади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати. Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарорлари билан тасдиқланган. – Тошкент: 2019. – 160 б.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Халқаро муносабатлар» журнали фанлараро ва илмий-назарий характерга эга бўлиб, унда халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси, халқаро ҳуқуқ ва жаҳон иқтисодиёти фундаментал муаммолари, Ўзбекистоннинг ҳозирги жаҳон сиёсатида тутган ўрни ва роли, халқаро ва минтақавий хавфсизлик масалалари, халқаро тадқиқотлар назарияси, услубиёти ва амалиёти, халқаро муносабатлар бўйича мутахассислар ва дипломатик кадрлар тайёрлашда илғор миллий ҳамда жаҳон тажрибаси ва журнал мавзусига доир бошқа материаллар чоп этилади. Мақолалар таҳлилий ва муаммовий характерга эга бўлиши ҳамда уларнинг илмий аппаратига алоҳида эътибор талаб этилади. Мақолалар фақат электрон вариантда онлайн режимда *http://uwed.uz/ru/applicant-article* электрон манзил бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади[1].

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг «ЎзМУ хабарлари» илмий журналида илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, ечимини кутаётган масалалар акс этган мақолалар, бошқа мамлакатлардаги фан ва техникага оид янгиликлар, университет ва бошқа ОТМларда ўтказиладиган конференциялар ва анжуманлар ҳақида ахборотлар, илмий хабарлар чоп этилади. Мақолаларда фаннинг долзарб муаммолари, ютуқ ва янгиликлари ҳамда бугун ҳал этилиши зарур бўлган масалалар қамраб олинади. *Эслатма ўрнида: Telegram мессенджерида «O‘zMU xabarlari» журнали (@uzmuxabarlari) тўғрисидаги янгиликлар бериб борилади.*

Мамлакатимизда Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари, Жамият ва бошқарув, Шарқшунослик (ТДШУ), Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, Ижтимоий фикр ва бошқа журналларда ҳам сиёсатшунослик соҳасидаги мақолалар чоп этиш мумкин.

Илмий даража олиш бўйича талабгорларга тадқиқот натижаларини илмий мақола шаклида камида 2 та халқаро журналда чоп этишлари кераклиги талаби қўйилган. Шу жиҳатдан, ОАК томонидан тавсия этилган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари нашрларининг айримлари ҳақида маълумотларни келтирамиз.

«Азия и Африка сегодня» Россия Федерациясидаги Осиё ва Африка муаммоларига бағишланган ягона илмий журнал ҳисобланади. Мазкур нашр 1957 йил июлда СССР Фанлар Академияси томонидан тасдиқланган. Журнал Россия фанлар академиясининг тарих-филология бўлими раҳбарлигида Россия фанлар академиясининг Африка институти ва Шарқшунослик институти томонидан чоп этилади. Унга қуйидаги йўналишларда мақолалар рус ва инглиз тилларида қабул қилинади: Осиё ва Африка давлатларининг сиёсий ривожланиши; Осиё ва Африка давлатларининг иқтисодий муаммолари; халқаро муносабатлар; Осиё ва Африка давлатларининг БМТ ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий

[1] Халқаро муносабатлар. Фанлараро илмий-назарий журнал. 2020 №1-2 – 144 б.

ташкилотлар фаолиятидаги роли; глобализация ва регионализация; цивилизацион ривожланиш муаммолари; жамият ва давлат, демократия ва автократия, диний экстремизм ва терроризм муаммолари; фуқаролик жамияти ташкил топиши ва ўзига хос хусусиятлари; аҳоли миграцияси ва демографик жараёнлар; ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат муаммолари; Осиё ва Африка қитъаларидаги экологик муаммолар; этник ва конфессияллараро конфликтлар; ислом ва христианлик ҳамда уларнинг Осиё ва Африка давлатларидаги сиёсий жараёнларга таъсири; маданият, фан, таълим, адабиёт ва санъат; дин; урф-одат ва анъана; Россиянинг Осиё ва Африка минтақалари давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқалари. Мақолалар электрон шаклда *asaf-today@mail.ru* электрон почтаси орқали қабул қилинади. Тадқиқотчилар *www.asaf-today.ru* интернет сайти орқали журнал янгиликларидан хабардор бўлиб туришлари мумкин. Эслатиб ўтиш жоизки, журналга МДҲ ҳамда Ҳамдўстлик муаммоларига оид мақолалар қабул қилинмайди[1].

«Полис. Политические Исследование» илмий журнали сиёсатшунослик соҳасида етакчи нашрлардан бири. Унда рус ва инглиз тилларидаги назарий ва амалий сиёсатшуносликка оид мақолалар чоп этилади. Тадқиқотчилар *www.politstudies.ru* ёки *www.polismag.ru* орқали журнал фаолиятидан хабардор бўлиб боришлари мумкин.

Шунингдек, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида нашр этиладиган Alma Mater (Вестник высшей школы), Herald of the Russian Academy of Sciences (Вестник РАН), Вестник Казахского национального университета, Международные отношения и мировая политика; Вопросы политологии, Политэкс каби журналларда ҳам сиёсатшунослик соҳасидаги мақолалар чоп этиш имкони мавжуд.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, тадқиқотчиларнинг илмий мақолаларини чоп этиш ишларига кўмаклашиш мақсадида Telegram мессенджерида «Publication-Ilmiy Nashr» (@publish_or_perish) канали яратилган бўлиб, унда халқаро конференциялар, ОАК журналлари, хорижий нуфузли журналлар, Scopus/Web of Science, таржима хизмати/таҳрир, халқаро тақриз олиш, бепул журналлар, илмий семинарлар ҳамда грантлар ҳақида маълумотлар бериб борилмоқда.

Юқоридаги каби маълумотларни яна кўплаб журналлар ҳақида келтириш мумкин. Бироқ, бутунжаҳон Интернет асрида ҳар қандай маълумотни қисқа вақт ичида топиш ва фойдаланиш мумкин. Шунинг учун, қуйида хориж тажрибасини ўрганган ҳолда сиёсатшунослик йўналишидаги миллий нашрларимизни янада такомиллаштириш масаласига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, бугунги кунда ахборот олиш ва етказишнинг энг қулай ва самарали усули Интернет тармоғи. Замонавий ижтимой тармоқлар орқали

[1] «Азия и Африка сегодня». Ежемесячный научный журнал. 2021 №2 - 81 с.

инсонлар ўзаро фикр алмашишлари, маълум мавзу бўйича ўз позицияларини намоён этишлари мумкин. Сўнгги пайтларда «интренет жамияти» ёки «ижтимоий тармоқ авлоди» каби тушунчалар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Ижтимоий тармоқлардаги бу каби гуруҳ ва қатламларнинг муҳокама қиладиган аксарият мавзуси ва фаолияти бевосита сиёсатга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир замонавий сиёсатчи назарий қарашларини ривожлантириш ҳамда амалий қарорларини самарали қабул қилиш учун доимий равишда ижтимоий тармоқларни кузатиб бориши талаб этилади. Қолаверса, ҳар қандай соҳада изланиш олиб бораётган киши ўз тадқиқот натижаларини оммага эълон қилиши, шу соҳа вакиллари билан фикр алмашиши, вақти келганда, маълум тезислар бўйича ўз нуқтаи назари ва позициясини ҳимоя қилиши лозим. Шунингдек, тадқиқотчи дастлабки илмий хулосаларини эълон қилар экан унинг жамиятда қабул қилиниши, назариянинг амалиётга қанчалик мос келиши ҳамда назаридан четда қолган жиҳатлар ҳақида ўзига хос маълумотларга эга бўлади, шунга қараб ўзи учун керакли йўналишларни белгилаб олади. Қисқа қилиб айтганда, ***«интернет тақризи»***га эга бўлади. Шу жиҳатдан, мамлакатимизда сиёсатшунослик йўналишидаги электрон журналлар яратиш ва уларнинг сонини кўпайтириш лозим. Бу каби ўзига хос «платформа» ушбу соҳадаги мутахассислар илмий мақолалар билан доимий танишиб бориш, тармоқда ўзаро фикр алмашиш ҳамда тадқиқотчининг хулоса ва таклифларини муҳокама қилишлари мумкин. Ёш тадқиқотчилар учун бундай «давралар» мамлакатимиздаги сиёсатшунос олимларни яқиндан таниш, ўзаро алоқаларни ривожлантириш ҳамда тўғри йўналиш танлашлари учун ҳам муҳимдир. Шунингдек, электрон журналлар орқали, амалга оширилаётган тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларни соҳа вакилларига тезда етказиш, айрим маълумотларнинг бир неча мақолаларда такрорланишини олдини олишга эришиш мумкин.

Иккинчидан, мамлакатимиздаги сиёсатшунослик йўналишидаги журналларни шифр ёки кенгайтирилган мавзу бўйича тизимлаштириш лозим. Хусусан, Россия Федерацияси журналлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида мавзуларга ихтисослашган журналлар бир тарафдан ўқувчига маълум йўналиш бўйича кенг ва турли хил маълумотлар олиш имконини берса, иккинчи тарафдан тадқиқотчига йўналишидан келиб чиқиб маълум журнални доимий кузатиб бориш лозимлигини кўрсатади. Масалан, «Азия и Африка сегодня» журналида фақат шу минтақалардаги сиёсий жараёнларига, «США&Канада» (*USA-Canada@mail.ru*) илмий ва ижтимоий-сиёсий журналида эса АҚШ ва Канадага оид мақолалар чоп этилади[1]. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам «Марказий Осиё» ёки маълум минтақага ихтисослашган илмий журналлар ташкил этиш ва ушбу йўналишлардаги мақолаларни чоп этиш мақсадга мувофиқ.

---

[1] «США&Канада» экономика-политика-культура. 2021 №3(615)-128 с.

Учинчидан, бугунги кунда ислом оламида юз бераётган сиёсий жараёнлар сиёсатшунослар олдига ушбу соҳа билан шуғулланиш, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш ва прогнозлар ишлаб чиқишдек долзарб вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Респубикасида ҳам аҳолисининг кўпчилик қисми ислом динига эътиқод қилиши, қўшни мамлакатлардаги диний вазият ҳамда қўшни Афғонистондаги сиёсий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борилиши зарур. Бугунги кунда, Яқин Шарқ минтақасида «исломнинг сиёсийлашуви» ҳамда «сиёсатнинг исломлашуви» жараёни юз бермоқда. Диний радикализм бевосита хавфсизликка таҳдид сифатида кўрилаётган бир даврда, сиёсатшуносларнинг мазкур соҳага оид изланишлар олиб боришлари лозим. Бу соҳа билан бутун дунё олимлари шуғулланишмоқда. Хусусан, РФда «Россия и мусульманский мир» журнали чоп этилиб, унда ислом дунёсида содир бўлаётган сиёсий жараёнлар тўғрисида амалий ва назарий мақолалар чоп этилади. РФ тажрибасини ўрганган ҳолда, Халқаро Ислом Академияси ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита қошида диний-сиёсий йўналишда журнал ташкил этилиши (масалан, «Сиёсат ва Ислом» ёки «Ислом дунёси») бу соҳа ривожига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Тўртинчидан, ОАК томонидан сиёсий соҳага оид тавсия этилган журналлар таҳлили кўрсатмоқдаки, улар ушбу журналлар бошқа йўналишлардаги тадқиқотлари учун ҳам тавсия этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг «O‘zbekiston tarixi» журнали сиёсий соҳадан ташқари, тарих ва социология йўналишлари тадқиқотчилари, «O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar» журнали эса исломшунослик, тарих, фалсафа, санъатшунослик, архитектура ва социология каби йўналишлар учун ҳам тавсия этилган журналлар рўйхатида бор. Ўзбекистон Миллий университетининг «Фалсафа ва ҳуқуқ» журнали 5 та соҳа тадқиқотчилари учун, «Samarqand davlat universiteti ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi» эса турли йўналишлардаги 11 соҳа вакиллари учун мўлжалланган. Бу каби журналларни яна кўплаб келтириш мумкин. Фикримизча, битта журналда бир неча соҳаларга доир мақолаларнинг чоп этилиши тадқиқотчиларга ноқулайликларни туғдиради. Шу нуқтаи назардан фақат сиёсий соҳага оид журналларнинг сони ортиши ҳам тадқиқотчи, ҳам ўқувчига қулайлик олиб келган бўлар эди.

Бешинчидан, тавсия этилаётган миллий журналлар асосан олий ўқув юртлари негизида ташкил этилган. Хусусан, кўрсатилган 30 та журналнинг 16 таси олий ўқув юртлари, 6 таси Фанлар Академияси ва қолган 8 таси турли вазирлик, кенгаш ва марказлар негизида ташкил этилган. Бироқ, бевосита амалий сиёсат билан шуғулланадиган Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий ва инвестиция вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Тараққиёт стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси каби муассасалар қошидаги журналлар рўйхатга киритилмаган. Шу жиҳатдан,

юқорида номлари санаб ўтилганлар вазирлик ва муассасалар қошида айнан сиёсий йўналишда журналлар ташкил этилиши назариётчи ва амалиётчилар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажариб, тадқиқотчиларнинг илмий асосланган таклифларини амалиётга тадбиқ этишлари учун ҳам муҳим ҳисобланар эди.

Олтинчидан, мамлакатимиздаги мавжуд журналлар кўп ҳолларда маҳаллий тадқиқотчилар мақолаларини чоп этиш билан чекланиб қолмоқда. Шу жиҳатдан, мавжуд жуналларнинг халқаро рейтингини ошириш ҳамда хорижий давлатлар тадқиқотчиларининг ҳам мақолаларини чоп этиш юртимизда сиёсатшунослик соҳасини янада ривожланишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда сиёсатшунослик йўналишидаги журналлар рейтингини эълон қилиб бориш, улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш, журналлар ташкил этишда хусусий секторни ҳам жалб этиш соҳа ривожи учун ташланган катта қадамлардан бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги сиёсатшунослик соҳасидаги журналларнинг сонини ортиши бевосита сиёсий фанлар бўйича тадқиқотчилар ва олимларнинг фаолиятларини янада кенг ёритиш ҳамда рағбатлантириши мумкин. Бу борада бугун амалга ошириладиган ишлар, яқин келажакда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

Абдулбоқи БОЗАРОВ
(Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана)

КОНЦЕПЦИЯ ГЛОБАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ: НЕКОТОРЫЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ПРОБЛЕМЕ

Суть происходящих в мире событий сегодня – кризис мирового управления. Новый миропорядок из объекта теоретических исследований превращается в политическую реальность, поиск оптимальных моделей мироустройства продолжается, появляются новые теории и концепции. Одни говорят о «конце истории»[1], другие – о «конфликте цивилизаций»[2], третьи – о «новом мировом порядке»[3]. Поэтому концепция глобального управления стала одной из актуальных проблем для научного исследования, вошла в учебники по мировой политике[4], были введены

[1] Fukuyama F. The End of History and the Last Man. – London, 1992.
[2] Huntington S. The Clash of Civilizations //Foreign Affairs. – 1993, N 72 (Summer).
[3] Kaplan J. Ed. The 21st Century Cold War A New World Order? Routledge. 2019.
[4] Лебедева М.М. Мировая политика. - / М.: Аспект-пресс, 2003. Антиглобализм и глобальное управление: Доклады, дискуссии, справочные материалы. – М.: МГИМО (У) МИД России, 2006. 440 с., Sinclair T. and M. Hewson eds. Approaches to Global Governance Theory. - State University of New York Press. Albany. – 1999.

учебные программы по этой проблеме: в настоящее время более десятка университетов по всему миру имеют исследовательские центры, специально посвященные изучению «глобального управления».[1] В связи с этим данная тема заслуживает обстоятельного изучения.

Наше исследование основано на анализе глобального управления в соответствии с неограмшианской теоретической основой, сформулированной Робертом У. Коксом, и мы определим его таким образом: *глобальное управление состоит из выработки политики и ее реализации в глобальных политических системах посредством сотрудничества правительств с субъектами гражданского общества и частного сектора, и оно (глобальное управление) – это как минимум политический процесс попыток договориться о последовательных и эффективных коллективных действиях в глобальном масштабе.*

Наша точка зрения отличается от их и может рассматриваться как критика классического марксизма, теории мировых систем и (нео)-реалистской теории.

Эволюция мирового капитализма в сторону глобального капитализма, характеризуемая ростом подлинно транснационального капитала и интеграцией каждой страны в новую глобализированную систему производства и финансов, формирования транснационального капиталистического класса как глобального правящего класса, и «транснациональных государственных аппаратов» характерная черта нашего времени.[2] В дальнейшем мы постараемся аргументировать эту нашу точку зрения.

Примерно с начала 1970-х годов мы живем в новой исторической эпохе. Эта эпоха была по-разному описана. В некоторых исследованиях подчеркиваются культурные изменения («постмодернизм»), в то время как в других основное внимание уделяется экономическим преобразованиям («поздний капитализм», «многонациональный капитализм», «гибкое

---

[1] В Германии исследовательские институты Stiftung Entwicklung und Frieden (SEF) и Institut fur Entwicklung und Frieden (INEF) обсуждают вопрос о глобальном управлении. Они используют термин Weltordnungspolitik (политика мирового порядка), чтобы отличить его от мирового правительства и мировой публичной политики. Исследования, преподавание и подготовка специалистов глобального управления проводятся во многих академических учреждениях, таких как Школа международных отношений Балсилли (Канада), Департамент международных отношений Лондонской школы экономики (Великобритания), Левенский центр исследований глобального управления (Бельгия), Программа глобального управления Института Европейского университета (Флоренция, Италия) и Центр глобального управления юридического факультета Колумбийского университета (США) и во многих других странах мира включая Россию, Китай и др.

[2] Об этом см. Overbeek H. (2004), «Transnational Class Formation and Concepts of Control: Towards a Genealogy of the Amsterdam Project in International Political Economy» in Journal of International Relations and Development; Bieler and Morton (2001), Social Forces in the Making of the New Empire. Amy Chua, World On Fire: How Exporting Free-Market Democracy Breeds Ethnic Hatred and Global Instability (Heinemann, 2003). New global capitalism. International critical thought, 2017 vol. 7, no. 2, 171–189 https://doi.org/10.1080/21598282.2017.1316512 2017 Chinese Academy of Social Sciences. William I. Robinson Debate on the New Global Capitalism: Transnational Capitalist Class, Transnational State Apparatuses, and Global Crisis.

накопление», «глобализация») и так далее[1]. Мировой капиталистический кризис, начавшийся в 1970-х годах, обычно называют поворотным моментом в сторону глобализации, и, на наш взгляд, и этот момент сигнализировал о переходе к новому транснациональному этапу в системе.

Глобализация представляет собой качественно новую эпоху в продолжающейся эволюции мирового капитализма, отмеченную рядом фундаментальных сдвигов в капиталистической системе: (1) переход от мировой экономики или национальных цепочек накопления на интегрированном международном рынке к глобальной экономике; (2) рост действительно транснационального капитала и интеграция каждой страны в новую мировую производственную и финансовую систему; (3) появление нового транснационального капиталистического класса; (4) становление транснационального управляющего сети, состоящей из наднациональных политических и экономических институтов и национальных государственных аппаратов, которые были проникнуты и преобразованы транснациональными силами; и (5) появление новых транснациональных отношений неравенства и господства в глобальном обществе[2].

Возникновение и консолидация неолиберализма

Кризис второй половины 1970-х годов был фундаментальным кризисом «нормальности», затронувший все аспекты послевоенного порядка: общественные производственные отношения, состав исторического блока и его концепцию управления, роль государства и международный порядок. Спад, который начался в 1970-х годах и привел к тому, что национальный корпоративный капитализм оказался в кризисе.

Новая концепция контроля, возникшая в результате этих конструктивных усилий по преодолению органического кризиса 1970-х годов, исследователи и специалисты называют ***неолиберализмом***. Неолиберализм является фундаментальным выражением мировоззрения транснационального мобильного капитала. Далее, было создано глобальное правовое и нормативное регулирование[3] для содействия формированию глобализированных контуров накопления. Затем было навязывание неолиберальной модели странам третьего и бывшего второго миров. Все более полная мобильность, достигнутая капиталом, позволила ему искать во всем мире наиболее благоприятные условия для различных фаз глобализированного производства, включая самую дешевую рабочую силу, наиболее благоприятную институциональную среду (например, низкие

[1] Wood, Ellen Meiksins -- Modernity, postmodernity or capitalism. Review of International Political Economy Volume 4 issue 3 1997 [doi 10.1080%2F096922997347742]
[2] Эти положения изложены наиболее подробно в Робинсоне (William I. Robinson 2004, 2008: гл. 1).
[3] «Глобальный конституционализм» словами С. Гилла, см. Gill, Stephen (1998). "New constitutionalism, democratisation and global political economy". Pacifica Review: Peace, Security & Global Change. 10 (1): 23–38. doi:10.1080/14781159808412845, Gill, Stephen; Cutler, Claire (2014). New Constitutionalism and World Order. Cambridge, United Kingdom; New York, NY: Cambridge University Press. p. 7.

налоги) и нормативные условия (например, слабые природоохранное и трудовое право), стабильную социальную среду и т.д., и государства перешли от воспроизводства кейнсианских социальных структур накопления к обслуживанию общих потребностей новых моделей глобального накопления[1].

Неолиберализм как гегемонистская конструкция

На международном уровне учреждениями, которые имеют решающее значение для производства и воспроизводства неолиберальной гегемонии, являются такие доминирующие международные организации, как Международный валютный фонд (МВФ), Всемирный банк (ВБ) и Всемирная торговая организация (ВТО).

И сегодня очевиден тот факт, что транснационализация рыночных сил, несмотря на ее способность увеличивать совокупное богатство, усугубляет неравенство. Вместо неуклонного роста и справедливого распределения материальных благ мы видим постоянно растущий разрыв между богатыми и бедными людьми как в промышленно развитых, так и в развивающихся странах. Разница между доходами самых богатых и самых бедных государств возросла с 35: 1 в 1950 году до 71: 1 в 1992 году[2]. Граждане государств, обычно называемых «победителями глобализации», также страдают от ее негативных последствий. В Соединенных Штатах и Соединенном Королевстве неравенство в распределении доходов, измеряемое коэффициентом Джини, возросло более чем на 16 процентов с 1980-х годов до начала 1990-х годов. [3] Применение политики, благоприятствующей рынку, в глобальном масштабе в течение последних трех десятилетий эффективно сконцентрировало глобальные богатства и доходы на верхнем уровне, развалило защиту труда и системы социальной защиты, а также позволило капиталу получить убежище в налоговых убежищах[4].

Неолиберальная конструкция экономического здравого смысла не попала под широкое и критическое рассмотрение до начала Великой рецессии 2008 года. После кризиса общественные движения, такие как «Захвати Уолл-стрит» (англ. «Occupy Wall Street», сокр. OWS) и «Los Indignados» (исп. «Возмущенные»)[5] в Испании, превратили статистическую

---

[1] Cox R. W. Civil society at the turn of the millennium: prospects for an alternative world order. Review of International Studies (1999), 25, 3–28. См. еще Leo Panitch, ‘Rethinking the role of the state’, in James H. Mittelman (ed.) Globalization: Critical Reflections (Boulder, CO: Lynne Rienner, 1996).

[2] Там же стр. 6.

[3] UNDP (1999) op. cit.: p. 6.

[4] https://www.kommersant.ru/doc/4414856. $1 трлн корпоративных прибылей уходят в налоговые убежища. 10.07.2020, 19:01. Международная неправительственная организация Tax Justice Network (TJN) подсчитала, что ежегодно около $1 трлн прибылей компаний из всего мира проходят через налоговые убежища. Рассмотрен 30.04.2021.

[5] Движение "Indignados" ("Возмущенные"), сильно потрясшее политическую систему Испании и основавше "occupy"- движения по всему миру. Демонстрация прошла 15 мая 2011 года под лозунгом: "Мы не хотим платить за этот кризис". В тот год по всей Испании прошла 21 тысяча акций протеста, в этих мероприятиях приняли участие от 6,5 до 8 миллионов испанцев, люди выразили свое недовольство экономическим кризисом, мерами жесткой экономии и коррупции.

категорию 1% в сильное политическое представление и критику неолиберального проекта.

В связи с этим, с 2010 года наблюдается рост количества книг, написанных уважаемыми экономистами [1] , и подробных исследований, проводимых влиятельными политическими think thanks, которые критикуют и отвергают неолиберальное управление и констатируют дальнейшие потребности в осуществлении реформ [2]. В свою очередь, исследование Oxfam, проведенное в 2013 году, призвало к новой глобальной инициативе, направленной на то, чтобы покончить с чрезвычайным богатством к 2025 году, и рекомендовало правительствам внедрить пакет мер политики, который снизил бы неравенство в доходах до уровня 1990 года. Даже журнал The Economist, бывший источник неолиберальных политических предписаний, назвал новой эрой «истинного прогрессизма», которая будет бороться с неравенством с помощью прогрессивных социальных расходов и налоговых реформ[3].

Следовательно, к концу 1990-х капиталистическая система вступила в самый серьезный структурный кризис в своей истории, который грозит стать системным. Нынешний кризис разделяет несколько аспектов с более ранними структурными кризисами 1970-х и 1930-х годов,[4] но также имеет несколько особенностей, уникальных для настоящего: (1) система быстро достигает экологических пределов своего воспроизводства; (2) беспрецедентные масштабы средств насилия и социального контроля, а также концентрированный контроль над средствами глобальных коммуникаций и производства и обращения символов; (3) пределы экстенсивной и интенсивной экспансии капитализма; (4) рост огромного избыточного населения, населяющего «планету трущоб»; (5) разрыв между глобализирующейся экономикой и системой политической власти, основанных на национальном государстве.

Ключевые вопросы: куда движется этот кризис? Каковы возможные результаты?

---

[1] например, Krugman, P. (2012). End This Depression Now. New York: W.W. Norton Company., Reich, R. (2012). Beyond Outrage: What Has Gone Wrong with Our Economy and Our Democracy and How to Fix It. New York: Alfred A. Knopf., Sachs, J. D. (2011). The Price of Civilization: Reawakening American Virtue and Prosperity. New York: Random House., Joseph Stiglitz The Price of Inequality: How Today's Divided Society Endangers Our Future. Penguin. 2013.

[2] OECD. (2011). Divided We Stand: Why Inequality Keeps Rising: Remarks by Angel Gurria, OECD Secretary General. Paris: OECD. 5 December. Retrieved from: www.oecd.org.document/22/0,3746,en_21571361_44315118_ 49185046_1_1_1_1,00.html., UNCTAD. (2012). Trade and Development Report 2012. New York and Geneva: United Nations Conference on Trade and Development., Oxfam. (2013). The cost of inequality: how wealth and income extremes hurt us all. Retrieved from: http://policy-practice.oxfam.org.uk/publications/ the-cost-of-inequality-how-wealth-and-income-extremes-hurt-us-all-266321.

[3] Economist. (2012, October 13). Policy prescriptions: A True Progressivism.

[4] О типологии капиталистического кризиса и кризисе мирового капитализма см. William I. Robinson, 'The Great Recession of 2008 and the Continuing Crisis: A Global Capitalism Perspective'. International Review of Modern Sociology, 38(2): 169–198, 2012. Также, его же Promoting polyarchy: 20 years later International Relations 27(2) 2013. 27: 228

Есть три идентифицируемых ответа, которые бурно обсуждаются на сегодняшний день: *первый* – реформизм сверху, направленный на стабилизацию системы, на спасение ее от себя и от более радикальных ответов снизу. Транснациональные реформистски ориентированные элиты предложили регулирование мировых финансовых рынков, государственные программы стимулирования, стимулирование перехода от спекуляции к накоплению продукции и ограниченные меры перераспределения. Такие представители элиты, как Дж. Сорос, Дж. Сакс и Дж. Стиглиц, а также представители международных финансовых институтов и некоторых правительств, в настоящее время руководствуются в большей степени неоклассической, чем институциональной экономикой, и стремятся к «глобальному неокейнсианству», [1] глобальный перераспределительный проект, глобальный реформистский капитализм.

Вторым ответом является популярность низового и левого сопротивления снизу. Отражением этого мятежа являются: массовые восстания в странах ЕС после кризиса суверенного долга и введения новых жестких программ сокращения социальных расходов; восстание в Северной Африке и на Ближнем Востоке; поворот налево в Латинской Америке; возрождение боевиков в США и Движение за оккупацию и т. д.

Третий ответ – фашизм XXI века. Ультраправые повстанческие силы можно наблюдать во многих странах мира. В странах ЕС и США растут такие группы, как «Чайная партия», христианский фундаментализм, скинхеды, анти-иммигрантское движение и т. д. Если реформизм сверху потерпит неудачу, а народные и левые силы не смогут перехватить инициативу, тогда дорога может стать открытой для фашизма XXI века.

Четвертый, пугающий*, ответ* – это глобальный коллапс цивилизации, вырождение цивилизации.

Подытоживая можем сказать, что глобальное управление сейчас сталкивается с беспрецедентным кризисом – одновременно экологическим, социальным, экономическим и политическим. В этих условиях нам необходимо более активное вовлечение общества: глобальное управление обречено на провал без сильной общественной поддержки и участия. Конечно, мы всегда создаем нашу собственную коллективную историю, и поэтому будущее никогда не предопределено заранее. Но, на наш взгляд, любой трансформирующий проект должен вернуть демократию на повестку дня. Именно здесь роль органических интеллектуалов и социально ответственных ученых, активистов и политических деятелей огромна. В противном случае человечество ожидает катастрофа невиданного масштаба.

[1] О таком реформистском, институциональном и неокейнсианском мышлении см., в частности, Soros (1998), Stiglitz (2003), и Sacks (2006). Эти три не являются ни антикапиталистическими, ни антиглобалистскими; они говорят о капиталистической глобализации «с человеческим лицом».

Учинчи бўлим

СИЁСИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сайфиддин ЖЎРАЕВ, сиёсий фанлар доктори, пофессор
(Тошкент давлат шарқшунослик университети)

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 30 йиллиги давомида халқаро мунособатларнинг субъекти сифатида шаклланиб, ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Янги босқич мамлакатимизда 2017 йилдан бошланган ислоҳотларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва бу орқали аҳолининг фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини кўтариш, давлатнинг қудратини янада юксалтириш вазифалари қўйилмоқда. Бу, аввало, замонавий сиёсий фанларни ривожлантиришни, сиёсатни ўрганувчи, тадқиқ этувчи замонавий усул ва услубларни ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни бошқаришда қўллаш, давлат ва жамият стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишда ҳар томонлама фойдаланишни заруриятга айлантирди. Бу зарурият қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, давлатчиликнинг янги босқичи ҳар бир фуқародан ўта масъулиятлиликни, амалга оширилаётган ислоҳотларга ўзининг мустақил позициясига асосланиб, фаоллигини оширишни талаб этмоқда.

Иккинчидан**,** бугунги кунда ислоҳотлар натижасида жамиятимизда ижтимоий қатлам сифатида тадбиркорлар шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Шунингдек, хусусий мулкка эга бўлмаган, лекин жамиятда ўзининг билими, маънавияти ва маданият даражаси билан бошқалардан фарқ қилувчи жамоатчиликка катта таъсир эта оладиган янги қатлам шаклланиб бормоқда.

Учинчидан, кейинги йиллардаги ислоҳотлар натижасида вужудга келган очиқлик, ошкоралик тенденциялари жамиятимизда, айниқса, ахборот мафкуравий маконда фикрлар ва ғоялар ўртасидаги рақобатни, ўзига хос курашни, зиддиятлар каби умуман янги тенденцияларни шакллантирди, ўз навбатида, бу жараёнларнинг сиёсий ҳаётга таъсири ортиб бормоқда. Ушбу жараёнларни кузатиб бориш, унга нисбатан жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб, эксперт баҳоларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Муаммо шундаки, бугунги кунда мавжуд ижтимоий фанлар доирасида юқоридаги жараёнларни ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш имконияти чекланган.

Тўртинчидан, 2021 йилдаги Президентлик сайлови давлат ва жамият учун бутунлай янги тенденцияларни (партияларнинг ўз электорати учун курашда қонун доирасида замонавий сиёсий ва ахборот-технологияларидан фойдаланиши, турли мафкураларга асосланган партиялараро баҳсни (дебатнинг) расмийлашуви) кузатилди. Бу жараёнларни амалий ва назарий методологик моҳиятини, мазмунини кенг жамоатчиликка сиёсатшунослик нуқтаи назаридан профессионал тарзда етказиш, шарҳлаш, яъни эксперт баҳоларини бериш муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

Бешинчидан, сайлов жараёнида яна бир янги тенденция ижтимоий воқеаларга нисбатан мустақил экспертларнинг, аналитикларнинг ёндашувлари кузатилди. Мустақил экспертлар оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, партияларaро тортишувларда ўзларининг баҳолари, таҳлилий шарҳлар билан самарали иштирок этдилар. Бу ҳолат кенг жамоатчиликнинг, айниқса, сайловчиларнинг қарор қабул қилишларида катта ёрдам берди. Ўз навбатида, сайловда иштирок этган партиялар ўз фаолиятларини коррекция қилиш имкониятига эга бўлдилар. Муаммо шундаки, сиёсий воқеаларга, жараёнларга эксперт баҳолари беришда сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг замонавий сиёсий таҳлил тажрибаси, чуқур билими, айрим ҳолларда замонавий сиёсий таҳлил методикаси ва методологиясининг деярли йўқлиги сезилди.

Олтинчидан, бугунги кунда мамлакатимизда бутунлай янги дунёқарашга эга, дунёнинг илғор давлатларидаги сиёсий маданият тажрибасидан, тизимли ва сиёсий таҳлил методологиясидан хабардор ёшлар кириб келмоқда. Борган сари уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга иштироки ва таъсири кучайиб бормоқда. Муаммо шундаки, айрим ҳолларда улар эгаллаган билим ва кўникмаларни ижтимоий муҳитда қўллашга етарли имконият топа олмаётир. Демак, шаклланиб келаётган ёш мутахассисларни жамиятда ўз ўринларини топиш, ўз имкониятларидан тўғри фойдаланиш ва жамиятнинг долзарб муаммоларини ечишга йўналтириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Еттинчидан, дунёда кечаётган сиёсий-иқтисодий жараёнларнинг зиддиятли бўлиб бораётганлиги, бир томондан, Ўзбекистоннинг очиқлик ва янги ташқи сиёсати натижасида халқаро мунособатларга кириб боришининг фаоллашгани кузатилади. Иккинчи томондан, дунё бўйича ахборот олиш ва тарқатишнинг эркинлашуви, мустақил глобал ахборот тизимининг шаклланиб, тобора ривожланиб боришидан ахборот бозори иштирокчилари ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан фойдаланмоқда. Бошқача айтадиган бўлсак, халқаро муносабатларнинг йирик акторлари ахборот маконининг имкониятларидан самарали фойдаланиб, аҳолининг маълум бир қисми дунёқарашида сиёсий воқеаларга нисбатан ўзига мос ёндашувни шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳолат аввал рақобат сифатида пайдо бўлган бўлса, аста-секинлик билан ўзаро қарама-қаршиликка

асосланган ахборот урушига айланиб бормоқда. Бундай шароитда, яъни ахборот таъсир этишининг эркинлиги билан унинг моҳияти ўртасида кескин зиддият пайдо бўлди. Ўз навбатида, уларни тўғри тушунтира оладиган ва моҳиятини очиб берадиган мутахассисларга талаб кескин ошиб бормоқда. Бу жараёнларга нисбатан сиёсий билимга ва жараён келтириб чиқарадиган сабабларни тизимли таҳлил қила оладиган, шарҳлай оладиган мутахассисларга бўлган талабни кун тартибига қўймоқда.

***Саккизинчидан*,** кейинги йиллардаги ислоҳотлар, ахборот технологияларининг кириб келиши мамлакатимизда жамоатчилик фикрининг ривожланишига катта таъсир этди. Бугунги кунда жамоатчилик фикрида миллий, либерал ғоялар ва уларга тескари ғоялар, шунингдек, экстремистик ғояларнинг таъсири ва улар ўртасидаги фарқлар кучайиб бормоқда. Мазкур жараёндаги ижобий тенденцияларни тўғри талқин қилишда давлат, жамият, шахсий манфаатларнинг уйғунликни таъминлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, кўппартиявийликнинг ривожланиши мафкуравий тортишув ва баҳсларни келтириб чиқаради. Ўз навбатида, шу жараёнларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини фарқлашга ёрдам берадиган тизимли ва сиёсий таҳлилнинг замонавий методикаси, технологиясига эга профессионал экспертларга ва уларнинг фаолиятига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Тўққизинчидан, мамлакатимизнинг халқаро сиёсат жараёнларига кириб бориши давлатимиз обрў-эътиборининг ортишига, ўз ҳамкорлари билан ҳар томонлама алоқаларининг янги босқичига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеалар, шунингдек, чет элдаги ҳамкорларга, ватандошларга, хайрихоҳларга Ўзбекистонда содир бўлаётган ижобий жараёнлар ҳақидаги ахборотларни профессионал сиёсий шарқлар, баҳолар орқали етказиш талабини кучайтирди.

Ўнинчидан, мамлакатмизда кейинги йилларда олиб борилган ислоҳотларнинг амалий натижалари сифатида барча давлат ва жамоат ташкилотларида ахборот таҳлил хизматининг ташкил этилиши ва унинг ривожланиши кузатилмоқда. Ҳозирги кунда бу йўналишда ҳам тизимли ва сиёсий таҳлилни, замонавий сиёсатшуносликни эгаллаган малакали мутахассисларга талаб ортиб бормоқда.

Шундай қилиб, юқоридаги жараёнларнинг содир бўлиши жамиятимиз ва глобал дунёнинг янги тенденцияларидан келиб чиқди ва уларнинг орқага қайтмаслиги зарурият сифатида қайд этилди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ушбу жараённи ривожлантириш давлатимиз учун йирик стратегик йўналишга айланганлигини кўришимиз мумкин. Бошқача айтадиган бўлсак, бу жараёнлар методологиясини (тизимли таҳлилни), технологиясини (сиёсий таҳлилни), фанини (сиёсатшуносликни) ривожлантириш ҳозирги куннинг долзаб масаларидан биридир.

Мазкур масалани ечишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

1. Ушбу тизимни профессионал кадрлар билан таъминлаш учун Олий ўқув юртларида сиёсатшунослик ва сиёсий таҳлил фанини ўқитишни замонавий форматда йўлга қўйиш, бу фанларга нисбатан ижобий прагматик ёндашувни шакллантириш. Албатта, фанни ўқитиш ва сиёсий таҳлилни олиб бориш учун педагогларнинг ўзини тайёрлайдиган мутахассислар керак. Халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат, ҳарбий қурилиш ва хавфсизлик соҳасидаги мавжуд мутахассисларни, педагогларни ва уларнинг ўзига хос мактабини ҳисобламаганда, бошқа йўналишларда сиёсатшунослик, сиёсий таҳлил соҳасида малакали мутахассислар, дарслик ва ўқув қўлланмалари деярли йўқ. Шунинг учун 2022 йилдан бошлаб Сиёсатшунослик ва тизимли таҳлил йўналиши бўйича икки йиллик махсус магистуратурани ташкил этиш лозим. Ўқув жараёнига бугунги куннинг энг илғор дарсликлари, профессор-ўқитувчилар тажрибалари, замонавий технологиялардан фойдаланиш керак. Магистрлар асосий фанлар сифатида сиёсатшунослик, амалий сиёсатшунослик, тизимли таҳлил ва стратегик таҳлил фанларини мукаммал эгаллашлари талаб этилади.

2. Ўқиш жараёни ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш кадрлар таёрлашдаги энг асосий қоида бўлишини истаймиз. Бу мақсадда ўқув жараёни давомида магистрлар давлат бошқарув органларида, партияларда, жамоатчилик ташкилотларида, фуқаролик институтларида, шунингдек, хорижий мамлакатларда олти ой амалиёт ўташлари мажбурий бўлиши даркор. 2024 йилдан бошлаб босқичма-босқич Олий ўқув юртларида «Сиёсатшунослик» фанини ўқитишни бошлаш долзарб масала деб ўйлаймиз.

3. Сиёсий жараёнларни ўрганиш, тадқиқ этишнинг бутунлай янги методологиясини ишлаб чиқиш зарур. Бугунги сиёсатшуносларнинг аксарияти дунё эътироф этган ва шу асосда ишлаётган методологияни эгалламаган. Энг катта муаммо коммунизм ғояларига асосланган методология билан замонавий методология ўртасидаги фарқни тушунмаслик ҳолатларининг мавжудлиги. Буларни ҳал қилиш учун 2022-2024 йил учун янги дарсликларни яратишнинг илмий методологик, ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий механизмларини яратиш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, бу жараёнда «ҳашарчилик» принципидан қочиш ва қуйидагиларни кетма-кетликда амалга ошириш лозим: 2022-2023 йилларда «Сиёсатшунослик» ва «Тизимли таҳлил» фанининг луғатини тайёрлаш; 2024 йилда «Сиёсатшунослик» фанининг ўқув қўлланмасини тайёрлаш; 2025 йилда «Сиёсатшунослик», «Тизимли таҳлил», «Сиёсий таҳлил» дарсликларини тайёрлаш.

Рустам ДЖУМАЕВ, сиёсий фанлар доктори, пофессор
(Тошкент давлат шарқшунослик университети)

СИЁСИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА КОНФЛИКТОЛОГИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИГА ОИД

СССРнинг парчаланиши ва бунинг оқибатида Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришишини замонавий сиёсий фанларнинг дастлабки ривожланиш нуқтаси деб эътироф этиш мумкин. Сиёсатшунослик эса фан сифатида мамлакатнинг олий таълим муассасаларида 1993 йилдан бошлаб ўқитила бошланди. Шаклланиш ва ривожланиш жараёнида сиёсий фанлар мустақил тараққиётнинг барча қийинчиликлари, зиддиятлари ва конфликтларини ўз генезисида акс эттирди. Энди шаклланаётган ёш сиёсатшунослар қаторига сўроқсиз суқилиб чопонини ўзгартирган «Илмий коммунизм», «КПСС тарихи», «Тарихий материализм» деган «фанлар»нинг вакиллари кириб келиши қанчалик даражада сиёсий фанлар ривожланишига салбий таъсир кўрсатганини мутахассислар яхши билади. Ёки ҳозир ғалати туюладиган ҳолат – сиёсий фанларнинг ўқитилиши тақиқлаб қўйилганини эсласак. 2008–2009 ўқув йилидан сиёсатшунослик йўналишида мутахассисларни тайёрлаш тўхтатилиб, Давлат таълим стандартлари Классификаторидан бу фанлар чиқарилган эди. Ўша йиллари республикамизнинг айримгина таълим муассасаларида, хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Жаҳон сиёсати», Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университетида «Халқаро муносабаталар», «Жаҳон сиёсати» каби йўналишларида мутахассислар тайёрланиб келинди.

Ўн йил давом этган сунъий тақиқ, бир томондан, «Илмий коммунизм»дан «кийимини алмаштирган» ва сиёсатшуносликка айлантирилган ишларни музлатиб қўйган бўлса, иккинчи томондан, реал сиёсий жараёнлар ва сиёсий институтларнинг ривожланишини объектив таҳлил қилинишини тўхтатиб кўйди. Табиийки, сиёсатшунослик фан сифатида бизнинг мамлакатимизда бошқа давлатлардаги сиёсий фанларга нисбатан ривожланишдан анча ортда қолди. Бу ҳолат бугунгача давом этмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон сиёсатшунослари учун ўта муҳим ва масъулиятли вақт келди, яъни XXI аср талабларига ҳамда юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга мос равишда изланишларга туртки бериш имконияти яратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республика Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2019 йил 29 январь ПК-4139-сон) айни муддао бўлди. Қарорда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 2019–2020 ўқув йилидан бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларига қабул квоталарини

шакллантириш белгиланган. Қарорда кўрсатилганидек, эндиги асосий масала сиёсатшунос мутахассисларни тайёрлаш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнлардаги институционал ўзгаришлар, таълим тизимига қўйилаётган замонавий талаблар асосида Давлат таълим стандартларини мамлакатимиздаги етакчи сиёсатшуносларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқиш, янги ўқув режаларида белгиланган фанлар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш мутахассис олимларимиз олдида турган асосий вазифадир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш алоҳида тамойил сифатида белгиланиши, ушбу вазифани амалга оширувчилар, асосан, мана шу йўналиш мутахассислари зиммасига улкан масъулиятни юклайди ва сиёсатшунос кадрларни тайёрлашга алоҳида эътиборни талаб этади.

Бугунги кунга келиб чет давлатларда ушбу фан доирасида янги ғоялар, назариялар, изланиш усуллари ва илм-фан мактаблари (йўналишлари) ишлаб чиқилмоқда, янги парадигмалар яратилмоқда. Сиёсий фанларда давом этаётган интеграция ва дифференциация жараёнлари нафақат янги метод ва методологик ёндашувлар, балки сиёсий фанлар тизимида янги йўналишлар – сиёсий менежмент, сиёсий маркетинг, сиёсий консалтинг, имижмейкинг, сиёсий PR, кризис-менежмент ва бошқа амалий-назарий тармоқлар шаклланишига сабаб бўлди.

Сиёсатшунослик ва шунга яқин бўлган фанларга дунёнинг деярли барча давлатларида талаб янада ошиб, ривожланиб келмоқда. Бу фан Ўзбекистон учун ҳам ўта муҳим. Шу билан бирга, бу йўналишдаги тадқиқотларни нафақат олий таълим юртларида, балки «ақл марказлари» даражасида ҳам ривожлантириш лозим. Муқобил конструктив сиёсий хулосалар ва таклифларни шакллантиришда мустақил «ақл марказлари» ўрни беқиёсдир.

Инсоният тараққиёти тарихи турли, айни пайтда, ўзига хос манфаатли муносабатларга эга, шаклан мазмунан бир-бирини такрорламайдиган шахс, гуруҳ, қатламлар ҳамда воқеа-ҳодисаларга ҳар хил ёндашувларнинг намоён бўлиши билан характерланади. Турфа маданият ва ёндашувлар ижтимоий ҳаёт ривожланишининг оқилона асослари пайдо бўлишига, тараққиёт қонуниятининг назарий ва амалий мезонлари шаклланишига хизмат қилиши билан бирга инсон ва жамият ҳаётида турли ижтимоий хатарлар, таназзуллар, муросасизликнинг, тоқатсизликнинг бетакрор шакллари намоён бўлишига олиб келади. «Бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, «оммавий маданият» каби таҳдидларнинг кучаётганини ҳисобга оладиган бўлсак,

фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур»[1].

Айнан конфликтли вазият феномен хусусиятлари билан ижтимоий ҳаётда алоҳида ўрин тутади ва жамият тараққиётининг барча босқичларида кузатилади. Бунинг индивидуал, оилавий, жамоавий, миллий, минтақавий ва халқаро кўринишларини назарда тутишимиз мумкин. Маълумки, дунё глобаллашуви, иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнлари таъсирида минтақалар ва ҳудудлар ўзига хос ижтимоий манзара касб этмоқда. Товарлар, таълимотлар, назариялар, ғоялар оқими билан бир қаторда, уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг дунёқараши ва амалий фаолияти доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ҳол турфа манфаатли муносабатларнинг пайдо бўлишига, манфаат йўналиши қарама-қаршилигига, баъзан тўқнашувларга ҳам сабаб бўлмоқда. Кишилар орасида бундай кайфиятнинг шаклланиши кўпинча ечимда нотўғри йўлнинг танланишига, оқибатда, турфа хил ларзаларнинг рўй беришига сабаб бўлмоқда. Жамият ҳаёти муайян нормалар ва амал қилиш тартибларига асосланади. Бу ҳолат ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва масъулият ҳамма вақт бирга, узвий алоқада амал қиладиган тушунчалар эканлигини таъкидлайди. Фуқароларнинг маънавий-маърифий савияси билими ва малакаси, салоҳияти, умуммаданий даражаси қанчалик баланд бўлса, зиддиятли муносабатлар муросага келиб, эркин, фаровон ҳаётни таъминлашга шарт-шароит яратилади. Жамият ҳаётидаги тинчлик ва адолат ғоялари билан амалдаги нормативлар мазмунининг мувофиқлиги кишилар фаолиятидаги амалий кўникмаларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлади.

Маълумки, конфликтология – жамиятдаги ижтимоий конфликтлар динамикаси, уларнинг сабаблари, шунингдек, конфликтлар типологияси, формаларини ҳамда конфликтларни бартараф этишнинг назарий-илмий асосларини тадқиқ этувчи фан. Биз узоқ йиллар мобайнида собиқ Совет тузумининг мамлакатимиздаги ҳукмронлиги боис, кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар қатори конфликтология назариясини ҳам ўргана олмай келдик. Зеро, совет жамиятидаги ўзига хослик «ноконфликтли жамият» билан характерланар, амалиётда эса ижтимоий конфликтнинг турли типлари ва кўринишларини ҳар қадамда учратиш мумкин эди. Бироқ бу мавзулардан баҳс этмоқ «совет фуқароси» учун мутлақо тақиқланганди.

Шукроналар бўлсинки, мустақиллик туфайли биз олдин «махфий» бўлиб келган мавзулар ҳақида ҳам фикрлаш имконига эга бўлдик. Конфликтологияни ўрганиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга молик. Фаннинг бу йўналиши давлат ва жамиятдаги – индивидлар ўртасидаги майда конфликтлардан то глобал миқёсигача бўлган

[1] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 17-б.

конфликтларни ўрганиш жараёнида ўзининг реал кўрсаткичлари билан одамларга амалий ёрдам беради. Индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, давлатлар ўртасидаги конфликтларни куч ишлатиш ёки тинч, музокаралар ўтказиш йўли билан цивилизацион ҳал этиш ҳамда уларнинг ижобий натижаларини ҳам олдиндан кўрсатиб бериш имконияти туғилади. Конфликтлар табиатини билиш ҳар бир инсон учун ўта муҳимдир. Зеро, ҳеч бир инсоннинг ҳаёт сониялари қарама-қаршиликларсиз бўлмайди. Бу ҳаёт қонуниятидир.

Шунинг учун конфликтология назариясини ўрганиш инсон учун, энг аввало, ўз «инсонийлик табиати»ни чуқур англаб етишида муҳим аҳамият касб этади. Жамиятдаги конфликтларни четдан кўринишига қараб, оддий бир сўз билан у ёки бу конфликт деб изоҳлаб қўйиш мумкин. Бироқ ўша конфликтни бартараф этиш ёки назарий-таҳлилий жиҳатдан ўрганиш жараёнида унинг нақадар серқирра эканлигига амин бўламиз. Конфликтлар табиатининг ана шундай кўпқиррали хусусиятга эга эканлиги уни таҳлилий жиҳатдан ўқиб ўрганишда ҳам маълум қийинчиликларни юзага келтириши табиий.

Замонавий конфликтологиянинг асосий мақсадлари республикамизда, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

а) фан объекти бўлиб келган барча конфликтларни тадқиқ этиш, конфликтология назариясини жадал тараққий эттириш;

б) мамлакатда конфликтология таълими тизимини яратиш, жамиятда конфликтологияга оид билимларни тарғиб қилиш;

в) мамлакатда конфликтларни башоратлаш, олдини олиш ва мувофиқлаштириш бўйича конфликтолог олимларнинг амалий иш тизимини ташкил қилиш.

Биринчи мақсадга эришиш, яъни конфликтология методологияси, назарияси ва услубларини ривожлантириш учун қуйидаги мазмунли ва ташкилий вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади:

1) хусусий конфликтологик фанларнинг ўта тарқоқлигини енгиб ўтиш;

2) конфликтологларни конфликтологиянинг барча тармоқлари билан таништириш ва шу асосда мустақил фанларни («Халқаро муносабатларда конфликтларни ечиш», «Сиёсий кризис-менежмент», «Сиёсий маркетинг ва менежмент», «Сиёсий PR» ва ҳ.к.) шакллантириш;

3) конфликтларнинг фанлараро тадқиқотларини амалга ошириш;

4) конфликтология илмий мутахассислигини ажратиб чиқариш – аввалига, эҳтимол, психология, социология ёки сиёсатшунослик доирасидаги мутахассисликлардан бири сифатида;

5) конфликтологиянинг методологик, назарий ва услубий муаммоларига бағишланган илмий ва илмий-амалий конференцияларни мунтазам равишда ўтказиш;

6) барча турдаги реал конфликтларнинг вазиятга доир натижаларини ўз ичига олган эмпирик маълумотлар тизимли базасини яратиш;

7) «Конфликтология муаммолари» мавзусида илмий мақолаларни нашр эттириш, фаннинг фундаментал муаммоларини конфликтларга бағишланган бошқа даврий нашрларда кенгроқ акс эттириш;

8) Жаҳон конфликтологлари ҳамжамияти билан илмий алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда бу соҳадаги хорижий муаллифларнинг энг аҳамиятли ишларини чоп эттириш.

Иккинчи мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

1) ОЎЮлари ўқув мутахассисликлари рўйхатини кенгайтириб, улар учун «Конфликтология асослари» курсини ўқув фанларидан бирига айлантириш;

2) психология, социология, сиёсатшунослик доирасида «Конфликтолог» ўқув ихтисослигини киритиш, кейинчалик мустақил ўқув мутахассислигини жорий этиш;

3) давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, раҳбарлар учун, мутахассислар малакасини ошириш тизимида «Сиёсатшунослик», «Сиёсий менежмент», «Конфликтология асослари» ўқув фанларини жорий этиш.

Ўйлаймизки, бу таклифлар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига хизмат қилади.

Адхам ХАМДАМОВ, сиёсий фанлар номзоди
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ СИЁСИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Сиёсий психологиянинг ривожланиши унча узоқ бўлмаса-да, аммо етарлича мустаҳкам анъаналарга эга. XIX асрнинг иккинчи ярмида тарихчилар, файласуфлар, социолог ва психолог олимларнинг сиёсатни эмоционал-ҳиссий формада талқин қилувчи асарлари пайдо бўла бошлади.

Замонавий сиёсий психологиянинг вужудга келишида ижтимоий ҳаётни, шу жумладан, унинг сиёсий жиҳатларини психологик омиллар билан тушунтиришга ҳаракат қилган олимларнинг хизматлари катта. Улар қаторига, аввало, социология фанининг психология йўналишида фаолият олиб борган мутахассислар, жумладан, француз социологлари **Габриэль Тардни** (1843–1904, «Ижтимоий фикр ва оломон» асари), **Густав Лебонни** (1841–1931, «Цивилизациялар эволюцияси», «Омма ва халқ психологияси» асарлари), немис социопсихологи **Вильгельм Вундтни** (1832–1920, «Халқлар психологияси муаммолари» асари),

америкалик социолог **Лестер Уордни** (1841–1913, «Цивилизациянинг психологик омили» асари) киритиш мумкин.

Инсон, шахс омили ёки «инсон ўлчови» тушунчаси сиёсатшуносликда янада кечроқ фойдаланила бошланди. Мазкур йўналишнинг асосида конкрет давлат раҳбарларининг ёки жамоат арбобларининг психологик хусусиятларини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Ушбу методнинг асосчиси сифатида АҚШнинг 28-президенти В. Вильсоннинг психобиографик портретини яратган З. Фрейд тан олинган.

Кейинчалик, 1950–1960 йилларда «сиёсатдаги инсон ўлчови» юзасидан олиб борилган баҳслар, авваламбор, лидернинг сиёсатга таъсири нуқтаи назаридан амалга оширилган бўлса, 1970 йилдан то XX аср охиригача бўлган даврда ушбу акцент сиёсий хатти-ҳаракатнинг оммавий шаклларига ва унинг «электорал иштироки» деб номланувчи қисмига ўтди.

1968 йилда Америка сиёсий фанлари ассоциацияси таркибида сиёсий психология бўлимининг ташкил этилиши, АҚШнинг қатор университетларида (масалан, Йель университети) сиёсий психология фанидан махсус курсларнинг жорий этилиши, Ғарбда сиёсий психологиянинг расман вужудга келиш даври ҳисобланади. Аммо сиёсий-психологик ғоялар ва фикрлар тарихи, ҳаттоки бу йўналишдаги алоҳида тадқиқотлар узоқ ўтмишга бориб тақалади[1].

1970-йилларнинг сўнгида Сиёсий фанлар халқаро ассоциацияси (IPSA)нинг президенти бўлган таниқли сиёсатшунос олим Карл Дойчнинг таъкидлашича, XX асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсатшунослик фанида рўй берган энг катта ўзгаришлардан бири, социолог ва психологлар томонидан олиб борилган сиёсий хатти-ҳаракатларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар бўлди [2]. Айнан шу даврда сиёсатни тушуниш учун институционал ёндашувдан ташқари, унда иштирок этувчи шахсларнинг фаолиятини ўрганиш муҳим ўрин тутиши англанди.

1975 йилда совет психология фани Совет Иттифоқида сиёсий психологиянинг вужудга келишини инкор этишига қарамай, кейинги йилларда мазкур фан шиддат билан ривожландики, у ўз мавқеи жиҳатидан Америка ва Европа сиёсий психологияси даражасига етди. Умуман, Совет Иттифоқининг сўнгги йилларида сиёсатшунослик фанининг ривожланиш тенденциялари унинг таркибига кирган барча республикаларда деярли бир хил ўхшашлиги билан ажралиб турди.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистонда сиёсий жараёнларни, амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқур ўрганиш, уларни назарий жиҳатдан таъминлашга эҳтиёжнинг ортиши сабабли, сиёсатшуносликнинг ривожланишига эътибор кучайди. Хусусан, 1995 йилда Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб «Политология» кафедраси ташкил этилди. Республикамизнинг айрим

---

[1] Ольшанский Д.В. Основы политической психологии. – Москва: «Наука», 1993. – С.15.

[2] Дойч К. Основные изменения в политологии (1952–1977 гг.). – Политические отношения: прогнозирование и планирование. – Москва: 1979.

таълим муассасаларида, жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Жаҳон сиёсати», Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Халқаро муносабатлар», «Жаҳон сиёсати» каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди[1]. Қатор олий таълим муассасалари ҳузурида ихтисослаштирилган Илмий Кенгашлар ташкил этилди. Аммо 2012 йилдан мазкур фанга нисбатан амалга оширилган эътиборсизлик натижасида энди оёққа тураётган сиёсий фанлар яна таназзулга юз тута бошлади. Ҳозирги кунда сиёсий фанларга бўлган муносабат тикланиш жараёнида. Шу ўринда сиёсий психология йўналишидаги изланишларни йўлга қўйиш ҳам долзарб масалалардан саналади.

Таъкидлаш жоизки, йирик халқаро конференцияларда, масалан, IPSA конгрессларида, сиёсий тадқиқотлар бўйича Европа консорцумининг бош конференцияларида (ECPR) 2000 йиллардан бошлаб сиёсатдаги инсон ўлчовига тегишли бўлган секциялар ва бўлимларнинг сони сиёсий институтларни ўрганишга қаратилганларига нисбатан ортиб бориши кузатилмоқда. Бу маълум бир тенденциядан далолат беради.

Сиёсий психология фанини ривожлантиришда Ғарб давлатларида шаклланган методологияни ўрганиш билан бирга, постсовет ҳудудидаги давлатларда қўлланиладиган методологияни, айниқса, Россия сиёсатшунослик мактаблари анъаналарини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ. Узоқ йиллар давомида бир сиёсий ареалда, ижтимоий-сиёсий маконда, мафкуравий тизимда ривожланганимиз халқларимизнинг сиёсий онгига, дунёқарашига, менталитетига, ҳаёт тарзига таъсир этмасдан қолмади. Буларнинг барчаси сиёсий психология фани ривожланишида, уни миллий жиҳатларни эътиборга олиб такомиллаштиришда қўл келиши табиий.

Сиёсий психология жамият ҳақидаги фанлар орасида ўзига хос ўрин тутиб, предмети жиҳатидан қатор фанлар билан ҳамоҳангдир (сиёсий философия, сиёсатшунослик, психология, социология). Мазкур фаннинг бундай фанлараро хусусияти россиялик олим Б. Капустиннинг таъбири билан айтганда, сиёсат «инсонларнинг маънавий-амалий фаолиятининг ўзига хос шакли бўлиб, у айрим ҳодисаларга сиёсий тус беради»[2]. Демак, шахсларнинг ёки группаларнинг сиёсат соҳасидаги фаолияти ижтимоий-психологик, маънавий-маданий, ахлоқий, қадрият, зулм ўтказиш омиллари билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида фаннинг предмет доирасига киритиш мураккаб.

Шу ўринда тарихий меросни чуқур психологик таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотларни кўрсатиб ўтиш ҳам мумкин, қайсики уларга таянган ҳолда олимлар «ижтимоий субъектни ўзининг ўтмиши билан, у ёки

---

[1] Ўтамуродов А. Ўзбекистонда сиёсатшунос мутахассисларни тайёрлаш масалаларига доир мулоҳазалар // XXI асрда Ўзбекистонда сиёсий фанларнинг тараққиёти. Республика илмий конференция материаллари тўплами. – Б. 9.

[2] Капустин Б. г. Критика политической философии: Избранные эссе. – Москва: Территория будущего, 2010. – С. 9–10.

бу тарихий анъаналари билан боғлиқлигининг моҳиятини» белгилайдилар[1]. Бундай тадқиқотлар кўп ҳолларда ҳозирги кундаги сиёсий ҳодисаларнинг тарихий-фалсафий транскрипциясини таклиф қилади[2].

Сиёсий психологияда аниқ предметга эга бўлган амалий тадқиқотлар ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар аксарият ҳолда сиёсатчилар шахсини таҳлил қилишга, онгдаги сиёсий-психологик феноменни, қадриятлар шаклланишини ўзига хос жиҳатларини, менталитетни, сиёсий лидерликни, сиёсий социализация жараёнларини, сиёсий портретология методларини чуқур ўрганишга қаратилган.

Агарда сиёсий психологиядаги методлар ҳақида гапирсак, уларнинг аксарияти психология фанидан келганлигини кўришимиз мумкин, бу табиий. Булар кузатув, конкрет-вазият таҳлили, тест ўтказиш, психологик моделлаштириш, маълум бир сценарий асосида хатти-ҳаракатларни моделлаштириш ва бошқа методлардир. Айрим методлар социология фанидан (асосан, турли хил сўровлар ўтказиш), яна бир қатор методлар сиёсатшунослик фанидан (масалан, қиёсий тарихий-политологик таҳлил методи, сиёсий вазиятни сценарий асосида моделлаштириш ва прогнозлаш) кириб келган.

Сиёсий психологияда, айнан сиёсий-психологик анализни амалга оширишда шунчаки аниқ бир методдан фойдаланиш эмас, балки ўзига хос сиёсий-психологик интерпретацион схемадан фойдаланиш муҳимроқ саналади[3].

Методлар ҳақида гап кетганда Ғарбда ва Россия сиёсий психология фанида кенг қўлланиладиган, жумладан, россиялик таниқли олима Е.Б. Шестопал таҳрири остида чоп этилган «Сиёсий фан методологияси» хрестоматиясида келтирилган методлар ҳақида тўхталиб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ. Хрестоматияда фаннинг қуйидаги методлари келтирилади:

1) сиёсатчи шахсининг психологик портретлаштириш методи (назарий асосланиши Н.М. Ракитянский томонидан таклиф этилган)[4];

2) Д.Ж. Уинтернинг тести асосидаги сиёсий мотивларни тадқиқ қилиш методи;

3) социологик сўров методлари, аммо уларни сиёсатчининг шахси, ҳокимият, сайловлар ҳақидаги одамларнинг тасаввурлари, образлари, фикрлашларини аниқлаштирувчи инструментлар билан тўлдирилган ҳолда қўллаш;

4) қадриятларни ўрганиш методлари (жумладан, қадриятларни икки гуруҳга, яъни анъанавий ва ўзлаштирилган гуруҳларга бўлиб ўрганадиган

---

[1] Демин И. Проблема исторической идентичности в постметафизической философии истории // Вестник Самарской гуманитарной академии. Сер. Философия. Филология. 2015. № 2 (18). – С. 3–19.

[2] Закатов А. Н. «Русский мир», «Русскiй Мiръ» и Всероссийское цивилизационное пространство // Ценности и смыслы. 2017. № 1 (47). – С. 8-23.

[3] Political psychology: contemporary problems and issues. – San Francisco, 1986.

[4] Ракитянский Н. М. Портретология власти: Теория и методология психологического портретирования личности политика (Глава «Построение портрета») // Политическая психология: хрестоматия / сост. Е. Б. Шестопал. 4-е изд., испр. и доп. – Москва: «Аспект Пресс», 2018. – С. 66-77.

О.М. Малинова ва А.В. Селезнева томонидан қўлланилган методлар);

5) фокус-группалар методи (фокус-группаларда амалга ошириладиган дискуссиялар ва чуқур интервьюлар киради).

Албатта, сиёсий психология айнан шу методлар билан чекланмайди.

Айтиш мумкинки, ҳозирги кундаги сиёсий психологиянинг назарий-методологик масалалари бир қатор феноменларга қаратилган.

Биринчидан**,** бу ижтимоий онг даражаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ тадқиқотлар. Мазкур гуруҳга сиёсий социализация, шунингдек, турли хил группаларнинг ўзига хос сиёсий онгини таҳлил қилиш билан боғлиқ тадқиқотларни киритиш ўринли (группалар ҳар хил асосда классификация қилиниши мумкин – гендер, профессионал, ёшига қараб, сиёсий элитага мансублиги ва ҳ.к.).

Сиёсий психологияда онг масаласи, уни қандай йўллар ва методлар билан тадқиқ этиш мумкинлиги ҳозирги кунда ҳам баҳсли бўлиб қолаётганлигини эътироф этишимиз керак.

Иккинчидан**,** сиёсий психология менталитет масаласини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Аммо «менталитет» тушунчаси ҳам «онг» тушунчасини ўрганиш каби ноаниқ ва баҳсли бўлиб қолмоқда. Менталитетни ўрганишда Ғарб тадқиқотларида ҳам, постсовет ҳудудидаги давлатларда ҳам ягона ёндашув мавжуд эмас. Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, менталитет масаласини халқнинг маданий хусусияти доирасида кўриш лозим. Е.В. Прохоровичнинг таъкидлашича, «Халқнинг маданий хусусияти ушбу цивилизациянинг моҳиятини белгилайди, унинг ўзлигини акс эттиради, айнан ушбу омил, халқнинг, ҳар қандай ўзгаришларга қарамасдан ўзини сақлаб қолишига имкон яратади»[1]. Бошқа олимлар менталитет деганда ўзига хосликни, яъни онг ва эътиқод жиҳатларини, фикрлаш ва дунёқараш хусусиятларини, стереотиплар мустаҳкамлигини, ҳиссиётлар ва психологик ҳаёт мажмуини тушунадилар.

Учинчидан**,** тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши сифатида сиёсий қадриятларни ўрганишни кўрсатиб ўтиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, сиёсий қадриятлар умумий қадриятлар сингари табиатан икки хилдир: биринчидан, улар ижтимоий хусусиятга эга, яъни жамиятдаги нормалар орқали шаклланади, иккинчидан, индивидуал бўлиб, шахснинг ҳаётий тажрибаси билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда сиёсий қадриятларни ўрганишда «портретли сўровнома» деб номланган Ш. Шварц томонидан ишлаб чиқилган методика мутахассислар орасида тан олинган. Ушбу методика Европа социал тадқиқотлар лойиҳаси томонидан ҳам кенг қўлланилади[2].

Европа давлатларида олиб борилган тадқиқотларнинг натижасига кўра, алоҳида давлатларда яшаётган халқлар ягона ўзига хос, гомоген «миллий маданиятга» эмас, балки турли қадриятлар асосида

---

[1] Прохорович Е. В. Арт-коммуникации в системе формирования региональной идентичности // Ценности и смыслы. 2017. № 1 (47). – С. 51–57.

[2] Европа социал тадқиқотлари (ESS) – халқаро лойиҳа, расмий сайти: www.europeansocialsurvey.org.

идентификация қиладиган гуруҳлар билан ўзларини ассоциация қилади. Бу гуруҳлар эса турли давлатларда истиқомат қилишини таъкидлаш зарур. Демак, олинган маълумотларга кўра, сиёсий қадриятлар табиатан индивидуал ва этник хусусиятдан юқори туради.

Тўртинчидан**,** сиёсий лидерликни таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотларни кўрсатиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда дифференциация масаласига эътибор ортиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, қуйидаги йўналишлар долзарб бўлмоқда:

- гендер йўналиши, бунда аёлнинг сиёсий лидер сифатидаги роли тадқиқот объекти сифатида олдинги ўринга чиқмоқда;
- сиёсатчи имижи ва унинг шаклланишига хос жиҳатлар;
- сиёсатчининг шахси ва ташаббускорлиги масаласи;
- «президент-етакчи» тушунчаси;
- ёшлар етакчилиги ва бошқалар.

Бешинчидан**,** сиёсий хатти-ҳаракатга эмоцияларнинг (ҳиссиётлар) таъсири масаласи тадқиқотларнинг алоҳида йўналишини ташкил этмоқда. Эмоциялар сиёсий воқеликни англаш соҳасидаги тадқиқотлар билан узвий боғлиқдир. Қатор олимларнинг фикрига кўра, эмоционал соҳа инсон хатти-ҳаракатининг регулятори сифатида муҳим роль ўйнайди (П.С. Пасс, М.Ю. Урнов, Е.Б. Шестопал ва бошқалар).

Олтинчидан**,** жамиятимиз ҳаёти тобора информациялашаётган даврда сиёсат ҳам виртуал характерга эга бўлмоқда, одамларнинг хатти-ҳаракати ОАВ орқали трансляция қилинаётган коммуникатив образни шакллантирмоқда. Демак, ОАВларини одамларнинг когнитив, эмоционал, у ёки бу сиёсий воқеликни қабул қилиши билан боғлиқ хусусиятларни ўрганиш ҳам сиёсий психологиянинг вазифаси бўлиб қолмоқда.

Еттинчидан**,** сиёсий психологияда ҳозирча кенг ўрин олмаган, аммо муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётган коллектив равишдаги онгсиз ҳаракатларни, шунингдек, сиёсий мифларни келиб чиқиши билан боғлиқ тадқиқотлар тобора долзарблашиб бормоқда.

Миф – «инсонга хос бўлган фикрлаш шаклидир»[1], бундай фикрлаш моҳияти жиҳатидан аксарият ҳолда архаик бўлиб, унинг рамзлари ва образлари одамларнинг хатти-ҳаракатига, уларнинг ҳиссиётларига чуқур таъсир этиши мумкин. Сиёсий мифларнинг табиати ҳар бир инсон онгига муҳрланган психологик механизмга таянади. Мифлардан оқилона фойдаланганда сиёсатдаги камчиликларни, аниқроғи, хатоликларни, оппозицияга нисбатан репрессияларни оқлашга ҳам ёрдам бериши мумкин. Америка маданиятида эса «америкача орзу», «универсал инсон ҳуқуқлари», «демократия ҳақида», «эркин тадбиркорлик ҳақидаги» мифлар халқ, омма орасида кенг тарқалган.

---

[1] Крамник В.В. Социально-психологический механизм политической власти // Психология и психоанализ власти. – Самара: «Бахрах-М», 2016. – С. 248-334.

Бугунги кунда омма онгини бошқариш йўлида, сиёсий миф манипуляциянинг кучли механизмларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Сунъий яратилган миф жуда тўғри бўлганда ярим ҳақиқатдир. «Мифларнинг кучи ҳодисаларни тўғри ва аниқ тушунтиришда эмас, балки у ёки бу воқеа ва ҳаракатларни оқлашга қаратилганлигидадир»[1].

Албатта, юқорида кўрсатилган йўналишлар билан сиёсий психологиянинг вазифаси тугамайди. Масалан, бугунги кунда олимларни коррупция психологияси муаммолари, «ҳокимиятни ушлаб туриш», ҳокимият тизимидаги маҳаллийчилик илдизлари ва бошқа шу каби масалалар қизиқтирмоқда.

Юқорида келтирилган фикрлардан кейин Сиёсий психология халқаро ташкилоти (International Society of Political Psychology, ISPP) томонидан тавсия этилган таърифни келтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Сиёсий психология – сиёсий ҳодисалар ва психологик феноменлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганувчи фан бўлиб, сиёсий вазиятни, сиёсий шахсни ва жамиятни психик ҳолати ўлароқ тушунтиришга қаратилгандир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сиёсий фанларни ривожлантиришда сиёсий психологиянинг ўрни муҳимдир, чунки айнан психология ижтимоий онгни чуқур ўрганишда етарли потенциалга эга. Сиёсий психология мавжуд қадриятлар, сиёсий фикрлар ва қарашларни, сиёсий дискурснинг психологик жиҳатларини таҳлил қилар экан, сиёсий ҳаётга маънавий ўлчов беради.

Юртимизга турли хил ғоялар, қарашлар, фикрлар, догмаларнинг кириб келиши қадриятлар тизимидаги курашни, қарама-қаршиликларни янада кучайтирмоқда. Бундай вазиятда маънавий бўшлиққа ва ғоявий парокандаликка йўл қўйиб бўлмайди. Янги Ўзбекистонда тарихан шаклланган анъаналарга таянган ҳолда, ҳар бир инсон ҳамда жамиятимиз учун янги қадриятлар тизимини, янги маънавий ориентирларни шакллантиришимиз лозим. Бундай вазифани, фикримизча, қисман сиёсий психология ва сиёсий фанлар амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда сиёсатшунослик ва бошқа сиёсий фанларнинг сўнгги йилларда ривожланишига жиддий эътибор қаратилиши унинг замон талабларига ҳар доим тайёр туришига замин яратади. Сиёсатчиларни, сиёсатшуносларни, дипломатларни, сиёсий менежерларни, умуман сиёсий соҳа билан алоқадор мутахассисларни тайёрлашнинг асосий мақсадларидан бири олинган назарий билимларни амалий кўникмаларга айлантиришдан иборатдир. Бунинг учун эса барча сиёсий фанларни, илмий ва фундаментал изланишларни ва тадқиқотларни, ушбу йўналишдаги кадрлар тайёрлаш тизимини, давлат ва нодавлат илмий-тадқиқот муассасалари ва марказларини тизимли ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бўлиши керак.

---

[1] Разворотнева С. В. Язык власти, власть языка (Анализ исследований политической коммуникации в Америке) // Психология и психоанализ власти. – Самара: «Бахрах-М», 2016. – С. 164-174.

Отабек ЭРГАШЕВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ ЛИНГВИСТИКА ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Замонавий илм-фан тараққиётининг ҳозирги босқичида турли фанларнинг ўзаро бирикувидан янги фан соҳалари пайдо бўлмоқда. Хусусан, ўтган асрнинг иккинчи ярмида тилшуносликнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқасидан *психолингвистика*, *нейролингвистика*, *социолингвистика* каби янги фан соҳалари пайдо бўлди. Шу каби гибрид фанлардан яна бири ***сиёсий лингвистика*** бўлиб, у амалий тилшунослик ва сиёсатшунослик каби фанларнинг симбиозидан ҳосил бўлди. Мазкур янги фан тилшунослик ва сиёсатшуносликдан ташқари социология, психология, социолингвистика[1] каби фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Сиёсий лингвистиканинг пайдо бўлиши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келди. Сиёсатшунос олимлар мазкур фаннинг пайдо бўлишига «*тилнинг имкониятларидан ҳокимият учун кураш ва ижтимоий онгни манипуляция қилиш воситаси сифатида кенгроқ фойдаланиш*»[2] йўлларини қидириш асосий туртки бўлганлигини таъкидлашади.

Сиёсий лингвистика алоҳида фан сифатида ўтган асрда ажралиб чиққан бўлса-да, пайдо бўлиши ва унга бўлган қизиқиш аслида антик даврга бориб тақалади. Хусусан, қадимги Рим ва Юнонистонда сиёсий нотиқлик санъатига катта қизиқиш бўлган ва бу санъат билан ўша даврда яшаб ўтган сиёсатдонлар шуғулланишган. Қадимги Юнонистонда илк демократик жамиятни бошқарган раҳбарларнинг нотиқлик кўникмаларини эгаллаганликларига жиддий эътибор қаратилган. XIX ва XX асрларга келиб Ғарбий Европа мамлакатларида демократик давлатларнинг пайдо бўлиши билан сиёсий нотиқлик санъатини ривожлантиришга бўлган зарурат туғила бошлади ва шу аснода жамиятнинг сиёсий мулоқот механизмлари ва шартларига бўлган қизиқиши сиёсий лингвистика каби янги фан йўналишининг пайдо бўлишида асосий туртки бўлиб хизмат қилди.

Мазкур соҳанинг пайдо бўлишида Ғарб тилшунос олимлари Дж. Оруэлл, В. Клемперер, Г. Лассуэль, Дж. Блумберт, Р. Водак, Т. Ван Дейк, Р. Барт, Й. Хейзинг ва П. Бурдьеларнинг ҳиссаси катта бўлди[3]. Айниқса, инглиз ёзувчиси Джордж Оруэлл ва немис адабиётшуноси Виктор Клемперерлар томонидан яратилган тилнинг ижтимоий жиҳатлари бўйича тадқиқотлари сиёсий лингвистиканинг пайдо бўлишида тамал тоши бўлди.

---

[1] Чудинов А.П. «Политическая лингвистика: историческое развитие и современное состояние». Политическая лингвистика. Учебное пособие. – Москва: 2006. – 254 с.
[2] Баранов А.Н., Караулов Ю.Н. Русская политическая метафора. https://postnauka.ru/themes/baranov.
[3] Соловей Т. Г., Францкевич Д.М. «Политическая лингвистика как научная дисциплина» научная статья БГУ. – Минск: 2008. – 196 с.

Дж. Оруэлл ва В. Клемперер ўз тадқиқотларида инсон онгига лисоний воситалар орқали таъсир ўтказиш ва уни манипуляция қилиш мумкинлигини исботлаб беришди [1]. Хусусан, Джордж Оруэлл ўзининг «1984» номли асарида сиёсий ҳокимиятни эгаллаш ва уни ўз қўлида ушлаб туриш мақсадида инсон онгини лисоний усуллар ёрдамида забт этиш ва уни манипуляция қилиш бўйича турли мисоллар келтирган. У лисоний воситалар ёрдамида инсонни турли ёлғон ғояларга эргаштира олиш ва пуч ғояларни давлат мафкураси даражасигача кўтариш мумкинлигини исботлаб берган. Бундай мисоллар сифатида у ўтган асрнинг 30-40 йилларида нацистлар Германияси ва Совет Иттифоқи каби тоталитар режимларда (*диктатураларда*) «*Уруш – бу тинчлик*», «*Озодлик – бу қуллик*», «*Билимсизлик – бу кучдир*» каби ғояларни тил воситасида давлат мафкураси даражасигача олиб чиқилганлигини кўрсатиб берган.

Дж. Оруэллнинг фикрича, турли сиёсатчилар ўзларининг хатти-ҳаракатларини оқлаш ёки чин мақсадларини яширишда ҳам лисоний усуллардан кенг фойдаланишади. Биргина мисол сифатида АҚШ сиёсатчилари 1999 йилда Югославия ва 2003 йилда Ироққа нисбатан ҳарбий интервенцияларни «*демократияни ўрнатиш учун кураш*» дея атадилар. Шу орқали АҚШ сиёсатчилари америка жамиятини чалғитишга уриндилар. Худди шундай усул 1979 йилда собий Совет Иттифоқи ўз қўшинларини Афғонистонга олиб кирганда қўлланилганлигини кўриш мумкин. Совет раҳбарияти ўзининг ҳарбий интервенциясини «*интернационал кўмак*» дея атаган ва бу орқали ўзининг ҳақиқий ниятини яширишга уринган.

Ўтган давр мобайнида сиёсий лингвистика фан сифатида сезиларли ютуқларга эришди. Етакчи тилшунос олимларнинг таъбирига кўра, сиёсий лингвистиканинг асосий мақсади тил, сиёсий мулоқот, сиёсий тафаккур, сиёсий фаолият субъектлари, жамиятнинг сиёсий кайфияти ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тадқиқ этишдан иборатдир. Тилшунос олимларнинг фикрича, маълум бир сиёсий ғояни тарғиб қилиш, аҳолининг кенг қатлами онгига таъсир ўтказиш ва манипуляция қилиш, ижтимоий-сиёсий қарорлар юзасидан жамият розилигини олишга йўналтирилган *сиёсий мулоқот фаолияти* сиёсий лингвистиканинг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Сиёсий мулоқотнинг таъсирини кундалик ҳаётимизда кўп кузатишимиз мумкин. Ҳар биримиз, истаймизми-йўқми, газета ўқиш, радио тинглаш ёки телевизор кўриш орқали сиёсий мулоқотнинг адресатларига айланамиз. Сиёсий мулоқот таъсирида ҳар бир фуқаро сайловларда иштирок этади, ҳокимият учун интилаётган турли сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқот учрашувларида қатнашади, турли сиёсий қарорларни қабул қилишда ўз фикрини билдиради ва шу орқали сиёсий мулоқотнинг таъсирига тушади.

[1] Чудинов А.П. «Возникновение и основные этапы развития политической лингвистики». Политическая лингвистика. Учебное пособие. – Москва: 2006. – 254 с.

Сиёсий лингвистикада асосий эътибор одатда сиёсий мулоқот услублари, хусусиятлари, сиёсий риторикани ўрганишга қаратилади. Сиёсий мулоқотнинг асосий вазифаси коммуникация орқали сиёсий ҳокимият учун кураш, жамият онгига таъсир ўтказиш ва уни манипуляция қилиш ҳисобланади. Сиёсий лингвистика фани мутахассислари, асосан, сиёсий лидерлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди баҳс-мунозаралари, турли митинг ва намойишлардаги нутқлар ҳамда ОАВ тилининг хусусиятларини таҳлил қилишади. Сабаби тил маълум бир гуруҳнинг ўй-фикрлари, мақсадлари, фаолият йўналишларини акс эттирувчи асосий воситадир. Тилшунос олимларнинг фикрича, жамиятдаги турли ўзгаришларни тил ёки мулоқот орқали аниқлаб олиш энг оддий ва кенг тарқалган усулдир. Сиёсий гуруҳларнинг сиёсий коммуникациясини таҳлил қилиш орқали сиёсий фаолиятнинг оптимал стратегиялари ва тактикалари ишлаб чиқилиши мумкин бўлади.

Бугунги кунда сиёсий лингвистика фани сиёсий мулоқот муаммолари, сиёсий нутқнинг жанрлари ва сиёсий матнларнинг ўзига хосликларини ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади. Оддий тил билан айтганда, сиёсий лингвистика бўйича мутахассисларни сиёсатчилар қандай гапиради деган савол қизиқтиради. Сиёсий лингвистикани яхши билиш, асосан, сиёсий матнларни таҳлил қилиш ва уларни бошқа тилларга ўгиришда, шунингдек, маълум бир жамиятдаги сиёсий жараёнларни англаб етиш, сиёсий етакчиларнинг баёнотлари ва чиқишларининг асл моҳиятини тушуниш, жамият онгини манипуляция қилишда қўлланиладиган лисоний усулларни аниқлаб олишда қўл келади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, сиёсий лингвистика катта амалий аҳамиятга эга бўлган фандир. Мазкур фан йўналиши сиёсий ҳокимият учун кураш ва кенг омма онгини манипуляция қилишда лисоний ресурслардан восита сифатида фойдаланиш масалаларини ўрганади.

Демократик жамиятда аҳоли билан мустаҳкам ва ишончли сиёсий мулоқот ўрнатиш кўникмасига эга бўлиш сиёсатчилар учун муҳим саналади. Сиёсий лидерларнинг сиёсий мулоқот усулларини ўрганиш янги етишиб чиқаётган сиёсатдонлар учун яхшигина ўрнак ва намуна бўлиши мумкин. Сиёсий лидернинг юқори сиёсий коммуникатив кўникмаларга эга бўлиши, у бошчилик қилаётган мамлакат имижига катта таъсир ўтказиши мумкин. Аксинча, сиёсий етакчининг омма олдида ўзини тутиш ва мулоқот қилиш кўникмаларига етарлича эга бўлмаслиги нафақат сиёсий етакчининг, балки у раҳбарлик қилаётган мамлакат имижига ҳам путур етказади.

Сиёсий лингвистика фани нисбатан янги мустақил йўналиш бўлиб, ўтган асрнинг 90-йилларидан эътиборан фаол равишда ривожлана бошлади. Рус тилшунос олими Анатолий Барановнинг фикрича, сиёсий лингвистиканинг тадқиқот усуллари орқали сўзловчининг (*асосан, давлат раҳбарлари ёки сиёсий арбобларнинг*) нутқидан унинг яширин ёки очиқланмаган мақсадлари, ниятлари ва режалари йўналишини аниқлаб олиш мумкин.

А.Баранов сиёсий лингвистиканинг пайдо бўлишига қуйидаги омилларни сабаб қилиб кўрсатади[1]:

1) тилшунослик фанининг бошқа амалий фанлар билан боғланишга бўлган ички эҳтиёжи;

2) жамият тафаккуридаги турли тенденцияларни мониторинг қилиш мақсадида сиёсий ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги матнларни таҳлил қилиш методларини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж;

3) сиёсий элитанинг билдирган фикрлари орқали унинг келажакдаги амалий ҳаракатларини олдиндан кўра олишга бўлган эҳтиёж.

Сиёсий майдонда чиройли мулоқот қила олиш қобилиятига эга бўлиш, харизматик сиёсий етакчи бўлиш ва ўз ортидан кенг оммани эргаштира олишда тилнинг, мулоқотнинг ўрни беқиёсдир. Табиийки, юқори коммуникативлик кўникмаларига эга бўлган сиёсий етакчи одатда сиёсий ҳокимият учун курашда ғолиб бўлади ва сиёсий ҳокимиятни узоқ вақт эгаллаб тура олади. Мисол тариқасида, Туркия президенти Ражаб Тойип Эрдўғаннинг кенг омма билан яқин мулоқот қила олиши, гапириш манераси, аҳолининг турли қатламлари дарду фикрини эшитиши, омма олдида ўзини тута билиши унинг харизматик сиёсий лидер сифатида обрўси ошишига сабаб бўлганини кўриш мумкин.

Сиёсий лингвистикада сиёсий мулоқотни таҳлил қилишда турли тадқиқот усулларидан фойдаланилади. У нафақат семантика каби анъанавий тадқиқот, балки контент-таҳлил каби катта ҳажмдаги матнларни таҳлил қилиш орқали оғзаки ёки ёзма нутқ муаллифининг режа ва ниятларини аниқлаб олиш усулларидан фойдаланилади. Сиёсатчиларнинг айрим мақсадлари одатда яширин бўлади ва уларни фақатгина сиёсий лингвистикада фойдаланиладиган таҳлил усуллари орқали аниқлаб олиш мумкиндир. Лисоний усуллардан фойдаланган ҳолда сиёсий лидернинг келажакдаги режаларини аниқлаб олиниши амалий сиёсатшунослик учун жуда муҳим ҳисобланади.

Сиёсий лингвистика нисбатан ёш ва янги соҳа бўлса-да, бошқа фан соҳаларига қараганда жуда тез ривожланиб бормоқда. Мазкур соҳани бугунги кунда нафақат сиёсатшунослар ёки тилшунослар, балки бўлажак сиёсатчилар, филологлар, журналистлар, социологлар ҳам ўрганиши лозим. Мазкур фанни яхши билиш орқали сиёсий жараёнларни тўғри англаб етиш, жамият тараққиётининг истиқболлари бўйича аниқ прогнозлар ишлаб чиқилиши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, сиёсий лингвистиканинг сиёсатшуносликда ўрни беқиёс, сабаби сиёсий тилнинг ўзига хос жиҳатларини сиёсий лингвистика тадқиқ этади. Сиёсий тилнинг эса, сиёсий ҳокимиятни эгаллаш ва уни ўз қўлида ушлаб туришдаги аҳамияти юқоридир. Сиёсий нутқ инсон онги ва шуурига таъсир ўтказишнинг энг муҳим усули. Сиёсий мулоқот ва нутқ орқали сиёсий етакчилар ўзларини намоён қилишлари ва шу орқали легитимлиликни мустаҳкамлашлари мумкин.

---

[1] Баранов А.Н., Караулов Ю.Н. Русская политическая метафора. https://postnauka.ru/themes/baranov.

Одил ТЎРАЕВ, социология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ СОЦИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сиёсий фанлар ўз олдига фуқароларимизни сиёсий маданиятини ошириш, мамлакатимизда рўй бераётган демократик ислоҳотларга мос равишда онгини ўзгартириш каби вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни маълум маънода сиёсий социология фани бажаради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга мос равишда сиёсатшунослар тайёрлаш тизимини ҳам такомиллаштириш талаб қилинади. Хорижий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий социология ўқув курси сифати деярли барча олий таълим муассасаларида сиёсатшуносларни тайёрлашда ўқитилади. Хусусан, АҚШ, Япония, Ғарбий Европа давлатларида XX асрнинг бошларидан бошлаб ўргатилади. Мазкур фан Россияда 1990 йилда, Ўзбекистонда 1991 йилда мустақил фан сифатида шаклланди.

Сиёсий социология сиёсатни ижтимоий тузилмалар, жамоат фикрлари ва хулқ-атворлар ижтимоий институтларни, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, меъёр ва муносабатларни шахс ва кичик гуруҳларни психологик ва ижтимоий-маданий тавсифий тадқиқоти орқали таҳлил қилишни кўзда тутади[1]. Сиёсий социология ижтимоий омиллар орқали сиёсий жараён ва ҳодисаларни тушуниш ва таҳлил қилишга оид билим беради.

Бугунги кунда сиёсий социологияни ўқитишнинг иккита анъанавий: предметга ва муаммога йўналтирилган услубият шаклланган. Биринчи услубият бўйича сиёсий социология назариялари, фаннинг ретроспектив ривожланиш жараёнлари, сўнгра соҳалари ўқитилади. Иккинчи услубият бўйича сиёсий ҳаётдаги муаммолар, жумладан, сайлов жараёнлари, сиёсий технологияларнинг шахс ва жамиятга таъсирини баҳолаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни мониторинг қилиш, сиёсий лидернинг имижини шакллантириш, муаммоли масалаларга жамоатчилик эътиборини қаратиш технологиялари ва бошқа давлат ва жамият муносабатларидаги муаммолар юзасидан тизимли билимлар берилади.

Ғарбда сиёсатшуносларни тайёрлашда, асосан, иккинчи услубият бўйича сиёсий социологияни ўқитиш амалиёти йўлга қўйилган бўлса, МДҲ

[1] Предвечный Г.П. Основи политической социологии. – Ростов-на-Дону, 2010. – С. 11.

давлатларида биринчи услубият бўйича ўқитишга урғу берилади. Бугунги кунда Россияда сиёсатшунос мутахассисларни тайёрлашда юқоридаги икки услубиятни бирлаштириш ҳаракати кўзга ташланмоқда. Ўзбекистонда эса, асосан, биринчи услубият асосида ўқитиш тизими йўлга қўйилган.

Мазкур икки услубият самарадорлик кўрсаткичлари бўйича қиёсий таҳлил қилинса, биринчи методология асосан назарий характер касб этувчи билимларни беради ва сиёсий социология бўйича умумий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади, шунингдек, таълим олувчида қуйидаги тасаввурларни шакллантиришга хизмат қилади:

- сиёсий ҳаётда социологиянинг ўрни ва аҳамияти;
- сиёсий социологияга оид назариялар;
- сиёсий социологияни ривожланиш тарихи ва босқичлари;
- сиёсий социологиянинг объектлари, предмети ва тадқиқ қилиш усуллари;
- сиёсий социологиянинг асосий функциялари ва унинг замонавий шароитлардаги роли;
- шахснинг жамият сиёсий ҳаётидаги роли ва ўрни;
- сиёсий жараён моҳияти;
- сиёсий онг ва сиёсий маданият шаклланиши ва ривожланишининг асосий омиллари;
- замонавий сиёсий тизимларнинг ўзига хос хусусиятлари, замонавий ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги асосий йўналишлар, сиёсий ҳокимият тамойиллари ва ресурслари;
- давлат асосий сиёсий институтлардан бири сифатида;
- сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатларининг жамият ривожидаги роли;
- шахснинг сиёсий ижтимоийлашувидаги асосий босқичлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;
- жамият ижтимоий-сиёсий стратификациясининг асосий назариялари;
- сиёсий социологиянинг асосий усулларини билиш;
- асосий сиёсий тушунча ва терминларни моҳиятини билиш;

Шу билан бирга, биринчи услубият орқали сиёсий жараён ва сиёсий вазиятларни ривожланиш истиқболларини тушунтира олиш каби амалий кўникмага эга бўламиз.

Иккинчи услубият орқали сиёсий социологияни ўқитиш орқали қуйидаги билим ва малакага эришилади:

- замонавий жамиятда сиёсий социологиянинг кишилик турмуш тарзидаги ўрни ва аҳамияти, амалиётда татбиқ этиш соҳалари ва йўналишларини билиш;
- сиёсий социологияда кенг қўлланиладиган миқдорий ва сифатий социологик тадқиқотларни сиёсий жараёнларни баҳолаш, мониторинг қилиш,

жамоатчилик фикрини шакллантириш ва бошқариш технологияларидан фойдалана олиш кўникмасини эгаллаш;

- эмпирик таҳлиллар асосида сиёсий жараёнлар юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ижтимоий сиёсат бўйича прогнозлаштириш тўғрисида тушунчага эга бўлиш;
- ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида социологик тадқиқотлар ўтказиш орқали социал институтлар ва муносабатларнинг табиатини тўғри англай олиш, таҳлил этиш ҳамда илмий хулоса ва тавсиялар тайёрлаш;
- ижтимоий характердаги асосий муаммолар ва уларни таҳлилий ўрганишда социологик тадқиқот методикаси ва техникасидан самарали фойдалана олиш;
- социал сиёсатнинг самарадорлигини ошириш мақсадида эмпирик таклиф-талаблар ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш, социологик таҳлиллар бериш;
- давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ижтимоий жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикри мониторинги асосида тўғри баҳо бера олиш;

Сиёсатшунос ижтимоий-сиёсий жараёнларга таҳлилий баҳо бериши учун ижтимоий муносабатларнинг характерини тушуниш талаб қилинади. Қолаверса, бихевиористик ёндашувни тушуниши ва амалда қўллай олиши учун сиёсий социология курси ўқитилади.

Шу билан бирга, сиёсий социология жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларидаги муаммоларнинг келиб чиқиши, моҳиятини тушунишга хизмат қилади. Бундан ташқари, сиёсий фанлар кесимида социологик тадқиқотларнинг ўрни қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, ижтимоий-сиёсий жараёнлар социологик тадқиқотнинг объекти бўлиб келади.

Иккинчидан, ижтимоий сиёсатни тўғри олиб бориш, мониторинг ва таҳлил қилиш учун замонавий социологик тадқиқот усул ва воситаларни қўллашга объектив эҳтиёж туғилади.

Учунчидан, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги халқаро рейтингларда социологик тадқиқот натижаларининг кенг қўлланилганлиги сабабли, соҳанинг ривожланиши давлатнинг ижобий имижини шакллантиришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида аҳолининг турмуш сифати, ижтимоий кайфияти, жамоатчилик фикрининг соғломлик ҳолатини тадқиқ этиш соҳалар кесимида тўғри сиёсат олиб боришда ҳамда ҳокимиятнинг легитимлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун, бугунги кун сиёсатшунослик йўналишида таълим олаётган истиқболли кадрлар Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясида кўзланган натижаларга эришишда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини

такомиллаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, реал даромадларини ошириш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, виждон эркинлиги, толерант муҳит, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, илм-фан, аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш, коммунал хизматлар сифати ва қамровини ошириш борасида ижтимоий масалаларнинг натижадор ечимига йўналтирилган таҳлилий тадқиқотлар олиб боришга оид тизимли билимларни эгаллаш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, сиёсатшуносларнинг мамлакатнинг ижтимоий сиёсатини режалаштириш, олиб бориш ва мониторинг қилишда, шунингдек, унинг самарадорлигини баҳолашда, давлат бошқарувида халқнинг иштирокини оширишда сиёсий социология фанини ўқитишнинг иккинчи услубияти доирасида эмпирик тадқиқотлардан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- социологик тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий ҳолатни объектив ифода этади, ўз навбатида, тадқиқ этиш объектида сиёсий хавфсизликка таҳдид қилиши мумкин бўлган ижтимоий муаммони характерловчи воқеликни акс эттиради;
- жамиятдаги ҳар қандай ижтимоий қатлам ва гуруҳларга хос муаммоларга таъсир қилувчи омиллар, уларнинг сабаблари тўғрисидаги эмпирик маълумотлар бевосита социологик тадқиқот объекти ва субъектини ўрганиш орқали олинади;
- социологик тадқиқот усуллари турли хил бўлиб, улар орқали олинган маълумотлар нафақат бир-бирини тўлдириб келади, балки социологик ҳақиқатни кўрсатиб берганлиги сабабли улар орқали статистик маълумотларни текшириш имконини беради;
- жамоатчилик фикрининг таҳлили ижтимоий-сиёсий ўзгариш тенденцияларини кузатиш, баҳолаш, ташхис қўйиш имкониятини беради, шу сабабли социологик тадқиқот асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар халқаро экспертлар ва рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланади.

Иккинчи услубият доирасида ижтимоий характердаги муаммоларнинг сиёсатшунослик доирасида ўқитилиши ижтимоий соҳаларни сиёсатшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш қуйидаги имкониятларни беради:

- ижтимоий муаммонинг жорий ҳолатини, унинг кўздан яширин латент жиҳатларини ўрганиш;
- амалий-бошқарув мақсадида ўтказиладиган социологик тадқиқотлар халқнинг давлат ва жамият бошқарувидаги билвосита иштирокини таъминлаш;
- муаммонинг ташувчиси билан бевосита ёки билвосита алоқанинг ўрнатилиши ижтимоий муаммонинг сиёсий таҳдид даражасига кўтарилиши олдини олиш;

- социологик тадқиқот муаммоли вазиятни мониторинг қилиш инструменти вазифасини бажариш;
- социологик тадқиқот методлари социологик ташхис ва прогноз қилиш, шунингдек, ижтимоий сиёсатда самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш инструменти;
- статистик маълумотларни қайта текшириш.

Сиёсатшунослар ва сиёсий таҳлил билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ижтимоий сиёсатнинг турли соҳаларидаги вазиятни ўрганишда муаммоларнинг самарали ечими юзасидан чора-тадбирлар ва таклифлар ишлаб чиқишда кенг қамровли ва сифатли социологик тадқиқотларни олиб бориш кўникмасига эга бўлиш талаб қилинади. Бу, ўз навбатида, таҳлиллар натижасида ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг халқчиллигига, жамоатчиликнинг хоҳиш ва манфаатларига мослигига ва энг асосийси Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси биринчи йўналиши доирасида эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишга хизмат қилади.

Умуман олганда, сиёсатшунос мутахассисларни тайёрлашда сиёсий социлогия фанини ўқитишнинг халқаро тажрибаларга таянган ҳолда иккинчи услубиятига асосланиши сиёсий муносабатларни социология ёрдамида ўрганиш мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий характердаги муаммоларни сиёсатшунос сифатида тўғри англай олишга, уларни бартараф қилиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишда, муаммоли ҳолат юзасидан тенденциялар ва омилларни баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бўлажак сиёсатшунос таҳлилчиларнинг социологик тадқиқотларни ташкиллаштириш ва олиб боришга оид билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш соҳадаги малакали кадрлар муаммосини бартараф этишга хизмат қилади. Шу билан бирга сиёсий социология курси орқали сиёсатшунос ижтимоий гуруҳларнинг характеридан келиб чиқиб жамоатчилик билан алоқаларга оид технологияларни қўллаш устунликлари, жамоавий онгини йўналтириш, бошқариш орқали сиёсий жараёнларга таъсир қилиш бўйича билим, малака ва кўникмага эга бўлади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон сиёсатшуносларини тайёрлаш тизимида сиёсий социологияни танлов фанидан мутахассислик фанлари блокига ўтказиш ва уни ўқитиш жараёнида халқаро даражада тан олинган иккинчи услубиятидан фойдаланиш таклиф қилинади.

Аслиддин СУЛТОНОВ, фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент
(Тошкент кимё-технология институти)

СИЁСАТ ФАЛСАФАСИДА БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИГА ДОИР

Бугунги глобаллашув ва тезкор маълумот алмашинуви шароитида ҳар қандай соҳада бўладиган жараёнлар сиёсий соҳага кучли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, либерал сиёсат фонида жамиятнинг фаол қатлами томонидан ижтимоий ҳаётнинг барча ҳолат ва ўзгаришлари сиёсий талқин қилиниб, бироқ расмий нуқтаи назардан тўғри баҳоланмаслиги ҳамда тегишли чора-тадбирлар ўз вақтида кўрилмаслиги оқибатида айрим давлатларда турли беқарорлик ва катта инқирозлар келиб чиқаётганини инкор этиб бўлмайди. Чунончи, Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида, **бир томондан,** жамият аъзоларининг сиёсий таҳлил ва талқинлари фаоллашиб бораётгани, **иккинчи томондан,** ушбу таҳлил ва талқинларнинг оммалаштирилаётгани натижасида жамиятнинг тобора сиёсийлашуви, **учинчи томондан,** давлат раҳбарияти томонидан ижтимоий-сиёсий эҳтиёж ва талабларга инсон қадриятларидан келиб чиққан ҳолда оқилона жавоб бериш талаб этилаётгани кузатилмоқда.

Бизнингча, мазкур шароитда илмий таҳлил ва рационал мулоҳазаларга асосланган сиёсий тафаккурни (сиёсат фалсафасини) ривожлантириш, самарали сиёсий қарорлар қабул қилиш ҳамда бошқарув органлари фаолиятини юксак маданий савияда ташкил этиш долзарб аҳамият касб этади.

Маълумки, сиёсат фалсафаси – политология ва фалсафа фанлари кесишувидаги фан тармоғи бўлиб, сиёсатнинг табиати, аҳамияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, ғоявий асослари ва қадриятларини, шунингдек, амалдаги сиёсатнинг моҳияти, шахс, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этади. Сиёсат фалсафасининг асосий вазифаси реал сиёсий муносабатларни инсонпарварлаштириш, тизимлаштириш ҳамда умуминсоний барқарор тараққиётни таъминлашга йўналтиришга доир хулоса, таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Сиёсат фалсафасини ривожлантиришга бўлган зарурат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан «инсон қадри учун» тамойили асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимининг маданият доирасида амал қилишига эътибор қаратилаётган билан изоҳланади. Хусусан, Президентимиз барча бўғиндаги раҳбарлар ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши, ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри баҳолаган ҳолда маданият билан чора кўриш зарурлигини бир қатор йиғилишларда кўп бора таъкидлаган.

Бундан келиб чиқадики, жамиятнинг сиёсий онги ва тафаккурини

рационаллаштириш ҳам, жорий сиёсий муносабатларни инсонпарварлаштириш, давлат ҳокимияти органларида бошқарув маданиятини ривожлантириш ҳам бевосита сиёсат фалсафасининг мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг бўлиб, ҳар икки шароитда ҳам сиёсатнинг фалсафасини чуқур ўрганиш зарур бўлади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирча масаланинг иккинчи қисмига, яъни сиёсат фалсафаси нуқтаи назаридан бошқарув маданиятини ўрганишнинг айрим методологик масалаларига доир фикрларимизни келтириб ўтамиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони билан «касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш» белгилаб олинган[1].

Маълумот учун: меритократия лотинча meritus «муносиб» ва юнонча κράτος «ҳокимият, бошқарув» сўзларидан таркиб топган бўлиб, луғавий жиҳатдан «муносиблар ҳокимияти» деган маънони англатади. Мазкур тамойилни амалиётга жорий этиш кишиларнинг у ёки бу ижтимоий вазифага салоҳияти (қобилияти, лаёқати, истеъдоди, иқтидори, билими) етарлилигини аниқ ўлчовлар асосида баҳолаш, саралаш ва жой-жойига қўйишни тақозо этади[2].

Мадомики, юртимизда бошқарув маданиятини ривожлантиришга эътибор қаратилаётган ва раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда замонавий меритократия тамойилини жорий этишга киришилган экан, демак, давлат ҳокимияти органлари тизимида бошқарув маданиятини ривожлантириш ҳам айнан «муносиблар ҳокимияти» тамойилига таянишни тақозо этади.

2. Меритократиянинг асосий йўлдош тушунчаларидан бири KPI (Key Performance Indicators) бўлиб, ҳар бир раҳбар ва бошқарув ходимининг муносиблик даражасини белгиловчи кўрсаткичларни англатади. Мазкур муносиблик кўрсаткичини бошқарув маданиятига нисбатан татбиқ этишда халқаро тадқиқотларда Ҳофстед модели номи билан танилган маданий ўлчовлар типологияси алоҳида ўрин тутади. Нидерландиялик таниқли социолог олим Герт Ҳофстед (1928–2020) номи билан аталадиган маданий ўлчовлар типологиясида турли давлатларнинг маданияти ўртасидаги

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (ПФ-5843-сон). «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон.

[2] Қаранг: Меритократия – бошқарув маданиятини ривожлантиришнинг замонавий парадигмаси // Жамият ва бошқарув, 2021. № 2. – Б. 54-59.

фарқлар сифат ва миқдор кўрсаткичларига асосланиб изоҳланади. Хусусан, ушбу моделда аҳолининг ҳокимият билан масофаси, индивидуаллик ёки жамоавийлик (изоляция) хусусиятлари, фаолиятдаги ноаниқлик (риск)дан қочиш даражаси; жинсий белгилари (гендер), стратегик фикрлаш ҳамда рухсат (ёки индульгенция) даражасига қараб умумий маданий тараққиёт даражаси аниқланади[1].

Ҳофстед модели ижтимоий тадқиқотларнинг янги парадигмаси сифатида тадқиқот объекти ҳақида нисбатан кенгроқ тасаввурга эга бўлишга, муайян ижтимоий тизим маданиятини чуқурроқ тушунишга, объектив баҳолашга ва шу орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилишни осонлаштиришга ёрдам беради ва турли соҳаларда, айниқса, бизнес, маданиятлараро психология, мулоқот ва халқаро бошқарувда кенг қўлланилади. Бунда халқлар (ташкилотлар, ижтимоий бирликлар)нинг умумий маданияти характери, маданий тараққиёт даражаси 100 баллик тизим асосида миқдорий-статистик ҳисоб-китобларга таяниб баҳоланади.

Маданият даражасини аниқлашда, хусусан, бошқарув маданияти даражасини реал баҳолашда бошқа кўплаб омиллар ҳам катта ўрин тутади. Юртимиз илмий тадқиқотчилари олдида турган асосий вазифалардан бири, ана шу омиллар комплексидан келиб чиққан ҳолда бошқарув маданияти даражасини белгилаб берувчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва амалий тадқиқотлар олиб боришдир.

3. Маданиятга инсон фаолияти давомида қўлланилган технология ҳамда яратилган бойликларнинг маънавийлиги (яъни, оқилоналиги, фойдалилиги, инсонийлиги) дея таъриф берилади. Мазкур таъриф қуйидаги формула кўринишида ифодаланади:

$$\mathbf{Mad = (IYF^{T} / O+F+In) + IYF^{B} / In).}$$

Бунда:

Mad *– маданият,*

IYF *– инсон(лар)нинг яратувчанлик фаолияти*

T *– фаолият технологияси (усул ва воситалари)*

B *– фаолият натижасида яратилган бойлик*

O *– оқилоналик*

F *– фойдалилик / позитивлик*

In *– инсонийлик*

Маданият тараққиёти (хусусан, бошқарув маданияти ривожи ҳам) жамиятдаги тегишли интеллектуал ва маънавий-руҳий ресурсларни бойитиш, технологик воситаларни фаоллаштириш ҳамда ҳар бир фаолият жараёни ва натижаларини аниқ кўрсаткичлар асосида мунтазам баҳолаб бориш билан чамбарчас боғлиқ.

Шундай экан, бошқарув маданияти даражасини аниқлашда умумий маданият даражасига тегишли кўрсаткичлардан (KPI/C) унумли

---

[1] Hofstede G. The cultural relativity of the quality of life concept //Academy of Management review. – 1984. – T. 9. – №. 3. – P. 389-398;

фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди.

Яратувчанлик фаолиятининг технологик жараёнлари қанчалик оқилона эканлигини аниқлашнинг асосий йўли – фаолият технологияси ишлаб чиқилган дастлабки «нуқта»да технологияни қўллаш ғояси (лойиҳаси) аввал-бошдан илмий жамоатчилик томонидан чуқур ўйланган ҳисоб-китоблар билан, пухта асосда ишлаб чиқилганми ёхуд ўз-ўзидан юзага келганми (?), ана шунга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Бизнингча, илмий-ижтимоий тизим асосида ишлаб чиқилган оқилона технологиягина якка шахснинг миясида туғилган технологиядан устун туради. Айни пайтда, оқилоналикни баҳолашда фаолият технологияси ғоясининг субъекти – тизимдан ташқаридаги шахсми ёки бевосита амалиётчи мутахассисми, якка олимми ёки илмий жамоами, шунингдек, манбаси – жамият ички салоҳиятими ёки мавжуд тажрибалар муҳим ўрин тутади. Ўзлаштирилган тажриба ҳисобидан ишлаб чиқилган бўлса, унда ҳам хориждаги, амалдаги бошқа соҳадан ўзлаштирилган ёки соҳа тарихида кузатилган тажрибага қараб баҳолаш тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Агар яратувчан фаолият технологиясининг оқилоналиги унга ижтимоий буюртма берган ва уни амалда қўллашдан кўпроқ манфаатдор бўлган субъект нуқтаи назаридан, яъни юқоридан туриб баҳоланса, унинг фойдалилигига мазкур технологияни қўллаб, оралиқ манфаатга эга бўлувчи пудратчи позициясидан, яъни ичидан туриб баҳо берилади. Фойдалилик индексини баҳолаш ғоятда мураккаб бўлиб, бу баъзи ҳолларда буюртмачи билан пудратчининг чамбарчас алоқадорликда иш кўриши мумкинлиги билан изоҳланади.

Фаолият технологиясининг нечоғли фойдали эканлигини аниқлашда уни амалга оширишда иштирок этувчи элементлар ва уларнинг ўзига хос сифатларига эътибор қаратиш лозим. Маълумки, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш технологияларини қўллашда, асосан, 1) *ашёвий ресурслар*; 2) *усул ва воситалар* (меҳнат қуроли, машина, асбоб-ускуна, бино-иншоотлар, капитал); 3) *ишчи кучи* каби элементлар иштирок этади. Технологиянинг фойдалилигини таъминлашда ушбу элементлардан ҳар бирининг ўзига хос ўрни ва таъсир кучи мавжудлигини инобатга олиш лозим. Албатта, ишлаб чиқариш самарадорлиги ушбу элементларнинг тежамкорлиги билан ўлчанади. Бунга эътироз билдирмаган ҳолда айтамизки, технологиянинг фойдалилик даражасини аниқлашда буларнинг ҳар бирини турли ҳолат ва натижалар комбинациясида кўриб чиқиб, аниқлик киритиш тақозо этилади.

Яратувчан фаолият жараёни ва натижасида қўлга киритилган бойликларнинг инсонийлиги (IYF^{T} + IYF^{B} / In)ни аниқлашда тегишли фаолиятга жалб этилган шахсларнинг ихтиёрийлик асосидаги иштироки, табиий ва психологик муҳитга деструктив таъсир этмаганлиги, шунингдек, истеъмолчига олдингидан кўпроқ қулайлик ва енгиллик туғдириши, ижтимоий муаммоларни ҳал этгани / камайтиргани, истеъмолчи ва атрофидагиларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини мустаҳкамлашга

хизмат қилгани, экологик атроф-муҳитга зарар етказмагани ва соғломлаштиргани, жисмоний, интеллектуал ва маънавий савияни оширишга хизмат қилгани, инсонларни яратувчанлик, ижодий фаолликка руҳлантириб, эртанги кунга ишончни орттиргани каби кўрсаткичларга асослаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, янгиланаётган Ўзбекистонда меритократия тамойилига ўтишнинг сиёсий ва ҳуқуқий асослари юзага келган бўлиб, галдаги вазифа уни амалда рўёбга чиқаришнинг ташкилий-методик чора-тадбирларини кўриш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса, тегишли илмий тадқиқот ишларини жадаллаштиришни тақозо этади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, умуммиллий стратегик мақсадларга эришиш учун давлат ҳокимияти органларида бошқарув маданиятини ривожлантириш билан бир пайтда жамиятнинг рационал сиёсий тафаккурини ҳам ошириб бориш муҳим. Мазкур вазифани таъминлашда барча олий таълим ташкилотларида политология фанини ўқитишни қайта тиклаш, бошқарув фаолиятига ихтисослашган кадрларни тайёрлашда эса сиёсат фалсафаси курсларини ўқитишни йўлга қўйиш долзарб назарий аҳамият касб этади.

Бунёд ЯЛГАШЕВ
(Ўзбекистон Миллий университети)

СИЁСИЙ ФАЛСАФАНИНГ СИЁСАТШУНОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда Ўзбекистон ва бутун жаҳонда сиёсий жараёнлар манзараси шиддатли равишда ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати очиқлиқ ва кўп томонлама конструктив муносабатларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Ҳар бир сиёсий ислоҳот ва ўзгаришлар инсон, жамият ва давлатнинг умумий, муштарак манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Мана шундай сиёсий ўзгаришларни амалга оширишда фуқароларнинг сиёсий онги ва билимини чуқурлаштириш ҳамда малакали сиёсатшуносларни тайёрлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Сиёсатшунослик соҳаси Ўзбекистонда нисбатан ёш соҳалар қаторига киради. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб мазкур йўналиш доирасида республикамизнинг бир қатор олий ўқув юртларида сиёсатшунослик фанига ихтисослаштирилган факультет ва кафедралар фаолият кўрсатиб, сиёсатшунослик дипломига эга бўлган юзлаб мутахассислар тайёрланиб келинди.

Ўзбекистонда сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим ва дунёқарашини ошириш ишлари 2019 йилга келиб ўзининг янги босқичига чиқди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг

2019 йил 29 январдаги «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Қарори[1] сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асосларининг шаклланиши ва ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш, глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш, шу асосда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқишда муҳим тарихий ҳужжат бўлди.

Қарор асосида 2019–2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимида «Сиёсатшунослик» бакалавриат йўналиши, «Амалий сиёсатшунослик» магистратура мутахассислиги ва «Сиёсий фанлар» соҳасида таянч докторантура ва докторантура ихтисослиги доирасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш белгилаб берилди.

Сиёсатшунос кадрларни тайёрлашда, уларга ўқитилаётган фанларнинг аҳамияти ва бугунги замонавий давр талабига мослиги муҳим саналади. Чунки ҳар бир бўлажак сиёсатчи дунёда кечаётган сиёсий жараёнларни мустақил таҳлил қилиши, ҳодисаларнинг сабаблари ва уларни келтириб чиқарувчи оқибатларни прогнозлаштира олиши талаб этилади. Бунинг учун сиёсий фанлар ичида сиёсатни фалсафа билан биргаликда тушунтирадиган фан соҳаси сиёсат фалсафасининг амалий аҳамияти ошиб бормоқда.

Сиёсатни фалсафий тушуниш инсоният интеллектуал тарихининг илк босқичларига мансуб. XVI–XIX аср бошлари файласуфлари асарларида (Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Ж.Локк, Монтеське, И.Кант, Гегель, Ж.С.Милл ва бошқалар) сиёсат фалсафий таҳлилнинг бевосита ва жуда муҳим предметига айланган.

Маълумки, сиёсат фалсафаси тушунчаси XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ижтимоий фанларда кенг қўлланила бошланган. Ижтимоий фанларда сиёсат фалсафаси иборасини биринчи бўлиб ишлатган олим Г.Гердер бўлади[2]. XIX асрда ижтимоий-гуманитар фанларнинг дифференциаллашуви жараёнида сиёсий ва фалсафий масалаларнинг фалсафий билимлардан ажралиши (институционализацияси) аста-секин содир бўла бошлайди ва нисбатан мустақил фан сифатида шаклланади.

XX асрда сиёсий фалсафа сиёсий ва фалсафий билимларнинг керакли соҳасига айланди. К.Шмитт, Л.Страус, Х.Арендт, И.Берлин, Ж.Ролс, О.Гефф каби Ғарб олимлари ҳозирги сиёсий фалсафа учун классик ҳисобланган қатор илмий асарларни яратдилар. Уларнинг асарларида етакчи ғоя сиёсий фалсафанинг асосий тушунчалари ҳисобланган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Қарори. 2019 йил 29 январь. [Электрон ресурс]. https://lex.uz/docs/4182353
[2] Гердер И. Идеи о философии истории человечества. – Москва, 1977.

«эркинлик», «ҳокимият» ва «адолат» тушунчаларидир. Айнан шу концептуал тушунчалар сиёсий ва фалсафий фикрларнинг предмет соҳасини, асосий йўналишлари ва муаммоларини белгилаб берган.

XX асрнинг иккинчи ярмида сиёсатнинг фалсафий таҳлилини билдириш учун «сиёсат фалсафаси» атамаси фаол қўлланила бошланди.

Сиёсат фалсафаси сиёсатнинг умумий қонуниятларини очиб бериш, унинг ривожланишининг ички мантиғини, жамият ҳаётининг бошқа соҳалари – иқтисодий, маънавий ва ижтимоий соҳалар билан алоқаларини ойдинлаштиришдан иборат фан тармоғи ҳисобланади[1].

Илмий адабиётларда «сиёсат фалсафаси» атамаси кўпинча «сиёсий фалсафа» атамаси билан бир-бирига мос келади. Ушбу атамаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги саволга замонавий олимларнинг муносабати турли хилдир. Баъзи олимлар бу тушунчалар ўртасида ҳеч қандай алоҳида фарқни кўрмайдилар ва уларни ҳақиқатда бир хил деб ишлатадилар. Бошқа олимлар эса бундай фарқларни «сиёсат фалсафаси», фалсафанинг, фалсафий билимларнинг бир қисми сифатида кўриб чиқилишида деб фарқлайдилар.

«Сиёсат фалсафаси»ни фалсафанинг сиёсий ҳаёт соҳасига татбиқ этилиши сифатида талқин қилиш мумкин, «сиёсий фалсафа» эса сиёсатнинг ўз-ўзини акс эттириши, унинг ўзи ҳақидаги «ички» билимидир. Биринчи тушунча сиёсатчининг фалсафасига қўйилган саволларни ҳал қилади, иккинчиси эса фалсафа сиёсатга қўядиган саволларни очиб беради.

Демак, «сиёсат фалсафаси» ва «сиёсий фалсафа» ҳар қандай ҳолатда ҳам бир-бири билан чамбарчас боғланган илмий билиш соҳаларидир, чунки уларнинг ўзаро боғланиши маъно фарқини қайд этмайди, фақат фикрни, йўналишни белгилашдаги фарқни ифодалайди.

Сиёсий фалсафа кўпинча тўғри сиёсий тартибни ишлаб чиқиш ва сиёсий ҳокимиятни оптимал ташкил этиш билан боғлиқ саволларга жавоб излайдиган меъёрий сиёсий назария сифатида таърифланади. Бу сиёсий фаолият шаклининг мазмуни ҳокимиятнинг моҳиятини, сиёсий танлов ва йўналишларни очиб берадиган билимлар тизими ҳисобланади.

Сиёсий фалсафа учта асосий шаклда намоён бўлади: конструктивизм (сиёсий тузилманинг оптимал моделини яратиш), артикуляция (муайян тушунчанинг мазмуни ва маъносини очиб бериш), мавжуд фалсафий ва сиёсий матнларни шарҳлаш[2].

Ҳозирги кунда «Сиёсат фалсафаси» сиёсатнинг табиатини ўрганади. Сиёсат фалсафасининг асосий категорияларига сиёсий онтология, сиёсий аксиология, сиёсий эпистемология ва сиёсий методологиялар киради.

Сиёсат фалсафаси инсоният фаолиятининг шундай қирраларини қамрайдики, унда жамиятда мавжуд сиёсий қарашлар, сиёсий ахлоқ ва

---

[1] Гобозов И.А. Философия политики. – Москва: 2002.

[2] Алексеева, Т.А. Что такое политическая философия? Статья первая // Полития. 2003. № 3. – С. 119–157.

сиёсий меъёрлар акс этади. Фаннинг асосий рефлексияси сиёсий дунё ҳисобланади. Сиёсий дунёда кечаётган сиёсий жараёнларни англаш, уларга фалсафий тафаккур орқали баҳо бериш ва таҳлил этиш сиёсатшуносларнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Сиёсат фалсафаси фанининг моҳиятини илмий жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, бу фан замонавий сиёсатшунос кадрларнинг илмий-фалсафий дунёқаришини шакллантиришда аҳамияти юқори эканлигидан далолат бермоқда. Кўплаб олий ўқув юртларида, жумладан, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Сиёсатшунослик факультети талабалари учун сиёсат фалсафаси фани умумий фан блоки доирасида ўқитилиб келинмоқда[1].

Бундан ташқари, Европанинг юқори рейтингда турувчи Southampton университетида ҳам сиёсатшунос кадрларни тайёрлашда, уларнинг сиёсий онгини оширишда «сиёсий тафаккур» (сиёсий фалсафа) модули ўқитилмоқда[2].

Бугунги кунда юртимизда сиёсатшунослик йўналишига бўлган эътибор ошганлиги боис, шу соҳадаги кадрларнинг билимига, кўникма ва малакасига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Талабаларга ўқитилаётган фанлар доираси замонавий дунёнинг сиёсий манзарасини тўлиқ қамраб олиши баробарида, уларни таҳлил этиш ва тушунтириб бера олишида ҳам муҳим ҳисобланади.

Шу боис, сиёсат фалсафаси талабаларга инсониятнинг сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қўшган фалсафий-сиёсий фанлар бўйича зарур билимларни эгаллаш имкониятини яратиши лозим. Шунингдек, фалсафий-сиёсий фикрнинг ривожланиш тарихи, сиёсат фалсафий таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари, замонавий сиёсат фалсафасининг асосий йўналишлари ва муаммолари билан таништириш каби вазифаларни бажариши лозим ҳисобланади.

Умуман олганда, "Сиёсат фалсафаси" фанини ўқитиш орқали бўлажак сиёсатшуносларда қуйидаги компетенциялар шаклланади:

биринчидан, касбий фаолиятда олинган билимлардан фойдаланиш, сиёсатни фалсафий таҳлил қилиш усулларини илмий ва педагогик фаолиятда қўллай олиш;

иккинчидан, турли манбалардан олинган маълумотлар билан ишлаш, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш, сиёсий масалалар бўйича ёзма ва оғзаки мулоқотга кириша олиш;

---

[1] Учебный план МГУ. Интегрированная подготовка (Бакалавр 41.03.04 + Магистр 41.04.04) по направлению подготовки «Политология» (Общая политология). [Электрон ресурс]. Мурожаат санаси: 2021 йил 29 ноябрь. https://polit.msu.ru/students/uchplan/

[2] Modules of Southamton University Political Science Course. [Электрон ресурс]. Мурожаат санаси: 2021 йил 29 ноябрь. https://www.southampton.ac.uk/courses/politics-degree-bsc#modules

учинчидан, фикрлашнинг мустақиллиги ва танқидийлиги, мустақил ўрганишга интилиш, мунозарали масалаларни муҳокама қилишда устунлик ва рақибларнинг далилларини идрок этиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг уйғун кечишини таъминлаш, сиёсат субъектлари фаолиятининг маҳсулдорлигини ошириш, ҳокимият вакиллари билан фуқароларнинг мулоқотини самарали ташкил этиш учун ижтимоий-сиёсий жараёнларга тўғри таъсир кўрсатиш ва уларни самарали бошқаришни ўрганиш талаб этилади. Хусусан, бу жараёнлар бевосита сиёсий фанлар тармоғини кенгайтиришни ҳамда сиёсат фалсафаси фанини ривожлантиришни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни билдирамиз:

- сиёсатшунослик фанининг шаклланишида ҳамда сиёсатшунос-мутахассисларни тайёрлашда фалсафа фанининг ўрни катта. Сиёсат фалсафаси фани айнан сиёсатшунослик ва фалсафа фанларининг ўзаро интеграцияси натижасида юзага келган бўлиб, ушбу фан сиёсатшунос-талабаларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланишида катта ўрин тутади. Шунинг учун бу фан тармоғини йўналиш доирасида кенгроқ ўқитиш зарур;
- сиёсатшуносларни тайёрлашда ўзбек тилида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги хорижий адабиётларга қарамликни оширмоқда. Шунинг учун ўзбек тилида сиёсий фанлар бўйича янги авлод дарсликларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Махаматнасир КАДИРОВ, иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
Шерали МУҚИМОВ,
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ МАРКЕТИНГГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланган маркетинг яқин йиллардан бери сиёсатда ҳам фаол қўлланилади. Бизнесда маркетинг фирма ва истеъмолчи ўртасидаги мулоқотни таъминлаб берса, сиёсатда у бу вазифани сиёсий институтлар ва сайловчилар ўртасида амалга оширади. Сиёсий маркетингнинг ривожланиб бориши билан сайлов кампанияларининг муваффақияти айнан унга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Маркетингга инсон ва жамиятнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни қондиришга қаратилган фаолият тури, деб универсал таъриф бериш мумкин. Шунингдек, агар тижорий жиҳатдан фойда келтирмаса маркетингнинг аҳамияти йўқолиб қолишини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу сабабли, маркетингни янада аниқроқ ва қисқача қилиб «эҳтиёжларни фойда

олган ҳолда қондириш»[1] дея таърифласак мақсадга мувофиқ бўлади. Бу орқали маркетинг товар ва хизматларни айирбошлаш соҳаси билан чекланиб қолмай, ғояларни тарғиб қилиш фаолиятида ҳам ўз ўрнига эга бўлишга улгурди[2].

Кейинги йилларда сиёсий маркетинг алоҳида фан тармоғи сифатида ривожланиб келмоқда. Бунда у бутун дунё бўйича турли маълумотга эга минглаб тадқиқотчилар ва амалиётчиларни бирлаштириб, етарли миқдорда адабиётлар базасини ҳам шакллантиришга эришди. Кўпчиликнинг якдил фикрига кўра, сиёсий маркетинг сиёсатда ўта катта аҳамиятга эга: сайловлар, референдумлар, ҳокимият, лобби фаолияти, давлат хизматлари – буларнинг барчаси сиёсий маркетинг орқали янги босқичга кўтарилди.

А. Окасснинг фикрига кўра[3], сиёсат ва маркетинг кўп жамиятлар ижтимоий психикасида устувор ўрин эгаллаб, улар бирлашганда шахслар ва кенг жамоатчиликка нисбатан қудратли таъсир кучига эга бўлади. Сиёсий маркетингга тадқиқотчилар икки ёндашув асосида қарайдилар. Биринчи ёндашув намоёндалари уни маркетингнинг сиёсий ва демократик жараёнларга татбиқ қилиниши деб уқтирса, бошқалар сиёсий кампанияларни бошқариш сифатида кўриб, уни кўпроқ менежментга боғлаб ўрганадилар. Ҳозирги кунда сиёсий маркетинг бўйича асосий тадқиқотлар АҚШ, Австралия, Англия, Туркия, Греция, Россия ва бошқа мамлакатларда олиб борилмоқда[4].

Сиёсий маркетингнинг пайдо бўлиши бевосита иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ. Бунинг негизида сиёсат майдонини анъанавий бозорга ўхшатиш ғояси ётади. Хусусан, П. Котлернинг таъкидлашича[5], маркетингда қўлланиладиган 10 та институтнинг 6 таси сиёсий маркетингда ҳам қўлланиши мумкин. Бу ерда воқеалар, инсонлар, жойлар (қисман), ташкилотлар, маълумот ва ғоялар назарда тутилмоқда.

Сиёсатшунослик нуқтаи назаридан, сиёсий маркетинг сайлов кампаниялари доирасида амалга ошириладиган сиёсий коммуникациянинг шаклларидан биридир. Шунга ўхшаш ғоя биринчи марта 1956 йилда Ж. Келли томонидан қўлланилган[6]. «Сиёсий маркетинг» атамаси эса илк маротаба П. Котлер[7] томонидан иқтисодиётдаги «маркетинг» категориясини муҳокама қилиш орқали таклиф этилган. Ҳозирда эса сиёсий маркетинг мустақил йўналиш сифатида ўзига хос бўлган технологияларга ҳам эга.

---

[1] Kotler, P., & Keller, K. L. (2006). Marketing Management. New Jersey: Pearson Prentice Hall, 12th ed.
[2] Donovan, J. (2012). Modern Political Marketing: An Analysis of Tactics, and the Changing Role of the Media. The Faculty of the Journalism Department.
[3] O'Cass, A., & Weerawardena, J. (2009). Examining the role of international entrepreneurship, innovation and international market performance in SME internationalisation. European Journal of Marketing, 43 (11). – P. 1325–1348.
[4] Ovidiu, A. (2013). Marketing concepts within the political field. The USV Annals of Economics and Public Administration, Volume 13. – P. 19.
[5] Kotler, P., & Kotler, N. (1999). Political Marketing. Handbook of Political Marketing. – P. 3-18.
[6] Kelly J. L., jr. A New Interpretation of Information Rate // The bell system technical journal, july 1956. – P. 917-926.
[7] Kotler, P., & Kotler, N. (1999). Political Marketing. Handbook of Political Marketing. – P. 3–18.

Уларнинг ичида энг асосийси бу ОАВ бўлиб, унинг ёрдамида сайловчиларнинг қарорларига таъсир қилиш мумкин. ОАВ воситасида жамоатчилик муаммолари ҳақида маълумот олинади ва ушбу муаммолари кейинчалик муҳокама воситасига айланади. Шу сабабли, замонавий босқичда фуқаролар ҳар доимгидан кўра кўпроқ сиёсий жараёнларда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Концептуал жиҳатдан, сиёсий маркетинг ҳали сиёсатшунослар томонидан тўлиқ тан олинмаган бўлса-да, бир гуруҳ мейнстрим тадқиқотчилар унинг одатий сиёсий ёндашувларга қараганда анча кучли инструмент эканлигини таъкидламоқдалар. Хусусан, Ж.Лиз-Маршмент фикрига кўра [1], сиёсий маркетинг сиёсий фанлар ва маркетинг ўртасидаги энг самарали «никоҳ»дир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунга қадар сиёсий маркетингга нисбатан умумқабул қилинган таъриф мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, мавжуд адабиётларнинг барчасида сиёсий партиялар худди фирмалар харидорлар учун курашгани каби сайловчилар учун курашиши аналогияси баён қилинган. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай сиёсий актор худди товар ёки хизмат каби бозорда тарғиб қилиниши мумкин.

Сиёсий маркетинг дастлаб сайлов кампаниялари доирасида қўлланилган бўлса, эндиликда у бевосита давлат бошқаруви инструментига ҳам айланиб улгурди. Бу шуни англатадики, сиёсий «бозор»да ютиб чиқиш учун сиёсий партия ёки номзод ўз сайловчилари олдида жавобгарликни сақлаб қолиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, сиёсий маркетинг тарафдорлари хулоса қиладилар: сайловчилар билан изчил мулоқотни сақлаб туриш ҳамда уларнинг талабларига қулоқ солиш демократик жараёнларни янада яхши бўлган босқичга кўтаради.

Шу билан бирга, сиёсий маркетингни танқид қилувчи тадқиқотчилар ҳам йўқ эмас. Уларнинг фикрича, замонавий сайловлар жараёнида партия ёки номзодлар сиёсий маркетинг методларидан фойдаланган ҳолда ОАВ орқали жамоатчилик онгини манипуляция қилиш орқали ғалаба қозонмоқдалар. Бу шуни англатадики, ким сайлов кампаниясини тўғри ва профессионал тарзда амалга оширса, ўша «бозор»га эга чиқади[2]. Шундай бўлса-да, қайд этиш жоизки, ушбу профессионализм ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Яъни, сайловда ғалаба қозонган партия ёки номзод сиёсий ғояларга қараганда кўпроқ молиявий ресурслар ёки уларни шакллантириш лаёқатига эга.

Сиёсий маркетингнинг яна бир танқид қилинадиган жиҳатини «мазмундан қочиш» деб номлаш мумкин. Сиёсий маркетологлар одатда ўз мақсадига етиш учун партиянинг узоқ йиллар давомида содиқ қолган ғояларидан ҳам четга чиқиб кетадилар. Бу ҳолатни шаклнинг мазмундан устун келиши, деб аташ мақсадга мувофиқ[3].

---

[1] Lees- Marshment, J. (2001). The marriage of Politics and Marketing. Political Studies. – P. 692-713.
[2] Henneberg, S. C. (2004). The views of an advocatus dei: Political marketing and its critics. Academic Papers.
[3] Ўша жойда.

Баъзи тадқиқотчилар сиёсий маркетингда популизм ва бошбошдоқлик муаммоси мавжудлигини уқтирадилар. Сиёсий маркетингни давлат бошқаруви воситасида қабул қилган партия ва давлат арбоблари учун жамоатчилик фикри биринчи ўринга чиқади. Улар сайловчилар олдида ўз имижини сақлаб қолиш ва яхшилаш учун зарарли бўлган қарорларни қабул қилишлари мумкин. Бу ҳолатни С.Ҳеннеберг сиёсий маркетингнинг «мижозга йўналтирилган» концепцияси деб таърифлайди[1].

Сиёсий маркетинг сегментлари

Сиёсий маркетинг қуйидаги сегментлардан иборат:

- сиёсий маҳсулот;
- сиёсий ташкилот;
- сиёсий бозор.

Сиёсий маркетингда сиёсий партия, номзод ёки ғоя сиёсий маҳсулот деб қаралади. Маҳсулотнинг муваффақияти, асосан, шахсий имиж, номзоднинг ўтмиши ёки партиянинг ўзига боғлиқ бўлади.

П. Батлернинг таъкидлашича, сиёсий маҳсулотнинг уч хусусият мавжуд: кўп компонентлилик, сайловчи садоқатининг аҳамияти ва мослашувчанлик. Кўп компонентлилик деганда, сиёсий маҳсулотнинг фақатгина бир дона хусусиятга эга бўлмаслиги тушунилади. Бу, айниқса, сайловчиларнинг сиёсий партияга қараганда номзодни кўпроқ афзал кўришлари ёки ёқтирмасликларида кўринади. Яъни, номзод партиянинг умумий ғоясидан ташқари бошқа хусусиятларга ҳам эга бўлиши керак. Сайловчи садоқатининг аҳамияти эса электорат тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Товарлар бозорида истеъмолчи ўзи афзал кўрган маҳсулотда ўзгаришни сезса, унинг бошқа турдаги маҳсулотга ўтиб кетиши жуда тез ва осон содир бўлади. Электорат эса бундай эмас. Бир партияга содиқ бўлган сайловчилар партиянинг ғоялари ёки хатти-ҳаракати ўзгаришига одатда кескин реакция кўрсатмайдилар. Бу эса партияларга сиёсий таклифни ишлаб чиқишда кенгроқ имконият яратади. Шу билан бирга, бу хусусият салбий томондан ҳам таъсир қилиши мумкин. Яъни, электорат сиёсий партиянинг ғояларидан кўра кўпроқ унинг кекса номзодларига содиқ бўлишлари ҳам мумкин.

Учинчи хусусият таклифнинг талабга кўра мослашишидан иборат. Анъанавий бозордан фарқли равишда, сиёсий маҳсулот сотилганидан сўнг ҳам ўз шаклини ўзгартириши мумкин. Бунга мисол сифатида сайловлардан сўнг икки рақиб партия ўртасида коалиция тузилишини келтириш мумкин. Шунингдек, партия ёки номзод маълум сабабларга кўра сайловчиларга берган ваъдаларини ўзгартиришлари ҳам бунга мисол бўла олади. Бу ҳолат, ўз навбатида, сиёсий маҳсулотга бўлган ишончнинг пасайишига ва ҳаттоки унинг ўз ўрнини йўқотишига ҳам олиб келиши эҳтимоли катта.

[1] Henneberg, S. C. (2004). The views of an advocatus dei: Political marketing and its critics. Academic Papers.

Сиёсий ташкилот эса бу сиёсий жараёнларда қатнашаётган бирлик бўлиб, унинг мақсади сайловларда ютиб чиқиб, давлат бошқарувида ўз ўрнига эга бўлишдир[1]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, сиёсий ташкилот бу партия ёки номзодни қўллаб турган гуруҳдир. П.Батлер томонидан сиёсий ташкилотнинг ҳам 3 жиҳати ажратиб кўрсатилган: ҳаваскор табиат, маркетингни одатда салбий қабул қилиш, кўнгилли ходимларга боғлиқлик.

Маркетингдан фарқли ўлароқ, сиёсий маркетологларни тайёрловчи ёки малакасини оширувчи ўқув юртлари мавжуд эмас. Бу эса ушбу фаолият билан шуғулланувчиларни «ҳаваскор», деб аташга асос бўлади. Шунингдек, ташкилотдан ташқари бўлган бирор экспертнинг келиб ёрдам бериши эса одатда салбий қабул қилинади. У билдирган фикрларга қарши чиқилади. Энг яхши ҳолатда экспертнинг ёрдами шунчаки «қўшимча» сифатида қабул қилинади[2]. Бу ҳолат янада каттароқ муаммодан ҳам дарак беради. Сиёсий маркетологларнинг ҳаваскорлиги оқибатида улар ўзлари қилаётган ишни маркетинг деб атамаслиги ҳолатлари ҳам кенг тарқалган[3]. Яъни, бунда улар ўзларига сиёсатчи деб баҳо берадилар ва маркетингни қандайдир тижорий мазмундаги фаолият тури сифатида кўрадилар. Оқибатда, амалиёт ва назария ўртасидаги боғлиқликка бўлган объектив зарурият ўз аҳамиятини йўқотади. Сиёсий маркетингнинг ҳанузгача фан сифатида оммалашмаганлиги сабаби ҳам балки шундандир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий маркетинг стратегияларини қуйидаги 3 турга бўлиш мумкин[4]:

Маҳсулотга йўналтирилган: Маҳсулот яратиш → коммуникация → кампания → сайлов → ваъдаларни бажариш.

Сотишга йўналтирилган:

Маҳсулот яратиш → бозорга мослаштириш → коммуникация → → кампания → сайлов → ваъдаларни бажариш.

Бозорга йўналтирилган:

Бозорни таҳлил қилиш → маҳсулот яратиш → бозорга мослаштириш → стратегияни жорий қилиш → коммуникация → кампания → сайлов → → ваъдаларни бажариш.

Анъанавий сиёсий технологиялар асосан маҳсулотга йўналтирилган маркетинг стратегияси асосида амалга оширилади. Профессионал даражада эса сиёсий маркетинг бозорга йўналтирилган стратегия доирасида қўлланади.

Таъкидлаб ўтилганидек, сиёсий маркетинг бу иқтисодиётдаги маркетинг назариясидан келиб чиққан. Шундай бўлса-да, илмий адабиётларда кўпинча ОАВнинг ролини инобатга олмаган ҳолда сиёсий

---

[1] Butler, P., & Collins, N. (1996). Strategic analysis in political markets. – P. 25-36.
[2] Kaskeala, A. (2010). Value Creation in Political Marketing. Aalto University School of Economics: Department of Marketing and Management.
[3] Smith, G., & Saunders, J. (1990). The application of marketing to British politics. Journal of Marketing Management. – P. 295-306.
[4] LeesMarshment, J. Op. cit. – P. 28-31.

маркетингнинг фундаментал жиҳати эътибордан четда қолдирилмоқда[1]. Ҳ. Савинининг таъкидлашича, маркетинг назарияси, албатта, ОАВнинг мавжудлигини тан олади ва ундан электорат билан сиёсий коммуникацияни таъминлашда фойдаланади. Лекин одатда сиёсатшунослар ОАВни сиёсатчиларга тегишли бир инструмент сифатида кўрадилар. Бу эса уни сиёсий ахборот алмашув воситаси сифатидаги муҳим ролининг чекланиб қолишига олиб келади. Бозорга йўналтирилган сиёсий маркетинг стратегиясини қўллаш орқали эса ОАВ электорат ва сиёсий ташкилот ўртасидаги коммуникация воситасига айлантирилади. Бу орқали сайловчининг хоҳиш ва истаклари, умидлари аниқланади ҳамда шунга мос маҳсулот яратилиб, сайлов кампанияси стратегияси ишлаб чиқилади. Шунингдек, мазкур жараёнда кўринмас акторлар ҳисобланган сиёсий журналистлар, мухбирлар ва блогерларнинг ролини ҳам унутмаслик жоиз. Улар томонидан сиёсий маҳсулотнинг ёритилиши, талқин ва танқид қилиниши сайлов кампаниясида ҳал қилувчи ролни ўйнаши мумкин.

Анъанавий маркетингда ОАВнинг вазифаси бу шунчаки ахборотни етказиб беришдир. Яъни, кўп ҳолларда бу реклама агентликлари фаолияти билан чекланиб, қайта алоқа йўлга қўйилмайди. Сиёсий маркетингда эса ундан рақобатчиларни танқид қилиш мақсадида ҳам фойдаланилади. Аксарият ҳолларда ОАВ тижорий мақсадда фаолият юритади ва ўз манфаатлари йўлида ўзининг фундаментал ҳисобланган «демократия ҳимоячиси» вазифасини ҳам бажармаслиги мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, сиёсий маркетинг анъанавий маркетинг асосида шаклланган бўлса-да, ундан бир нечта хусусиятлари орқали фарқ қилади. Ҳали сиёсатшуносликдан фан сифатида ажралиб чиқмаган бўлса-да, ўзининг аҳамияти ва методологик аппаратига кўра яқин келажакда илм-фанда ўз ўрнига эга бўлади, дейишга етарлича асослар бор.

Сиёсий маркетинг сайлов жараёнлари натижасига сезиларли таъсир кўрсатиши, ҳаттоки унинг тақдирини ҳал қилиши ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан, сиёсий бозорда тенг рақобат муҳитини шакллантириш, сиёсий манипуляция тадбирлари таъсирини камайтириш, айниқса, Ўзбекистон сиёсатшунослик фанининг жаҳонда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш мақсадида:

- сиёсий маркетингнинг концептуал асослари ва амалга оширилиши юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, натижаларини кенг жамоатчиликка эълон қилиш;
- маҳаллий ва хорижий сиёсий жараёнларда қўлланилаётган сиёсий маркетинг усуллари мониторингини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;
- сиёсатшунослик фани доирасида талаба ва магистрантларга сиёсий маркетинг ҳақида билим беришни йўлга қўйиш тавсия этилади.

[1] Donovan, J. (2012). Modern Political Marketing: An Analysis of Tactics, and the Changing Role of the Media. The Faculty of the Journalism Department.

Қодир ЖЎРАЕВ, сиёсий фанлар доктори, доцент
(Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис палатаси)

ҚИЁСИЙ СИЁСАТШУНОСЛИК ВА УНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Маълумки, қиёсий сиёсатшунослик сиёсий фанларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Қиёсий сиёсатшуносликнинг асосий усули бу таққослаш бўлиб, шу сабабли ушбу йўналишнинг яна бир номи – қиёсий тадқиқотлар пайдо бўлган. Қиёсий сиёсатшунослик сиёсатни турли сиёсий тизимларнинг бир хил турдаги сиёсий ҳодисаларини солиштириш ва таққослаш орқали ўрганишга асосланади. Бундай ҳодисалар орасида, биринчи навбатда, сиёсий жараёнлар, сиёсий муносабатлар, сиёсий институтлар, сиёсий режимлар, сиёсий маданиятлар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қиёсий сиёсатшунослик қадимги даврдан бошлаб йўлга қўйилган бўлса-да, бироқ фаннинг мустақил тармоғи сифатида унинг шаклланиши бошланғич нуқтаси XIX–XX асрларга тўғри келади. Бошқа фанларга нисбатан ёш бўлишига қарамай, қиёсий тадқиқотлар давримизнинг интеллектуал муаммоларини самарали ҳал қила оладиган даражада етакчи тадқиқот йўналишларидан бирига айланишга улгурди. Атоқли рус қиёсий сиёсатшуноси Л.В. Сморгуновнинг фикрича, «ҳозирда Халқаро сиёсатшунослик уюшмаси замонавий экспертларининг тахминан чорак қисми (24,1%) қиёсий сиёсатшунослик соҳасидаги мутахассислардир». Дарҳақиқат, қиёсий сиёсатшунослик дунё мамлакатларида шунчалик тараққий топдики, ҳозир жаҳонда ушбу йўналишда ўндан ортиқ ихтисослашган журналлар нашр этилмоқда ва уларда қиёсий сиёсатшуносликнинг долзарб мавзуларига оид мақолалар чоп этилмоқда.

Интернет жаҳон тармоғида қиёсий сиёсатшунослик бўйича сўров берсангиз, тўққиз мингдан ортиқ веб-саҳифага, шу жумладан, талабалар орасида жуда машҳур бўлган нуфузли университетларнинг махсус ўқув курсларига ҳаволалар борлигига дуч келасиз. Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, ушбу фаннинг обрў-нуфузи жадал ривожланаётганидан далолат беради.

Бироқ, таассуфлар бўлсинки, қиёсий сиёсатшунослик, асосан, хорижий мамлакатларда ривож топмоқда, Ўзбекистонда эса бу ёш фан энди-энди шаклланмоқда. Мамлакатимизда уни ривожлантириш йўлида ҳали қатор муаммолар мавжуд бўлиб, афсуски, қиёсий сиёсий мавзуларни ёритувчи миллий дарсликлар, ўқув қўлланмалар, даврий нашрлар деярли йўқ. Бу борада ушбу фанни ўқитиш учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш ҳам долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Бир сўз билан

айтганда, Ўзбекистонда қиёсий сиёсатшунослик фанини яратиш йўлида ҳали жуда кўп ишларни бажаришга тўғри келади.

Қиёсий сиёсатшуносликда, бошқа фанларда бўлгани каби, тадқиқотни қандай бошлаш, тадқиқотнинг қайси усулларини танлаб олиш масаласи марказий ўрин туради. Ушбу методологик муаммо XX асрнинг қиёсий сиёсатшунослигида ўта муҳим аҳамиятга эга, аксарият замонавий тадқиқотлардаги қарама-қаршиликлар ўз моҳиятига кўра аниқ методологик келишмовчиликлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Қиёсий сиёсатшунослик бир қатор қоида ва назарий ишланмаларни ўз ичига олади. Ҳар қандай қоида ёки назарияларни илгари суришдан олдин, биринчи навбатда, зарур эмпирик маълумотларни тўплаш жуда муҳимдир. Зеро, бу тадқиқот якуний хулосаларининг объективлигини оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бундан ташқари, сиёсий ҳодисаларнинг фақатгина айрим элементларини таққослаш асосида чиқарилган хулосалар, албатта, тўғри эмас, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам улар эмпирик маълумотларга асосланиши зарур. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ҳар қандай таққослаш агар солиштириладиган объектларнинг фақатгина айрим танлаб олинган белгилари ёки хусусиятлари асосида амалга оширилган бўлса, бу муайян сиёсий ҳодисанинг умумий ҳолатини бузиб талқин қилишга олиб келиши мумкин. Яна шуниси муҳимки, ҳар қандай тизим ва/ёки ҳодисанинг ўзига хослиги ва ягоналигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ниҳоят, таққослаш амалга ошириладиган ўзгарувчиларни олдиндан танлаш ҳам қиёсий тадқиқотда муҳим роль ўйнайди.

Сиёсий ҳаёт ҳодисаларини қиёсий тадқиқ қилиш муайян сифат ёки миқдор ўзгаришлари ва фарқларини акс эттириши зарур бўлган қатор ўзгарувчиларга асосланиши керак. Уларни танлаш ҳар бир олимдан сиёсатшунослик қоидаларига тўлиқ амал қилишни, тадқиқотнинг мақсади ва тадқиқот учун ана шу ўзгарувчиларга бўлган эҳтиёжни аниқ ҳисобга олишни тақозо этади. Ўзгарувчиларнинг уч тури мавжуд бўлиб, улар қарам, мустақил ва аралаш ўзгарувчилардир. Қарам ва мустақил ўзгарувчилар ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд бўлиб, мустақил ўзгарувчилар одатда ўрганилаётган объектга хос хусусиятларни ўзида акс эттирганлиги сабабли қарам ўзгарувчиларнинг характерини белгилаб беради. Бироқ аралаш ўзгарувчилар уларнинг ҳар иккиси ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг табиати ва даражасини ўзгартириш ёки уни йўқ қилиш мумкин бўлган даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Компаративистлар тадқиқот жараёнида бир қанча қийинчиликларга дуч келиши муқаррар. Таъкидлаш жоизки, қиёсий сиёсатшуносликнинг энг асосий муаммоси – сиёсий ҳодисаларнинг моҳиятини бузишни минималлаштириш мақсадида таққослаш мумкин бўлган омилларни излаб

топишдан иборат. Бунинг энг самарали йўли ўзаро ўхшаш сиёсий тизимларга ва тарихий тараққиёт тажрибаси эга бўлган, жуғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган давлатларни ўрганишдир. Бундан ташқари, барча ўрганилаётган ҳодисаларнинг ривожланиш тамойилларини топиш ва улар учун умумий бўлган хулосалар тайёрлаш муаммоси ҳам доимо кўндаланг туради. Қиёсий тадқиқотчилар муқаррар равишда шундай вазиятга тушиб қолишадики, бир томондан, ҳар бир мамлакат ва ҳодисанинг ўзига хослигини ёдда тутиш зарур, бошқа томондан эса, умумий қонуниятларни аниқламасдан туриб, назарий хулосаларни шакллантириш мумкин эмас.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тадқиқотчилар яна бир муаммога, яъни ўзаро солиштирилаётган мамлакатларнинг суверенитети масаласига дуч келдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ана шу даврга келиб глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётгани маълум бўлди. Агар илгари миллий давлатлар қиёсий таҳлилнинг асосий бирлигини ташкил этган бўлса, эндиликда халқаро интеграция жараёнида уларнинг миллий ўзига хослиги анчагина емирилиб кета бошлади ва бу жараён объектив равишда уларни қиёслаш имкониятини шубҳа остига қўйди.

Олинган эмпирик маълумотларнинг нечоғлик тўғри талқин қилиниши ҳам тадқиқот объективлигининг энг катта муаммоларидан биридир. Бундан ташқари, тадқиқотчи олдида яна бир методологик муаммо борки, у ҳам бўлса, фойдаланиладиган тушунча ва атамаларни тўғри талқин қилиш билан боғлиқдир. Масалан, «демократия» тушунчаси ҳар бир олимнинг муайян илмий мактабга мансублиги ёки унинг қарашлари нуқтаи назаридан турли хил талқинларга эга бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий ҳаётнинг турли ҳодисаларини қиёсий ўрганишда олимлар уларни солиштиришнинг турли усулларидан фойдаланадилар. Масалан, қиёсий тадқиқотларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири бу икки мамлакатнинг танлаб олиниши ва ўзаро қиёсланишидир. Бундай тадқиқотлар *бинар қиёслаш* дейилади. Бундай қиёслашда тадқиқотчининг асосий вазифаси икки мамлакатнинг қиёсланадиган объектлари орасидаги асосий фарқларни аниқлашдан иборат. Ушбу турдаги тадқиқотларда кўпинча бир-бирига ўхшамайдиган мамлакатлар ўзаро таққосланади.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар ўзаро ўхшаш мамлакатлар ўртасида таққослашни ҳам амалга оширадиларки, бу эса ушбу мамлакатларнинг ўзаро яқин географик жойлашуви, иқтисодий ривожланиш даражаси, умумий тарихий тажрибаси билан боғлиқдир. Агар бутун бошли минтақалар ўзаро қиёсланадиган бўлса, бундай тадқиқотлар *минтақалараро қиёслаш* деб аталади. Шунингдек, фақат битта мамлакатга урғу қаратилган тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, бундай ҳолатда олимлар бошқа мамлакатларда содир

бўлган аниқ бир вазиятни қиёсий ўрганадилар. Бундай ҳолда ўхшаш «ҳолатлар»даги омилларни таққослаш ушбу мамлакатларнинг сиёсий тизимларидаги фарқлар замирида амалга оширилади. Бу турдаги тадқиқотлар *«кейс-стади»* деб аталади.

Қиёсий тадқиқотнинг бир тури – турли сиёсий тизимлардаги сиёсий ҳаётнинг у ёки бу ҳодисаси уларнинг тарихий ривожланиш жараёнида қиёсий ўрганилса, бундай тадқиқотлар *динамик қиёслаш* деб, аксинча, бир сиёсий тизимдаги у ёки бу ҳодиса бошқа бир сиёсий тизимдаги худди шундай ҳодиса билан, бироқ турли тарихий даврларда таққосланса, бундай тадқиқотлар *асинхрон қиёслаш* деб юритилади.

Унинг бошқа тури борки, у дунёнинг ҳамма ёки кўплаб мамлакатларини қамраб олади. Бунда бир ёки бир нечта ўзгарувчилар танлаб олиниши ва улар ёрдамида дунё мамлакатлари тадқиқ қилиниши мумкин. *Глобал қиёслаш* деб номланадиган бундай тадқиқотлар сиёсий режимлар динамикасини батафсил таҳлил қилиш, у ёки бу сиёсий воқеликнинг юз беришидаги умумий қонуниятларни аниқлаш имконини беради.

Юқоридагиларга қўшимча ҳолда қиёсий сиёсатшуносликнинг тарихий (кросс-темпорал), институционал, кросс-миллий, статистик, дала тадқиқотлари каби усулларини ҳам санаб ўтиш мумкин.

Қиёсий сиёсатшунослик олдида турган долзарб муаммолардан яна бири бу унинг сиёсатшунослик асослари, халқаро муносабатлар, жаҳон сиёсати каби турдош фанлардан фарқини аниқлаш ва умуман, ушбу фанлар ўртасидаги чегараларни аниқ белгилаб олиш билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда қатор ихтисослашган олий ўқув юртларида ушбу фанларни ўқитишда кўпинча такрорлаш ва аралаштириб юбориш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Ушбу муаммо ҳам фундаментал илмий аҳамиятга эга, чунки мазкур фанлар сиёсий ва амалий таълим соҳасидаги замонавий илмий билимларни ривожлантириш йўллари ва табиатини акс эттиради. Умуман, сиёсий фанлар бўйича таълим дастурларини модернизация қилиш ва ўқув дастурларига зарур тузатишлар киритиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда сиёсий фанларнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланишга улгурган қиёсий сиёсатшуносликни Ўзбекистонда ривожлантиришнинг қатор назарий-методологик ва ташкилий-техник жиҳатлари мавжуд. Шу боис, уларни алоҳида семинар ва анжуманлар доирасида батафсил муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Аслиддин ГУЛАМОВ,
Азат ИМАТОВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ МИНТАҚАШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Сўнгги вақтларда минтақавий жараёнларни тадқиқ этиш масалалари етакчи олимларларнинг тадқиқот объектига айланмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб сиёсий масалаларига минтақавий ёндашув бўйича қатор тушунчалар пайдо бўлди. Минтақада кузатилаётган воқеа-ҳодисаларни ўрганиш бўйича қарашлар асосида «минтақашунослик», «мамлакатшунослик», «сиёсий минтақашунослик» каби илмий йўналишлар юзага чиқди ҳамда уларни олий таълим муассасаларида алоҳида фан сифатида ўқитишга зарурат пайдо бўлди. Шу муносабат билан, минтақадаги сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш, баҳо бериш ҳамда улар юзасидан илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга йўналтирилган *«сиёсий минтақашунослик»* фани янги истиқболли мутахассислик ва илмий йўналиш сифатида Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада, Россия Федерациясида ва Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларида шаклланди.

«Сиёсий минтақашунослик» фани дунёнинг маълум бир минтақасини ҳар томонлама ўрганиш, минтақавий жараёнларни таҳлил қилиш ва минтақанинг ривожланишини прогноз қилиш имконини берувчи амалий билимлар тизимини ўзида мужассам этган. Тармоқлараро фан ҳисобланган ушбу фан муайян минтақа хусусиятларини ва унда кечаётган жараёнларни сиёсий қараш кесими доирасида комплекс ўрганишга йўналтирилган. Шу сабабли ҳам бу қатор фан тармоқлари билан, жумладан, *«мамлакатшунослик»* фани билан чамбарчас боғлиқ. Лекин, қўлланиладиган усуллари билан бу фанлар бир-биридан кескин фарқланади[1]. «Мамлакатшунослик» фани, асосан, географик омилларни кўпроқ ҳисобга олса, «сиёсий минтақашунослик» фани тизимли ёндашувлардан кенгроқ фойдаланади[2]. Шунингдек, сиёсий минтақашунослик бўйича мутахассислардан минтақавий ва ташқи сиёсат билан шуғулланувчи давлат органлари учун илмий, таълим, ахборот ва

[1] Покшишевский В. В. Место экономико-географического страноведения в системе географических наук // Изв. АН СССР. Сер. геогр., № 5. – Москва, 1960, № 5; Kimble, G.H.T. (1951): The Inadequacy of the Regional Concept, London Essays in Geography, edd. L.D. Stamp and S.W. Wooldridge – P. 151–174; Schaefer, F.K. (1953): Exceptionalism in Geography: A Methodological Examination, Annals of the Association of American Geographers, vol. 43 – P. 226–245.
[2] Дергачёв В. А., Вардомский Л. Б. Регионоведение., 2-е изд. – Москва: «Юнити-Дана», 2010. ISBN 978-5-238-01732-7.

маданий алмашинувларни ташкил этиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни, икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларини ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмаси талаб этилади.

Ҳозирги вақтда қатор олимлар, хусусан, В.В. Фокин ва Ю.В. Косовнинг фикрига кўра, сиёсий минтақашуносликнинг назарий ва услубий асосларида учта ёндашув мавжуд:

- сиёсий-географик ва геосиёсий ёндашувлар;
- сиёсий ва тарихий ёндашув;
- ижтимоий-сиёсий ёндашув.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий минтақашунослик сиёсатшунослик тадқиқотларидаги нисбатан янги йўналишидир. Бироқ, ҳар бир фан сингари, бу фан ҳам ўрганадиган ўз объекти ва предмети соҳасига эга. Аксарият тадқиқотчилар сиёсий минтақашунослик объекти сифатида минтақани, предмети сифатида бўлса, минтақанинг сиёсий томонини, яъни минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва институтларни ажратиб кўрсатишади[1].

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, айрим олимлар «минтақашунослик»ни алоҳида фан деб ҳисобламайди. Жумладан, В.А. Дергачев ва Л.Б. Вардомский уни дунёда (макроминтақашунослик) ҳам, мамлакат ичидаги минтақашуносликда ҳам нисбатан яхлит ҳудудий тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, этно-конфессионал, табиий, экологик ривожланишини ўрганадиган комплекс сифатида қарайди[2].

Лекин, шундай бўлса ҳам, бугунги кунга келиб бутун дунёда глобаллашув жараёнлари билан бир қаторда минтақавийлашув жараёнларининг кучайиши ҳамда бу жараёнларни комплекс тадқиқ қилишга бўлган қизиқиш ва уринишлар «минтақашунослик» фани ривожининг янги босқичга кўтарилишига туртки берди. Ҳозирда кўпгина хорижий олий таълим муассасаларида «минтақашунослик» фани ўқитилиши қатори сиёсатшуносликнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида «сиёсий минтақашунослик» фани ҳам пайдо бўлиб, бу фанларнинг профессионаллашуви ва институционаллашуви амалга ошмоқда.

Россия Федерациясида 1990 йиллар бошидан Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар академиясининг География институти, Гуманитар ва сиёсий тадқиқотлар институти ва бошқа таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида «Сиёсий минтақашунослик» фани ривожлана бошлади. 2000-йилларнинг ўрталарига келиб, Россияда сиёсий минтақашунослик институционаллашиб борди. Россия сиёсатшунослик

---

[1] http://lib.krsu.edu.kg/uploads/files/public/5890.pdf

[2] Дергачёв В. А., Вардомский Л. Б. Регионоведение., 2-е изд. – Москва: «Юнити-Дана», 2010. ISBN 978-5-238-01732-7.

ассоциациясининг 1997-2004 йилларда сиёсий минтақашунослик бўйича Бутунроссия конгрессларини ўтказилганлиги алоҳида таъкидлаш ўринли[1].

Ҳозирда мамлакатда «Сиёсий минтақашунослик» курси олий таълимнинг «Минтақашунослик», «Россия минтақашунослиги»[2], «Хорижий минтақашунослик»[3] ва «Сиёсий минтақашунослик. Этносиёсат» ихтисосликлари асосида ўқитилиб, бунда давлат бошқаруви ва минтақавий сиёсат соҳасида минтақашунос мутахассислар тайёрланмоқда. Бу қуйидаги илмий фанларни ўрганишни ўз ичига олади:

- ўрганилаётган ҳудуд (мамлакат) тили;
- ўрганилаётган ҳудуд тарихи;
- ўрганилаётган ҳудуднинг маданияти, адабиёти ва дини;
- ўрганилаётган ҳудуд этнологияси;
- ўрганилаётган ҳудуднинг иқтисодиёти ва иқтисодий географияси;
- ўрганилаётган ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий тизими;
- ўрганилаётган минтақанинг халқаро муносабатлари ва ташқи сиёсати;
- жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар;
- халқаро ҳуқуқ;
- халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси;
- конституциявий (давлат) ҳуқуқ;
- халқаро интеграция жараёнлари ва халқаро ташкилотлар;
- замонавий дунёда минтақавий можаролар;
- минтақавий ва миллий хавфсизлик муаммолари;
- ташқи сиёсат ва дипломатияни шакллантириш жараёнлари;
- Россия Федерацияси минтақавий сиёсатининг асосий йўналишлари;
- маҳаллий ва ўз-ўзини бошқариш;
- минтақада давлат хизмати;
- миллий-минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга оладиган бошқа фанлар.

Умуман олганда, Россия Федерациясида минтақашунос ўз малакасига кўра асосий, турдош ва ёрдамчи фанлар бўйича билим олади. Бу эса ушбу дипломга эга бўлган битирувчиларга давлат органларида, илмий ва таълим муассасаларида ишлаганда ушбу соҳада ёрдамчи, эксперт, маслаҳатчи, таржимон каби вазифаларини бажариш имконини беради.

Сўнгги йилларда Қозоғистон Республикасида минтақавий сиёсий тадқиқотлар ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2002 йилда Павлодар давлат университетида Минтақавий сиёсий тадқиқотлар маркази очилди[4].

---

[1] Баранов А. В. тенденции развития российской политической регионалистики как научного направления в 2010-х гг. https://doi.org/10.21638/11701/spbu23.2019.210 (мурожаат вақти 13.11.2021.)
[2] https://www.ucheba.ru/for-abiturients/speciality/57634
[3] https://vuzopedia.ru/spec/34
[4] https://netrefs.ru/ii-kongress-politologov-kazahstana.html?page=4

Аммо, шунга қарамай, сиёсий минтақашунослик алоҳида илмий фан сифатида тўлиқ шаклланмаган. Бугунги кунда мамлакатда сиёсий минтақашуносликнинг янги йўналиш сифатидаги шаклланиш жараёни эмпирик материалларнинг тўпланиши ва олимларнинг ихтисослашуви билан тавсифланади.

Сиёсий минтақашунослик Ғарб илм-фанида нафақат олий таълим муассасаларида ўқув курси сифатида, балки турли илмий институт ва муассасаларда олиб бориладиган амалий илмий тадқиқотларнинг бир тармоғи сифатида ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ илм-фанида фанлараро минтақашунослик тадқиқотлари кенг тарқалди. Урушдан олдин олий таълимда кам сонли профессорлар хорижда дарс берган ёки тадқиқот олиб борган. Урушдан кейин ҳам либераллар, ҳам консерваторлар АҚШнинг янги Совуқ уруш шароитида, шунингдек, Африка ва Осиёнинг мустамлакачиликдан чиқарилишидан кейинги даврда Совет Иттифоқи ва Хитойдан сезилаётган ташқи таҳдидларга самарали жавоб бера олишидан хавотирда эдилар.

Шу муносабат билан Форд жамғармаси, Рокфеллер жамғармаси ва Нью-Йоркнинг Карнеги корпорацияси бир қатор учрашувлар ўтказди, унда Қўшма Штатлар илм-фанидаги бўшлиқни тўлдириш учун халқаро тадқиқотларга сармоя киритиши кераклиги тўғрисида кенг миқёсдаги фикрлар юзага келди. Иштирокчилар сиёсатшунослар ва иқтисодчилар учун ривожланишга йўналтирилган йирик минтақавий муаммоларни ўрганувчи таҳлил марказлари миллий устуворлик эканлигини таъкидладилар. Бироқ, бир томондан, дунёнинг турли қисмлари ҳақида маданий ва тарихий билимларни ривожлантиришлари керак, деб қатъий ишонадиганлар, бошқа томондан, турли географик минтақаларда ўзгариш ва ривожланиш нуқталари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиши мумкин бўлган кенг қамровли тарихий назарияларни ишлаб чиқишга интилишлари керак деб ҳисоблаганлар ўртасида келишмовчилик мавжуд эди. Биринчиси минтақашунослик, иккинчиси модернизация назарияси тарафдорлари бўлди. Форд жамғармаси охир-оқибат Қўшма Штатларда минтақавий тадқиқотлар дастурини шакллантиришда асосий ўйинчига айланади[1].

1950 йилда жамғарма АҚШда минтақавий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш учун биринчи йирик миллий танлов бўлган нуфузли Хорижда стипендия дастурини (FAFP) ташкил этди. Дастур доирасида 1953 йилдан 1966 йилгача 34 та олий таълим муассасасига минтақашунослик ва тилни ўрганиш учун жами 270 миллион АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам ажратди. Бундан ташқари, ушбу давр мобайнида жамғарма семинарлар, конференциялар ва дастурларни

[1] Ellen Condliffe Lagemann, The Politics of Knowledge: The Carnegie Corporation, Philanthropy, and Public Policy (University of Chicago Press, 1992). – P. 178.

ўтказиш учун Ижтимоий фанларни ўрганиш кенгаши ва Америка илмий жамиятлар кенгаши томонидан бошқариладиган қўмиталарга миллионлаб доллар маблағ ажратди[1]. Кейинчалик, SSRC – ACLS қўшма қўмитаси FAFP бошқарувини ўз зиммасига олди. 1957 йилдаги Миллий мудофаа соҳасида таълим тўғрисидаги қонун, 1965 йилда Олий таълим тўғрисидаги қонун номига ўзгартирилди.

Ҳозирги кунга келиб, сиёсий минтақашунослик фани дунёнинг кўпгина олий таълим муассасаларида ўқитиш билан бирга, минтақавий жараёнлар комплекс тадқиқ қилинмоқда. Масалан, Лондон университетидаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби, Япониянинг Токио чет тиллар университети, Оксфорд университети қошидаги Фанлараро минтақавий тадқиқотлар мактаби [2], Швециядаги Лунд университети [3], Германиядаги Глобал ва минтақавий тадқиқотлар институти [4] ва Ҳиндистондаги Жавоҳарлал Неру университети [5] сиёсий минтақашунослик соҳасида қатор бакалавриат, магистратура, аспирантура йўналишлари ва дунёнинг турли минтақаларини қамраб олган йирик тадқиқот дастурларига эга.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, сиёсий минтақашунослик гуманитар фанлар тизимидаги янги ва жадал ривожланаётган соҳадир. Бу борада илғор хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир давлатда сиёсий минтақашунослик фанини академик ва илмий йўналиш сифатида ривожлантириш бугунги глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри шакллантириш ва амалга ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни тақдим этиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, мамлакатимизда ушбу соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида олий таълим муассасаларида *«Сиёсий минтақашунослик»* фани ўқитилиши ва бу соҳада комплекс тизимли тадқиқотлар олиб борувчи илмий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

---

[1] David L. Szanton, "The Origin, Nature and Challenges of Area Studies in the United States, " in The Politics of Knowledge: Area Studies and the Disciplines, ed. David L. Szanton (University of California Press, 2004). – P. 10–11.
[2] https://www.ucm.es/amelat/interes
[3] https://www.lunduniversity.lu.se/
[4] http://giga-hamburg.de/en
[5] http://www.jnu.ac.in/

Уткир ХУДАЙНАЗАРОВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

СИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ВА ПРОГНОЗЛАШ ФАНИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚИТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Дунёда мураккаб ва олдиндан башорат қилиш мушкул бўлган воқеликлар кўплаб учрамоқда. Янги таҳдид ва таҳликалар, сиёсий қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар пайдо бўлмоқда. Сиёсий воқеликдаги жараёнларнинг жадаллашуви, уларнинг одатий кечиш алгоритми (кетма-кетлиги)даги ўзгаришлар, сиёсий борлиқда айрим мавҳумликларни келтириб чиқармоқда. Айрим давлатларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида чуқур ва тўғри сиёсий таҳлил қилиш давлатлар учун яшаб қолишнинг замонавий шарт-шароитларидан бирига айланиб бормоқда. Бу барча давлатларга, хусусан, мустақилликни қўлга киритган ёш ва ривожланаётган давлатларга тегишлидир. Ушбу омиллар ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги чуқур таркибий ўзгаришлар янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни, ўқув жараёнини янги илмий-амалий фанларга қайта йўналтиришни талаб этмоқда. Замонавий дунёнинг ривожланиш тенденциялари объектив равишда инсон фаолиятининг сиёсат каби мураккаб соҳасидаги профессионал билимларни устувор даражага кўтарди. Жамият ҳаётининг сиёсий соҳасидаги ривожланиш қонуниятларини билмасдан, давом этаётган жараёнларни таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлмасдан туриб сиёсий соҳада профессионал бўлиш мумкин эмас.

Шу боис, «**Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш**» фани бугунги кунда республикамиздаги бир қатор олий ўқув юртлари, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби ўқув дастурларига киритилган. Мазкур ўқув фани шаклланишининг дастлабки босқичи республикамиздаги олийгоҳларнинг сиёсатшунослик йўналишидаги факультет ва кафедраларига уни янада ривожлантириш борасида алоҳида масъулият юклайди.

Таъкидлаш жоизки, «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фанини мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўқитишнинг аҳамиятига баҳо бериш учун, аввало, унинг моҳияти ва бугунги кунда хорижий давлатларда ўқитилиш кўлами ҳақида тушунчаларга эга бўлиш лозим.

Биз ушбу мақолада айрим мамлакатлар тажрибаси мисолида мазкур фаннинг ўқитилиши ва аҳамияти ҳақида қиёсий таҳлил орқали керакли билимларга эга бўлишга ҳаракат қиламиз. Адабиётларни ўрганиш натижалари «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фани ижтимоий-сиёсий

фанлар тизимидаги амалий фанлардан бири эканлигини кўрсатмоқда. Унинг асосий мақсади талабаларда амалда рўй бераётган сиёсий жараёнларни англаш, таҳлил қилиш ва натижалари ўлароқ прогноз бера олиш қобилиятини шакллантириш, шунингдек, талабаларни сиёсий жараёнлар тўғрисида холис ва мустақил фикрлашга ўргатиш, фуқаролик позициясини ва масъулиятини тарбиялаш, етук мутахассис сифатида жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишлари учун замин яратишдир.

«Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фани қуйидаги вазифаларни ўз ичига қамраб олади:

- талабаларга ушбу фаннинг мазмуни, моҳияти, предмети, таркиби тўғрисида дастлабки тушунча ва тасаввурларни бериш;
- талабаларга замонавий сиёсий тадқиқотларнинг методик таъминоти тўғрисида аниқ тасаввур бериш;
- сиёсий масала ва муаммолар бўйича эмпирик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш;
- амалий сиёсатшуносликнинг энг кенг тарқалган усулларидан фойдаланишга ўргатиш;
- сиёсий қарорларни қабул қилишда сиёсий анализ ва прогнозлашнинг ўрни муҳимлигини англатиш;
- тадқиқот натижаларини тўғри ифодалаш ва тақдим этишни ўргатиш;
- сиёсий анализда муаммони аниқлаш методларини билиш, прогнозлаш ва сиёсий режалаштиришни амалга ошириш[1].

Шу ўринда, мазкур фаннинг моҳиятини батафсил англаш учун «сиёсий таҳлил»нинг илмий таърифига ҳам тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз. Сиёсий таҳлилнинг фан сифатида ёки бир нечта фанларнинг кесишувидаги фанлараро назарий ва услубий мазмуни, тегишли билим ва кўникмаларни қўллаш соҳаларининг хилма-хиллиги, профессионал амалиётнинг кўплаб йўналишлари ва бошқарув жараёнига киритиш механизмлари каби хусусиятлари сиёсий анализ мавзусини амалий фан сифатида тўғри белгилаш вазифасини жуда мураккаблаштиради. Илмий адабиётларда ушбу масала юзасидан турли фикрларни, баъзан ноаънанавий ёндашувларни кўрамиз. Жумладан, А. Вилдавски, У. Данн ва Э. Куэйд сингари сиёсий таҳлилнинг асосчи ва классиклари, янги фанга тушунча бериш қийинлигини билган ҳолда унга якуний таъриф беришмаган, балки бошқа изоҳ ва талқинларга ўрин қолдирган ҳолда умумий ва кенг таъриф беришни афзал кўришган.

Илмий билим ва методдан кўра, ўз касбини «санъат ва ҳунар» нуқтаи назаридан тавсифлашни афзал кўрган А. Вилдавски сиёсий таҳлилнинг муаммога йўналтирилган хусусиятини таъкидлайди ва уни ижтимоий

---

[1] Туронок С.Г. Политический анализ и прогнозирование: учебник для вузов / С.Г.Туронок. – Москва: «Юрайт», 2020. – С 10.

муаммоларни шакллантириш ва ҳал қилиш билан боғлиқ фаолият сифатида белгилайди[1].

Ўз ўрнида У.Данн қарор қабул қилиш билан сиёсий анализнинг ўзига хос алоқасига ишора қилиб, уни «билимларни ишлаб чиқариш фаолияти «О» ва сиёсий қарор қабул қилиш жараёни «Б»[2], – деб таърифлайди .

Бир қатор таърифларда сиёсий таҳлил ижтимоий-техник фанлар ёки «ижтимоий инжиниринг санъати»[3], эканлиги қайд этилади. Масалан, Э. Куэйд сиёсий таҳлилни «социотехник муаммолар ҳақидаги тушунчаларимизни янада кенгайтирувчи ва уларни ҳал этишнинг энг яхши йўлларини аниқлашни мақсад қилган амалий тадқиқот шакли»[4], деган хулосага келади.

Ушбу йўналишнинг асосчилардан бири бўлган Г. Лассвелнинг берган классик таърифига кўра, «сиёсий анализ фан сифатида жамиятда сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини тушунтирган ёки сиёсий-бошқарувдаги муаммоларни ҳал этишнинг рационал методларни ишлаб чиқиш учун зарур маълумотлар билан таъминлаган тақдирда у сиёсий-бошқарув фанларига тааллуқли бўлиши мумкин»[5].

Ўзбек олимларининг фикрича, «сиёсий таҳлил бу – муайян сиёсий воқелик ва сиёсий вазиятни ўрганиш воситасида ишлаб чиқиладиган турли илмий услублар мажмуи, оқилона сиёсий қарорлар қабул қилиш учун таклифлар мажмуини ишлаб чиқиш жараёнидир»[6].

Келтирилган таърифлар таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни мазмунан тўлиқроқлигига эътиборингизни қаратамиз: «Сиёсий таҳлил – бу ижтимоий ва сиёсий қарорлар қабул қилувчилар учун тавсиялар ишлаб чиқиш, ушбу қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ёки унга таъсир қилиш учун фанлараро назарий ва услубий асосда муаммоли вазиятларни таҳлил қилувчи ва башорат қилувчи амалий сиёсий ва бошқарув фанидир»[7].

Юқоридаги таърифлардан кўринадики, сиёсий таҳлил ва прогнозлаш фани амалий фанлардан бўлиб, сиёсий-бошқарув билан бевосита боғлиқдир.

«Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» ўқув фани сиёсий воқеликни таҳлил қилишнинг барча жиҳатларини, шу жумладан, вазиятни таҳлил қилиш, сиёсий моделлаштириш, сиёсий прогнозлаш ва сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнини таҳлил қилишни кўриб чиқишга қаратилади. Талабалар

---

[1] Қаранг. Wildavsky A. Speaking Truth to Power. The Art and Craft of Policy Analysis. – P. 3
[2] Қаранг. Dunn W.N. Public Policy Analysis: An Introduction. 2012. – P. 9.
[3] Қаранг. Blackwell Encyclopedia of Political Science. London, 1996. – P. 432–433; Quade E. Analysis for Public Decisions. Englewood Cliffs, 1989. – P. 4.
[4] Quade E. Analysis for Public Decisions. – N.Y., 1982. – P. 5.
[5] Қаранг. Lasswell H. Power and Personality. – N.Y., 1948. – P.120
[6] Джумаев Р.З., Мадаминова Д.И., Мустапова Х.И., Суюнова Б.С. Сиёсий таҳлил: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДШУ, 2020. – 4-б.
[7] Туронок С.Г. Политический анализ и прогнозирование: учебник для вузов / С.Г.Туронок. – Москва: «Юрайт», 2020. – 26-с.

сиёсий таҳлилнинг моҳияти, унинг асосий қонуниятлари ва жамиятнинг сиёсий соҳасини ўрганишдаги аҳамиятини ҳар томонлама тушунишлари керак.

Сиёсий таҳлил билан мутахассисларнинг махсус гуруҳи шуғулланади, булар – технологлар, аналитиклар, экспертлар, маслаҳатчилар, жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилувчи мутахассислар (пиарменлар), партия аппаратларининг ходимлари, сиёсатчиларнинг ёрдамчилари. Улар сиёсатчиларга, турли сиёсий тузилмалар ва давлат бошқаруви идораларига хизмат кўрсатади. Бу мутахассислар турли тавсия ва таклифларни илгари суради; давлат ва партия идораларининг фаолиятига доир башорат, режа, дастурлар ишлаб чиқади; бошқарув идоралари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиладиган таҳлилий маълумотлар беради; аниқ сиёсий муаммоларнинг ечимини осонлаштиришга йўналтирилган бошқа ҳужжатларни тайёрлайди[1].

Шу ўринда сиёсий таҳлилдан фойдаланиш сиёсий жараёнларнинг барча субъектлари учун зарурлигини унутмаслик лозим. Бироқ, унинг қўлланилиши давлат ҳукумати тузилмалари учун ўта муҳимдир. Чунки, улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар сиёсий жараёнларга энг кўп таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Россиялик сиёсатшунослар сиёсий таҳлил соҳасида Россия Шимолий Америка ва Ғарбий Европа давлатларидан ўнлаб йил орқада қолган[2], деб ҳисоблашади. Ушбу хулосада улар мазкур фан институтционаллашуви, соҳага оид чоп этилган адабиётлар ва бошқа у билан боғлиқ жараёнлар хронологиясига асосланишади.

Сиёсий таҳлилнинг жадал ривожланиши урушдан кейинги даврда Қўшма Штатларда бошланди. Бу, асосан, АҚШ ва собиқ Совет Иттифоқи ўртасидаги ядро қарама-қаршилиги билан боғлиқ ҳолат эди. Мамлакатда нодавлат аналитик марказлар – «ақл трестлари» (brain trusts) ва «ақл марказлари» (think tanks) ташкил этила бошланди. Жумладан, 1948 йилда «РЭНД» корпорацияси[3] ташкил этилди. Бир оздан кейин Брукингс институти, Мерос фонди, Урбанистика Институти ва бошқалар пайдо бўлди. Натижада, 60-йилларнинг охирига келиб, Қўшма Штатларда хусусий амалий сиёсий таҳлилнинг бутун бир индустрияси ривожланди. Бугунги кунда АҚШ 2200 дан ортиқ «ақл марказ»лари билан дунёда биринчи ўринда туради[4].

---

[1]Джумаев Р.З., Мадаминова Д.И., Мустапова Х.И., Суюнова Б.С. Сиёсий таҳлил: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДШУ, 2020. Б. 21-22.

[2]Дегтярев А.А. Прикладной политический анализ. Электронный учебник для студентов-политологов. – Москва: МГИМО (у) МИД РФ, 2010. – С. 5-6. https://mgimo.ru/files2/2013_05/up24/file_59082ae315107afb4191f31a25971edd.pdf. Мурожаат санаси: 06.11.2021 йил.

[3]Сиёсий таҳлил бўйича илк ўқув қўлланмалар айнан «РЭНД»да тайёрланган. Quade E. 1989. Analysis for Public Decisions. Englewood Cliffs. Квейд Э. 1969. Анализ сложных систем (Методология анализа при подготовке военных решений). М.

[4]2020 Global Go To Think Tank Index Report // https://repository.upenn.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1019&context=think_tanks.

1960–1970 йилларда университетларда сиёсий таҳлил фан сифатида институционаллаша бошлади. Жумладан, 1960-йилларнинг охиридан бошлаб дастлаб Калифорнияда (Беркли), сўнгра АҚШнинг бошқа етакчи университетларида **амалий сиёсий таҳлил** бўйича ихтисослаштирилган курслар ва дастурлар яратилди ҳамда ушбу мутахассислик бўйича магистрлар ва фан докторлари тайёрлана бошланди[1].

Шу билан бирга, **сиёсий таҳлилнинг махсус профессионал соҳага айланиши тезлаша** борди. Федерал, минтақавий ва муниципал даражадаги давлат органларида **таҳлилий бўлинмалар** тузила бошланди (ёки кенгайтирилди) ва уларнинг штат жадвалларида стандарт «**таҳлилчи**» бирлиги пайдо бўлади.

Маълумки, муайян фан институционаллашувининг энг муҳим таркибий қисми – бу профессионал ҳамжамиятни шакллантириш ҳамда ихтисослашган **журналлар ва профессионал ассоциацияларни** яратишдир. Ушбу жараён АҚШда 1970–1980 йиллардаёқ юз берди. Сиёсий ва маъмурий масалалар ҳамда амалий сиёсий таҳлил масалаларига бағишланган бир қатор журналлар пайдо бўлди. Хусусан, 1970 йилда «Сиёсий фанлар» (Policy Sciences)[2], «Сиёсий тадқиқотлар журнали» (Policy Studies Journal), «Сиёсий тадқиқотлар шарҳи» (Policy Studies Review), 1981 йилда «Сиёсат ва бошқарув (менежмент) таҳлили журнали» (Journal of Policy Analysis and Management –JPAM)[3] ва бошқалар.

1972 йилда таҳлилчиларнинг профессионал ассоциациялари ўз таркибига, асосан, сиёсатшуносларни бирлаштирган Сиёсий тадқиқотлар Ташкилоти (Policy Studies Organization – PSA) [4] ва 1979 йилда ҳозирги кунда 2 мингдан ортиқ амалиётчи таҳлилчилар ва университет олимларини ўз ичига олган Оммавий сиёсат таҳлили ва менежменти Ассоциацияси (Association of Public Policy Analysis and Management – APPAM)[5] шаклланди.

Европада сиёсий таҳлилнинг институционаллашув жараёни АҚШдагига нисбатан секинроқ кечган. Чунки, фаннинг минтақа давлатларига кириб келиши ва ривожланиши бир хил бўлмаган. Академик фан сифатида Европа мамлакатларида амалий сиёсий таҳлилнинг асосий шаклланиш даври 1980-йилларга тўғри келди[6]. Айнан шу даврда Буюк Британияда

---

[1] Дегтярев А.А. Политический анализ как прикладная дисциплина: предметное поле и направления развития // Политические исследования. 2004. № 1.
[2] Society of Policy Scientists. https://policysciences.org/
[3] APPAM расмий сайти. Journal of Policy Analysis and Management (JPAM). https://www.appam.org/news/jpam/. Мурожаат санаси: 07.11.2021.
[4] "News and Notes". Administrative Science Quarterly. 17 (3): 410–415. 1972. JSTOR 2392155
[5] APPAM расмий сайти. General Info. History. https://www.appam.org/about-appam/general-info/. Мурожаат санаси: 07.11.2021.
[6] Қаранг: Wollman H. 1989. Policy Analysis in West Germany’s Federal Government: A Case of Unfinished Governmental and Administrative Modernization? — Governance: An International Journal of Policy and Administration, vol 2, № 3; Smith A. 1999. Public Policy Analysis in Contemporary France: Academic Approaches, Questions and Debates. – Public Administration, vol. 77, № 1.

сиёсий таҳлил бўйича университет курслари пайдо бўлди. Бир қатор университетларда (Бирмингем, Бристол, Лондон ва бошқалар) давлат бошқарувида махсус дастурлар яратилди. Уоррик университетида академик фан ва амалий сиёсатни бирлаштириш ва муниципал бошқарувга сиёсий таҳлилни қўллаш бўйича ноёб тажриба яратилди. Хусусан, давлат бошқаруви соҳасида магистрларини тайёрлашнинг намунавий дастурини яратиш билан бир қаторда, ушбу даргоҳда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш Консорциуми ташкил этилди.

Бугунги кунда айрим маълумотларга кўра, АҚШ университетларида 634 та, Буюк Британияда 324 та, Австралияда 34 та ва Швецияда 15 та сиёсатшунослик бўйича бакалавр ўқув дастурлари мавжуд. Аслида бу рақам ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Чунки, АҚШдаги университетларнинг деярли барчасида сиёсатшунослик фани ўтилади[1].

Рус олимларининг Россияда сиёсий таҳлил фанининг нисбатан кечроқ ривожлана бошлаганлиги ҳақидаги эътирофига қарамасдан, ушбу мамлакатда ҳам сиёсий таҳлил соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш зарурлиги 90-йиллардаёқ илмий доиралар томонидан англаб етилганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

1991 йилдан бошлаб М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг (МДУ) бир нечта факультетларида сиёсий таҳлил бўйича курслар ташкил этилди. 1991–1996 йилларда МДУнинг социология факультетида дастлаб «Ситуационный политический анализ» деб номланган, кейин эса «Прикладной политический анализ»га ўзгартирилган махсус курс ўтилди. 1993 йилда олийгоҳнинг фалсафа факультетида сиёсий таҳлил бўлимига эга «Прикладная политология», 1997 йилдан университетнинг давлат бошқаруви факультетида «Политический анализ» курсидан дарслар ташкил қилинди. 1996 йилданоқ Москва ижтимоий ва иқтисодий фанлар олий мактаби сиёсий фанлар факультетида ҳам «Амалий сиёсий таҳлил» курсидан дарслар берила бошланди[2]. 2000 йилдан сиёсий фанларнинг бакалавр ва магистратура умумихтисослик йўналиши реестрига «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» мутахассислиги киритилди. Бундан ташқари, давлат ва нодавлат соҳадаги ахборот-таҳлилий тузилмалар («ақл марказлари») ташкил этилди [3] . Бу ҳам сиёсий таҳлил соҳасининг институтционаллашувини кўрсатувчи мезонлардан бири ҳисобланади.

---

[1]Файзуллаев А. В защиту политологии. Электрон ресурс. https://www.gazeta.uz/ru/2017/06/09/political-science/. Мурожаат санаси: 06.11.2021

[2] Дегтярев А.А. Политический анализ как прикладная дисциплина: предметное поле и направления разработки // Политические исследования. 2004. № 1. – С. 154-168.

[3] «Global Go To Think Tank Index Report 2020» халқаро рейтингига кўра Россия 143 та «ақл маркази» билан дунёда 12 ўринда туради. Ушбу рейтинга кўра, Қозоғистонда 43 та, Қирғизистонда 29 та, Ўзбекистонда 13 та ва Тожикистонда 9 та «ақл маркази» мавжуд.

Бугунги кунга келиб, Россиянинг ўнлаб олийгоҳларида «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фанидан дарслар ўтилмоқда [1] . Фанга оид кўплаб адабиётлар чоп этилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда[2].

Юқорида келтирилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фан сифатида АҚШ ва Ғарбий Европада жойлашган ривожланган мамлакатларда нисбатан илгарироқ ривож топган ва ҳозирда олий ўқув юртларида кенг ўқитилмоқда. Бу борада постсовет ҳудудидаги республикалар, шу жумладан, Россияда ҳам илдам қадамлар қўйилмоқда. Демак, ушбу фанни ривожлантириш биз учун ҳам долзарб.

Шуни таъкилаш жоизки, авваллари сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва прогнозлашда, асосан, алоҳида бир сиёсатчининг ички сезги ва идроки (интуицияси)га таяниб келинган бўлса, бугунги кунда ушбу вазифани адо этишда қатъий илмий асосда амалга оширадиган фаолият устунлик. Чунки, хорижда сиёсий таҳлил аллақачон ҳар томонлама ишлаб чиқилган ва қатъий илмий қонуниятларига эга бўлган комплекс назарияга айланиб улгурган.

---

[1] Қуйидаги олий ўқув юртларида «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фанини ўтиш бўйича ишчи дастурлар тасдиқланган: Владивостокский государственный университет экономики и сервиса (2007 йилда), Дальневосточный федеральный университет (2011), Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики» (2012), Башкирская Академия государственной службы и управления при Президенте Республики Башкортостан (2013), Саратовская государственная Юридическая академия (2012), Саратовский государственный социально-экономический университет (2013), Московский государственный лингвистический университет (2014), Московский государственный институт международных отношений (университет) МИД России (2014), Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова (2014), Казанский (Приволжский) федеральный университет (2014), Белгородский государственный национальный исследовательский университет (2014), Финансовый университет при правительстве Российской федерации (2017), Негосударственная автономная некоммерческая организация Высшего образования «Институт мировых цивилизаций» (2018), Автономная некоммерческая организация высшего образования «Открытый институт» (2019).

[2] Соловьев А.И. Политология: Политическая теория, политические технологии: Учебник для студентов вузов. – Москва: «Аспект Пресс», 2000. – 559 с.; Симонов К.В. Политический анализ: Учебное пособие. – Москва: Логос», 2002. –152 с; Туронок С.Г. Политический анализ: Курс лекций: Учеб. Пособие. – Москва: «Дело», 2005. – 360 с.; Боришполец К.П. Методы политических исследований: Учеб. пособие для студенов ВУЗов / К.П. Боришполец. – Москва: «Аспект Пресс», 2005. – 221 с.; Ахрименко А.С. Политический анализ и прогнозирование : учеб. пособие / А.С. Ахременко. – Москва: «Гардарики», 2006. – 333 с.; Ожиганов Э.Н. Стратегический анализ политики: Теоретические основания и методы: Учеб. пособие для студентов вузов / Э.Н. Ожиганов. – Москва: «Аспект Пресс», 2006. – 272 с.; Алтунян А.Г. Анализ политических текстов: Учебное пособие. – Москва: Университетская книга; «Логос», 2006. – 384 с.; Беляева Н.Ю., Зудин А.Ю. Основы политического анализа. Учеб. пособие. – Москва: 2007. – 116 с.; Авторский коллектив. Политический атлас современности: Опыт многомерного статистического анализа политических систем современных государств. – Москва: Изд-во «МГИМО – Университет», 2007. – 272 с.; Ожиганов Э.Н. Моделирование и анализ политических процессов. Учеб. пособие. – Москва: РУДН, 2009. – 189 с.; Дегтярев А.А. Прикладной политический анализ. Электронный учебник для студентов-политологов. – Москва: МГИМО (у) МИД РФ, 2010; Попова О.В. Политический анализ и прогнозирование: Учебник / О.В. Попова. – Москва: «Аспект Пресс», 2011. – 464 с.; Туронок С.Г. Политический анализ и прогнозирование: учебник для бакалавриата и магистратуры / С.Г. Туронок. – Москва: Издательство «Юрайт», 2016. – 291 с. – Серия: Бакалавр и магистр. Академический курс; Ахременко, А.С. Политический анализ и прогнозирование. В 2 ч. Часть 1: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / А. С. Ахременко. – 2-е изд., испр. и доп. – Москва: Издательство «Юрайт», 2018. – 180 с.; Богатуров А.Д. Международно-политический анализ: Научное издание / – Москва: Издательство «Аспект Пресс», 2019. – 208 с.; Туронок С.Г. Политический анализ и прогнозирование. Учебник. – Москва: Изд-во «Юрайт», 2020.

Ушбу назария ва амалиётни пухта эгаллаган сиёсий таҳлил субъектлари бўлмиш эксперт ва «ақл марказлари» амалдаги сиёсатчилар, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларга асосланган таклиф ва тавсиялар беришга қодир.

Мамлакатимиз босқичма-босқич ривожланиш сари илдамлаб бормоқда. Давлат Раҳбари томонидан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси эълон қилинди. Кенг кўламли ислоҳотлар давом этмоқда. Ўз навбатида ушбу жараёнлар моҳиятини тушуниш ва англаш, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш йўлларини илмий баҳолаш, олдимизда турган имконият ва таҳдидлар, сиёсий ва бошқа таҳликаларни, шунингдек, олдимизга қўйилган марраларга эришиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳукумат, сиёсий партиялар ва маҳаллий ҳокимият органлари қандай ишлаётганлигини таҳлил қилиб бориш ҳамда сиёсий қарор қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фанини ривожлантириш учун истиқболда қўйидагиларни амалга оширишни таклиф этамиз:

1) «Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш» фанидан давлат тилида ўқув қўлланма, дарслик ва методик қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш;

2) ўқув жараёнининг амалиётга йўналтирилганлигини таъминлаш мақсадида сиёсат ва таҳлил йўналишида юқори натижаларга эришган олийгоҳ битирувчилари билан учрашувлар ташкил этиш, сиёсатчиларнинг маърузаларини ташкил этиш, шу жумладан, сиёсатчиларни, экспертларни, сиёсат соҳасида етук мутахассисларни таклиф этиш;

3) сиёсий партиялар фаолиятини таҳлил қилиш, электорат манфаатини ҳисобга олган ҳолда ташаббусларни амалга ошириш, сиёсий жараёнларда асосли ҳамда долзарб таклиф ва ғоялар билан фаол иштирок этиш мақсадида юртимиздаги сиёсий партиялар таркибида алоҳида ахборот-таҳлилий тузилмаларни ташкил этиш ҳамда уларнинг давлат ва нодавлат «ақл марказлари» билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

4) олий ўқув юртларида тегишли факультетлар ўқув жараёнига мутахассислик соҳаси бўйича таҳлилий ҳужжат ва мақола ёзиш курсларини киритиш, улар қошида ихтисослашувдан келиб чиқиб «ақл марказлари» ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига билимдон ёшларни жалб этиш;

5) вазирлик ва идоралардаги ахборот-таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир идора фаолиятига хос бўлган маълумотларни қидириш, қайта ишлаш, сақлаш, ҳужжат тайёрлаш ва тақдим этиш ҳамда сиёсий таҳлилга оид қўлланиладиган методларни ўз ичига олган ўзбек тилидаги адабиётлар сонини кўпайтириш. Ушбу жараёнга нодавлат хусусий «ақл марказлари»ни ҳам ҳамкорлик асосида жалб этиш.

Хайрулла УМАРОВ, сиёсий фанлар номзоди доцент
(Тошкент давлат шарқшунослик университети)

ГЕОСИЁСАТ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Замонавий халқаро муносабатларда кечаётган жараёнлар моҳиятини тушунишда Геосиёсат фанининг аҳамияти катта. Бугунги кунда геосиёсат фан сифатида кўплаб мамлакатларда расмий тан олиниб, ўзига хос мавқени эгалламоқда. Сиёсий жараёнларни таҳлил этишда геосиёсий методология асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Аммо, баъзи ҳолларда мазкур ибора фақат тор маънода қўлланилиб, ўзининг асосий маъно ва моҳиятини, яъни тўлиқ ва глобал масалалар юзасидан эмас, балки тор минтақавий муаммолар ёки геоиқтисодий масалаларни ёритиш борасида йўқотиб бормоқда. Бу борада геосиёсат фанининг асосий қоидалари – геосиёсий дуализм, стратегиялар рақобати, цивилизацион фарқланишлар тушириб қолинади ёки айрим ҳолларда тан олинмайди.

Ҳар бир давлат ташқи сиёсатини тадқиқ этиш ва баҳолашда, аввало, унинг геосиёсий ҳолатига баҳо бериш зарур бўлади. Зеро, ушбу омил давлат ташқи сиёсатининг шаклланиши, ундаги устувор йўналишлар, ҳарбий-сиёсий доктрина ва концепциялар мазмунини ўрганишда асосий ўрин эгаллайди. Сиёсий қарорлар қабул қилишда ҳар бир давлат ўз тамаддуни, географик хусусиятлари, тарихий ва маданий урф-одат ва анъаналаридан келиб чиқади.

Давлат бошқаруви, ҳудудларни қўлга киритиш, уларни сақлаб қолиш, ислоҳотларни амалга ошириш муаммолари қадимдан долзарб масалалар сирасига кирган. Қадим даврларда геосиёсий муаммолар, гарчи таълимот сифатида тўлиқ шаклланмаган бўлса-да, айрим тарихий шахслар томонидан ҳам ёритиб берилган. Мисол тариқасида Амир Темурнинг «Тузуклар»[1]и, Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри»[2], Кайковуснинг «Қобуснома»[3]си, Низом ул-Мулкнинг «Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук» [4] и асарларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек геосиёсий фанининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар М. Беҳбудийнинг «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия» асарида: «Ер юзидаги катта ҳодисалар илу уруғ, ҳукуматдорлик, хулоса ер устиға бўлган воқеалар тўғрисинда ҳар бир навъ ишни ушбу илмға баён қилиб, жуғрофия калимасини охирига ўшал ишга тааллуқ илм ва фанни оти қўшиладир. Чунончи, «жуғрофияи тарихий», «жуғрофияи сиёсий», «жуғрофияи умроний» ва бошқалардек. Хулоса, бу замонға жуғрофия илми дунёни ва андаги халойиқ, ҳайвонот, умронот (ободлик) ва ҳарнаки дунёға

---

[1] Темур тузуклари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 144 б.
[2] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, «Мерос», 1993. – 224 б.
[3] Кайковус. Қобуснома. [Форсчадан М.Ризо Огаҳий тарж.]. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: «Истиқлол», 1994. – 173 б.
[4] Низом ул-Мулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук. – Тошкент: «Адолат», 1997. - 256 б.

бордур, билдиратурғон кераклик бир илми жаҳоннамодир»[1], деб очиб берилади.

The World Book Encyclopedia қомусида «геополитика» «географик муҳитдан келиб чиққан ҳолда, жаҳон сиёсати тараққиётини талқин этишга интилади», деб таърифланади. «Мазкур назарияга биноан жаҳон саҳнасида «жой»нинг камлиги дунё мамлакатларининг яшаб қолишлари учун ўзаро кураш олиб боришларига асосий сабаб деб қаралади. Геополитика географик жой ва ташқи сиёсат ўртасидаги алоқадорликни кўрсатишга интилади... Географлар, тарихчилар ва сиёсатшунослар географиянинг ташқи сиёсатга таъсирини ўрганадилар», деб изоҳланади[2].

Геосиёсат фан сифатида хавфсизлик борасида мавжуд таҳдидлар моҳиятини тўғри англаб етишга, холисона баҳолаш ҳамда муқобил равишда тегишли чоралар ишлаб чиқиш кўникмасининг шаклланишига кўмак беради. Хавф-хатарлар манбаини аниқлаш, уларнинг табиатини тўғри тушуниш ва таҳлил этишда сабаб-натижа муносабатларига тегишли равишда баҳо беришда талабаларда кўникмалар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Америкалик сиёсатшунос С.Коэннинг фикрларига кўра: «... ҳар қандай сиёсий тизим агар шу мамлакатда маълум ижтимоий-сиёсий қарашлар йиғиндисидан ташкил топмаган бўлса, у бирор-бир мамлакатда барқарор сақланиб қола олмайди[3]. Мазкур сиёсий тизим, аввало, шу мамлакат, шу миллатнинг ижтимоий-тарихий, миллий-маданий, географик, диний ва шаклланишнинг бошқа турлари, шунингдек, ҳар бир миллат эволюцияси ва миллий ўзликни англаш жараёни билан узвий равишда боғлиқ. Ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини эса айнан геосиёсат фани изоҳлаб беради.

Иқтисодиёт ва сиёсат ўртасидаги ўзаро муносабатларга баҳо беришда ижтимоий-маданий ва тарихий шарт-шароитларни кузатиш, ўрганиш лозим. Француз дипломати Жюль Камбон ўзининг «Дипломат» асарида: «Сиёсатда, амалий механикадагидек, кучлар нисбатини ўлчаётганда қарама-қаршиликни ҳам эътиборга олиши керак», деб таъкидланади[4].

Ҳар бир давлат миллий манфаатларининг шаклланиши, уларни таъминланиши ва амалга оширилишида ички ва ташқи механизмлар, сиёсий институтлар тизимини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Геосиёсат фани айнан шу каби қонуниятларни ўрганади, уларни изоҳлаб беради.

АҚШ Президенти Джон Куинси Адамс: «Фарзандларим математика ва фалсафани ўрганишлари учун мен сиёсат ва урушни ўрганишим лозим. Менинг ўғилларим эса ўз фарзандларига тасвирий санъат, шеърият, мусиқа, архитектура, ҳайкалтарошлик, гобеленлар ва кулолчиликни ўрганиш

[1] Беҳбудий М. Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия // Беҳбудий М. Танланган асарлар. 2-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – 223-б.
[2] The World Book Encyclopedia. – Chicago, London, Sydney, Toronto, 1994. Vol. 8. Printed in The United States of America. – P. 106–107.
[3] Гаджиев К.С. Политическая наука. 2-е издание. – Москва: «Международные отношения», 1995. – С. 349.
[4] Камбон Ж. Дипломат. – Москва: «Политическая литература», 1946. – С. 18.

ҳуқуқини таъминлашлари учун математика, фалсафа, география, тарих, кемасозлик, навигация ва савдони ўрганишлари шарт».

Ҳар бир фаннинг назарияси методология билан бевосита боғлиқ. Бир томондан, назариялар тараққий топиб методологиянинг бир қисмига айланади. Бошқа томондан, аввалдан методлар асосида олинган янги билимлар асосида янги назария юзага келади. Билиш ва абстракт тушунчалар борасида тафаккур қилиш жараёнида илмий атама ва категориялар методологик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Геосиёсий таълимотда турли мактабларнинг мавжудлиги ва қарашларнинг хилма-хиллиги негизида методологияни чуқур англаб олиш долзарб масалалар сирасига киради. Бу эса талабаларда таҳлил қилиш кўникмаларининг шаклланиши, танқидий таҳлил тафаккурининг юзага чиқишида муҳим омил бўлади ва, табиийки, жаҳондаги геосиёсий марказлар фаолиятининг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Геосиёсат фанини олиб боришда профессор-ўқитувчи муайян геосиёсий назарияга оид саволлар орқали талабаларни йўналтириб бориши; сиёсий жараёнлар қандай асосий ғоя ва концепциялар асосида ривожланиши; муаммонинг сиёсий ечими нималардан иборат бўлиши; аналогия методини қўллаган ҳолда тарихда қандай воқеа-ҳодисалар бўлгани ҳамда қандай омиллар воқеалар ривожига таъсир кўрсатганлигини кўрсата билишлари керак бўлади.

Геосиёсат фанининг тизимли асосда ўқитилиши талабаларда ташқи сиёсат борасида сиёсий қарорлар қабул қилиш кўникмаси ҳамда таҳлилий тафаккурнинг шаклланишига хизмат қилади. Ташқи сиёсат ҳамда миллий хавфсизлик масалаларини тизимли асосда ва комплекс равишда тадқиқ этувчи малакали кадрларни тайёрлашда ҳам у муҳим омил саналади.

Адхам ХАМДАМОВ, сиёсий фанлар номзоди,
Жавохир ДЕДАМИРЗАЕВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

ЭТНОПОЛИТОЛОГИЯ – ФАННИНГ ШАКЛЛАНАЁТГАН СОҲАСИ СИФАТИДА

Иккинчи жаҳон урушидан кейин колониал тизимнинг емирилиши натижасида дунё харитасида ўзгаришлар юз берди, бир қатор янги давлатлар ташкил топди, айримлари ўз мустақиллигини эълон қилди. Ушбу давлатлар таркибида кўп сонли миллатдан ташқари бошқа оз сонли этник гуруҳлар ҳам бўлиб, буни натижасида барча учун бирдек бўлган сиёсат олиб бориш қийин бўлиб қолди. Бундай вазият ҳар бир элатни ўзига хослигидан

келиб чиқиб, давлат бошқарувини йўлга қўйиш лозимлигини тақозо этди. Мазкур масала сиёсатшуносликнинг янги бир йўналиши бўлган этнополитология фанининг шаклланишига замин яратди.

Этнополитологияни фан сифатида янада шаклланишига эҳтиёж XX асрнинг охирги чорагида давлатлар ичидаги этнополитик муаммоларга ечим топиш зарурати билан янада кучайди. Унинг ривожланишига дунёнинг кўплаб минтақаларида авж олаётган миллатчилик ва қуролли низолар, этно-ҳудудий тамойилга асосланган СССР давлатининг инқирозга учраши, Югославия ва Чехословакиянинг парчаланиши, МДҲ давлатларидаги этник масалаларнинг долзарблашуви сабаб бўлди. Бугунги кунда кўплаб давлатларнинг аҳолиси бир қанча этник гуруҳларга мансублиги билан ажралиб туради. XX асрнинг сўнгида миллий статусга эга бўлган давлатларда этник озчиликлар муаммоси кескинлашиб, миллий масалани сиёсийлашувига олиб келди[1].

Ҳозирги кундаги баъзи ҳисоб-китобларга кўра, дунёда 160 дан ортиқ этник конфликтли ҳудудлар мавжуд. Сўнгги 20 йил ичида этник низолар кенгайиб зўравонликка айланмоқда. Стенфорд университети тадқиқотчилари Ж. Фирон ва Д. Лейтин «Ҳар йили дунёда ўртача икки ёки учта янги этник низолар вужудга келмоқда», деб тахмин қилишмоқда[2]. Бунинг натижасида маълум бир давлат ҳудудида истиқомат қилувчи бир қанча миллат ва элатни ўз этник мансублигидан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритишга жиддий эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Бу эса, этнополитология соҳасини фан сифатида ривожлантириш зарурлигини тақозо этади.

Бироқ нисбатан узоқ тарихга эга бўлган фундаментал фанлардан фарқли ўлароқ, этнополитология, этносоциология ўз предмет соҳасини шакллантириш, концептуал қарашларни аниқлаштириш, назарий тушунчаларни ривожлантириш босқичида турибди. Миллий сиёсат ва унга алоқадор янги тадқиқот соҳаси бўлган этнополитология, инсониятнинг этник хилма-хиллиги ҳодисаси бир неча минг йиллардан бери мавжуд бўлишига қарамай, XX асрнинг охири – XXI аср бошларида шакллана бошлади. Ушбу сиёсат объектининг бундай кеч тан олинишига тадқиқотчи Ф. Беккер ўз фикрини билдиради. Унинг фикрича, «1970-йилларнинг ўрталарига қадар этник фарқлар модернизация жараёнида йўқолиши ҳақида кенг қараш мавжуд эди. Шунинг учун этник масалалар фақат учинчи даражали омил сифатида қаралди ва ўша даврда шаклланган умумий фикрларга кўра, этник фарқлар масаласи тарихнинг пастки қисмида жойлашиши мумкин эди»[3].

[1] Тишков В.А., Шабаев Ю.П. Этнополитология: политические функции этничности: Учебник для вузов. – Москва: Издательство Московского университета, 2011. – С. 3.
[2] Этнические войны // Яран Сувар: этнокультурный портал. URL: http://www.yaran-suvar.ucoz.ru/news/ehtnicheskie_vojny/2011–08–14–434.
[3] Suleimanova Sh. S., Ryabova N.L. New media and modern political processes, Council on inter-ethnic relations under the President of the Russian Federation (2016). – P. 2.

Яъни, ушбу даврда миллий-этник масала тадқиқот объекти сифатида муҳим ўрин тутмасди.

Замонавий этнополитология фанини этносиёсатни ўрганадиган сиёсатшунослик фанининг бир бўлими сифатида таърифлаш мумкин. Этнополитологиянинг муҳим хусусияти, турли этник гуруҳларнинг сиёсий ҳаёти индивидуал жиҳатларини эмас, балки бу билан боғлиқ социология, демография, этносоциология ва бошқа фанларнинг алоқасида бўлган интеграциялаштирувчи фан сифатида қабул қилиш лозим.

Этнополитология фан сифатида қатор муаммоларни ўз ичига олади. Улардан энг долзарби – инсон ҳуқуқлари ва этник ҳуқуқлар, шахс ҳуқуқлари ҳамда гуруҳ ҳуқуқларидир. Агар этник хилма-хил бўлган давлатларга бу ҳуқуқлар бир-бирига тўғри келмаса, унда улар бир қанча моноэтник давлатларга ажралиб кетиши хавфи вужудга келади.

Этнополитология фани – этник ва миллий манфаатларнинг сиёсатдаги яхлит акси, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни сиёсий жараёнлар билан бирга этнополитик муносабатларни ўз ичига олади. Этнополитология сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини, кўп миллатли жамият ва давлатдаги сиёсий институтларнинг фаолиятини очиб беради. Этнополитология ҳақида гапирганда, унинг имкониятларини шу билан сиёсий кучини, аниқроғи салоҳиятини ошириб юбормаслик керак. Давлат ва жамиятдаги барқарорлик этник гуруҳлар, миллатларнинг ҳокимият, сиёсий институтлар, умуман, давлатнинг шаклланиши ҳамда фаолиятида иштирок этишини қанчалик оқилона ва сиёсий жиҳатдан тўлиқ таъминлашга боғлиқ[1].

Этнополитология фани бошқа сиёсий фанлар каби турли хил билимларни ва назарияларни ўзида жамлайди. Ҳозирги кунда ушбу билимларни синтез қилиш орқали этнополитология фани ўз мавзусини, яъни миллий жараёнлар ва этнополитик институционал бошқарув механизмларини илмий таҳлил қилиш лозимлигини аниқ белгилай бошлади. У ўзида қуйидаги турли хил билимларни синтез қилади:

- этно жараёнларнинг сиёсий моҳияти ва сиёсий бошқаруви тўғрисидаги назарияларни;
- этник гуруҳларнинг ижтимоий ва давлат ҳаётидаги сиёсий иштироки ҳамда сиёсий масъулияти тўғрисидаги қарашларни;
- сиёсий жараёнларда ва сиёсий институтлар фаолиятида жамоалар, шунингдек, одамларнинг ўзига хос этно-миллий хусусиятларини ҳисобга олиш тўғрисидаги фикрларни[2].

Этнополитология ҳақида маълум бир тасаввурга келингач, аввало, этнос ўзи нима эканини тушуниб олишимиз керак. Этнос сўзига жуда кўплаб

[1] Абдулатипов Р. Г. Этнополитология. – Санкт-Петербург, 2004. – С. 15-36.
[2] Ачкасов В.А. Этнополитология, учебник. – СПб.: «Университет», 2005. – С. 4-9.

олимлар ўз фикрлари ва изоҳларини бериб ўтишган. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да эса «этнос» сўзига қуйидагича таърифларни келтирган:

«Этнос – кишиларнинг маълум бир тарихий даврда ва ижтимоий тузумда таркиб топган алоҳида барқарор этник уюшмаси. У этник бирлик деб ҳам аталади. Этник бирлик этнографик жиҳатдан «халқ» маъносини англатса-да, лекин унга нисбатан аниқ тушунчадир. Этник бирлик муайян шароитда табиий тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган уюшмадир. Фанда этник бирлик босқичининг 3 тури мавжуд: *қабила, элат* ва *миллат.* Кетма-кет алмашиб келган бу атамалар турли вақтларда вужудга келган бўлиб, улар ўз даврига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладилар.

Кишилар бирлашувининг табиий негизи – ҳудуд умумийлиги, шунингдек, улар тилининг яқинлиги ёки умумийлиги этник бирликнинг вужудга келишида асосий шарт ҳисобланади. Кўпинча (масалан, Америка қитъасида) миллатларнинг таркиб топишида этник бирликнинг турли тилларга мансуб компонентлари ўртасида олиб борилган хўжалик, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларнинг ривожланиши билан тил умумийлиги қарор топган. Бу жараённи бошқаришда ҳар хил ижтимоий-иқтисодий омиллар ва табиий муҳитнинг алоҳида хусусиятлари таъсирида моддий ҳамда маънавий маданият, турмуш ва психологик умумийликнинг этник бирлик учун характерли бўлган белгилари шаклланади. Бу элементлар ҳудуд ва тил билан бир қаторда этник бирликнинг муҳим белгилари ҳисобланади. Кишилик жамияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида қабилалар уюшмаси ҳисобланган этник бирлик маълум бир тарихий шароитда, ҳудудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида шаклланади ҳамда янги тури вужудга келади. Қадимий даврларда вужудга келган янги этник бирликни ифодалаш учун «элат» атамаси қабул қилинган. Элат – этник бирлик босқичининг қабила уюшмасидан кейинги туридир. Тарихий тараққиёт давомида эса этник бирликнинг кейинги тури – *миллат* шакллана боради»[1].

Шу тариқа этнополитология фани ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб олий ўқув юртларининг гуманитар йўналишларида, биринчи навбатда, сиёсатшунослар, тарихчилар, социологлар тайёрлаш тизимида жорий этила бошлади.

Шундай бўлса-да, ҳозирги кунга қадар унинг бир нечта муаммолари ҳал қилинмаган, улардан энг муҳими керакли адабиётлар билан таъминлаш масаласи. Ҳали ҳам ушбу йўналишга оид дарсликлар камлигига қарамай, нашр этилган илмий тадқиқотлар сони доимий равишда кенгайиб бормоқда.

[1] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «Э» ҳарфи. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Б. 246.

Ушбу фаннинг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари турли давлатларда бир-бирига яқин бўлса-да, ушбу давлатнинг тузуми, миллий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган. Ўзбекистонда этнополитология, асосан, Россия Федерацияси олий ўқув юртларидаги этнополитик назариялар билан ҳамоҳанг бўлиб, қуйидагича асосий ёндашувларга таянган ҳолда шаклланмоқда:

Этнополитология фанининг тадқиқот объекти – жамият ҳаётининг сиёсий соҳасидаги этник жараёнлар, шу билан бирга, шахс маълум этник жамоа ва турли даражадаги этнополитик институтларнинг муҳим объекти сифатида кўрилади. Ҳар бир этник жамоанинг ўзига хос иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий манфаатлари бор. Баъзи манфаатларнинг ўзгариши, қоида тариқасида, бошқа этник гуруҳларнинг манфаати ўзгаришига олиб келади. Турли ёндашувларда этнополитологик тадқиқотнинг асосий объекти ҳар хил йўллар билан белгиланади. Масалан, примордиализмда этник жамоалар орасидаги статусли фарқлар, яъни демографик, маданий, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик фарқлари уларнинг ижтимоий мавқеи билан белгиланади. Маълум бир этник гуруҳларнинг ушбу статусларидан бирининг кескин ўзгариши миллатлараро тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Ана шу статус муаммоси, айниқса, этник кўп миллатли давлатларда кескин намоён бўлади.

Этнополитология фанининг предмети – ижтимоий-сиёсий жараёнлар, сиёсий институтлар тизимида этник, миллий, миллатлараро, этник-маданий муносабатларнинг шаклланиши, этник ва миллий омилнинг сиёсий куч, ғоялар, сиёсий-ҳуқуқий меёрларга таъсири, миллий муносабатлар соҳасидаги давлат органларининг хатти-ҳаракати, сиёсий институтлар, партиялар ва жамоат ташкилотларнинг фаолиятини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Этнополитология қуйидаги тадқиқот методларидан ҳам кенг фойдаланади, жумладан, этнологик, этнографик, норматив-қадрият, функционал, тизимли, анализ ва синтез уйғунлиги, тарихий, мантиқий моделлаштириш ва бошқалар.

«Этник, этногрфик даражалар – бу этнология предмети. Социологик, политологик даражалар эса кўп жиҳатдан этнополитологиянинг предмети ҳисобланади. Чунки этносларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши оқибатида, уларнинг кундан-кунга ижтимоийлашуви ва сиёсийлашувини кузатиш мумкин. Бундай ҳолатда этнослар этносоциал ёки этник миллат мавқеига эга бўлмоқда. Кейинги ривожланиш жараёнида эса улар алоҳида ёки бошқа этномиллат билан биргаликда **сиёсий миллатни**, миллат-давлатни шакллантирмоқда. Мазкур даражаларни ҳисобга олган ҳолда, бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас»[1].

---

[1] Rotschild J. Ethnopolitics. A Conceptual Framework. – New York, 1981. – P. 2.

Этнополитологиянинг функционал вазифалари. Этник гуруҳлар, этно тузилмаларнинг миллат сифатида ҳаётий фаоллигини, уларнинг ижтимоийлашуви ва сиёсатда иштирокини етарлича акс эттириш – бу этнополитология фанининг энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Этник жараёнларни аниқ ижтимоий-сиёсий воқелик, этник гуруҳнинг бу воқеликка мослашуви, умуман, давлат сиёсатини этник хилма-хилликка қараб олиб борилишини кўриб чиқиш ҳам муҳимдир.

Этно муносабатлар соҳасидаги ҳодисаларни тушуниш зарурияти, этник келиб чиқишни сиёсийлаштириш мақсадлари этник компонентнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, сиёсатнинг этник жараёнларга таъсир кўрсатиш шакллари ва усулларини назарий англаш лозимлигини талаб қилади. Этнополитология эндигина шакллана бошлагани учун ундаги назарий ёндашувлар, амалий маълумотлар, тушунчалар аста-секин шаклланиб бормоқда. Этнополитология методлари бошқа ижтимоий фанлар методларидан сезиларли фарқ қилмайди ва уларни умумий илмий ҳамда махсус турларга ажратиш мумкин. Умумий илмий усуллардан этнополитология учун энг муҳими – ижтимоий институтлар фаолиятида, одамларнинг ижтимоий хулқ-атворида боғлиқликларни аниқлашни ўз ичига олган социологик ва этнополитологик тадқиқотларда ижтимоий омилларнинг миллий муаммоларни ҳал этиш ҳамда этник гуруҳларнинг сиёсий фаолияти соҳасидаги таъсирини ўрганишда фойдаланилади.

Социологик метод ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тизимли ўрганишни назарда тутади. Этнополитик жараён ва ҳодисаларни ўрганишга умумий социологик ёндашув билан бир қаторда этнополитология ўзига хос социологик методлар ҳамда тадқиқот усуллари билан қуроллантирилади. Бу метод ва усуллар орасида сўровлар, сўровномалар, интервьюлар, статистик таҳлил усулларидан кенг қўлланилади. Улардан фойдаланиш натижасида тадқиқотчи қайта ишланадиган оммавий расмийлаштирилган материал олади ҳамда айрим ҳодисаларнинг бошқаларга боғлиқлигини ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, прогноз қилиш имконига эга бўлади[1].

Натижада, этносоциологиядан фарқли ўлароқ, этнополитология давлат, шу билан бирга, бошқа сиёсий институтлар ва акторлар фаолиятидан келиб чиқади ҳамда давлат сиёсати, жумладан, сиёсий элита фаолиятининг этник жараёнларга қандай таъсир қилишини ўрганади. Агар этносоциология этник гуруҳларнинг ижтимоий тузилишини, ижтимоий мавқеини ўрганса, уларнинг манфаатлари ва хатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятларини, маданиятдаги ижтимоий аҳамиятга эга ҳодисаларни, этник гуруҳларнинг ижтимоий ҳаракатчанлигини аниқласа, этпополитология

---

[1] Тишков В.А., Шабаев Ю.П. Этнополитология: политические функции этничности: Учебник для вузов. Москва: Издательство Московского университета, 2011. – С. 21.

бу жараёнларни бошқа нуқтаи назардан, яъни сиёсий ҳодисалар, биринчи навбатда, давлатнинг уларга қандай таъсир қилиши орқали ўрганади. Агар ижтимоий тадқиқотларда миллат, биринчи навбатда, муайян давлатнинг ижтимоий ҳамжамиятини ифодаловчи этник гуруҳлар тўплами сифатида қаралса, этнополитологияда миллат, биринчи навбатда, кўп маданиятли жамиятни мустаҳкамлаш ва миллатни шакллантириш учун давлат ҳамда сиёсий элита ҳаракатларининг самарасидир[1].

Рус олими Э.А. Паиннинг этник сиёсатни ўрганишида икки ёндашувнинг имкониятларига эътибор қаратиши тасодиф эмас. Биринчиси, этник сиёсатдан давлат сиёсатига йўналтирилганлик, яъни «турли этник гуруҳларнинг сиёсий фаоллигини этномаданий хусусиятларини тадқиқ этишни, масалан, турли этнос вакиллари томонидан муайян сиёсий стратегияларни қандай қабул қилишини ўрганиш назарда тутилади». Иккинчи ёндашув, давлат сиёсатини миллий масалани ўрганишга қаратилганлиги, яъни у «сиёсий қарорлар ва жараёнларнинг миллий масалани ҳал этишга ва миллатлараро муносабатларга таъсири»ни ўрганади. Унинг амалга оширилиши уч турдаги муносабатларни ўрганишни ўз ичига олади, булар:

1) этник жамоалар ва давлатнинг сиёсий институтлари ўртасидаги муносабатлар;

2) турли этник жамоалар ўртасидаги муносабатлар;

3) шахс ва этник жамоа ўртасидаги муносабатлар[2].

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги глобаллашув жараёнида бир миллатли давлатлар тушунчаси ўз аҳамиятини йўқотмоқда ва бир давлат ҳудудида бир қанча миллат ҳамда элатлар биргаликда яшамоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам ҳозирги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади ҳамда уларни тинч-тотув яшашлари учун барча имкониятлар мавжуд. Бироқ, ер юзининг бошқа ҳудудларида миллий низоларни ортаётгани жаҳон ҳамжамиятига миллий озчилик бўлган этник гуруҳ ва миллатларни ҳам ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқарувини шакллантириш лозимлигини кўрсатмоқда. Этнополитология фани эса ҳар бир миллат ва элатларнинг ҳуқуқлари шу билан бир қаторда миллий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви ҳамда қурилиши асослари тўғрисида маълумот беради. Ўзбекистонда ҳам этнополитология фани доирасида юртимиздаги миллат ва элатларнинг миллий ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш ҳамда Олий таълимнинг тегишли мутахассислар тайёрлаш йўналишларига мазкур фанни жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолмоқда.

---

[1] Ўша жойда. – С. 23.

[2] Паин Э. А. Этнополитический маятник. Динамика и механизмы этнополитических процессов в постсоветской России. – Москва, 2004. – С. 15.

Юнусжон АХМЕДОВ
(«Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи)

ЭТНОПОЛИТОЛОГИЯ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ЗАРУРАТИ

Сиёсат тушунчаси қадимдан инсон фаолиятининг муҳим соҳаларидан бири сифатида амал қилиб, жамият ривожланишида кишилик жамиятининг барча аъзолари диққат-эътиборини сиёсий воқеалар ва муносабатлар жараёнига, унинг қонуниятларига жалб этиб келган. Жамият сиёсий ҳаётида рўй берадиган ҳар хил бир-бирига қарама-қарши, можароли, баъзан эса мутаносиб ва давомийлиги турлича бўлган муносабатлар ҳамда ҳодисаларни сиёсий нуқтаи назардан ўрганиш, уларга жамият аъзоларини жалб қилиш сиёсий билимларнинг шаклланишига ҳамда ўрганишга катта туртки бўлган. Замонавий жамиятнинг сиёсий муносабатлари доирасидаги воқеа-ҳодисалар ҳам мазмун, мақсад, давомийлиги ва оқибатлари турли бўлганлиги учун сиёсий билимларни ўрганишга эҳтиёж янада ортиб бораётганлиги, жамият сиёсий йўналишларига қараб сиёсий билимларнинг янги йўналишлари вужудга келиб уларни ўрганишга эътибор тобора кучайиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги кунда сиёсий билимлардаги ранг-барангликни жамият сиёсий муносабатларидаги турли воқеа-ҳодисалар оқибатининг маҳсули сифатида қабул қилиш керак, чунки ҳар бир сиёсий характерга эга жараёнлар, муайян сабаб ва оқибатларга қурилади. Бу ҳаракатларнинг марказида инсон бўлиб, афсуски, унинг барча ҳаракатлари ҳамма вақт ҳам жамият ва давлатлар учун ижобий оқибатларга олиб келмаслиги мумкин.

Сиёсий билимларнинг янги йўналишлари жамиятдаги сиёсий характерга эга жараёнларга нисбатан илмий муносабатда бўлади, уларнинг сабаб ва оқибатлари, ҳаракатлантирувчи кучлари, мақсад ва муддаоларини таҳлил қилади, салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни тавсия этади. Шунинг учун аксарият мамлакатларда сиёсий билимларни ўрганишга, унинг янги йўналишларидаги хулоса ва таҳлилларини кузатиб боришга эътибор доимий равишда ошиб бораётганлиги табиийдир.

XX аср охирги чорагидан бошлаб замонавий сиёсий билимлар орасида этнополитология кенг омма эътиборини жалб этаётган соҳаларидан бири бўлиб келмоқда. Канаданинг Квебек ҳудуди, Чехословакия, Туркия, Ироқ, Бельгия, Испания, Ҳиндистон, Югославия ва Африканинг қатор давлатларидаги миллий ва этник вазиятларнинг кескинлашуви, уларнинг баъзиларини кечишига дин омилининг аралашуви фожиавий оқибатларга олиб келиши, давлатлар ва халқаро муносабатларга ўз таъсирини ўтказа бошлаши жамият ҳаётининг турли соҳаларини тадқиқ этадиган олимларнинг ҳам диққат марказида бўла бошлади. XX асрнинг 70-йилларидаёқ америкалик социолог олимлар П. Ван ден Берг, Э. Блэк, М. Паренти ва Ж. Ротшильдларнинг этник ва миллий масалаларнинг

кескинлашуви келажакда жамият сиёсий ҳаётига кучли таъсир этиши мумкинлигига оид қарашлари этнополитологияни сиёсий билимлар доирасидаги янги фан сифатида вужудга келишига асос бўлган эди[1].

Бельгиянинг мустамлакаси бўлган Конгода туғилган, ўз ёшлик даврини Иккинчи жаҳон уруши даврида оккупация қилинган Бельгияда ўтказган социолог олим Пьер Ван ден Берг, этник зиддиятлар ва ирқчиликнинг гувоҳи сифатида келажакда этник муносабатларни ўрганишга жиддий киришган эди. У ўзининг «Этник феномен» асарида этнополитологиянинг асосий масаласи дунё мамлакатларидаги турли сиёсий тизимларда давлат ва этник гуруҳларнинг ўзаро муносабати ташкил этиши, давлатнинг этник гуруҳлари ўзига хослигини, унинг қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозимлигини этник муносабатларнинг асосини ташкил этиши кераклигини айтиб ўтган[2].

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий изланишлари этник ва миллий муносабатларга муносабат ўзгармаса, келажакда бу омил давлатлар сиёсий барқарорлигига энг катта хатар омилига айланиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Эътибор берилса, XX аср охири ва XXI аср дастлабки чорагидаги дунёнинг қатор минтақаларидаги миллий, этник можаролар, уларга диний омилнинг аралашуви фожиавий оқибатларга олиб келди, ҳатто янги давлат бирлашмалари вужудга келди, бундай жараёнлар турли кўриниш ва даражаларда ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Бундай ҳолат этнополитологиянинг фан сифатидаги долзарблиги янада ошишига олиб келди[3].

Этнополитология сиёсий фан сифатида турли этнослар, миллатлар, миллий озчиликларни жамият сиёсий ҳаётидаги иштирокининг усул ва воситаларини, уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатларни, давлат ва этник бирликларнинг ўртасидаги алоқаларни ўрганишга асосий эътиборни қаратади. Қолаверса, этник ва миллий жараёнларнинг қонуниятлари, уларнинг ривожланиш имкониятлари, миллий ва этник можароларнинг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатининг асосларини назарий жиҳатдан ўрганади. Бундан ташқари, этник бирликларнинг сиёсий имкониятларини ва бу имкониятлардан фойдаланишнинг сиёсий воситаларини ҳам ўрганиши этнополитология доирасидаги масалаларнинг долзарблигини белгилаб беради. Этнополитологиянинг нисбатан янги соҳа эканлиги эса уни турли ғоявий қарашлар таъсиридан холилигини белгилаб беради[4].

Этнополитологияни ўрганиш, унинг назарий асослари ва амалий ҳаётга йўналтирилган мақсадлари қандай имкониятларга эга, жамият ривожига қандай ёрдам бера олади ёки уларга эътибор бермаслик қандай

---

[1] https://star-wiki.ru/wiki/
[2] https://studme.org/
[3] Тишков В. А. Шабаев Ю. П. – Москва: «Этнополитология». Издателство МГУ, 2011. – С. 10.
[4] Фадеичева М.А.. «Университетская этнополитология». «Полис» (Сиёсий тадқиқотлар журнали). – Москва: «Наука», 2007. № 6. – С. 45.

оқибатларга олиб келиши мумкинлигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Инсоният бошидан кечирган охирги ўн йилликларда этносларнинг тобора сиёсийлашиб бориши, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилишнинг кучайиши, ксенофобиянинг тез-тез кўзга ташланаётганлиги нафақат алоҳида давлатларга, балки халқаро хавфсизликка ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Шундай шароитда этник бирликларнинг бир давлат ҳудудида ҳамжиҳатликда яшашининг омилларини аниқлаш, келиб чиққан этник ва миллий зиддиятларни ҳал этишнинг самарали йўлларини излаб топиш, миллийлик тушунчасини миллатчиликка ўсиб кетишининг олдини олиш, глобаллашув шароитида миллий давлатларнинг келажагига оид муаммоларни ҳал этиш этнополитология олдида турган муҳим вазифалар қаторига киради[1].

1990 йилларда глобаллашув тўлқини кўпчиликда космополитик қарашлар ва этиканинг шаклланишига олиб келди. Аммо XXI аср дастлабки ўн йиллигидаги миллий ва этник можаролар миллий ва этник мносабатлар глобаллашув шароитида ҳам ўзининг анъанавий хусусиятини сақлаб қолишини, аксинча, глобаллашув жараёнлари уларнинг янги таҳдидлар билан намоён бўлишига замин яратиб берди. Бундай шароитда этник ва миллий муаммолар глобал характер касб этиб, уларга таъсир кўрсатишнинг заруриятга айланиб бораётганлиги этнополитология ўрганаётган масалалар қамровини яна ҳам кенгайтириб борди. Унинг этнография, этноконфликтология, этноархеология, этносоциология, этнолингвистика, этноэкология, этнопедагогика, этномаданиятшунослик, этноэкономика ва этномедицина каби соҳалар билан алоқаларини ҳам чуқурлаштириб юборди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, этнополитология ўрганадиган масалаларнинг доираси кенгайиб бориши натижасида унинг ўзига хос йўналиши – этноконфликтология ҳам шаклланиб борди. Этноконфликтология – ўтмишда ҳал этилмаган, келажакда ҳал этилиши лозим бўлган этник муносабатлар субъектлари ўртасидаги зиддиятларни, уларнинг фаолиятидаги зиддиятларни ҳал этишга йўналтиришни ўрганиш объектига айлантирди. Чунки этник зиддиятларнинг таъсир кучи бугунги кунда тобора таъсирлироқ бўлиб бормоқда[2].

Кўпчилик мамлакатларда этнополитология ва у билан алоқадор йўналишларнинг қамров доирасидаги масалаларга жиддий ёндашилиб, этник ва миллий муносабатлар сиёсий тус олиши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ўрганиш, уларни амалий ҳаётда қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар авж олди. Бу соҳада амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар натижалари сиёсий доираларда, партиявий дастурларда, ҳукуматларнинг сиёсий фаолиятида ўз аксини топиб бормоқда. Этнополитик вазиятни доимий ўрганиш эса ривожланган мамлакатларда этник

[1] Ачкасов В.А. «Этнополитология». – Москва: «Юрайт», 2014. – С. 8.
[2] https://studme.org/

гуруҳларнинг ягона давлат доирасида стратегик ҳамкор бўлиш ғоясини шакллантиришга ундади[1].

Этнополитология бўйича изланишлар олиб борган мутахассислар берган прогнозлар таъсирида Канада ва АҚШда, кейин 1991 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти миллий озчилик масалалари бўйича Олий комиссар лавозими таъсис этилди, минтақавий ва озчилик миллатлар тиллари бўйича Европа партиясини қабул қилди. 1995 йили эса Европа Кенгашининг миллий озчиликлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Конвенция қабул қилинди.

Этнополитик вазиятга янгича ёндашув ривожланган мамлакатларда демократик тамойилларни қайтадан кўриб чиқишга ҳам ундади. Бунинг натижасида этник ва миллий озчилик ҳуқуқлари тенглигини таъминлашга эътибор кучайди, уларнинг сиёсий ҳаётда иштироки учун кенг имкониятлар вужудга келди. Қатор мамлакатларда бундай озчиликнинг вакиллари юқори давлат лавозимларига сайланаётганлиги, уларнинг сиёсий ҳаётда тобора фаол иштирок этиб бораётганлиги оддий ҳолга айланди.

Этнополитик вазиятга эътибор бермаслик, унинг қонуниятларига жиддий ёндашувнинг амалга оширилмаганлиги ҳолатида халқаро муносабатларга таъсир ўтказувчи қувватга эга бўла бошлади. Айрим этнополитик зиддиятларни ядровий давлатлар ўртасида содир бўлаётганлиги (Ҳиндистон ва Покистон) ёки баъзи этнополитик зиддиятларга диний омил аралашиб, узоқ вақт фаол фазада туриши (Яқин Шарқда Исроил-Араб зиддияти) этнополитологиянинг долзарб масалалари қамрови ҳам тобора кенгайиб бораётганлигидан дарак беради.

Этнополитик вазиятга илмий ёндашмаслик, уларнинг оқибатида келиб чиқадиган муаммоларга тўғри ечим топмаслик этник ва миллий зиддиятларнинг оқибатларини янада кескинроқ кўринишга олиб келади. Бугун дунё бўйича 160 тадан ортиқ этнополитик кескинлик мавжуд бўлган ҳудудлар амал қилаётганлигини мутахассислар таъкидлаб келишмоқда. Ёки мутахассисларнинг фикрича, охирги ўн йилликлардаги қуролли тўқнашувларнинг ярмидан кўпи асосида этник ва миллий факторнинг роли мавжуд экан[2]. Айнан охирги 20 йил ичида бундай зиддиятлар ҳажми тобора кенгайиб, кескинлик даражаси ҳам ошиб бормоқда. Янги, ўз-ўзини мустақиллигини эълон қилган давлатлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Собиқ Иттифоқ парчалангандан кейин унинг таркибидан мустақил бўлиб чиққан республикаларнинг деярли барчасида у ёки бу даражада этник ва миллий зиддиятлар мавжуд. Бу зиддиятларнинг аксариятини собиқ Иттифоқдаги миллий масалага ёндашувнинг нотўғри усул ва воситалари, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ташкил этишдаги йўл қўйилган

[1] Кузнецов А. М. «Этническое и национальное в политологическом дискурсе». «Полис» (Сиёсий тадқиқотлар журнали). – Москва: «Наука», 2007. № 6. – С. 9.
[2] Ачкасов В. А. «Этнополитология». – Москва: «Юрайт». 2014. – С. 5.

хатолар келтириб чиқарган[1]. Миллий ва этник муаммоларга ёндашувнинг «советча» усули, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг миллий ва этник муаммоларни келтириб чиқарганлиги ва уларнинг ўзига хос таъсир кучи Ўрта Осиё республикаларида ҳам ҳозиргача сақланиб қолаётганлиги рад эта олмаймиз. Бундай муаммоларни бартараф этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш, уларни амалий ҳаётга татбиқ этиш этнополитологияни Ўрта Осиё республикаларида ҳам тадқиқот доирасини кенгайтириб бориши шубҳасиз.

Этник ва миллий зиддиятларнинг таъсиридан, Ўзбекистон ҳам четда қолмаяпти. Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда»[2].

Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб этник ва миллий зиддиятлардан холи барқарор сиёсат олиб боришни қатъий тамойил сифатида танлагани бежиз эмас. Сиёсатнинг бундай тамойилларига қатъий риоя этилишига олиб келган омиллар асосида Ўзбекистоннинг этник, миллий ва диний ранг-баранглигини сабаб қилиб кўрсатиш керак. Иккинчи томондан, Ўзбекистон миллий, этник ва диний можаролар қайсидир даражада амал қилаётган давлатлар билан қўшничиликда яшамоқда. Шу нуқтаи назардан этник ва миллий можаролар келиб чиқишининг олдини олиш, миллий ва диний ранг-барангликдан мамлакат бойлиги сифатида фойдаланиб, унинг бунёдкор кучини мамлакатимиз тараққиётига сафарбар этиш бугунги Ўзбекистон учун энг долзарб вазифалардан бири эканлиги учун ҳам этнополитологияни ўрганишнинг аҳамият даражаси ортиб боради.

Бундай муаммолар Ўзбекистон Республикаси ва унинг атрофидаги қўшни давлатларнинг хавфсизлигига деструктив таъсир кўрсатмаслиги учун бу минтақадаги миллий ва этник муносабатларнинг сиёсий жиҳатларига эътибор бериш, уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг ўзига хос профилактикаси билан шуғулланиш, минтақа этник бирликларининг доирасида кечаётган сиёсий жараёнларнинг оқибатларини олдиндан прогнозлашга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Жумладан, бу йўналишда этник ва миллий зиддиятларнинг Ўрта Осиёга хос сабабларини чуқур таҳлил этиш, уларнинг даражасини тўғри баҳолаш, ҳаракатлантирувчи кучларининг мақсадларини аниқлаш, оқибатларини прогнозлаш сиёсий масалаларни ўрганувчи мутахассислар олдига бир қатор вазифаларни қўяди.

---

[1] Пашедко Е.И. «Мультискалярный регионализм: теоретический аспект» // Вестник Московского университета. 12. 2010. № 2.

[2] Мирзиёев Ш.М. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз». – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 298 б.

Энг асосийси, бундай этнополитик вазиятда сиёсий характерга эга бўлган барча муносабатларга фуқароларнинг муносабатини ўзгартириш, уларнинг сиёсий дунёқарашини кенгайтириш, улардаги мавжуд сиёсий имкониятлардан деструктив оқибат касб этувчи сиёсий воқеаларнинг олдини олишда фойдаланиш воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш лозим. Жамиятдаги аҳолининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларни сиёсий соҳадаги билимлар билан янада яхшироқ қуроллантириш, уларнинг сиёсий фанлар таркибига кирувчи йўналишларни ўрганишларига қизиқишларини оширишни талаб қилади.

Кўплаб мамлакатлардаги ҳокимият структурасида фаолият юритадиганлар этнополитология ва унинг замонавий талқинлари билан таниш эмас. Бу уларнинг айби эмас, аксинча, этнополитология ҳақида яқин-яқин давргача ҳам деярли кўпчилик билмас эди. Улардаги бундай билимлар захирасини тўлдирувчи тизимлар ҳам аниқ ишлаб чиқилмаган. Этнополитология доирасидаги қонуниятларни ўрганиш уларга маълум маънода ана шу бўшлиқни тўлдиришга ҳам ёрдам беради[1].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мустақилликнинг қўлга киритилиши мамлакатимизда ҳам сиёсий билимларни ўрганиш масаласини табиий заруратга айлантирди. Бугунги кун сиёсий реаллиги эса нафақат фундаментал сиёсий билимларни, балки унинг турли янги йўналишларини, айниқса, этнополитология ва этноконфликтология каби соҳаларни ҳам ўрганишни кун тартибига қўймоқда. Жамиятнинг сиёсий кўринишга эга бўлган соҳалари кенгайиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тобора ривожланиб, глобал характер касб эта бораётган бугунги кунда сиёсий билимларнинг турли йўналишларини ўрганишга эътибор кучайиб бормоқда, сиёсий билимларнинг янги-янги йўналишлари вужудга келмоқда. Этнополитология ҳам давлатлар ҳаётида содир бўлган сиёсий характерга эга воқеаларнинг маҳсули сифатида вужудга келди, унинг ўрганиши лозим бўлган масалалари ва вазифалари тобора ошиб бормоқда.

Этнополитология жамиятнинг этнополитик муҳитини ўрганиш орқали этнополитик жараёнларни тўғри йўналишга солишга, этнополитик реалликнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга, жамият аъзоларининг онгида этнополитик тафаккурни шакллантиришга, миллатлараро ва этник муносабатлар маданиятини шакллантиришга жуда катта ёрдам беради. Қолаверса, этнополитология прогозлаш орқали этнополитик жараёнлар ва ҳодисаларнинг ривожланишини олдиндан аниқлаш, уларга таъсир ўтказишнинг амалий усул ва шаклларини ишлаб чиқади, стратегиясини белгилаб беради. Шунинг учун бу соҳани ўрганишга, унинг имкониятларидан мамлакат сиёсий барқарорлигини сақлашда имкон қадар фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

---

[1] Карякин В. «Современные кризисы и конфликты: Особенности, сценарии развития и предотвращение» // «Россия и мусульманский мир». 2014. № 12. ИНИОН РАН.

Зебинисо ЗАРИПОВА, кандидат политических наук
(Ташкентский государственный университет востоковедения)

СПЕЦИФИКА СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ И КОНФЛИКТОВ. ЗАДАЧИ СОВРЕМЕННОЙ КОНФЛИКТОЛОГИИ

Кто умеет справиться с конфликтами путем их признания, тот берет под свой контроль ритм истории.
Кто упустит эту возможность, получает ритм себе в противники.
Р. Дарендорф

В современных международных отношениях и мировой политике имеет место кризис, который проявляется в трансформации системы координат, изменении статусных ролей и функций основных участников и субъектов. Нынешний этап развития характеризуется определенной турбулентностью и непредсказуемостью, и в этом процессе проявляются различного рода конфликты и кризисы. О турбулентности впервые упоминал Джеймс Розенау в 1990 г., «особенность современной мировой политики выражается в ее переходном состоянии, когда старые правила еще не перестали действовать, а новые ещё не начали действовать в полную силу. Результатом этого является вхождение мировой политики в зону турбулентности»[1].

На состоявшейся в сентябре 2021 г. 76 сессии ГА ООН ее Генеральный секретарь Антонио Гутереш заявил: «.. Мы на краю пропасти и мы движемся в неправильном направлении. Наш мир никогда не был в такой опасности как сейчас, никогда не был столь разобщенным. Мы сталкиваемся с настоящей лавиной кризисов в нашей жизни. Пандемия COVID-19 обострила вопиющее неравенство, климатический кризис бьет по планете, вызывая катаклизмы и бедствия, потрясения в Афганистане, Эфиопии, Йемене, Ливии, Сирии и др. мешают делу мира. Волна дезинформации поляризует людей и парализует общества, права человечества находятся под огнём, наука подвергается нападкам, экономическая помощь наиболее уязвимым оказывается слишком мала, солидарность пропала без вести, когда она нам нужна больше всего».[2] Слова генсека подтверждают, что 30 лет спустя турбулентность и

[1] Rosenau J.N. Turbulence in the World Politics: A Theory of Change and Continuity. Princeton University Press., 1990
[2] Выступление Генерального Секретаря ООН на 76 сессии ООН https://www.youtube.com

неопределенность продолжают оставаться определяющей характеристикой современной политики[1].

Наиболее часто *в качестве источников* социальных конфликтов исследователи указывают на следующие системные процессы:

1) геополитический транзит, связанный с окончанием «холодной войны»;

2) столкновение цивилизаций;

3) глобально-системные источники конфликтов, вызванные действием трех тенденций:

а) ростом глубины неравенства в распределении богатства и экономической власти на глобальном уровне;

б) деятельностью человека и экологическими ограничениями экономического роста (помноженными на чрезмерное потребление энергии в экономически развитых странах мира и рост населения в развивающихся странах);

в) продолжающейся милитаризацией отношений безопасности, в том числе распространением оружия массового поражения[2].

Добавим, что среди факторов, которые могут быть причиной международных конфликтов, важно также учитывать *психологический фактор*. Конкретные примеры войн показывают, что причиной может быть фактор ошибочного восприятия лидерами политической ситуации и их стремление к соперничеству. Могло ли быть принято другое решение по Ираку, как известно, Дж. Буш, принял решение войти в Ирак в 2003 г.

Большинство источников выделяет специфические особенности современных международных конфликтов, к которым относятся;

- *выраженная асимметричность потенциала участвующих в конфликте сторон;*
- *резкое падение цены риска больших потерь для технологически передовых стран при участии в конфликтах;*
- *большинство жертв региональных конфликтов составляет гражданское население;*
- *интернационализация внутренних конфликтов;*
- *снижение управляемости конфликтов и усложнение процесса их урегулирования;*
- *расширение спектра непосредственных участников конфликта;*

---

[1]Ген Сек ООН указал на 6 основных разломов, которые нарушают международную безопасность; конфликты, перевороты и геополитические расколы, климатический разлом, проблема неравенства как между государствами так и внутри государств, гендерный разлом (дисбаланс власти между мужчинами и женщинами), цифровой разлом (все должны меть доступ к Интернету, разлом между поколениями (нужно проявить ответственность перед молодым поколением). Как видно, большинство из этих разломов нужно преодолевать и на национальном, и на международном уровне, и это требует осмысления и выработки подходов на практике. Выступление Генерального Секретаря ООН на 76 сессии ООН https://www.youtube.com

[2] Зеленков М.Ю. Социальная конфликтология (базовый курс). М., Юридический институт МИИТа. 2011 г.

- *активная роль и участие СМИ в конфликтах*[1].

Особенным измерением причинности потенциала современных международных конфликтов является увеличение расходов стран на военную сферу, что, безусловно, отражается на структуре конфликтов. Так, если сравнивать военные расходы держав только за 2019 г. и 2020 г., то можно увидеть последовательное увеличение[2].

Страна	Военные расходы за 2019 г. млрд долл.	Военные расходы за 2020 г. млрд долл.
США	685	778
КНР	181	252
Индия	61	72,9
Россия	62	61,7
Великобритания	55	59,7

Аналитики Мирового банка дают следующую характеристику текущему состоянию, подтверждая указанные выше теоретические аргументы. В то время как межгосударственных конфликтов становится меньше, число внутригосударственных конфликтов резко выросло в начале XXI века. Более того, большинство из них носит насильственный характер и увеличивает число жертв. Их число резко выросло в 2014 г. и достигло рекордных показателей за последние 20 лет. Большинство жертв конфликтов приходится на Афганистан, Ирак, Сирию и составляет почти 76% от всех жертв. Растёт число вооруженных группировок. Многие из этих группировок носят транснациональный характер, и не относятся к какому-либо государству. Они включают повстанцев, военных, формирования, нацеленные на трафик наркотиков и оружия, и экстремистские группировки, которые объединяются на основе общей идеологии и выступают с требованием политических и экономических ресурсов. Вооруженные конфликты распространяются за национальные границы: 18 из 47 внутренних конфликтов в 2016 г. интернационализировались. Между 2010 и 2016 г. количество жертв среди гражданского населения удвоилось. Большинство жертв связаны с недоступностью медицинского обслуживания, недостатком продовольствия, недоступностью укрытия, загрязнением воды. Насильственные конфликты служат причиной возникновения временно перемещенных лиц. Их количество оценивается в 6,5 млн людей. Число беженцев также увеличивается: 55 % приходится на Афганистан, Южный Судан и Сирию. Большинство из беженцев дети, которые разделены с родителями. Насильственный конфликт оказывает влияние на мужчин и

[1] Баранов Н. Курс лекций. https://nicbar.ru/politology/study/57-kurs-mezhdunarodnye-konflikty-v-xxi-veke/586-tema-2-osobennosti-mezhdunarodnykh-konfliktov-v-xxi-veke

[2] Источник: Стокгольмский международный институт исследований проблем мира (SIPRI), МВФ https://160954.livejournal.com/

женщин по-разному. Мужчины составляют большинство комбатантов и они напрямую страдают от насилия. Женщины также страдают от конфликта в таких самых жестоких проявлениях, как сексуальное насилие, насильственное замужество и сексуальное рабство. Во время конфликтов для девочек также очень ограничены возможности передвижения, их доступ в школы. Для детей также возникает риск стать жертвами насилия, получить психологическую травму на всю жизнь. Конфликты также связаны с большими экономическими потерями, которые ограничивают развитие государства. Так состояние экономического развития Афганистана остается на уровне 1970-х, в Сомали этот показатель меньше на 40% от того уровня развития. Конфликты влияют также на страны, которые граничат с очагом[1].

Насильственные конфликты, которые считались особенностью бедных стран, в последнее время всё чаще проявляются в странах среднего уровня (Сирия, Ирак, Украина). Распространение негосударственных вооруженных формирований усложняет процесс урегулирования. Тенденцией является развитие внутригосударственных конфликтов, где сталкиваются государства и негосударственные группировки. Параллельно с этим растет количество интервенций в конфликт и часто внешние акторы, вмешиваясь в конфликт, усложняют его динамику[2].

В XXI в. войны и вооружённые конфликты происходят в большинстве регионов Восточного полушария (на Африканском континенте, Ближнем Востоке и Южной Азии). Всего – 46, в том числе унаследованных веком XXI от века XX – 11, начавшихся в XX в. и продолжающихся в настоящее время – 2, начавшихся в XXI в. и продолжающихся в наше время – 10[3].

Одними из ярких типов конфликтов, которые проявляются в контексте турбулентности и неопределенности современных международных отношений, являются ассиметричные конфликты и «гибридные войны» как войны нового типа. Многие аналитики связывают этот распространяющийся тип с глобализацией. Развитие технологий, охватившее различные области: экономику, военную сферу, культуру, дипломатию, религию, перекрывая друг друга, может проявляться в войнах нового типа.

---

[1] Pathways for peace. Inclusive approaches to preventing violent conflict. 2018. https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/28337

[2] Там же. Pathways for peace. Inclusive approaches to preventing violent conflict. https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/28337

[3] По данным на 2018 год, из внутригосударственных конфликтов три относятся к категории крупных (в течение года погибли более 10 000 человек непосредственно в связи с конфликтом): конфликты в Афганистане (по сообщениям, погибли приблизительно 43 700 человек), Йемене (30 700) и Сирии (30 200). Еще 13 относились к числу вооруженных конфликтов высокой интенсивности (которые повлекли гибель 1000–9999 человек непосредственно в связи с конфликтом в течение года): в Ираке (погибли 6200 человек), Нигерии (6200), Сомали (5100), Демократической Республике Конго (ДРК) (3000), Турции (2000), на Филиппинах (1800), в Мали (1800), Эфиопии (1600), Южном Судане (1500), Камеруне (1500), Египте (1200), в Центральноафриканской Республике (ЦАР) (1200) и Ливии (1100). Источник. Ежегодник СИПРИ: вооружение, разоружение и международная безопасность. 2019 г. https://www.imemo.ru/publications/info/ezhegodnik-sipri-2019

Ф.Хофман [1] представил предметное исследование специфики «гибридных войн» и их участников и выделил отличительные черты т.н. «новых войн»:

- *многонаправленность, т.е. они охватывают много сфер;*
- *количество участников может быть неограниченным;*
- *синхронность действий акторов в различных направлениях;*
- *ассиметричность, т.е действия и возможности акторов не совпадают;*
- *войны могут продолжаться за и вне привычных полей сражения;*
- *полиморфичность*, т.е. в них проявляется смесь и сочетание причин, которые привели к конфликту.

Гибридные войны могут включать гибридные организации типа «Хезболла»[2] и «ХАМАС»[3], использующие различные сети и возможности, которые являются самостоятельными акторами. Это показывает, что в войнах нового типа утрачивается государственная монополия на насилие, хотя государства безусловно участвуют. Сетевой характер войны, выбор различных методов борьбы в этих войнах развивает тезис о неясной природе этих войн, в которых неясна грань между мятежом, террором и собственно войной. Они сбивают с толку смесью конвенциональных и неконвенциональных тактик. Одним из важных факторов причинности «гибридных войн» является геополитический контекст, который проявляется в заинтересованности глобальных и региональных полюсов силы в развитии сценария конфликта.

Асимметричным в 2000-е годы стали обозначать тот новый тип конфликта, в котором США оказались связаны противостоянием с исламистами в Афганистане и Ираке. Российский исследователь Сушенцов А.А., раскрывая феномен ассиметричных войн, предложил следующие тезисы: под ассиметричным понимают конфликт, который сильное государство ведет против слабого на его территории или против

---

[1] Frank G Hoffman Conflict in the 21 century: the rise of hybrid wars. 2007. Origins and development of hybrid warfare p. 17-43; www.potomacinstitute.org/.../1267-conflict-in-the-21st-cent...

[2] «Хезболла» действует как самостоятельный игрок в ближневосточном противостоянии и является частью гибридной стратегии, спонсирующего ее Ирана. В ближневосточном конфликте 2006 г., который получил название Второй Ливанской войны, проявилось противостояние между Израилем и организацией «Хезболла». Результатом этой «гибридной войны» явилось то, что «Хезболла» не была разгромлена. Операция Израиля на территории Ливана вызвала в регионе резкий всплеск антиизраильских и антиамериканских настроений, изменился баланс сил на Ближнем Востоке не в пользу Израиля. Образовался неофициальный военный союз Сирии, Ирана, «Хезболлы» и палестинской группировки «ХАМАС».

[3] Аббревиатура ХАМАС расшифровывается как Харакат ал-Мукавама ал-Исламия, в переводе с арабского это означает «Движение Исламского Сопротивления». Движение ХАМАС родилось из недр организации «Братья-мусульмане». Политическую и организационную форму оно обрело в 1987 г. под руководством шейха Ахмада Ясина. ХАМАС не признает права Израиля на существование. Ближайшая цель Движения – добиться ухода Израиля с оккупированных в 1967 г. палестинских территорий. Конечная его цель – создание исламского государства на территории бывшей подмандатной Палестины. У партии ХАМАС есть также политическое и военное крыло (Изз ад-Дин ал-Кассам). Нынешним лидером исламистов является Халед Мешаль. ХАМАС входит в список террористических организаций Израиля, США и ЕС.

этноконфессиональных сил на своей. Часто его также характеризуют как «гибридный», из-за выбора тактики и стратегии ведения конфликта. Определение таких конфликтов основано на несопоставимости возможностей и статуса сторон.

Арсенал стратегий сильной стороны включает конвенциональную войну высокой и низкой интенсивности; слабой стороны – партизанскую и диверсионно-террористическую войну[1].

Безусловным является факт, что осмысление конфликтов и кризисов нуждается во всестороннем научном анализе. Эти и другие конфликты в фокусе внимания современной конфликтологии.

Конфликтологическая парадигма указывает, что социальные конфликты имеют разные проявления и индикаторы, на их развитие могут влиять различные факторы, они способны изменяться как в своей структуре, так и в динамике. По этой причине их нужно рассматривать как комплексное явление, чему способствует большой арсенал теорий и концепций, которые раскрывают этот феномен.

Одним из основных методов междисциплинарного подхода конфликтологии является системный метод анализа социально-политических конфликтов. Системный подход ориентирует конфликтолога на раскрытие целостности конфликта как явления, на поиск в нём основных многообразных типов связей и сведение их в единую теоретическую картину, распространение и глубоко отражающую реальные конфликты. Системный подход подразделяется на системно-структурный, системно-функциональный, системно-генетический, системно-информационный [2]. Таким образом, подход нацелен на внимательное изучение специфики конкретного конфликта.

Современная конфликтология развивает подход анализа и разрешения конфликтов, где наряду с исследованием структуры и ее динамики, делается акцент на усилиях по разрешению, предупреждению и

---

[1] Сущенцов А.А. Малые войны США: Политическая стратегия США в конфликтах в Афганистане и Ираке в 2000-2010 гг. М., Аспект Пресс., 2014.

[2] Среди специальных методов изучения социального конфликта применяются, такие как: конфликтологическая диагностика и экспертиза, ситуационный метод, метод кейсов. Исследования конфликта проводятся в настоящее время комплексно. Специфика изучения конфликта заключается в выяснении социальных характеристик конфликтующих сторон, факторов, влияющих на конфликт, стереотипов конфликтного взаимодействия и социальных механизмов регулирования конфликтов разного уровня. Комплексная диагностика социального конфликта включает в себя следующие моменты: а) возможно более полное описание условий конфликта, его участников; б) непосредственный повод конфликта; в) симптомы его проявления и содержание; г) предварительная оценка социальной напряженности и конфликтогенности диагностируемого случая. Производится также сравнительный анализ схожих случаев и дается их характеристика. Методики диагностики социального конфликта строятся по общей схеме, но всякий раз применительно к конкретному явлению. Экспертиза социального конфликта состоит в оценке достоверности полученной информации и данных о конфликте, в анализе причин и оснований конфликта, возможных направлений протекания и последствий конфликта, способов регулирования и разрешения конфликта. Имеются различные процедуры экспертизы конфликта. Социология конфликта (под ред. С. Г. Ивченкова). Саратов 2017 г. - С. 8

урегулированию конфликтов. Хотя в рамках данного подхода присутствует большое количество так называемых прескрептивных теорий, всё же они содержательно обогащают выбор на практике стратегий по выходу из конфликта.

Возвращаясь к выбранному эпиграфу нашей статьи можно резюмировать, что поиск выхода из состояния турбулентности современных международных отношений и контроль над ритмом истории будет определяться не только способностями признавать, но и навыками управлять и урегулировать конфликты. В китайском языке слово «кризис» пишется «危机», первый иероглиф из них означает «опасность», а второй – «шанс». С этой точки зрения турбулентность воспринимается и как опасность, и как шанс развивать более справедливый мир.

Махаматкарим МЎМИНОВ
(Андижон давлат университети)

«ПОЛИТИММУНОЛОГИЯ» СИЁСАТШУНОСЛИКНИНГ ЯНГИ БЎЛИМИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ўзнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси» номли китобида халқпарвар давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимизни ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш каби олижаноб мақсадимизни амалга оширишга зарба бермоқчи бўлаётган қора кучлар мавжудлигидан огоҳлантирган[1].

Дарҳақиқат, глобаллашув шароитида жаҳонда рўй бераётган воқеаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида илмий-назарий тавсиялар бериш зарурлиги Ўзбекистон сиёсатшунослик фани олдига долзарб вазифаларни қўймоқда. Жамиятнинг сиёсий ҳаётига қандай ғоялар таъсир кўрсатаётганлигини аниқлаш, унга қарши зарур чоралар кўриш орқали мамлакатни сиёсий буҳрондан сақлаб қолиш фаолияти тинчлик деган неъматни қадрлаш ҳисобланади. Бу соҳада Т. Жўраев, Ш. Пахрутдинов, С.Отамуродов, М.Қирғизбоев, И. Эргашев, А. Мўминов, Б. Тўйчиев, В. Қўчқоров, Т. Алимардонов каби кўплаб илм-фан фидойилари ўзларининг илмий-назарий асарлари билан давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлашга муносиб ҳисса қўшганлар. Б. Алиев, Т. Хошимов, М. Назаров, Т. Каримовлар мафкура ва сиёсат, минтақавий можаролар ва сиёсий ечимлар, халқаро хавфсизлик: барқарорлик ва тараққиёт юзасидан зарур билимларни ҳавола қилганлар[2]. Х.Т. Одилқориев ва Д.Х. Раззоқов ўз вақтида сиёсат, дин, мафкураларнинг ўзаро алоқаси, халқаро терроризм ва

1 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: Oʻzbekiston, 2021. – 397 б.
2 Алиев Б., Хошимов Т., Назаров М., Каримов Т. 2 Политология (дарслик). – Тошкент: «Фан ва технологиялар», 2009. – 256 б.

унга барҳам беришнинг сиёсий-ҳуқуқий чоралари, сиёсий маданиятлилик масалаларини талқин қилганлар[1]. Айниқса, Ҳ.И. Азимов сиёсий мафкура, XXI асрдаги мафкуралар таҳлили, Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизликни таъминлаш борасидаги амалий фаолиятини замонавий мисоллар билан баён қилган[2].

Шундай бўлса-да, қандай қилса диннинг сиёсийлашуви олди олинади, ёшларни сиёсий бегоналашувдан сақлаш учун нималар қилиш керак, мустаҳкам маънавий-сиёсий иммунитет ҳосил қилиш учун қандай мафкура билан озиқлантириш зарур, фарзандларимизнинг идеосферасини ўрганиш ва амалий тавсиялар бериш методлари яратилганми, деган муаммолар барча сиёсатшунослар олдига долзарб вазифаларни кўндаланг қўймоқда.

Гарчи, бундай масалалар барча давлатларнинг мафкуравий-сиёсий муаммоси бўлса-да, кўпроқ Марказий Осиёдаги мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев Марказий Осиёдаги диний-сиёсий вазиятни, унга таъсир қилаётган омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлади. Яъни, радикал диний оқимларнинг фаоллашувидан, диннинг сиёсийлашуви ўсаётганлигидан огоҳлантирган. Экстремизм ва терроризм Марказий Осий давлатларининг конституцион асосларига, мамлакатни ривожлантиришнинг дунёвий тамойилларига, халқларнинг миллий, маънавий қадриятларига зарарли таъсир ўтказаётганлигини баён қилган[3].

Сиёсий билимларнинг етарли даражада эмаслиги, давлат ва халқ ўртасидаги уйғунликка эътиборсизлик, конституцияда белгиланган фуқаролик бурчга беписандлик, қаерда бўлса ҳам ўз Ватани, ўз халқи билан ғурурланиш хусусияти камлиги, хорижда яшаган даврда ҳам Ўзбекистон давлатининг ҳимоясидан фойдаланиш йўлларини билмаслик каби негативлар фуқароларимизнинг сиёсий иммунитетини шакллантириш фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.


Ҳар бир фуқаро сиёсий хавф-хатарларни билиши, сиёсий таҳдидларнинг олдини олиши, унга қарши курашиш йўлларидан хабардор бўлиши тақозо қилинмоқда. *Сиёсий иммунитет* – муайян миллат, давлат ва жамият тараққиётига таҳдид солувчи ғоявий-назарий таъсирларга қарши фуқароларда шаклланган сиёсий билимлар тизимидир. Шу жиҳатдан қараганда, дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар яқин-узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар шароитида ҳар бир шахснинг сиёсий иммунитетга эга бўлишлиги ниҳоятда зарур. Баъзи меҳнат мигрантларимиз хориж давлатларида оғир ижтимоий-сиёсий вазиятга тушиб қолиб, ундан чиқиб кетиш йўлини билмаслик оқибатида азият чекмоқда. Давлатимиз томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида 5 маротаба «Меҳр»

---

1 Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик (дарслик). –Тошкент: ЎзР.ИИВ академияси, 2012. – 289 б.
2 Азимов Ҳ.И. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 260 б.
3 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – 397 б.

амалиётининг ўтказилиши, пандемия сабабли ўз юртига кела олмаслик, хорижда минглаб ҳамюртларимизнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолиш ҳолатлари фикримизнинг далилидир. Сиёсий иммунитет мустаҳкам бўлиши учун уни фуқароларда ёшлик давридан бошлаб шакллантириш зарурияти туғилмоқда.

«Политиммунология» бўлимининг асослари



Буни самарали ташкил этиш учун «Политиммунология», яъни сиёсий иммунитетни шакллантириш жараёнини «Политология» («Сиёсатшунослик») фанининг алоҳида бўлими этиб киритишни таклиф қиламиз. Илмий

адабиётлардаги «идеоиммун»[1] ҳамда «идеоатака»[2] атамаларидан ижодий фойдаланган ҳолда фуқароларда сиёсий таҳдидларга қарши иммунитет ҳосил қилишнинг глобал аҳамиятини ҳисобга олиб, «Политология» («Сиёсатшунослик») фанининг «Политиммунология» бўлимига асос солиниши мақсадга мувофиқ.

«Политиммун» атамасининг илмий амалиётга татбиқ этилиши ҳеч қайси миллат учун қўшимча изоҳ талаб қилмайди. Бу қўшма сўз ўз шакли-шамойили билан фуқароларда ёт сиёсий таъсирига қарши тура олиш хусусиятини шакллантириш ва унга эга бўлиш маъносини ифодалайди. Мазкур жараённинг замонавий методлари, самарали усуллари ва соҳадаги илғор тажрибаларни ўрганиш орқали ўқув дастурларини яратиш сиёсатшунослар олдига янги мақсадларни қўяди.

Ўзбекистон шароитида мустаҳкам сиёсий иммунитетга эга бўлиш мумкин. «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойили асосидаги миллий ғоя халқимизни бунёдкорлик, яратувчилик ишларига уюштиришда катта аҳамият касб этяпти. Миллий мафкурамиз эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси асосида маънавий-мафкуравий ишлар самарадорлигини таъминламоқда. Фарзандларимиз Учинчи Ренессансни ярата олиши, мутафаккир боболаримизнинг маънавий жасоратларини давом эттиришлари учун барча шароит яратилмоқда[3].

«Политиммунитатор» атамаси сиёсий иммунитет ҳосил қилувчи фаол субъект эканлигини англатиб, бундай ўта масъулиятли вазифани амалга оширувчи шахс шу мақомга эга бўлиши учун махсус тайёргарликка, мутахассисликка эга бўлиши талаб этилади. Бунинг учун миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчаларини аҳолига тушунтиришимиз керак. Масалан, «Ягона Ватан туйғуси» тушунчаси фуқароларнинг билими, ижоди, меҳнати Ватан учун сарфланишига хизмат қилиши; оилада, маҳаллада, таълим муассасаларида фарзандларимизга она юртимизнинг истиқболи учун хизмат қилишдек фуқаролик бурчини адо этиш шартлигини ўргатиш зарур бўлади.

«Адолат – қонун устуворлигида» тушунчаси юзасидан аҳолига қонунларни ҳурмат қилиш ва унга итоат этиш; қонун ҳамма учун бирлиги; жиноятга жазо муқаррар эканлиги уқтирилади.

«Халқ розилиги» тушунчаси бўйича у миллий ғоянинг асосини ташкил қилиши; барча ислоҳотлар халқимизнинг тўкис яшашига хизмат қилиши; «Халқ қабулхоналари», виртуал қабулхоналарнинг ташкил этилиши фуқароларнинг мурожаатлари тезроқ ўрганилишини таъминлаётганлиги; маҳаллага тайинланган ҳоким ўринбосари ва маҳалла фуқаролар

---

[1] 1.Jean-Francois Senault. L'Homme criminal ju la corruption dela nature par le peche. roorle.com. 2.Joseph Zoller. Conceptus chorononraffhicus de consepta saera Deipura. roorle.com.
[2] maidan.org.na.; gololisiama.com.
[3] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – 464 б.

йиғинининг халқнинг рози бўлиб яшаши учун масъулияти кучайтирилганлиги юзасидан сиёсий билимлар берилади.

Миллий юксалиш ғоясининг «Жаҳолатга қарши маърифат» тушунчаси юзасидан диний, дунёвий, даҳрийлик шаклидаги маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, мустаҳкам мафкуравий-сиёсий иммунитетга эга бўлиш, зарарли ғояларга қарши курашиш; бу борада юртимизда таълим шаклининг янги турлари яратилганлиги; таълимнинг миллий дастури ишлаб чиқилганлиги; таълимга инновацион ёндашув жорий этилиши; таълим ва маърифат халқ фаровонлигини таъминлаши тўғрисида керакли тушунчалар берилади.

«Инновацион тараққиёт» тушунчаси – бу мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион асосда, яъни юксак технологиялар орқали ривожлантиришни англатади. Дунё тажрибасидан фойдаланиб бу борада муваффақиятга эришса бўлади. Чунки Ўзбекистонда ер усти, еросто бойликларидан иборат улкан имкониятларимиз ҳамда халқимизнинг интеллектуал салоҳияти мавжуд. Учинчи Ренессанс даврини ярата оладиган иқтидор эгаларини тайёрлаш учун, ёшларимизда чуқур билим, чидам ва қобилиятни намоён қилиб, рақобатбардош кадрларни етказишимиз даркор. Шунга эришиш керакки, ҳар бир шахс миллий юксалиш ғояси юзасидан етарли билим, кўникма ва малака ҳосил қилсин.

«Политиммунитация» – аҳолида сиёсий иммунитет ҳосил қилиш жараёни. Ғоявий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатларининг олди олинади. Бу жараён таъсирида аҳоли ўртасида сиёсий маданият соҳасида «портлаш эффекти» рўй беради. Ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши курашиш самарали усул ва методлари яратилади. Жамиятда «Жаҳолатга қарши маърифат» тамойили асосида мафкуравий-сиёсий иммунитетни мустаҳкамлаш фақат Маънавият ва маърифат марказининг иши бўлиб қолмасдан, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятининг узвийлиги, узлуксизлиги таъминланади[1].

«**Политиммунитизм»** – жамиятда сиёсий иммун ҳосил қилиш тизимини англатувчи атама. Мамлакатимизда мустақил сиёсий фикрга эга бўлган фаол фуқароларни тарбиялашга хизмат қилувчи тизим. «Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси»га ҳамоҳанг равишда ёш авлодда демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо қилиш юзасидан ижтимоий билим, кўникма ва малака шакллантирилади. Мазкур тизим босқичлари: 1-босқич – оила, 2-босқич – мактабгача таълим ташкилоти, 3-босқич – умумий ўрта таълим, 4-босқич – олий таълим ва ундан кейинги таълим босқичлари этиб белгиланади. Жамиятда сиёсий иммунитет ҳосил қилиш фаолияти узлуксиз равишда амалга оширилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майда «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сонли қарори.

Натижада, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланиб, жиноятчилик, экстремизм, терроризм каби иллатлар кескин камаяди[1].

«Политатака» – сиёсий таъсир ўтказиш. Бузғунчи мафкуралар ёшларимизнинг онгига ғоявий таъсир ўтказиб манқурт қилиш асносида Ўзбекистонни танлаган йўлидан оғдирмоқчи бўлади. Масалан, ижтимоий тармоқлар орқали Ўзбекистон тўғрисида турли бўҳтонлар тўқиб тарқатилади. Айрим раҳбарларни ёмонотлиқ қилиш орқали уларга нисбатан ишончсизлик келтириб чиқариш ҳаракати мавжуд. Бир тўп ғаламислар томонидан одамлар ўртасида низоли вазиятлар, қарама-қарши гуруҳларни ташкил қилиш ҳолатлари кузатилади. Бундай зарарли хавф-хатарларларга нисбатан фуқароларнинг беписандлиги бир куни турли беқарорликларни олиб келиши мумкин. Бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш учун вайронкор мафкураларга қарши раддиялар берилиб, бузғунчилик ниятлари фош этилиши лозим. Натижада, ёшлар яхши ва ёмоннинг фарқига бор.

«Деполитиммун» – сиёсий хавф ва таҳдидни бартараф этиш. Ёт сиёсий ғоя таъсирига тушиб қолган ёшлар сиёсий манипуляция қилинади, яъни профилактик машғулотлар асосида зарарли ғоядан фориғ этилиб, соғлом дунёқараш эгаси қилиб қайта тарбияланади, фаол фуқаролик позициясига қайтарилади.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- глобаллашув шароити ҳар бир давлатни тинчлик деган неъматнинг қадрига етишга, уни ҳимоялашга мажбур қилмоқда.
- «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойилига асосланган миллий ғоя янги Ўзбекистонни шакллантириш, 2030 йилга бориб уни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш умуммиллий ҳаракатини ифодалаш билан бирга, фуқароларнинг сиёсий иммунитетини шакллантиришга хизмат қилади;
- ҳар бир фуқаронинг сиёсий иммунитетини шакллантирмаслик – уни носоғлом сиёсий мухолифат қўлига топширишдир;
- «Политология» («Сиёсатшунослик») фанида мафкуравий-сиёсий иммунитетни шакллантириш, таҳлил қилиш, тавсия бериш билан шуғулланувчи «Политиммунология» бўлимини яратиш керак.

Демак, мафкуравий-сиёсий иммунитети мустаҳкам бўлган одам Ватанга, халққа, миллий ғояга садоқатли бўлади. Фуқаронинг ғоявий, мафкуравий, маънавий, сиёсий иммунитети ёшлик давридан бошлаб шакллантирилса, у онг остига мустаҳкам ўрнашади ва юрагидан мустаҳкам ўрин жой эгаллайди. Ана шундай хислатга эга одамлар ватанпарвар, ғурурли, ўз халқи ва Ватани билан фахрланадиган бўлади ҳамда тўғри йўлдан адашмайди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли қарори.

Дилмурод ЭРНАЗАРОВ, сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент
(Тошкент давлат иқтисодиёт университети)

СИЁСИЙ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

XXI асрда бутун жаҳонда рўй бераётган глобал ўзгаришлар сиёсий жараёнлар муаммосини назарий жиҳатдан чуқур ва батафсил тушунишни тақозо қилмоқда. Ҳозирги сиёсий ноаниқликлар исканжасида келажакнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб жараёнларини олдиндан башорат қилиш жуда мушкул. Шунинг учун ҳам жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалари ривожланишида сиёсий жараёнларни пухта ўрганиш талаб этилмоқда. Сиёсий жараёнларга объектив баҳо бериш ва уни ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини белгилашда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини ошириш вазифасини кўрибди.

Сиёсий таълимнинг долзарблиги кўп жиҳатдан самарали сиёсий жараённинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ва фуқароларнинг илмий сиёсий билимлар ва фуқаролик кўникмаларини эгаллаш даражасига етарлича баҳо бермаслик билан боғлиқ. Энг долзарб муаммолардан бири шундаки, сиёсий жараёнларни бошқариш ҳеч қачон профессионал сиёсатчилар ва экспертлар фаолияти доираси билан чегараланиб қолмаган. Бошқалар учун бу соҳани ёпиқ ҳолда сақлаш сиёсий билимларни чегаралаб қўйиш, дунёнинг глобал сиёсий манзарасини очиб бермаслик хавфини туғдиради. Шунинг учун сиёсий таълимнинг сиёсий жараёнлар ва сиёсий дунё ривожига таъсир этувчи ижтимоий-гуманитар таълим тизимини янада ривожлантириш зарурати туғилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсатшунослик фани олдига тез ўзгарувчан сиёсий ҳаётни фуқароларга тушунтириб беришнинг семантик вазифаси қўйилмоқда. Буларнинг таркибига сиёсий элита, фуқароларга сиёсий муаммоларнинг келиб чиқиши моҳиятини тушунтириш, сиёсий ижтимоийлашувини таъминлаш, сиёсий жараёнда бевосита иштирок этишни ўргатиш, сиёсий дунёқарашни шакллантириш каби ўзига хос вазифа юклатилган.

Сиёсий билимларни яратиш механизмлари, сиёсий дунёнинг объектив ва яхлит манзарасини яратиш, фуқароларни сиёсий дунёни адекват идрок этишда ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда сиёсий жараённинг фаол субъектлари сифатида унда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантириш ижтимоий аҳамиятга эга.

Демак, сиёсий таълим ва фуқаролик тарбиясининг сиёсий жараёндаги етакчи ролини ўрганиш сиёсий жараёндаги зарур омилни билишнинг энг

муҳим таркибий қисмидир. Фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятининг юксаклик даражаси келгусида сиёсат таълимни эволюцион йўл орқали ривожланиб, такомиллашиб боришини таъминлайди. Улар сиёсий дунёнинг фаол субъекти сифатида асосий роль ўйнайди. Бинобарин, фуқаро умумий ижтимоий ўзгаришлар параметрларига кириши учун сиёсий билим, кўникма ва малакаларнинг муайян меъёри обеъктив равишда керак бўлади.

Бошқа томондан, давлат ҳам жамият ҳам сиёсий таълимни ривожланишидан манфаатдор. Ўзбекистонда сиёсий таълимнинг ривожланиш масаласига келсак, бугунги кунда «Сиёсатшунослик» фанини ўқитишда объектив равишда юзага келадиган кўплаб қийинчиликлар мавжуд. Ушбу соҳада малакали ўқитувчиларни тайёрлашда жиддий муаммолар тўпланган. Кўплаб ўқитувчиларда назарий билим ва кўникмаларни сиёсий амалиёт билан боғлаш ҳамда талабаларга содда, тушунарли қилиб етказишда тажриба етишмайди.

1997 йилда чоп этилган «Полис» [1] журналининг муқаддимасида айтилишича, «ўрта таълим муассасаларининг битирувчилари Россия университетлари ва институтларига фуқаролик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида минимал тушунчага эга бўлмаганлар. Улар олий ўқув юртларини битириб, мутлақ кўпчилиги бу борада саводсизлигича қолмоқда». Орадан 14 йил ўтган бўлса-да, аммо масала долзарблигича қолмоқда. Назаримизда, ушбу ҳолат жудаям аянчли. Сабаби, бугунги кунда МДҲ давлатларида шундай муаммо мавжуд. Баъзан шунга ўхшаш ҳолатлар Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Шундай қилиб, ёшларда сиёсий билим ва кўникмаларнинг етишмаслигига уларнинг ижтимоий-гуманитар фанларга бўлган қизиқишининг сустлиги сабабдир. Ижтимоий-гуманитар фанлар дарс соатларини кўпайтириш хамон долзарб масала сифатида қолмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини янада оширишдир.

Америкалик сиёсатшунос Жон Уилк фикрича, университетларнинг сиёсий фанларни ўқитишдан асосий мақсади умумий касбий тайёргарликка эга бўлишлик, «ўз ҳақ ҳуқуқларини англаган фуқаролар»ни тарбиялаш эмас, балки етук сиёсий саводхон ва сиёсий маданияти юксак, фаол шахсни тарбиялашдир.

Сиёсатшунос Л. Фон Миесеснинг ибораси билан айтганда, сиёсатшуносликни ўрганишдан мақсад ҳар бир инсонни сиёсатчига айлантириш эмас, балки, уни жамият ҳаётида фуқаролик функцияларини тўлиқ бажаришга тайёрлашдир[2].

[1] Полис. 1997. № 2. – С. 172.

[2] Ludwig von Mises. Liberalismus. Серия: Библиотека ГВЛ: Политика. Издательство: Социум, 2007. – С. 42.

П. Бурдье фикрича, давлат бошқарувида мутахассисларнинг сиёсий малакасини ошириш масаласи ҳам долзарблигига қолмоқда. Улар сиёсий ғоялар ва таълимотлар, сиёсий тизим, ижтимоий муносабатлар, сиёсий жараёнларда иштирок этиш тартиб қоидаларини билиши зарур.

Сиёсатшуносликнинг асосий мақсади сиёсий назариялар ва амалиётни яхши тушунадиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат [1].

Сиёсий таълимнинг сиёсий жараёнга таъсири муаммосини ўрганиш кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий мавзусига айланган. Бошқа томондан, сиёсий таълимнинг сиёсий жараён билан ўзаро боғлиқлиги жамият фуқароларнинг сиёсий билим ва кўникмалари ривожланишига бевосита таъсир қилади. Сиёсий таълимни ривожлантириш келажакда фуқароларнинг зўравонликлар таъсири ёки манипуляциясига тушиб қолмаслик, сиёсий жараёнларни объектив равишда тушунишга ёрдам беради.

Сиёсий таълим сиёсий жараённинг муҳим босқичи бўлиб, у сиёсий тизим барқарорлиги, самарадорлиги ва кейинги ривожланиш истиқболларига таъсир қилади. Сиёсий жараёнлар ўзининг динамик хусусиятларига кўра «сиёсий одам»ни шакллантиради, сиёсий таълим эса уларнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштиришга қаратилади.

Сиёсий жараёнларни англай билишнинг уч даражаси – сиёсий-гносеологик, сиёсий-социализация ва сиёсий-дидактик таҳлили асосида қуйидагилар исботланган:

1) жаҳондаги сиёсий жараёнларни объектив ва принципиал жиҳатдан билиш;

2) сиёсий социализация – бу сўзнинг тўғри маъносида сиёсий жараённинг моҳиятини акс эттирувчи жамоавий сиёсий тажрибани авлоддан-авлодга ўтказишнинг вақт синовидан ўтган механизми;

3) сиёсий дидактика – сиёсий таълимнинг жамиятдаги ўзгаришларга функционал реакцияси.

Шуни таъкидлаш керакки, сиёсий таълимнинг долзарб муаммосини ўрганиш доирасида жуда кўп объектив қийинчиликлар мавжуд. Хусусан:

- «таълим» тушунчасининг кенглиги;
- илмий сиёсий билимлар тизимида илмий ва сиёсий тушунчалар ўртасидаги зиддиятлар;
- сиёсий социализацияда ёндашувлар ва назариялардаги тафовутлар;
- сиёсий дидактиканинг назарий асосларида бир қатор соддалаштиришлар.

Сиёсий таълим ва сиёсий жараён ўртасидаги муносабатлар сиёсий таълим парадигмаларининг ўзгаришларида (антик даврдан то ҳозирги кунгача) асосида кузатилди. Ўрганилаётган муаммо бўйича кенг кўламли

---

[1] Бурдье П. Социология политики. – Москва: 1993. – С. 189.

манбалар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, барча даврларда сиёсий таълим «шахс-жамият-давлат» занжирида муҳим ўрин тутган. Сиёсий таълим ва сиёсий жараён ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича:

1. Бугунги кунга келиб, сиёсий таълимнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўқув фанлари даражасида янги сиёсий билимларни фаол ривожлантириш жараёни жадал давом этмоқда. Сиёсий таълимни ривожлантиришнинг турли шакллари ва усулларини излаш, ривожлантириш олий таълимнинг ҳам асосий масалаларидан бирига айланди.

2. Ҳозир даврда сиёсий таълим бошқа ролни ҳам ўйнаши мумкин. Бу кўпинча мавжуд сиёсий дунёнинг яхлитлигини англашнинг муҳим омили ҳисобланди. Унга салбий ташқи таъсирлар тенденцияларни жиловлаш усули сифатида қаралади. Аммо, сиёсий таълим кўпинча бу салбий омиллар ва бузғунчи ғоялар катализаторига айланиши мумкин. Бундан ташқари, у «эски сиёсий X режимини» йўқ қиладиган ҳалокатли жараёнларни бошлашга қодир.

3. Жаҳонда кўплаб инқилоблар юз бериш даврида сиёсий таълим асосий роллардан бирини эгаллайди. Бундай пайтда у янги дунё қуриш мақсадини ўзгаришсиз қолдириб, сиёсий жараёнлар объектларини тўлиқ қамраб олишга даъво қилиб, шакл ва усулларни фаол равишда синаб кўради.

4. Сиёсий анъананинг узилиши сиёсий социализация «занжири»даги тартибнинг шакл жиҳатдан бузилганлигини билдиради. Кекса авлод (ота-оналар, ўқитувчилар) «эски сиёсий X режим»нинг ижтимоийлашув масъулиятини ўз зиммасига олган ҳолда, янги давр ҳукмрон синфи нуқтаи назаридан ноқонуний ва номақбул, сиёсий қўллаб-қувватлаш элементига айланди. Ушбу босқичда сиёсий социализация жамиятда эришилган ютуқларни мустаҳкамлашнинг вақтинчалик механизми вазифаси юкланади.

5. Ўтиш даврида сиёсий таълимнинг алоҳида таркибий қисмларининг устунлигида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Сиёсий позицияни ривожлантириш ва сиёсий иштирок этиш биринчи ўринда туради. Бунинг ортидан интеллектуал (танқидий) қобилиятлар ва сиёсий билимларнинг ривожланиши кузатилади.

6. Тарбия билан фаол тўлдириладиган сиёсий таълим мазмуни ўз ичига келажакнинг ижобий тасвирини ва ўтмишнинг салбий образини ўзида мужассам этган «мақсад» каби асосий тушунчаларга айланиб, «келажакка эришиш ва жараён иштирокчиларини бирлаштириш» деган маънони англатади.

7. Ўтиш даврининг охирида анча узоқ барқарорлик даври бошланади. Бундай вазиятда сиёсий таълимнинг аниқ мунтазамлашуви мавжуд, чунки жамият тузилиши ва унинг тан олинишига кўра сиёсий жараёнлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар бартараф этилган бўлади. Сиёсий таълим

шахс, жамият, давлат ўртасидаги мувозанатни сақлашда уйғунлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

8. Сиёсий билим ва воқелик ўртасидаги тафовутни йўқотиш учун мунтазам ижтимоий-гуманитар фанлари орқали тақдим этиладиган «англаш босқичи» сиёсий таълимдан максимал даражада қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда сиёсий таълимни ривожлантириш учун бир нечта муҳим вазифалари бажариш лозим. Хусусан:

- ОТМларда сиёсатшунослик бўйича баклавр ва магистрлик йўналишларини янада кўпайтириш;
- ОТМларида ижтимоий-гуманитар фанларга ажратиладиган соатларни ошириш;
- сиёсатшунослик фанига оид маҳаллий адабиётларни янада кўпайтириш. Бу борада муаллифларга «қалам ҳақи» миқдорини ошириш;
- сиёсатшунослик фани бўйича янги ўқув-қўлланмалар ва дарсликлар яратиш бўйича давлат грантларни эълон қилиш ва ҳоказо.

Бизнинг фикримизча, ана шу вазифаларни бажарган ҳолда Ўзбекистонда сиёсий таълим тизимини янада такомиллаштирган бўламиз. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, юқорида билдирилган фикрлар сиёсий таълимни узлуксиз жараён сифатида тавсифлаш имконини беради.

Биринчидан, биз сиёсий оламнинг мавжудлигини шахс ва жамоат онгига, хулқ-атворига турли таъсир механизмлари орқали сақлаб туришнинг энг муҳим омилини сиёсий таълимда кўрамиз.

Иккинчидан, у сиёсий оламнинг барқарорлигига таъсир этувчи ички ва ташқи кучларни яраштириш (ёки мос келмаслик) орқали унинг мавжудлигини ўзгартирувчи восита вазифасини бажаради.

Сиёсий таълимни ривожлантириш орқали биз қуйидагиларга эришамиз:

- классик ва замонавий сиёсий таълимотларни кенг жамоатчиликка осон ҳамда тушунарли бўлишини таъминлаш;
- ёшларнинг сиёсий билим ва маданиятини шакллантириш;
- жамиятда сиёсий толерантлик принцпларини таъминлаш;
- сиёсатшунослик бўйича маҳаллий олимларимизнинг имижини янада ошириш;
- сиёсатшуносликка оид маҳаллий илмий адабиётлар сонининг ошишини таъминлаш;
- келгусида сиёсий партия ва давлат бошқаруви органларига етук ёш кадрларни етказиб бериш.

Наргиза НИЯЗОВА, доктор философии
по политическим наукам (PhD)
(Ташкентский государственный университет востоковедения)

КЛЮЧЕВЫЕ ВОПРОСЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ПОЛИТОЛОГИИ

Правительство – паруса, народ – ветер,
государство – корабль, время – море.
Людвиг Берне

Политология несомненно является одной из самых востребованных в мире наук. Современность показала, что изучение дисциплины очень важно с той точки зрения, что она способствует социализации граждан, воспитанию у них уважения к правопорядку, формированию устойчивой политической культуры, ориентированной на общечеловеческие ценности. Также наука о политике способствует становлению демократического менталитета, воспитанию таких качеств, как политическая толерантность, готовность к компромиссам и консенсусу, умение в рамках законов выражать и защищать свои интересы, предотвращать или относительно безболезненно разрешать социальные конфликты[1].

Политология, в качестве самостоятельной науки, была оформлена во второй половине XIX века, в 1857 году была создана кафедра истории и политической науки в Колумбийском университете (США). В это время в Европе началась тенденция активного вовлечения граждан в политику, повышения их политической культуры, которые в дальнейшем дали хорошие плоды. Бурные политические события требовали теоретического осмысления и практических рекомендаций. Спрос на политологическое знание увеличивался. К 90 годам XIX века американские и европейские колледжи и университеты создают кафедры и отделения политических наук[2].

На рубеже XIX-XX вв. появляются самостоятельные политологические исследования. В это время происходит выделение политологии /политической науки от философии и права. Далее, происходит объединение политологов ведущих стран (США, Франция, Великобритания, Италия и др.) в национальные ассоциации и в 1949 г. создается Международная ассоциация политических наук (МАПН) при ЮНЕСКО[3].

Со второй половины XX века политическая наука приобретает окончательную самостоятельность и по методам исследования, и по собственному месту среди наук. Возникает система направлений и научных школ. Все более четко разграничиваются предметные области изучения

---

[1] Политология: учебник для студентов вузов/ под редакцией В.К.Батурина. – 4-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2014. С.3.
[2] Политология / https://studfile.net/preview/7605524/page:2/
[3] Политология / https://studfile.net/preview/7605524/page:2/

(внешняя и внутренняя политика, политическое лидерство, власть, политические процессы и др.).

В 50-60-е гг. во многих университетах западноевропейских стран создаются факультеты и кафедры политических наук. В конце 60-х - начале 70-х гг. этот процесс охватывает страны Латинской Америки, Азии, Африки. В 60-70-х гг. в Германии, Испании, Франции, затем в СССР появляется новое наименование политической науки – политология.

Сегодня политическая наука в большинстве стран мира, особенно в развитых, является одной из самых авторитетных и востребованных, а также распространенных по количеству проводимых исследований, специалистов, преподавателей и студентов. Лидерами по этим показателям являются США.

В Узбекистане политология является относительно молодой наукой и в качестве учебной дисциплины была введена с первых лет независимости. С тех пор в ряде университетов республики функционировали факультеты и кафедры, специализировавшиеся на этой дисциплине и обучившие сотни и тысячи студентов, которые получили дипломы политолога. А также был проведен ряд исследований, нашедших свое отражение в ряде диссертаций.

Следует отметить, что политология в Узбекистане прошла ряд испытаний: в 2010 году прекратился набор студентов на данную специальность, в 2013 году были закрыты факультеты и выпускающие кафедры политологии, а также прекратили свое функционирование Советы по защите диссертаций по соответствующей специальности, в качестве аргумента послужило что в стране нет условий и потребности в подготовке специалистов по политологии, а в дальнейшем она вовсе была лишена статуса научной дисциплины и выведена из учебных курсов вузов.

В защиту дисциплины с 2013 года не раз выступал профессор А.А. Файзуллаев, отмечая необходимость в хорошо подготовленных кадрах в области политологии. В качестве примера приводил факты относительно того, что большое количество мировых лидеров, глав государств и правительств, видных парламентариев и дипломатов – это люди, которые изучали в университетах саму политологию или политологию в комбинации с другими дисциплинами[1].

Восстановление дисциплины произошло после принятия 29 января 2019 г. Постановления Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева «О мерах по повышению эффективности подготовки кадров, фундаментальных и прикладных исследований в области политических наук».

---

[1]. Файзуллаев А. В защиту политологии/ https://www.gazeta.uz/ru/2017/06/09/political-science/

Сегодня подготовка кадров-политологов производится в ряде высших учебных заведений, среди них можно отметить УМЭД, ВШСАП, ТГУВ, НУУз, УЖиМК, ТГЮУ и др[1].

В рамках политологии студентам соответствующих специальностей дают развернутую информацию и глубокие знание о происхождении предмета, о ее методах; знакомят с идеями философов античности, средневековья, нового времени, а также с теориями и концепциями, относящимися к разряду классических и современности; разбирается вопрос политического процесса, этапизируя и анализируя каждый этап процесса, изучаются некоторые моменты относительно революции, ее симптомов, а также вопросы политического участия; рассматривается вопрос политической системы, ее компонентов; изучаются вопросы, касательно власти и властных отношений. В дисциплине особое место занимают вопросы политического сознания, общественного мнения, политических идеологий, политической культуры и социализации, их уровней и этапов формирования. Центральное место занимает вопрос изучения государства как главного политического института, его признаков, а также теорий и концепций государственности, форм правления, государственного и территориального устройства. Изучается вопрос социальных групп как субъектов политики, социальная стратификация и социальная мобильность. В изучении вопроса модернизации уделяется внимание теориям и кризисам модернизации. Дисциплина изучает вопрос конфликтов, их природы; политической коммуникации, их видов, моделей и участников. Также в программе занимает особое место вопрос нации, тенденций в межнациональных отношениях, проблема межнациональных конфликтов, природа конфликтов, способы регулирования конфликтов, участники конфликта и их функции. Дисциплина также подразумевает изучение теорий демократии, избирательных процессов, партий и партийной системы, вопросов лидерства и его типологии, элиты, элитарных концепций.

Изучив и анализируя вышеуказанное, у слушателя формируется четкое понятие политики и ее компонентов, все его знания о политике переходят из разряда «обыденного сознания» в разряд «идеолого-теоретического сознания», т.е. в более профессиональный уровень, который отвечает за уровень его политической культуры. Полученные знания в рамках данной дисциплины в разы повышают уровень политической культуры и политической активности. Как показывает опыт развитых стран, благополучие и демократизация общества зависят именно от высокой степени политической культуры и политической активности граждан.

---

[1] Назаров Р. Новая наука: как выросла политология в Узбекистане / https://iacentr.ru/experts/ravshan-nazarov/novaya-nauka-kak-vyrosla-politologiya-v-uzbekistane/

Подведя итоги, следует отметить важность данной дисциплины, важность ее изучения и внедрения этих знаний среди граждан. В этой связи можно вспомнить высказывание Жозефа де Местра, франкоязычного католического философа, литератора, политика и дипломата, основоположника политического консерватизма: «Всякий народ имеет такое правительство, какого заслуживает»[1], т.е. качество правительства зависит от уровня политической культуры и активности самих граждан, и это в очередной раз доказывает важность изучения и распространения науки среди граждан.

Матлюба МУСАЕВА, сиёсий фанлар номзоди
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

«СИЁСАТШУНОСЛИК» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Жаҳон сиёсий майдонида юз бераётган улкан ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатмоқда. Демократик тамойилларга, умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда меъёрларга содиқлик республика ижтимоий ҳаётидаги демократиялаш жараёнигагина эмас, балки ана шу ўзгаришларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинишига ҳам таъсир этиб, бу билан Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини юксак мақомга кўтарди.

Мамлакатимизда юз бераётган ислоҳотлар, ўзгаришлар ва геосиёсий жараёнларни таҳлил қилиш учун талабалар «Сиёсатшунослик» фанининг асосий тушунчаларини – сиёсий тизим, сиёсий режим, фуқаролик жамияти, сиёсий етакчи, сиёсий партия, партиявий тизим, геосиёсат, «куч марказлари» кабиларни ўрганиши лозим. «Сиёсатшунослик» курси талабалар Ўзбекистон халқи манфаатларини чуқур англаш, демократик ислоҳотларнинг ўзига хослигини билиш, давлат хавфсизлигига солиниши мумкин бўлган хавфларга қарши иммунитетни шакллантириш, объектив дунёни реал идрок этишлари учун керак.

«Сиёсатшунослик» ўқув фанини ўқитишнинг долзарблиги фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асослари шаклланиши ва ривожланиши соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш, глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, шу асосда ижтимоий-сиёсий

[1] Цитаты и о политике / https://ruxpert.ru/Цитаты_о_политике

ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш[1]да намоён бўлади.

«Сиёсатшунослик» ўқув курсининг ҳозирги кунда муҳимлигидан келиб чиқиб, уни ўқитиш жараёнида услубий жиҳатдан бир қатор муаммолар вужудга келмоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Аудитория соатининг чекланганлиги. Бу вақт ичида ўқитувчи талабаларга Сиёсатшуносликнинг фан сифатидаги ўзига хослиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиши, сиёсий қарашлар ва таълимотларнинг шаклланиш тарихи билан таништириши, сиёсий фаннинг асосий категориялари назарий асосларини тушунтириши ҳамда талабалар томонидан сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириши зарур. Шуни айтиш лозимки, сиёсий фан таркибида геосиёсат, унинг асосий тушунчалари ва назарий қарашлари ҳамда бир қатор давлатларнинг геосиёсий жойлашуви ва манфаатлари ҳам ўрганилади.

2. Курснинг жуда ҳам назарийлашиб кетмаслиги олдини олиш зарурлиги. Мақсад фаннинг фақат назарий асосларини ўрганиш эмас, балки талабаларда турли мамлакатларда сиёсий ҳаёт ҳодисаларини таҳлил қилиш ва қиёслаш кўникмаларини шакллантиришдир.

3. Талабаларнинг сиёсий билимларини ошириш мақсадида ўқув жараёнини ташкил этишнинг самарали шакл ва усулларини танлаш. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун талабалар томонидан билимларни қабул қилишни фаоллаштирувчи ҳамда уларни сиёсий хулқ-атвор малакаларига айлантиришини таъминловчи фанни ўқитишнинг алоҳида методикасини қўллаш мақсадга мувофиқ.

«Сиёсатшунослик» фани ўқитиш даврида юқорида қайд этилган муаммони ҳал қилиш мақсадида бир қатор ташкилий-услубий шакллар тажрибадан ўтказилди. Аудитория машғулотларининг чекланганлигини семинарлар мавзуларининг асосий қисми маърузалар билан мос келиши уйғунлаштиради. Бу талабаларнинг мустақил ишини фаоллаштиради. Бунга семинар машғулотларида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали эришилади. Талабалар семинарлардаги анъанавий савол-жавобларга нисбатан кичик гуруҳларга бўлиниб ўтказиладиган ишбилармон ўйинлар, график органайзерлар (ташкил этувчилар)ни ишлаб чиқиш, кейс-стадиларни ечишда фаол ва қизиқувчанлик билан қатнашадилар.

Касб таълими фанларини ўқитишда муваффақиятли равишда қўлланилаётган методлардан бири талабалар гуруҳларини жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишдир. Бу услубда асосий масъулият талабалар зиммасига юкланади, улар фаоллигини оширишга қаратилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Қарори. 2019 йил 29 январь. [Электрон ресурс]. https://lex.uz/docs/4182353

Илғор мамлакатлар, шунингдек, мамлакатимиз педогогларининг тажрибаси кичик гуруҳлар туфайли таълим олувчилар ўртасида анча мустаҳкам муносабат ўрнатилишини кўрсатади.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш:

- талабаларни ҳамкорликда ишлашга, билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда коммуникабеллик, киришимлилик, бошқаларнинг фикрини эшитишни ўргатади;
- берилган топшириқни биргаликда бажариш жараёнида курсдошлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилишга мойиллик пайдо бўлади;
- саволларни аниқ шакллантиришни, берадиган жавобларни асослаб беришни ўрганадилар;
- таълим олувчининг потенциал имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Билмаганларини сўраб ўрганиш имконияти яратилади. Таълим олувчилар билимини ўзаро ҳамкорликда бойишини таъминлайди;
- тортинчоқ талабалар ўз билимлари, маҳоратларини намоён қилиш имкониятига эга бўладилар;
- қобилиятли, иқтидорли талабалар ўз қобилиятларини намойиш қилиш, бошқаларга ёрдам бериш, уларга ўргатишлари ва улардан ҳам ниманидир ўрганишлари мумкин;
- кичик гуруҳларда ишлаш ҳар бир талабага ўзини гуруҳнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиш, бир-бирларининг муваффақиятларини кўрсатишга ўрганадилар[1].

«Сиёсатшунослик» фани семинарларини ўтказишда ўқитишнинг интерфаол ва инновацион технологиялари қўлланилмоқда. Хусусан, «Сиёсий партиялар»га бағишланган семинар, одатда, кичик гуруҳларга бўлиниб ишбилармон ўйинлар тарзида ўтказилади. Унда талабалар ўзлари сиёсий партиялар «тузадилар», уларнинг дастури ва низомларини ишлаб чиқадилар ҳамда рақиб партиялар билан мунозарага киришадилар. «Сиёсий режимлар» мавзусини ўрганишда семинар мунозара шаклида ўтказилади. Яъни бунда ҳар бир гуруҳ маълум бир сиёсий режимнинг ютуқларини очиб бериб, уни ҳимоя қилади. Рақиб жамоа эса савол-жавоб орқали уларнинг камчиликларини ёритадилар. Жамоалар аниқ фактлар асосида беллашадилар. Уларни баҳоловчи экспертлар гуруҳи ҳам бўлади. Экспертлар дарснинг охирида жамоалар сиёсий режимларга қанчалик тўғри тавсиф берганлигини баҳолайдилар.

Шунингдек, «Сиёсатшунослик» фанидан мустақил таълимни ташкил этишда ҳам кичик гуруҳларга бўлиниб, кейслардан фойдаланилмоқда.

Сўнгги вақтларда «кейс-стади» методи хорижий мамлакатлар таълими амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда ва бугунги кунда

[1] Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Тошкент: «Иқтисодиёт», 2009. – Б. 14.

республика таълимида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Шу сабабли айни ўринда ушбу метод (технология) моҳияти ҳақида сўз юритилади.

«Кейс-стади» технологияси (ингл. «case» – чемодан, метод, «study» – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – 1) талабаларда аниқ, реал муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология; 2) реал вазиятларни баён этишда қўлланиладиган ўқитиш техникаси[1].

Ўқув кейсларининг муҳим характерли жиҳатлари муаммоли вазиятни ҳал қилиш юзасидан талабалар эътиборига адабиётлар рўйхати ҳамда уларга услубий кўрсатма, йўриқномаларнинг берилиши ҳамда ўқитувчи томонидан муаммонинг ечими бўйича ўз вариантининг тақдим этилиши саналади.

Кейс (муаммоли вазият)лар қуйидаги таркибий тузилмага эга бўлади:

1. Педагогик аннотация.
2. Кириш.
3. Кейс (муаммо)нинг баёни.
4. Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар.
5. Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.
6. Услубий кўрсатмалар.
7. Кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).
8. Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш[2].

Қуйида «Сиёсатшунослик» фани доирасида қўлланилаётган кейс мисол тариқасида келтирилади.

Кейс топшириғини бажариш[3]

КИРИШ

Сиёсий билимлар орқали инсоннинг сиёсий онги ва дунёқараши юксалади. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир»[4].

Маълумки, бугунги кунда жаҳон глобал ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Икки қутблиликдан кейинги тараққиёт ва глобаллашув шароити

---

[1] Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Тошкент: «Иқтисодиёт», 2009. – Б. 31.

[2] Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами / Мет. қўлл. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида инновацион технологиялар» сериясидан. – Тошкент: ТДИУ, 2013. – Б. 13.

[3] Мусаева М.Н. «Сиёсатшунослик. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанини ўқитиш бўйича услубий материаллар. – Тошкент. 2018. – Б. 70-73.

[4] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.46.

халқаро ташкилотларнинг дунё сиёсатида тутган ўрнини оширишга олиб келади ҳамда «давлат тузилмалари ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳаракатлари ва ўзаро таъсиридан иборат мураккаб жараён» сифатида намоён бўлади[1]. Глобаллашув шароитида халқаро сиёсий ва иқтисодий жараёнлар давлатнинг ташқи сиёсати ҳамда ички сиёсатига таъсир кўрсатади.

XXI аср бошларидаги воқеалар, жаҳон сиёсий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар ҳар бир кишидан сиёсатни чуқурроқ билишни, у билан жиддий шуғулланишни талаб этмоқда. Бу фуқароларнинг сиёсий онг, сиёсий маданият даражалари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг эркинликларини, ҳуқуқларини амалда таъминлаш имкониятини яратади ҳамда жамиятнинг демократлашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Талабаларда сиёсий воқелик, унинг мавжудлиги асосий тамойиллари, сиёсий хатти-ҳаракатнинг меъёрлари ҳақидаги тизимлашган илмий билимларни шакллантириш муҳимдир. Сиёсий билимлар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига мутахассислар тайёрлаш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан талабаларимизда жаҳонда кечаётган сиёсий жараёнлар – давлатлараро бирлашмалар, халқаро ташкилотларнинг тузилиши ёки улардаги муаммолар ҳамда сиёсий конфликтларнинг мамлакатимизга таъсирини хорижий ва маҳаллий ОАВдаги материаллар асосида таҳлил қилиб, уларнинг истиқболини белгилаш бўйича кўникмаларни шакллантириш лозим.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган кейс-топшириқ ҳам шулар жумласидан. Кейс талабалар учун тайёрланган бўлиб, унда хорижий тилларни чуқур ўргатилиши ҳам инобатга олинган. Кейс уларнинг кузатувчанлигини, мантиқий таффакурини, дунёқарашини, хорижий тилда сиёсий материалларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Бу, ўз навбатида, талабаларни келажакда сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам бериши мумкин.

Кейсни ҳавола этишдан мақсад «Сиёсатшунослик» фани доирасида ўтиладиган «Халқаро тизим ва халқаро муносабатлар» бўлимдаги маърузалардан олган назарий билимларни чуқур эгаллаш ва мустаҳкамлаш, реал халқаро сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш кўникмасини шакллантириш.

Кейсни бажариш жараёнида талабалардан, биринчи навбатда, ўрганаётган хорижий тилларида материални ўзлаштира олиш, халқаро сиёсий жараёнлардан хабардор бўлиш, шу соҳада назарий билимларга эга бўлиш ва дунёқарашнинг кенглиги талаб қилинади.

---

[1] Alimov R., Ochilov B. Xalqaro axborot tahlili. – Тошкент: JIDU, 2010. – Б. 39.

Талаба ва тингловчилар кейс билан танишиб чиқар эканлар, уларда ўрганаётган хорижий тил, ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда сиёсий фанлар ўқув курсида олган назарий ва амалий билимларини мазкур кейсни бажариш давомида қўллаш имконияти мавжуд бўлади.

Ушбу кейсни ечиш давомида Сиз:

– билиш жараёнларини: тафаккур, диққат ва ҳ.к. ривожлантириш муҳимлигини;

– муаммоли вазиятни индивидуал ва гуруҳда таҳлил қилиш ҳамда у далилларни қабул қилиш малака ва кўникмаларига эга бўлишни ўрганасиз.

ТОПШИРИҚ. Қуйида Сиз ўрганаётган хорижий тилларда келтирилган вазиятни таҳлил қилиб, унда кўтарилган муаммони, келтириб чиққан сабаблар ва ҳал қилиш йўлларини аниқлаш ҳамда қўшимча материаллардан фойдаланган ҳолда, муаммонинг ечими ва истиқболини белгилаш.

Изоҳ. Бу ерда ўқитувчи томонидан халқаро ҳамжамият ёки халқаро ташкилотларнинг фаолиятига оид долзарб мавзудаги ОАВ материаллари, давлат арбоблари фикр-мулоҳазалари берилади. Бу материаллар халқаро сиёсий жараёнлар шиддат билан ўзгараётганлиги боис, янгиланиб турилади. Қуйида мисол тариқасида француз тилида мақола талабаларга тақдим этилади.

Кейсни якка тартибда ечиш бўйича йўриқнома:

1. Аввало, кейс билан танишинг. Кейсни 2 марта ўқинг. Мақолада кўтарилган бош муаммони аниқланг.
2. Мақолада кўтарилган муаммонинг истиқболини белгилаш учун, аввало, кўрсатилган халқаро ташкилот, унинг тузилиши, фаолияти ҳақида қўшимча она тилингизда ёки бошқа тилларда *ушба электрон ресурслардан маълумотлар*ни тўпланг ва таҳлил қилинг: http://www.nato.int, http://www.touteleurope.eu, http://inosmi.ru, http://nbnews.com.ua.
3. Кейс матнини ва қўшимча маълумотларни ўқиганингизда, қуйидаги белгиларни ҳошияларига қўйинг:

   «Д» – муаммони тасдиқловчи далиллар;

   «С» – муаммонинг келиб чиқиш сабаби;

   «Е У» – муаллиф томонидан тавсия этилган муаммони ечиш усуллари.
4. Халқаро ташкилотни нормал фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни мақоладан ажратиб олинг. Уларни санаб беринг.
5. Юқоридаги муаммони келиб чиқиш сабабларини кўрсатинг.
6. Мақола муаллифи томонидан муаммони ечиш йўлларини аниқланг.
7. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилинг.
8. Таҳлил натижалари асосида халқаро ташкилотнинг истиқболини белгилаш бўйича фикр-мулоҳазаларингизни беринг.
9. Фикр-мулоҳазаларингиздан келиб чиққан ҳолда, НАТОнинг истиқболлари Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатига (масалан, «Тинчлик сари ҳамкорлик» дастурига) қандай таъсир кўрсатишини ҳам ёритинг.

Гуруҳларда кейсни ечиш бўйича йўриқнома:

1. Гуруҳ сардорини танланг.
2. Кейсни индивидуал ечимлари билан танишиб чиқинг ва уларни муҳокама қилинг.
3. Кейснинг гуруҳли ечим вариантини ишлаб чиқинг. Ватман қоғозида муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвалини чизинг (*Жадвалнинг 1-3-устунларини тўлдириш жараёнида битта гуруҳ аъзоси ёзади, қолганлари эса айтиб туради).*

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллар	*Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари*	*Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим*	*Гуруҳ ечими*

4. Ақлий ҳужум ёрдамида гуруҳ аъзолари томонидан таклиф этилган муаммони ечиш усул ва воситаларининг рўйхатини тузинг.
5. Жамоавий тарзда муаммони ечиш ғояларини баҳоланг. Сизнингча, устунвор бўлганларини танланг. Танланган ғояларни жадвалнинг 4-устунига ёзинг.
6. Муҳокама қилинг ва ким гуруҳ иши натижаларини тақдим этишини аниқланг: гуруҳ етакчисими ёки бутун гуруҳ аъзоларими?

Кейс устидан гуруҳли ишлаш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар рўйхати	*Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги макс. 1*	*Маълумотлар-нинг кўргазмали тақдим этилиши макс. 1*	*Оғзаки тақдимотнинг аниқлиги, лўндалиги макс. 1,5*	*Таклиф этилган муаммони ечиш усул ва воситаларининг тўлиқлиги макс. 1,5*	*Жами макс.5 (аъло)*

Бажариш вақти: гуруҳ иши – 20 дақиқа, тақдимот – 10 дақиқа.

Кейс топшириғини «Сиёсатшунослик» фани ўқитувчиси ёки чет тили ўқитувчилари юқоридаги баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида баҳолайдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозим, «Сиёсатшунослик» фани доирасида ўтказиладиган семинарлар ва мустақил таълимда кичик гуруҳларга бўлиниб, ишбилармон ўйинлар, матбуот анжуманлари, график ташкил этувчилар ҳамда кейсларни ечиш каби интерфаол ва инновацион технологияларни қўллаш талабаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотмоқда. Шу билан бирга, уларда нафақат она тилида, балки ўрганаётган хорижий тилда ҳам таҳлил қилиш, мустақил фикрлаш ва ўз фикрини баён эта олиш кўникмаларини шакллантиради. Бу эса, талабаларда сиёсий ва фуқаролик позициясини шакллантиришга замин яратади.

Фирюза МУХИТДИНОВА, юридик фанлар доктори, профессор
(Тошкент давлат юридик университети)

СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ ФАНИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Янги Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ҳам, дунё ҳамжамиятида ҳам ўз ўрнига эга бўлганини хорижлик экспертлар, олимлар, сиёсатшунослар эътирофида кўрмоқдамиз. Бу эътироф сиёсий фанларга бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда.

Маълумки, эса, маданий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий ривожланиш тенденциялари технологик ривожланишнинг янги босқичининг хусусиятларида ўзини ифода этаётгани замонавий жамият, рақамли электрон ҳукумат, рақамли дипломатия, электрон суд жараёнларига таяниб, алоқа ахборот воситалари ҳам сиёсий майдонни қамраб олгани мазкур фанларга қизиқишни кучайтирди. Жумладан, ёшлар онгига, аҳоли тафаккурига таъсир этадиган Интернет тармоғидаги турлича ёт ғоялар халқаро муносабатларга ҳам салбий таъсири ўтказмаслиги (рақамлаштириш ва кибержиноятлар аниқ трансчегаравий табиатга ҳам таъсир этиши) холатлари ҳам сиёсий ва ҳуқуқий фанларнинг долзарблигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори [1] да фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асосларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу сабабли, бугунги кунда сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш йўналишида тасдиқланган ўқув режаларида мажбурий фанлар сифатида «Сиёсий таълимотлар тарихи» фанини ўқитиш режалаштирилган. Хусусан, мазкур фанга Ўзбекистон Миллий университетида 210 соат, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида 180 соат, шунингдек, бошқа олий ўқув юртларида ушбу фанни ўқитишга тегишли ҳажмда соатлар белгиланган.

Бугунги кунда ОТМларда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишда «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» фанини ўқитиш ўта муҳим ва долзарбдир. Зеро, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ҳуқуқшунослик фанига киради. Лекин бу фан ривожланишига ҳуқуқшунослардан ташқари файласуфлар ҳам катта ҳисса қўшишган. Пифагор, Гераклит, Демокрит, Суқрот, Афлотун, Арасту, Эпикур, Конфуций, Августин, Гоббс, Кант сингари бир қатор файласуф ва мутафаккирлар қарашлари айни чоқда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида ҳам муҳим ўрин тутади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Қарори. 2019 йил 29 январь. [Электрон ресурс]. https://lex.uz/docs/4182353

Сиёсат, давлат, ҳуқуқ, қонунчилик соҳалари юриспруденция, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, этика сингари турли гуманитар фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Айни чоқда бошқа фанлар билан ўзаро алоқада бўлган ҳар бир фан ўзининг ўрганиш предмети ва усулларидан келиб чиққан ҳолда бу умумий соҳаларга нисбатан ўзига хос илмий ёндашувга, алоҳида предмети ва мавзуига эга бўлади. Сиёсий таълимотлар кенг маънода жамиятдаги синфлар, табақа ва тоифалар, миллатлар ва элатлар, шунингдек, давлатлар ўртасидаги муносабатларни ифода этувчи ғоялар, қарашлар ва вазифаларни ўз ичига олади. Бу қарашларнинг ўзагини ҳокимият масаласи, давлат тузиш ва бошқариш услублари масалалари ташкил қилади.

«Таълимотлар» деганда турли шакллардаги назарий қарашларнинг моҳияти, тегишли билимларнинг тарихан майдонга келиши ва ривожланиши, сиёсий-ҳуқуқий кўринишларни билиш чуқурлашиб борган назарий концепциялар, ғоялар ва қоидалар назарда тутилади.

Шарқ Уйғониш даврининг тарихи, маданияти ва шарт-шароитларига оид ўрта асрларда яратилган қўлёзмалар: Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, жумладан, Ибн ал-Асирнинг (1160-1234) «Ал-комил фи-т-тарих» («Муфассал тарих») асари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу маълумотларга асосланиб, Шарқдаги мадрасаларни бугунги кунда дастлабки университетлар, деб атасак, хато бўлмайди. Бизнинг фикримизча, Жанубий Италиядаги XI–XIII асрларда тиббиёт соҳаси билан шуғулланган Салерно университетидан ташқари, Шарқ мадрасаларининг XII асрда Европада Болонья, Париж, Монпелье ва Оксфорд университетларининг ташкил топиши ва уларда таълим беришда ҳам таъсири бўлган. Буни икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, Шарқ мутафаккирларининг асарлари лотин ва хориж тилларига таржима қилинган ва дарслик сифатида қўлланилган. Жумладан, 1230-1300 йилларда фалсафа, тиббиёт, астрономия, математика, логикага оид араб тилидаги асарлар таржимаси бошланган. «Таржимонлар қироли» унвонига эга бўлган Натан ха-Маати Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарини таржима қилган. Бу таржималар XII–XIII асрларданоқ Ғарб олимлари томонидан Форобий, Беруний, Ибн Сино асарларини ўрганиш ва тадқиқ этиш бошланганидан далолат беради. Шарқ мутафаккирлари сиёсий таълимотларида қонунчилик масалалари, ҳуқуқий маданият ғоялари, хусусан, қонун ва уни тарғиб этиш масалалари ҳам кенг таҳлил этилган.

Агар Форобий асарларига эътибор берсак, унда фозил шаҳар ҳақида гап кетганида, қонун асосида жамиятда уйғун тартиб ётиши кераклигини кўрсатишга уриниш намоён бўлган. Айнан уйғунликда, тизимлиликда ва илм, ахлоқ ва амалий кўникмалар бирлигида тартиб ўз мазмунига эга бўлади. Қизиқарли жиҳати шундаки, мутафаккирнинг қарашларига кўра, қонун чиқарувчи тадқиқотчи ва сиёсатчи бўлиши керак. Акс ҳолда, қонунни шакллантириш ва амалга ошириш жуда қийин. Шу билан бирга Форобий

қонунларнинг доимий эмаслиги ва ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг ўзгариши оқибатда, қонунлар ҳам даврга мослаштирилиши, такомиллаштирилиши мумкинлигига эътибор қаратган. Аллома урф-одатлар ҳақида гапирар экан, уларда конституциявий-ҳуқуқий хусусиятларни кўрмаслик мумкин эмаслигига эътибор қилади. Одамларни ижтимоий ўзини-ўзи англашлари ривожланиши орқали боғловчи урф-одатлар, Форобийнинг фикрига кўра, охир-оқибат: «биринчи навбатда турли турмуш тарзига эга бўлган кишиларни, катта эътиборли оилалар аъзоларини, катталар ва фарзандларни бирлаштириб, уларга эзгулик келтирувчи умумий қонун яратишга мажбур қилади»[1]. Бу ерда «эзгулик» сўзини айтилган гапларнинг мазмунини бузмаган ҳолда «ҳуқуқ» тушунчасига алмаштириш мумкин, чунки муаллиф бу асарида нима ҳақда гапирмасин, ўз олдига қандайдир ўзгармас, барқарор меъёрларни, ҳар бир кишига худди ҳуқуқдай хос бўлган маълум қоидаларни аниқлаш мақсадини қўяди.

Шарқ мутафаккирлари маърифатчиликни таълим, тарбия, амалий кўникмаларни ўрганиш, ижобий маънавий фазилатларни сингдириш билан бирга икки энг асосий педагогик усул – аниқ жойнинг шароити ва аҳолисининг характерига қараб олиб бориш керак деб ҳисоблашган. Яна бир эътиборли йўналиш бу, албатта, маънавий ва маърифий соҳани ривожлантиришга қаратилганидир. Зеро, бу ғояларининг мантиқий давоми 2021 йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимида келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида, яъни «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» концепцияси илгари сурилгани муҳим аҳамият касб этади. Мен ҳуқуқшунос олима сифатида ҳамиша маънавият ва ҳуқуқ уйғунлигини қўллаб келаман. Нега деганда, айнан маънан юксак инсонлар жамият ривожида ўрнак ва намуна бўлишади. Хушмуомалалик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик намунаси маънавий дунёқарашли инсонларда учрайди.

Ҳар бир ислоҳот юрт фаровонлиги ва халқ манфаатини, қонунлар эса, инсон шаъни, қадр-қимматини, бахт-саодатини кўзлаб қабул қилинади. Қонунларнинг асл моҳияти жамиятнинг барча қатламига баб-баравар етиб боргандагина, уларда белгиланган қоидалар бекаму кўст ишлайди. Албатта, янги Ўзбекистон – янги Ренессанс остонасида жамият аъзоларининг барча қатламлари манфаатини ҳимоя қилар экан, давлат бошқарувида мазкур масалаларга дахлдор ҳар бир мансабдор шахс юқори сиёсий ва ҳуқуқий билимга, маданиятга эга бўлиши давр талабидир. Ана шу талаб доирасида ҳам сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи инсоният маънавий маданиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Бу кўп асрлик тажрибалар, ғоялар ва қўлга киритилган натижалар замонавий сиёсий-

[1] Аль Фараби Абу Наср Мухаммед. Историко-философские трактаты. / Пер.с араб. – Алма-Ата: Наука, 1985. – С. 172.

ҳуқуқий қарашларга ва йўналишларга, ҳозирги кундаги назария ва амалиётга сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кун муаммоларини англаб етиш ва келажак сари маъқул йўл топиш мақсадида Янги Ўзбекистон ўз стратегиясини амалга ошириш ҳамда бой сиёсий-ҳуқуқий меросини асраб-авайлаб қолиши учун қандай кадрлар бўлмоғи керак, деган масала ўта муҳимдир. Янгича дунёқараш намуналарини Сингапурда, Малайзияда, Жанубий Корея, АҚШ, Япония, Европа давлатлари тажрибалари асосида ўрганар эканмиз, янги Тараққиёт стратегияси инсон ва жамият муносабатларига янгича руҳ киритганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу мақсадда **сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг фанига янгича ёндашувлар талаб этилади. Мазкур талабдан келиб чиқиб,** бугун янги сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш зарур бўлади. Чунки, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг стратегик мақсади ривожланган, эркин ва фаровон, қонун устувор бўлган, замонавий демократик давлатлар қаторига қўшилиш бўлиб, бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимида янги даври бошланганининг гувоҳимиз. Энг муҳими, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўқитишда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлиги билан ижтимоий-сиёсий фаол фуқаролар жамиятдаги ислоҳотларга дахлдорлигини сезиб, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини ҳис этишга ундайдиган янги ғоялар акс этиши зарур. Тан олиш жоизки, сўнгги йилларда мазкур йўналишда янги дарслик ёки ўқув адабиёти яратилмаган. Олдингилари эса, албатта, ўз-ўзидан бугунги глобаллашув жараёнларини ўзида тўлиқ акс эттирмагани, ҳаттоки ўқув соатларидан мазкур фанлар чиқариб ташлангани ҳам ачинарли ҳолатдир.

Хулоса шуки, янги Ўзбекистон шароитида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш масаласи бугунги кунга келиб ўзининг янгиланиш даврини бошдан ўтказмоқда. Халқ билан мулоқот орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, глобаллашув жараёнларида сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эга янги кадрларни ўқитишга мос ўқув адабиётлари яратиш биринчи навбатдаги вазифамиздир. Бунда Бурхонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги ҳуқуқий, Низомумулк, Алишер Навоий, Бобур, Хожа Самандар Термизий, Аҳмад Дониш, жадидларимизнинг яна кўплаб шарқ алломаларнинг сиёсий ғояларини ўрганиш ва уларни миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан талқин қилиш керак[1], деган фикрдамиз.

---

[1] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. «Янги аср авлоди». – Тошкент. 2019.; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: «Чўлпон», 1993.; Хожа Самандар Термизий. Дасутр ул мулук. – Тошкент: 1998.; Бобур. Бобурнома, Ўзбекистон, 2019. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. Авлоний А.. Тошкент тонги. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 246-б.

Бердикул ТУЙЧИЕВ, доктор философских наук, профессор
(Национальный университет Узбекистана)

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

В условиях нестабильного развития общества одним из важнейших направлений реализуемой на практике Стратегии развития Узбекистана является «обеспечение безопасности межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики»[1]. Формирование политической культуры личности направлено на выполнение этих задач.

Противоречивость политического развития личности – это взаимодействие гармонии и дисгармонии, отсутствие согласованности, проявление диспропорций, разногласий, антагонизмов, потеря равновесия, наличие пока еще недостаточно изученных механизмов. Прежние идеальные модели личностей, свободных от политических противоречий, теневых сторон, рассматривавшие формирование политической культуры как механический, внутренне непротиворечивый процесс, как своеобразную сумму мероприятий. Политическую культуру личности не понять, если учитывать только её подъем, если не обращать внимания на её теневые стороны, не проникать в причины её падения, распада, деградации.

Перед нашим обществом стоит задача воспитания разумного и гуманного хозяина природы и общества, формирования его политической культуры, гражданственности, сохраняя вместе с тем уникальную неповторимость каждой отдельной личности. Главная миссия человека совершенствовать себя и окружающий мир. При этом справедливо встаёт вопрос о границах мер ответственности человека за свои поступки. Моральную ответственность человек несет только за совершенное. В сферу его ответственности входит и несовершенное им, то, что только мог бы совершить, чего не достиг. Анализ компонентов, обеспечивающих богатство мира человека, показывает, что они находятся в противоречивом единстве, которое порой может принимать парадоксальный характер. Жизнедеятельность человека охватывает не только противоречия, обязательно разрешаемые на каждой ступени развития, но и те общечеловеческие противоречия, которые в принципе не всегда разрешимы и требуют обновления, дающие в результате возможность личности совершенствоваться (например, непрерывное выдвижение идеала, конфликт между действительным и необходимым, спор тела и духа).

---

[1] Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» 07.02.2017. Национальная база данных законодательства. https://lex.uz/docs/3107042 (дата обращения: 23.11.2021).

Отходя от плоско-морализаторского рассмотрения негативных моментов в сфере политической культуры личности нельзя отрицать роли бездуховности, равнодушия, предрассудков, культивируемых тенденциозными идеологами. Ключевая роль в проблеме самосовершенствования свободы выбора целей и ценностей, выбора проекций в будущее как непременного условия подлинного самосовершенствования, в процессе политической культуры означает, что только в этом случае личность несет всю полноту ответственности за результаты активности, направленной на изменение самой себя. Никакая внешняя деструктивная сила не вправе отчуждать это качество. Разумеется, свободный выбор всегда реализуется в условиях тех наличных ценностей и целей, которые предполагаются личности данным обществом и часть которых уже усвоена ею в процессе социализации. Но это другой вопрос, другой план анализа проблемы самосовершенствования. Подчеркивая аспект свободы выбора, следует обратить внимание на необходимость всемерного развития, поощрения, самовоспитания, реформирования воспитательной работы, основанной на господстве внешних факторов (авторитарности, принуждении, наказании, назидании, поощрении, награде и т.п.). Большие изъяны воспитательной работы, проводимой официальными учреждениями, как раз и связаны с недооценкой роли самовоспитания. Без развитой способности самовоспитания, насущной внутренней потребности в нем подлинная личность немыслима. Самовоспитание есть органическая форма самосовершенствования. По этому поводу подчеркивает Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев: «Только просвещение ведет личность к совершенствованию, общество к развитию»[1].

Таким образом, непременным условием формирования подлинной политической культуры является творческое самополагание личности, конкретные акты которого обычно отчетливо рефлексируются. И здесь на первый план выступают такие внутренние детерминирующие факторы, как мировоззрение и мироощущение, идеалы, основные смысложизненные установки. Последние же, в свою очередь, корректируются, уточняются, обогащаются постигнутыми результатами самосовершенствования личности. Это означает, что самосовершенствование не может быт завершенным и что оно предполагает изменение проекций в будущее. Ориентирами самосовершенствования всегда служили высшие достижения человеческого духа, воплощенные в культуре, зафиксированные в социальной памяти. Подлинное самосовершенствование есть развертывание сущностных сил человека, выход за горизонт наличных ценностей, творчество новых стратегических смыслов и возможностей.

---

[1] Послание Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису. 28.12.2018. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан. https://president.uz/ru/lists/view/2228 (дата обращения: 23.11.2021).

Саморазвитие политической культуры осуществимо только на основе адекватного самопознания, предполагающего настойчивое преодоление самообмана, выступающего в качестве типичной формы психологической самозащиты. Феномен самообмана свидетельствует о многомерности психической организации человека, фрагментарности, амбивалентности динамических структур субъективной реальности, о сложных взаимоотношениях сознательного и бессознательного, рефлексивного и арефлексивного, актуального и дислозиционального, рационального и иррационального, спонтанного и произвольного в человеческой психике. Отсюда заведомая несостоятельность тех линейных моделей организации политической жизни человека, которые еще бытуют как в социально-философской, так и в педагогической литературе. Без реалистичных моделей политического сознания развитой личности нельзя успешно решать практические проблемы воспитания, самовоспитания. А это требует пристального изучения феномена самообмана как на уровне коллективного, так и на уровне индивидуального субъекта. И здесь мы опять видим диалектическую взаимообусловленность общественного и индивидуального сознания, индивидуального и коллективного субъектов. Чем более справедливым, принципиальным становится отношение на уровне коллективного субъекта и общественного сознания и чем больше укрепляется воля к прогрессивным общественным изменениям, к совершенствованию тех или иных сторон общественной жизни, тем в большей мере становится действенное действие на уровне индивидуального субъекта, растет его потребность в самовоспитании, вера в реальность такого саморазвития, которое могло бы возвысить духовные силы, мудрость, красоту и добродетельность человека, а тем самым и нашего общества.

Тем не менее, в политическом поведении индивида подсознательное нередко проявляется как разумное стремление, и некоторые направления политологии ставят своей задачей объяснить сущность политической культуры именно с этой точки зрения. Политическая культура – это не цель в себе, а механизм, который вырабатывается в политической практике общества и должен служить опорой права личности и гражданского общества на выбор собственной судьбы. Её назначением является посредничество между обществом и государством, помощь в обеспечении законных прав граждан, в ограничении своеволия государства, роль в разделении властей. Эти функции политической культуры в конечном итоге помогают формировать свободные индивидуальности на политической и моральной основе, создавая условия роста социальной активности людей, их более или менее высокой оценки в обществе, признания их достоинства. Новое демократическое общество в Узбекистане, состоящее из свободных индивидуальностей, защищает личность от любых, в том числе корпоративных, форм подавления.

Корпоративная культура – это специфические для данной организации ценности, отношения, поведенческие нормы. Основу корпоративной и организационной культуры составляют те идеи, взгляды, основополагающие ценности, которые разделяются членами организации. Они могут быть абсолютно разными, в том числе и в зависимости оттого, что лежит в основе: интересы организации в целом или интересы её отдельных членов. Это – ядро, определяющее все остальное. Из ценностей вытекает стиль поведения, общения и различных коммуникативных средств.

Политическая культура должна поддерживать формирование гражданского общества, освобождение индивида в правовом отношении от любых сословных, корпоративных, национальных ограничений, переход к принципу: «один человек – один голос», «человек – государство – общество» сочетание плебисцитарной и представительной демократии, разделение властей, отказ от господства правления и опеки государства в частной жизни, предоставление экономической свободы гражданам. Иногда фактически исходят из того, что демократия не может ошибиться. Раскрепошение строя выводит на поверхность лучших, часто слишком энергичных и не ограничивающих своеволие людей. Наше общество настойчиво требует от предпринимателей исходить из норм морали, заботиться о нуждающихся в них инвалидах и сиротах, неимущих, лишившихся кормильца, одиноких и престарелых.

Именно это имел в виду и Президент страны Ш.М. Мирзиёев, призывая к сотрудничеству государственных и общественных структур в создании достойных условий жизни всем гражданам страны. Государственные структуры в современном Узбекистане обладают возможностями для социализации плохо адаптированных членов общества. Народ Узбекистана сделал свой выбор в пользу демократического общества. Основой Стратегии развития Узбекистана является то, что будут обеспечены все гражданские права и свободы личности, мир и благосостояние, возможности для гармоничного развития и совершенствования, выступающие главными факторами в становлении демократического общества в Узбекистане.

Демократия – это объективный процесс, который нельзя экспортировать извне. Историческая практика показывает, что она достигается обществом в результате сложных длительных усилий, кропотливого труда в материальной и духовной сферах.

Поэтому совершенно необоснованно звучат обвинения в адрес развития демократии в нашей стране. Тактика реформирования государства строится на учете традиций, умелом использовании наряду с последовательными утверждениями новых начал с более спокойным течением реформ, ведущих к устойчивости общества.

Для формирования политической культуры личности актуально определение критериев научности, принципов демаркации научного знания

(проблемность, предметность, обоснованность, интерсубъективная проверяемость и системность) от неудачного. Но ни один из критериев, ни все они вместе взятые в совокупности, не являются достаточными для четкого разграничения научных и ненаучных моментов гносеологической сущности политической культуры. Методологическая позиция исследования должна, по нашему мнению, обсуждать не критерии, которых можно выделить много, а стратегию их поиска. В конечном счете, для человека интереснее сам подход к обсуждению и решению вопроса о критериях научности собственных политических представлений.

Таким образом, можно выделить две подобные стратегии. Первая занимается поиском «инвариантов», извлечением «наибольшего» из всего многообразия научного знания. Однако зачастую инвариант ищется в одной из наиболее развитых отраслей общественных наук, и идеал научности редуцируется к критериям, специфическим для этой отрасли. В редуцирующих программах следования политических наук отмечается, в частности, наличие различных и несовпадающих систем критериев и норм, типов научности, присущих указанным специфическим областям познания. Социально-гуманитарный стандарт ориентирован на получение социально значимых результатов, согласующихся с целями, основными ценностными установками социально-исторического субъекта.

Исходя из вышеизложенного можно сформулировать следующие предложения и рекомендации:

во-первых, к проблемы формирования политической культуры необходимо подойти комплексно, с участием различных социальных институтов;

во-вторых, следует ввести специальные курсы по политической культуре для студентов по направлению «Политология»;

в-третьих, политическая культура личности проблема интегративная, следовательно, необходимо ввести научно-иследовательские работы с участием психологов, юристов и политологов;

в-четвёртых, политическая культура является основой политического сознания человека;

в-пятых, поличитеская культура и демократизация общества в Узбекистане тесно взаимосвязаны;

в-шестых, системный, структурно-функциональный анализ политической культуры общества имеет не только теоретическое, но и практическое значение.

Фазилат ҚЎЙСИНОВА, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Ўзбекистон халқаро ислом академияси)

СИЁСИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ОИД БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Қадимги Греция демократиясининг инсоният сиёсий тафаккурига қўшган ҳиссасига оид тадқиқотлар кўплигини, шунингдек, сиёсат борасидаги қарашлар ривожига Европанинг қанчалик миқёсдаги таъсирини эътироф этган ҳолда, масалага ислом цивилизациясининг алоқадорлиги ёки унинг тараққиётига бевосита дахлдорлигини эътироф этмоқ ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Инсониятнинг ер куррасида пайдо бўлиши, унинг бошқарувга эҳтиёж сезиши ва дунё бўйлаб тарқалиши, давлатчилик вужудга келиши, сиёсий муносабатларнинг такомиллашуви билан боғлиқ жараёнлар, албатта, турли цивилизацияларда, маданиятларда турлича талқин қилинади. Европанинг цивилизациявий ва илмий қарашларининг қариши, Ренессанс даврининг чекланмаганлиги XVIII асрдан буён тўхтовсиз давом этаётганлигини ҳисобга олсак, инсоният тараққиётида ушбу кўҳна қитъанинг ўрни беқиёслигини англаймиз. Инсоннинг диний қарашларни енгиб ўта олганлиги ёки черковнинг иродасидан эркинликка чиқа олиши билан характерланадиган ушбу даврлардан Европа илмий ютуқларни Қадим Шарқдан қабул қила олди ва унинг тараққий этишига катта таъсир кўрсатди.

Хўш, ислом цивилизациясининг сиёсий тафаккури шунчалик қолоқ эдими? Нима учун ўша даврда дунёнинг энг чекка ва одам оёғи етиб бормаган, кам сонли қабилалар истиқомат қиладиган, ривожланишдан анчайин ортда қолган ва қабилавий муносабатлар билангина чекланадиган Арабистон ярим оролида пайдо бўлган Ислом, кейинчалик ўша давр учун дунёнинг деярли ярмини ўз тасарруфига ола билди? Арабларнинг сиёсий тафаккури, бошқарув салоҳияти, иқтисодий ва савдо билан боғлиқ билимлари шунчалик кучли эдими? Улар ислом цивилизациясини ривожлантириш учун шундай катта ютуқларга ўзлари эриша олдими – деган саволларга жавоблар илмий манбаларда кам топилади.

Тўғри, баъзи адабиётларда, илмий манбаларда қисқагина ёки фақатгина чекланган маълумотларни учратиш мумкин. Аммо, ислом цивилизациясини ривожлантириш, уни сиёсий тафаккур билан бойишига туртки бўлган, тараққиётини таъминлаган қарашлар ҳақидаги илмий тадқиқотлар, оммабоп маълумотлар етишмайди.

Маълумки, бир вақтлар тарихан Исломнинг олтин аср дея тан олинадиган даври бўлганлигини, унда арабларга қараганда, Мовароуннаҳр, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа араб бўлмаган миллатларнинг таъсири юқори

бўлганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Майли, гап ислом цивилизациясига таъсир кўрсатган миллатнинг қандай ёки кимлиги ҳақида ҳам кетмасин. Бизнинг бу борадаги қарашларимиз шундан иборатки, жаҳон сиёсий тафаккури тараққиётига ҳисса қўшиш борасида юнон олимларидан кўра, ислом цивилизациясига тегишли бўлган олимлар бир неча баробар кўп бўлганлигини бемалол айта олиш мумкин.

Исломнинг олтин асрида мусулмон олимлари, рассом, муҳандис, шоиру файласуфлар томонидан яратилган асарлар, мусулмон жамиятларининг дунё цивилизациясидан анча олдинга ўтиб кетганлигидан дарак беради.

Ўрта асрларга қадар мусулмон Шарқида вужудга келган Донишмандлар уйлари, академиялар ва уларда ижод қилган олимлар Уммавийлар ва Аббосийлар даври билан боғлиқ ҳолда ривожланганлигини ёки тамал тоши қўйилганлигини, кейинчалик Маъмун академияси ва бошқа қатор илмий, ҳаттоки амалий марказлар доирасида ривожланган. Исломнинг олтин асрида вужудга келган кўплаб асарлар, олимлар томонидан яратилган ноёб қарашлар, ихтиролар, бунёдкорлик ишлари Араб халифаликларининг бир томондан кучайишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, араб тилининг ўз даврида халқаро илмий тил сифатида шаклланишига, кўплаб бошқа миллатлардан чиққан олимларнинг ҳам араб тилида ижод қилишига замин бўлди. Энг муҳими, ҳанузгача Мовароуннаҳр ва бошқа минтақалардан етишиб чиққан алломалар Европа томонидан араб олимлари сифатида танилаётганлигини ҳам илмий асослаб бериш ва тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш бугунги кун сиёсий фанлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Афсуски, яратилган илмий бойликлар, осори-атиқалар, тараққиёт намуналари, инсоният тафаккури бойишига хизмат қилган ва қилиши лозим бўлган қарашларни ўз ичига олган минглаб нодир асарлар орадан кўп вақт ўтмасдан илм-маърифатдан бутунлай йироқ, кўчманчи маданиятга хос, тараққиётни нафақат тушунмайдиган, балки ҳазм ҳам қилолмайдиган мўғуллар томонидан бутунлай йўқ қилинди. Улкан кутубхоналар вайрон қилинди, нодир ва бебаҳо китоблар ёқиб юборилди ёки дарёларга ташланди. Бу ислом маданияти учун жуда катта зарба берган бўлса-да, кейинги даврда илм-фан ўз тараққиётини тиклаб олиши билан боғлиқ жараёнлар янада кечикди.

Мусулмон олимларининг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаган ҳолда, улар учун фожиали бўлган ҳолатларни ҳам қайд этмоқ жоиз. Ўзаро ҳокимият талашувлари, мусулмон ҳукмдорлари ўртасидаги қирғинбарот урушлар, диний мутаассибликка асосланган ғояларнинг кенг ёйилиши, алломаларга нисбатан қарашларнинг ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ислом цивилизацияси учун янада фожиали бўлган.

Ҳақиқатан ҳам, мусулмон олимларининг сиёсат ва бошқарув билан боғлиқ тафаккурлар тарихидаги ўрни беқиёс бўлган. Булар қаторида, ўзининг мисли кўрилмаган юксак онги ва тафаккури билан ажралиб турадиган аллома, «Фозил кишилар шаҳри» шоҳ асарини яратган Абу Наср Форобий[1], сиёсат ҳақида ўз даври учун жуда қимматли асар, яъни «Сияр-ул-Мулук» (Сиёсатнома)[2] асарини ёзган аллома Низомул-мулк, ҳукмдорлар ва уларнинг мамлакатни оқилона сиёсий идора қилишига бағишланган ва сиёсий билимларга жуда катта ҳисса қўшган «Қутадғу билиг»[3] (Саодатга элтувчи билим) асари муаллифи Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғуний, «Қобуснома»[4] асари муаллифи Кайковус ва бошқа кўплаб асарлар ўша даврдан сўнг Европада Николло Макиавелли томонидан ёзилган, ҳукмдорнинг ҳар қандай ишини оқлайдиган «Ҳукмдор»[5] асарларидан ўзининг юксак маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари, одилона маслаҳатлари, инсоннинг энг олий қадрият эканлигини таъкидловчи қимматли ғояларни илгари сурганлиги ва бошқа қатор маданий савияси билан алоҳида ажралиб турарди.

Араб тилининг дунёнинг энг маърифатли жамиятнинг тилига айланганлиги, Қурдоба (Андалусия)дан тортиб, Боғдоду Самарқандни, Эрону Ҳиндистон мусулмон маданияти учун мулоқот тилига айланганлиги бугун барчага маълум. Энг аҳамиятлиси, араб тилининг бундай қудратли тилга айланиши, биринчи галда, ислом дини, Қуръон ва Ҳадисларнинг шу тилда ўрганилишига эҳтиёждан бўлса, иккинчидан, Хоразм ўлкасидан чиққан забардаст аллома Маҳмуд Замахшарий томонидан араб тилининг грамматикасидан тортиб, уни ўқитиш методикасигача яратганлигидир.

Юқорида номлари келтирилган алломалар ичида Абу Наср Форобийнинг «Фозил кишилар шаҳри» асарида илгари сурилган ғоялар, ҳаттоки бугунги кун раҳбарлари, бошқаруви, сиёсати учун ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади. Унда шаҳарни (давлатни) бошқарувчи эга бўлиши лозим бўлган хислатлари бугунги кунда кадрлар танлаш ва тайёрлаш учун ҳам муҳим методологик манба бўлиб хизмат қилади.

Бундай мазмунга бой ва биринчи галда, салтанатни адолатли ва оқилона бошқаришни санъат даражасига кўтаришга қаратилган шоҳ асарларнинг кўплаб яратилганлиги, уларнинг кейинги авлодлар томонидан янада ривожлантирилиб, шоиру олимлар, аллома-ю фузалолар томонидан маромига етказилганлиги борасида тадқиқотлар кам. Бу борадаги тадқиқотларни кўпайтириш, аждодларимизнинг сиёсат ва бошқарув

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: «Мерос», 1993. – 224 б.
[2] Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. – Тошкент: «Адолат», 1997.
[3] Юсуф Хос Хожиб Қутадғу билиг. –Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. – 100 б.
[4] Унсурулмаолий Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1986. – 172 б.
[5] Николо Макиавелли https://librebook.me/the_prince.

тафаккури, услублари борасида яратган ва хорижий мамлакатларнинг кўплаб кутубхоналари ва музейларида сақланаётган асарларини, тадқиқ учун муҳтожлик сезаётган осори манбаларини ўрганиш бугунги кунда нафақат тарихчиларимиз, балки сиёсатшуносларимиз олдида ҳам турган энг муҳим вазифадир.

Ўрта асрларда ҳам кўплаб масжидлар қошида мадрасалар ташкил қилинган, уларда нафақат исломий ёки диний билимлар, балки дунёвий илмлар ҳам чуқур ўргатилган. Темурийлар тарихини бошлаб берган Амир Темур бобомизнинг «Темур тузуклари»[1] асарининг ўз асл моҳиятан сиёсий бошқарув ва сиёсий тафаккурни ривожлантирувчи муҳим манба бўлганлиги, ундан нафақат Темурий шаҳзодалар салтанат ишларида, балки ундан кейинги ҳукмдорлар ҳам давлат бошқарувида фойдаланганлигини, ҳаттоки, айрим манбаларда ундан собиқ шўро тузуми баъзи раҳбарлари ҳам қўллаганлиги тўғрисидаги маълумотлар бизгача етиб келган.

Биргина шоир бобомиз Алишер Навоий томонидан яратилган асарларнинг деярли барчасида тожу тахт ва салтанат ишларини оқилона ташкил қилиш, адолатли сиёсат юритиш борасидаги чақириқларининг ўзи ҳам ўша давр, замон учун жуда катта ва ноёб қарашлар эди. Бундай асарлар ўз даврининг етук сиёсий билимларини акс эттирганлиги, ўша даврнинг руҳини, подшоҳзодалар ўртасидаги иноқлик, адолат ва оқибат, ягона давлатни сақлаб қолишнинг, халқ фаровонлиги, салтанат барқарорлигининг асоси эканлигининг илмий исботи бўлганлигини эътироф этмоқ лозим. Шу билан бир қаторда, шоҳнинг уддабуронлиги, тожу-тахт ва салтанат ободлиги учун жон жаҳди билан курашиши, тинмасдан меҳнат қилиши кераклиги, одил қарорлар қабул қилиши ва доимо хушёр бўлиги лозимлигини уқтириб келинган. «Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен, Агар шоҳсен сен – огоҳсен сен» номли сўзларининг Навоий ўзи сиёсий етукликнинг нишонаси эканлигини, ҳукмдорлар учун жуда катта сиёсий таълим вазифасини ўтаган.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида мутахассислар тайёрлашда ислом цивилизациясига оид билимлар билан бир қаторда, халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар ҳам ўқитилиши йўлга қўйилганлиги бу борада мутахассисларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлидидан далолатдир. Ушбу йўналишдаги мутахассислар учун Халқаро муносабатлар назарияси ва тарих, Сиёсатшунослик, Илмий тадқиқот методологияси, Геосиёсат, Марказий Осиё давлатлари хавфсизлиги ва ҳамкорлиги сингари фанлар ўқитилаётганлигини, уларда таҳлилий тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ чуқур билимлар берилаётганлигини таъкидлаш лозим.

---

[1] Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – Б. 27.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўз салоҳияти ва имкониятидан, ўзига белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети билан бир қаторда сиёсий тафаккури юксак мутахассисларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратаётганлигини, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва қарорлари қабул қилинганлигини алоҳида қайд этишга тўғри келади.

Ҳар қандай мутахасссисларни тайёрлаш учун зарур бўлган илмий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, бўлажак мутахассисларни зарур билим ва кўникмалар билан қуроллантириш масаласи ҳам бугунги политологиянинг асосий вазифаларидан эканлигини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳам ҳар йили айнан сиёсий фанлар ва халқаро муносабатлар йўналиши бўйича кўплаб монографиялар, ўқув қўлланмалар, қўлланмалар ва дарсликлар чоп этилмоқда, фанларни ўқитиш учун кучли мутахассисларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, халқаро муносабатлар соҳасида бугунги кун ислом олами, мусулмон дунёсида юз бераётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жараёнларни таҳлил қилиш ва ўрганишга аҳамият берилаётганлигини, бу борада кўплаб мамлакатлар билан халқаро алоқалар жадал ривожлантирилаётганлигини эътироф этмоқ жоиз.

Сиёсий фанлар соҳасида фундаментал ва амалий, инновацион, мақсадли тадқиқотларни ривожлантириш, бу борада халқаро ҳамкорликни ҳам кенгайтириш масалалари Ўзбекистонда сиёсий фанлар тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, биз тилга олган манбалар, алломалар томонидан яратилган шоҳ асарлар аслида денгиздан томчи бўлиб, Шарқ ва ислом дунёси олимларининг сиёсат ва салтанат бошқаруви билан боғлиқ илмга жуда катта ҳисса қўшганлигини таъкидламоқ лозим. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, мусулмон дунёсида яратилган, вужудга келган асарларнинг барчаси биринчи галда инсонийликни тарғиб қилишга, раиятни адолат билан бошқаришга, оқилона сиёсат олиб боришга, энг муҳими, доимо огоҳ ва сергак бўлишга чорлайдиган шоҳ асарлар сифатида ёш авлод онгига сингдиришимиз, тарғиб қилмоғимиз бугунги кун сиёсий фанларининг энг долзарб масалаларидан бўлиб қолаверади.

Ибодулла ҚЎНҒИРОВ, тарих фанлари номзоди, доцент
(Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети)

СИЁСАТШУНОСЛИКДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ

Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва жамият сиёсий ҳаётини модернизациялаш жараёнлари фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ҳамда сиёсий маданиятини ошириш, аҳолининг ушбу жараёнлардаги иштирокини янада жадаллаштиришни тақозо этади. Чунки, ижтимоий фаол, сиёсий етук фуқаро ўз халқининг ижтимоий тараққиёти, манфаати ҳамда эҳтиёжларини чуқур ҳис этади. Ҳақиқий сиёсий эътиқодга, сиёсий маданиятга эга бўлган фуқарогина, жамият сиёсий тизимининг такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўша олади. Ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ижтимоий фаол, сиёсий жиҳатдан етук шахсни тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг янгиланиши, ушбу жараёнларда халқнинг иштирок этиши демократик тизимнинг муҳим ва зарур элементларидандир. Мамлакатимиз аҳолиси сиёсий демократик қадриятлар ва демократия институтларини кенг қўллаб-қувватламоқдалар, бу эса фуқароларнинг истиқлол даврида эришган сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий маданиятининг ўзига хос кўринишларидан бири ҳисобланади.

Сиёсий маданият демократиянинг қад ростлашига, жамиятнинг демократиялашувига қандай таъсир этади? Умуман, сиёсий маданият умумбашарият учун қандай аҳамиятга эга? Бундай саволларга жамиятшунос олимлар томонидан аниқ ва тўлиқ жавоб топилганича йўқ, десак тўғрироқ бўлади. Ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, сиёсий маданиятнинг жаҳондаги савиясини ҳам юқори даражада деб бўлмайди. Бу фақат фуқаролар учун эмас, балки ҳаммага – давлат бошқарув идоралари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа ижтимоий гуруҳларга ҳам тааллуқлидир.

Фуқаронинг сиёсий маданияти – мураккаб, кенг қамровли тушунча. Унинг замирида инсоннинг умумий маданияти ётади. Фуқаронинг сиёсий маданияти турли идеаллар, қадриятлар, кўникмалар ҳамда сиёсий қарашлар, сиёсий билим ва сиёсий ҳис-туйғулар мажмуидир.

Сиёсий маданият – инсоннинг сиёсий институт ва қадриятларда қайд этилган ижодий фаолиятининг тавсифи ва инъикосидир. Бу маънода сиёсий маданият фақат натижа эмас, балки яратиш ҳамда ушбу жамиятга хос барча

сиёсий қадриятлар ва йўналишларни ўзлаштиришнинг ягона, ўзгарувчан жараёни ҳамдир[1].

Инсонда сиёсий маданият, аввало, унинг сиёсий манфаатлари, хоҳиш-истаклари атрофида мужассамлашади ва шахсий тажрибалари негизида мустаҳкамланади. Умумэътироф этилган сиёсий маданий қадриятлар, хулқ-атвор андозалари ҳамда анъаналар одамларни ягона сиёсий тизимга бирлаштиради, бир жамиятни бошқа жамиятдан фарқлайди. Сиёсий маданият негизида одамлар ягона давлат фуқаролари эканлигини англаб етадилар. Шунингдек, фуқароларда шаклланган сиёсий маданият жамият аъзоларини бирлаштирувчи ва ватанпарварлик туйғусини қарор топтирувчи куч саналади.

Шуни таъкидлаш керакки, сиёсий маданият билан боғлиқ масалаларга ўтмишда кўпгина мутафаккирлар – Аристотель, Н. Макиавелли, Ш. Монтескье, А.Де Токвиль, М. Вебер, Н. Данилевский, Н. Бердяев ва бошқалар эътибор қаратишган. Бироқ, кенг фалсафий маънода қўлланувчи «сиёсий маданият» атамасига, маданият ва сиёсатнинг ўзаро таъсири муаммолари билан боғлиқ тадқиқот ишларини олиб борган, немис маърифатпарвар файласуфи Иоган Гердер (1744–1803) асос солади. Кейинчалик, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида бу тушунчадан турли илмий мактаблар кенг фойдаланган. Айниқса, америкалик олим Г. Альмонднинг «Қиёсий тизимлар» (1956 йил) асарида чуқур таҳлил этилади. Америкалик сиёсатшунос олим Д. Пол сиёсий маданиятни «жамият сиёсати негизида ётган қадриятлар, рамзлар ҳамда кўрсатма ва хулқ-атвор намуналарининг конфигурацияси» деб, таърифлайди. Шунингдек, сиёсий маданият назариясининг ривожланишига С. Верба, Л. Пай, У. Розенбаум ва М. Крозье каби олимлар ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Сиёсий маданиятга оид талқинларни умумлаштирган рус олими Э.Я. Баталов сиёсий маданиятга соддалаштирилган қуйидаги таърифни беради: Сиёсий маданият – бу индивидлар ва гуруҳларнинг онги, хулқ-атвор моделларининг тарихан шаклланиб келган андозалари, шунингдек сиёсий институтларнинг фаолият кўрсатиш моделлари тизими демакдир[2].

Фуқаронинг жамият сиёсий ҳаётдаги иштироки, сиёсий фаолияти, хатти-ҳаракати, шунингдек, сиёсий маданияти, сиёсий онги, тафаккури билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш имконияти сўнгги йилларда, аниқроқ айтганда, мустақиллик туфайли юзага келди. Чунки, собиқ Иттифоқнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими, Марказнинг бюрократик механизми барча Иттифоқдош республикаларни хом ашё манбаига айлантириб, ижтимоий-сиёсий тараққиётдан узиб қўйган эди. Чунки, совет мафкураси фуқароларнинг сиёсий маданияти, онги ҳамда сиёсий

---

[1] Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият: назарий-қиёсий тадқиқот. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 43.
[2] Баталов Э.Я. Политическая культура. – Москва: 1997. – С. 697.

тафаккурининг уйғонишидан, улар асосида демократия тамойилларига мос эркин ва озод фуқаронинг шаклланишидан қаттиқ чўчир эди.

Фуқароларнинг сиёсий маданиятига оид тадқиқотларни собиқ Иттифоқ олимлари ҳам ўз даврига хос ҳолда амалга оширишган. Улар бу тушунчага жамият маданиятининг таркибий қисми сифатида қарашган. Натижада бу масалалар назария сифатида қолиб кетаверган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, собиқ Иттифоқда холис тадқиқотлар мавжуд бўлмаган. Энг зарур илмий адабиётлар ҳам «сиёсий маданият» ҳақида тўғри ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермаган. Турли ижтимой гуруҳларнинг мақсад-муддаолари эътиборга олинмаган ва сиёсий хатти-ҳаракатларга рухсат этилмаган, ҳар қандай сиёсий фаолият қаттиқ назорат қилинган.

Фуқаролар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини рўёбга чиқариши учун амалий жараёнларда иштироки биланоқ сиёсий маданият шакллана бошлайди. Фуқаро сиёсий маданиятни, аввало, сиёсий партиялар, манфаатли гуруҳлар фаолиятида фаол иштирок этиш орқали эгаллаши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда сиёсий демократияни вужудга келтириш учун демократик бошқарув тизимини такомиллаштириш лозим дейилади. Ваҳоланки, барқарор ва самарали демократик бошқарувнинг ривожланиши учун, аввало, демократик тузумни қўллаб-қуватлашга қодир, сиёсий жиҳатдан фаол шахсларга эга бўлиш зарур. Бунга эса фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш орқали эришилади.

Бу тан олинган ҳақиқат мустақил тараққиёт йўлида шахдам одимлаётган Ўзбекистон учун жуда долзарбдир. Мамлакатимизда мавжуд сиёсий маданият демократиянинг ривожланишига, фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилишга қаратилган. Мамлакатимизда демократик жараёнларни такомиллаштириш, халқимизнинг қонунни ҳурмат қилишга, ахлоқий, маънавий қадриятларга содиқлик, сиёсий муносабатларда устуворликка эришиш каби омилларга асосланади. Сиёсий маданият қадриятларга оид меъёрий тизимдир. У ўзида сиёсий тизимдаги таянч, эътиқодлар, кўрсатмалар, йўналишлар интилишлар тимсолларни акс эттиради ва бирлаштиради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, фуқароларнинг сиёсий маданияти, аввало, аждодларидан қолган тарихий қадириятларга асосланган ҳолда шаклланади, десак хато бўлмайди. Глобаллашув жараёнларида умуминсоният томонидан юксак даражада тан олинаётган демократик сиёсий қадриятлар, жамият тараққиётига таъсир этиш кучига эга бўлса, бундай қадриятлар ҳеч қандай тўсиқларсиз қабул қилинади.

Мустақил Ўзбекистонда дунёвий давлатларга хос сиёсий қадриятлар истиқлолнинг илк кунларидаёқ сиёсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган эди. Бундай сиёсий қадриятларнинг давлат бошқарувида кенг жорий қилиниши мамлакатимизда амалга оширилган қатор сиёсий ислоҳотларда яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг тадрижий тараққиёт йўлидан боришида фуқаролар сиёсий маданиятининг ўзига хос қайси жиҳатларини қарор топтириш талаб этилиши ҳақидаги савол туғилса, аввало, бу йўлда муваффақиятга эришиш учун бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, озчилик фикрини ҳурмат қилиш, фуқаролар тотувлигини таъминлаш каби фуқароларни жипслаштирувчи сиёсий маданиятни шакллантириш зарур, деб жавоб берилади. Агар фуқаролар орасида ўзаро ишонч, миллий тотувлик бўлмаса манфаатли масалаларни ҳал қилишда ўзаро келишувга эриша олмайди. Демак, ҳамкорлик муносабатлари, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг очиқлиги ва ошкоралиги маълум демократик тартиб-қоидалардан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданияти, олдинги ҳамда ҳозирги замон сиёсий маданияти, тараққиёт босқичидаги ҳамда хориж мамлакатлар сиёсий маданиятларининг таъсир доирасида ва уларни ижодий, таҳлилий ўрганиш натижасида такомиллашади ва ривожланади.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари, сиёсий ислоҳотлар натижасида фуқароларининг сиёсий маданияти юксалмоқда. Вақти келганда, бошқа халқлар учун намуна бўлишга, ибрат олишга арзийдиган даражага кўтарилиши мумкин. Чунки, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янгиланишлар, туб ислоҳотлар, демократик қадриятларнинг давлат ва жамият бошқарувига кенг татбиқ этилиши, бундай дейишимизга тўла асос бўла олади. Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат»[1].

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, янгиланаётган жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқароларнинг сиёсий маданиятини оширишга тизимли ёндашиш;

иккинчидан, фуқарорларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган ишларнинг аниқ режасини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

[1] Мирзиёев Ш.М. БМТ бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 20 сентябрь.

учинчидан, сиёсий маданият масалалари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини янги босқичга кўтариш;

тўртинчидан, тараққиёт босқичидаги дунё мамлакатларининг сиёсий маданият билан боғлиқ илғор тажрибаларини қиёсий ўрганиш;

бешинчидан, сиёсий маданият муаммолари билан шуғулланадиган илмий марказларни ташкил этиш;

олтинчидан, сиёсий партиялар томонидан ташкил этиладиган тадбирларда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш;

еттинчидан, янги Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий маданияти билан боғлиқ тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш.

Шавкат ТУРАЕВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент
(Республика Маънавият ва маърифат маркази)

СИЁСИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА МАФКУРА МАСАЛАСИ

Дунё харитасидан муносиб ўрин эгаллаётган, янгиланаётган Ўзбекистонда демократик ривожланган фуқаролик жамиятини қуришни стратегик мақсад сифатида белгилаб, жамиятнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев, «Янги Ўзбекистонни барпо этиш – шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

... Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади» [1] – деб, таъкидлайди. Шу маънода, Янги Ўзбекистон стратегиясини белгилаб берадиган миллий ғояни, мафкурани ёшлар онгига сингдириш миллий давлатчиликни ривожлантиришдек улкан ишларимизнинг пойдевори дейиш мумкин.

Ана шундай шароитда мафкуралар ҳақида билим бериларкан, асосий урғу миллий мафкурага берилиши тайин. Аммо бугун ва ҳамма замонларда дунё саҳнининг асосий майдонини эгаллаб турган «сиёсий мафкуралар» масаласи гарчи миллий мафкурага ўхшаб кўринса-да, унинг моҳиятида сиёсат турганини унутмаслик лозим. Зеро, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва

[1] Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.

таҳликали даврда асосий эътибор миллий ғояларга қаратилса ҳам унинг туб моҳиятида сиёсат ёткани кундай равшан.

Шу маънода, бугунги сиёсатда нафақат Ўзбекистон, балки дунё сиёсий саҳнида миллий мафкураларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида чуқурроқ билим бериш ёшларнинг асл моҳиятни англаб етишига хизмат қилади.

Ҳозирги замонавий жамиятда сиёсий жараёнларнинг бориши мафкуравий жараёнларга кўп жиҳатдан боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Сиёсий жараёнлар мафкура билан ҳисоблашишга, лозим бўлса ўзининг дастурларини мафкура орқали амалга ошишишга ҳаракат қилади, Шундай экан, янги авлод сиёсатшуносларини тарбиялашда мафкуравий билимларнинг ўрни ниҳоятда муҳим.

Сиёсатшуносликка оид адабиётларда кўп ҳолларда демократия билан боғлиқ мафкуралар ёки миллатчиликка оид мафкуралар ўқитилади. Буларни билган яхши. Лекин ҳар бир жамият ўзининг ривожланиш йўлида миллий мафкурасини билиши тўғри йўлдан боришига хизмат қилади.

Миллий мафкураларни ўқитишда турли мафкуравий жараёнларни кузатиш ва қиёсий таҳлилни амалга ошириш, янгиланиш йўлини танлаган Ўзбекистон шароитида ўтган давр мобайнида мафкуранинг жамият ҳаётидаги, сиёсий жараёнлар ривожидаги ўрни қандай эканлигини эмоционал эмас, рационал таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш талабаларда жамият ривожи ҳақида умумий тасаввур пайдо бўлишини таъминлайди.

Кейинги босқич ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг мафкуравий йўли ва эришган натижаларига боғлиқ. Шу ўринда бизнинг асрлар давомида шаклланган оламшумал ғояларимиз уларнинг мафкура даражасига чиқа олиш имкони камдан-кам ҳолларда бўлгани, ҳозирги даврдаги миллий мафкуранинг принципиал ўрни ва эришилаётган ёки эришиш мумкин бўлган натижаларни шунчаки юзаки назарий эмас, илмий асосда таҳлил қилишни сиёсатшунослик йўналишида йўлга қўйиш, келгусида ҳам мафкуравий жараёнларнинг, ҳам сиёсий жараёнларнинг ривожига ката ҳисса қўшилишига олиб келади.

Бу жараёнда миллий ғояларни ўқитиш, ўргатиш учун, аввало, мафкураларнинг ўрни ва аҳамияти ва туб моҳиятини, тарихий илдизларини, ўша даврдаги хусусиятлар билан бугунги кундаги воқеликнинг ўзига хослиги ва умумийлиги ҳақидаги билимларни бериш мафкураларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, талаба миллий ғоя ва мафкураларни ҳозирги давр воқелигидан хабардор бўлгани билан унинг туб моҳияти ҳақидаги чуқур билимларга эга бўлмаса ундаги иммунитет, билим ва кўникма етарлича шаклланмай қолаверади.

Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш учун, аввало, мафкуравий билим бериш, яъни мафкуравий жараёнларни таҳлил қилиш, туб моҳиятни англай олиш кўникмасини шакллантириш лозим. Шу маънода қуйидагилар ҳақида кенг ва чуқур билим бериш мақсадга мувофиқдир:

Инсоният эволюциясининг мафкуралар эволюцияси билан боғлиқлиги. Инсоният тарихида кишиларнинг интилишлари ва ҳаётий мўлжалларини ўзида мужассамлаштирадиган, уларни амалга оширишга, кўзланган мақсад-муддаоларга эришишга сафарбар этадиган мафкура жамиятлар ҳаётининг узвий қисми ҳисобланади. Шу маънода инсоният эволюцияси мафкуралар эволюцияси билан узвий боғлиқ кечган.

Инсоният ривожланиш тарихининг ҳамма замонларида улар томонидан маълум бир мақсадлар сари интилиши туфайли натижаларга эришилган. Ҳар қандай натижаларга эришиш учун кишиларда тўпланган билим ва малакалар, уларни маълум бир ғоялар атрофида бирлашишига хизмат қилган. Ана шу бирлашиш ва бир мақсад сари интилиш мафкурага айланган ва улар турли кўринишларда бўлган. Умуман, инсоният тарихи кишиларни бирлашиш, белгиланган йўлдан оғишмай кўзланган мақсад-муддаоларга эришишга сафарбар этадиган мафкура жамият ҳаётининг узвий қисмига айланганини кўрсатмоқда.

Тарихидан маълумки, ўзининг ғоялари билан давлатлар, халқлар ривожига салбий таъсир кўрсатган, тараққиётни издан чиқарган кўплаб мафкуралар бўлган ва ҳозир ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, башарият тарихидаги барча босқинлар, аксарият урушлар бузғунчи мафкуралар асосида бўлгани, кейинги беш минг йил мобайнида одамзот ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошидан кечиргани ҳаммага маълум[1].

Ҳукмронлик сиёсати натижасида вужудга келадиган вайронкор мафкуралар натижаси ўлароқ, урушларни олиб бориш, босқинчиликни моддий ва маънавий тайёрлаш, рақибни ҳарбий қуроллар ва жанг олиб бориш тактикаси асосида, руҳий таъсир кўрсатиш воситалари ёрдамида тор-мор қилишнинг назарий асослари ҳам яратилган. Тажовузкорликни ёқлайдиган, босқинларни, одамлар ва бутун бошли халқларнинг қирғин қилишни оқлайдиган мафкуралар ҳам бўлган.

Бошқача айтганда, инсоният тараққиёти ва жамият ривожига хизмат қиладиган ғоялар сингари замонлар билан бирга, сиёсий мафкураларнинг геополитик мақсадларини амалга оширувчи бузғунчи ғояларни ичига олган мафкуралар ҳам шаклланиб, ривожланиб келмоқда.

Ўзига нисбатан душман билган, уларнинг манфаатларига хизмат қилмайдиган мафкураларни енгиш усул ва воситаларини ўзида мужассам қилган ғоялар ишлаб чиқилгани ҳеч кимга сир эмас.

XX аср: мустамлакачилик мафкураси. Маълумки, мустабидчилик ғояси неча асрлар мобайнида дунёнинг деярли барча давлатлари, халқларига ўз салбий таъсирини ўтказиб келди. Дунёни бўлиб олиш мақсадидаги муфкураларнинг тазйиқдан, кимларнингдир манфаатига хизмат қилувчи вайронкор мафкурадан ер юзида азият чекмаган халқлар қолмади

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2000. – Б. 53.

ҳисоб. Кўпгина Ғарб давлатлари мустабидчилик мафкураси оқибатида қанчадан-қанча давлатларнинг бошига азоб-уқубатлар солишди. Бир вақтлар Британия мустамлакалари ўз ҳудудидан юз маротабадан ҳам каттароқ бўлиб кетгани ҳам мустабидчилик мафкурасининг оқибати эди.

XX асрга келиб, ҳудудий дахлсизлик масаласи кун тартибига чиқди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги умумий ҳолат шуни тақозо қилар эди. Шу сабабли халқаро муносабатларни шакллантириш йўлида дунё ҳамжамияти кенг миқёсда фаолият олиб борди. Қирғин-барот урушларга барҳам берилди. Очиқдан-очиқ бир давлатнинг иккинчи давлат ерларига бостириб кириши ёки ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш тақиқланди. Давлатлар, халқлар, миллатлар ўртасида тенглик, ҳурмат ва манфаатли ҳамкорлик қилиш масалалари ҳал қилинди. Бироқ, бу дунё ҳамжамиятининг барча давлатлари, халқлари тинчлик йўлига кирди, энди ҳамма ҳамкорлик йўлидан боради дегани эмас. Ҳатто бугунги кунгача айрим кучлар бошқа давлатларнинг ерлари, бойликларини тасарруф қилиш фикридан қайтгани йўқ. Фақатгина энди ўша урушларнинг янгича замонавий турлари пайдо бўлди.

Биргина коммунистик мафкура ниқобидаги мустамлакачилик даврида ўзбек халқини миллий ўзлигидан айириш, қадриятларини йўқ қилиш, кишилар онгига ёт ва сохта ғояларни сингдириш учун тизимли мафкуравий сиёсат олиб борилди. Бироқ халқимиз ўзига хос маданиятини, бетакрор маънавиятини сақлай олди.

Бугунги кунда янгиланиш йўлига кирган Ўзбекистон дадил қадамлар билан одимлаб бормоқда десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, бу йўлда – жамият миллий мафкурасининг ўзига хос таъсирини таъкидламай иложи йўқ.

Миллий ғоянинг умуммафкуравий жараёнлар билан боғлиқлиги. Мафкуравий жараёнлар ижтимоий ҳодиса сифатида моҳиятан бирор жамиятнинг маълум бир мақсадлар, мўлжалларни амалга ошириш юзасидан белгилаб олинган ғоялар тизими ва уларга асосланган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш ёки шу йўлда фаолият олиб бориш билан боғлиқ жараёнлардир.

«Энг умумий маънода «мафкуравий жараён» тушунчаси муайян ғоявий қарашлар тизимининг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши билан боғлиқ босқичларнинг узвий бирлигини ифодалайди»[1]. Шу маънода мақсад ва мўлжаллар кишиларни ҳаракатга ундайди. Натижада жамият учун манфаатли бўлган мақсадлар ғоя сифатида шаклланади. Жамиятдаги кишиларнинг орзуларини ўзида акс эттирган ана шу ғоялар мулжал олишга етакловчи куч сифатида намоён бўлади.

Мафкуравий жараёнларнинг барча даврларда, турли босқичларда деярли бир хил шаклда намоён бўлиши. Ижтимоий тараққиёт жараёнида

[1] Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: «Маънавият», 2009.

жамиятнинг маълум бир қисми манфаатларига хизмат қиладиган юқоридаги каби мафкуралар қандай шаклларда чиқмасин, қандай бўёқларда намоён бўлмасин, қандай эзгу мақсадларни байроқ қилиб кўтармасин улар ҳамма вақт салбий ҳодисаларни келтириб чиқарганига, жамиятнинг қарама-қарши турувчи гуруҳларга бўлиниб кетишига олиб келган.

Мафкуралар реал мақсадларни кўзланганлиги билан бир-биридан фарқланади ва рўёбга чиқиш даражаси ортиб боради. Кимнидир ёки маълум бир қатламнинг манфаатларига хизмат қилувчи мафкуралар ҳеч қачон узоқ яшамаслиги тарихдан маълум.

Глобаллашув шароитида кичик ижтимоий қатламлар ёки кимларнингдир манфаати учун хизмат қилувчи мафкуралар дунёнинг мафкуравий манзарасида асосий ўринни эгалламайди. Бугунги кунда асосий эътибор миллий мафкураларга қаратилгани ҳаммамизга маълум.

Айнан ана шу жараёнда дунёда ҳукмронлик қилишни истаган гегемон давлатлар ўша миллий мафкураларни ривожланмаслиги, қадрсизланиши учун тинимсиз ҳаракат олиб бораётганликлари маълум. Шу нуқтаи назардан миллий мафкураларнинг шаклланишида нафақат жамият, балки давлат ҳокимияти ҳам ўзининг асосий бойлик ва мавжуд бўлишининг манбаи бўлган халқининг, умуман жамиятнинг мафкураси учун жавобгар ҳисобланади.

Миллий мафкураларни миллат мафкурасидан фарқлаш керак бўлади. Бирор бир тарихий географик ҳудудда йиллар давомида истаклар, мақсадлар бирлигида шаклланган халқ миллий давлат сифатида таркиб топади. Ана шу халқ, жамият мафкураси миллий мафкура дейилади.

Миллий мафкуранинг мазмун-моҳияти. Мафкура шакллари ҳақида гап кетар экан, буларнинг орасида энг кўп тарқалгани ва айнан алоҳида халқлар, жамиятлар хоҳиш-истаги, орзу-умиди, мақсад-муродини ўзида акс эттирувчи миллий мафкуралардир.

Миллий мафкуралар умумбирлик характерига эга бўлади. Маълум бир ҳудудда кўп йиллар бирга яшаган халқнинг барча жиҳатлари бир-бирига яқин ва бир-бирига танишлиги уларнинг бир мақсад сари ҳаракатлана олишларига асос бўлади.

Миллий мафкуранинг моҳияти. Миллат (*арабчада* халқ, дин, мазҳаб). Кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлик[1]. Демак, миллат бир тилда сўзлашувчи, маънавий-руҳий алоқалар замирида юзага келадиган бирликдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий мафкура миллатнинг бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, ўз орзу-истакларидан келиб

---

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.

чиқиб ўзига хос бўлган тараққиётни таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими сифатида намоён бўлади.

Миллий мафкуранинг мазмун-моҳиятини характерлаш жараёнида унинг миллат мафкурасидан фарқланишини унутмаслик лозим. Бинобарин, миллат мафкураси ҳар қандай шароитда ҳам ижобий бўла олмаслиги мумкин. Тарихда инсонлар ҳаётида ўзининг салбий жиҳатлари билан из қолдирган жараёнлар кўп бўлгани барчага аён. Масалан, буюк миллат иддаоси билан майдонга чиққан немис миллати мафкурасига айлантирилган фашизмнинг инсоният тарихида қанчалик фожиали из қолдиргани ҳеч қачон унутилмаса керак. Ўзга миллатларни қарам қилиш, ўзининг катта оғалигини эътироф этиш орқали чор Россиясининг ҳукмрон мавқега эгалик қилишга интилиши дунёнинг икки қутбга бўлиниб кетишига олиб келди. Натижада урушлар, қирғин баротлар, ҳаттоки минг йиллар давомида бир-бири билан дўст-қадрдон бўлган бир-бирига яқин миллатлар, давлатлар ўртасида ўзаро низолар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Миллий деб аталса-да, моҳиятан миллатчиликни ёқловчи бундай мафкуралар таъбир жоиз бўлса, шу этнобирлик ичида ҳукмрон мавқега эга миллатнинг баъзи қатламлари томонидан ҳиссиёт ва хирсга берилиш ўзини йўқотиш, нафс қутқуси натижасида мияга келадиган ғояларнинг қўллаб-қувватланиши натижаси ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳукмрон мавқега эга бўлган мафкура гарчи у миллат мафкураси мақомига эга бўлса ҳам охир оқибатда ўзининг салбий жиҳатлари билангина из қолдиради ва йўқликка маҳкум бўлади. Чунки ҳар қандай миллат бошқа миллатлар билан яхши муносабатда бўлгандагина ўзининг бошқаларга хос бўлмаган ижобий хислатларини намоён эта олади. Яъни, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, қўшничилик миллатнинг, давлатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Акс ҳолда, ўз қобиғига ўралиб олган ҳар қандай мафкура шаклланиш, ривожланиш имконига эга бўла олмайди.

Миллий мафкуранинг умумийлиги. Демак, бир ёқламаликка асосланган мафкуралар миллий мафкура бўла олмайди. Чунки, миллий мафкура ўз манфаатларини ўйлаган бир миллатнинг эмас, тили, дини, миллатидан қатъий назар, бир ҳудудда яшаётган халқни сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан бирлаштиришга, тараққий топишига хизмат қилиши керак. Бинобарин, миллий мафкура кишиларга аниқ мақсад йўлини кўрсата олиши лозим.

«Давлат мафкураси» тушунчаси. Давлат мафкураси, аввало, мамлакатдаги сиёсий жараёнларни ташкил этиш, уларни ҳаракатга келтириш, бошқариш, ижтимоий ҳаётни барқарорлаштириш, жамият ривожланиши учун энг асосийси тинчликни сақлаш билан боғлиқ ғоявий-назарий қарашлар тизимидир. Бу қарашлар тизими ҳам икки турга бўлинади. Биринчиси, давлат, яъни сиёсий кучлар тарафдорлари томонидан ишлаб чиқилган мафкура бўлиб, бу – ҳукмрон мафкура саналади. Чунки унда,

асосан, сиёсий бошқарув амалга оширилади. Керак бўлган жойларда жамият фикри билан ҳисоблашилмайди. Айнан сиёсий жиҳатдан белгиланган ғоявий-назарий қарашлар асосида қарорлар қабул қилинади. Бу ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Иккинчидан, жамиятдаги айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган мафкура хоҳ синфий, хоҳ диний ва бошқа кўринишдаги мафкуралар бўлсин вақт ўтиши билан расмий, яъни давлат мафкураси даражасига кўтарилиши мумкин.

Умуман, бирор бир жамиятда мафкуранинг ишлаб чиқилишида давлатнинг роли катта. Бинобарин, ишлаб чиқилаётган мафкуралар жамиятнинг, мамлакатнинг манфаатларини инобатга оладиган бўлса, табиийки давлатнинг сиёсати билан ҳам ҳисоблашиши шарт. Чунки унинг ривожлантирилиши ва ижтимоий онгга сингдирилишида давлатнинг роли беқиёс.

Бинобарин, миллий жамият бўлмаса давлат бўлмайди, давлат бўлмаса миллий жамият бўлмайди. Ана шу узвий бирликнинг доимо бир-бирини қўллаб-қувватлаши ҳар қандай миллий мафкуранинг ўз мақсадларини муваффақиятли амалга оширишига хизмат қилади.

Марат АИТОВ
(Институт стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан)

ОПЫТ ЕВРОПЕЙСКИХ СТРАН В СФЕРЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ПО ПОЛИТОЛОГИИ

Политическое образование составляет неотъемлемую часть любого демократического общества. Это основной фактор политической социализации гражданина в современном обществе, и поэтому занимает важное место в политической культуре. Правильное преподавание данной дисциплины выражается в получении гражданами политических компетенций (знаний, навыков и умений по отношению к политической системе) и выработке у них чувства гражданственности. Кроме того, развитие системы политического образования является одним из важнейших факторов, обеспечивающих стабильность, устойчивость и воспроизводимость политического процесса.

Европа считается колыбелью политической науки. В Древней Греции и Риме политику преподавали в отдельных образовательных учреждениях для представителей элиты. Платон, Аристотель и ряд других выдающихся мыслителей обучали своих учеников азам политики и государственного управления. Однако в качестве отдельной науки политология получила развитие намного позже – на рубеже XIX-XX веков.

Большой вклад в развитие политологии в Европе внесло создание в конце XIX в. первых школ политических наук в Лондоне и Париже. Тогда, наряду с философией или юриспруденцией, преподавалась в основном **политика**, а не политология. Подобные курсы были разработаны для подготовки государственных служащих, а не для развития отдельной науки, – акцент делается на национальных конституциях и институтах, а также на политической философии.

Только после Второй мировой войны преподавание политики и политических наук в Европе по-настоящему расцвело [1]. Этому также поспособствовало создание национальных профессиональных организаций, а также Европейского консорциума по политическим исследованиям (ECPR). Последний объединяет более **350** университетов и исследовательских институтов из **50** стран, заинтересованных в сотрудничестве в продвижении политической науки. Консорциум поддерживает и поощряет обучение, исследования и межнациональное сотрудничество ученых и аспирантов, специализирующихся в области политологии и всех ее подразделов[2].

Кроме того, необходимо отметить решительные усилия ряда выдающихся людей, которые поспособствовали преподаванию политологии в своих странах. Например, в Великобритании дисциплина во многом обязана усилиям таких людей, как Норман Честер и Билл Маккензи; во Франции – Морис Дюверже и Джордж Ведель, в Италии – Джованни Сартори, Джорджио Фредди и другие. Как следствие, в настоящее время в **18** странах Западной Европы политическую науку преподают в **307** государственных университетах, где работают **1526** штатных профессоров и доцентов-политологов в **347** подразделениях (факультетах, отделениях, институтах и других структурных подразделениях)[3] .

В то же время в Центральной и Восточной Европе подготовка кадров в политологии значительно тормозилась в период пребывания этих регионов в составе коммунистического блока. До 1989 года в большинстве стран Центральной и Восточной Европы политология преподавалась ограниченно, так как в ней доминировали марксистско-ленинские устои. После распада СССР влияние Джорджа Сороса и его фондов способствовало распространению преподавания политологии, предоставляя западным ученым возможности преподавать в институтах Центральной и Восточной Европы.

---

[1] Mike Goldsmith and Chris Goldsmith. Teaching political science in Europe. European Political Science volume 9, (2010). - P. 61.

[2] Европейский консорциум политических исследований - European Consortium for Political Research. https://star-wiki.ru/wiki/European_Consortium_for_Political_Research Дата обращения Ноябрь 2021.

[3] Козлова С.А. Сравнительный анализ тенденций развития политической науки в странах Западной Европы и Республике Беларусь // Вестник Брестского государственного университета. – Серия 1. – 2010. - № 2. – С 89-96.

Особенности преподавания политологии в Европе

До недавнего времени европейская политическая наука зависела от двух ключевых методов преподавания – лекции и семинара. Лекции были основным элементом университетского преподавания с XIV века и остаются доминирующим методом обучения больших групп студентов. В Великобритании лекции обычно сопровождаются семинарами на еженедельной или двухнедельной основе, где небольшие группы студентов могут обсуждать прочитанное или идеи, высказанные на лекции. Тем не менее, в остальной Европе такого четкого различия может и не существовать: семинар может быть курсом лекции, который оценивается по письменной работе, а не по экзамену.

В 1998 г. европейские страны подписали Сорбоннскую декларацию, инициировавшую переход к Болонскому процессу, который войдет в историю как один из самых амбициозных, широкомасштабных проектов по формированию Европейского пространства высшего образования в условиях новых вызовов современного глобализованного общества.

Были приняты **6** принципов в целях повышения конкурентоспособности, мобильности и трудоустройства на глобальном уровне. Они подразумевают максимальную схожесть уровней высшего образования во всех странах, прозрачность и сопоставимость научных степеней. Это, в свою очередь, напрямую связано с введением в вузах системы перезачёта кредитов, модульной системы обучения и специального Приложения к диплому[1].

Вышеуказанные принципы в настоящее время реализуются в большинстве европейских стран и уже наложили серьезный отпечаток на политологию. В государствах Европы уже осуществлен переход на трехлетний бакалавриат – первый этап двухступенчатого образования. Вторым этапом является магистратура, которая может длиться один или два года.

В Европе также широко практикуются **межстрановые программы обучения кадров** по политологии, направленные на качественное преподавание данной дисциплины на всех уровнях высшего образования. В качестве примеров можно привести международно признанную программу сотрудничества между университетами Бордо и Штутгарта на всех уровнях. Консорциум университетов Венгрии, Испании, Нидерландов, США и Великобритании **MUNDUS MAPP** предлагает совместную магистерскую программу в области государственной политики[2]. На докторском уровне школа GEM объединяет 9 вузов для поощрения исследований по ЕС и глобальному управлению. Возможности, предоставляемые докторантам

---

[1] Болонский процесс. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%91%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%BD%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B9_%D0%BF%D1%80%D0%BE%D1%86%D0%B5%D1%81%D1%81 Дата обращения 14 ноября 2021.

[2] Curtis, S. and Blair, A. The Scholarship of Engagement for Politics, Birmingham: C-SAP, 2010. – Pp. 5-7.

через **Рамочные исследовательские инициативы ЕС**, также сыграли важную роль в обеспечении подготовки кадров на этом уровне.

Отдельного внимания заслуживает использование в Европе передовых информационно-коммуникационных технологий в подготовке кадров в сфере политологии. В частности, проект **e-LERU** объединяет университеты Женевы, Гейдельберга, Хельсинки, Цюриха, Левена, Страсбурга и Стокгольмского Каролинского института в виртуальный кампус, где студенты могут проходить онлайн-модули на уровнях бакалавриата, магистратуры и докторантуры, разработанные преподавателями участвующих учреждений. Студенты эффективно осуществляют «виртуальную мобильность», развивая опыт работы с различными академическими системами, при этом оставаясь в своих домашних учреждениях[1].

Другой подход можно увидеть в работе консорциума Дрезденского университета, Карлова университета Праги, Вроцлавского университета и Лестерского университета Де Монфора. Здесь партнеры разработали общий модуль, изучающий проблемы европейской безопасности, включая энергетическую безопасность, европейскую политику соседства и предоставления убежища и миграции. Однако главная цель проекта – использовать инструменты совместной работы и коммуникации **Web 2.0** для развития навыков студентов в совместных исследованиях. Используя дискуссионные форумы и другие средства коммуникации, студенты участвуют в написании исследовательских работ в многонациональных командах. Современные информационно-коммуникационные технологии улучшают учебный опыт студентов, предоставляя им контент, специализированное обучение и опыт международного сотрудничества.

Особенности преподавания политологии в Германии

Несомненно, опыт Германии в подготовке высококвалифицированных кадров в сфере политологии представляет собой интерес для исследователей. В настоящее время в ФРГ создана достаточно интересная система преподавания политологии, которая имеет свои характерные особенности.

При этом если обратиться к истории, то можно увидеть, что политологическая наука в Германии прошла долгий и тернистый путь развития. Это отразилось на эволюции названия дисциплины, которая в разные времена называлась по разному: «Политикой», «Преподаванием политики», «Наукой о политике», «Научной политикой» и «Политологией».

Система преподавания политологии в современном виде сложилась в Германии после 1945 г. Она имеет три уровня – бакалавриат, как правило, длится **3** года (**6** семестров), магистратура – **2** года (**4** семестра),

---

[1] Fugazza Cristiano, Ceravolo Paolo, Damiani Ernesto, Milani Manuela. EUREA project: collaboration between LERU universities in terms of higher education and teaching through ICT. Universit`a degli Studi di Milano, 2005. – P.7.

докторантура – **3**-**5** лет. Государство и федеральные земли совместно разработали фундаментальные и структурные вопросы, касающиеся предложения специальностей, с учетом прогресса в науке, профессиональной практики и системы высшего образования. Вместе с тем вузам предоставляется право создавать специальности и курсы для студентов и аспирантов.

Преподавание осуществляется в соответствии со стандартами, которые определяются на уровне земель Германии. В соответствии с **Рамочным законом об университетах (HRG)**, вузам предоставляется свобода в определении основных правил (однако они требуют одобрения соответствующей земли Германии) в области исследований и преподавания. Свобода научных исследований включает, в частности, вопрос о правилах методологии и оценки результатов исследований, а также их распространения. Напротив, свобода преподавания включает в себя, в первую очередь, проведение занятий, их содержание и методологию, а также право выражать научные взгляды[1].

Связь образования с последующими профессиями сильно подчеркивается в немецкой системе высшего образования. Согласно HRG, «преподавание и исследования призваны подготовить студентов к профессиональной деятельности и таким образом передать конкретные знания, навыки и методы, соответствующие каждому курсу, чтобы они могли выполнять научную или творческую работу и действовать ответственно в свободном, демократическом и социальном правовом государстве».

Кроме того, перед университетами стоит постоянная задача проверки и расширения (в сотрудничестве с соответствующими государственными учреждениями) содержания и формы обучения, в частности, в связи с потребностями профессиональной практики и необходимыми изменениями в мире. Ведущими вузами по подготовке кадров в сфере политологии являются Университет Постдама, Свободный Университет Берлина и Гумбольдтский университет в Берлине.

Особенности преподавания политологии во Франции

Французская система обучения политологии во многом отличаеся от германской. Ее особенностью является фактическое разделение высшего образования в этой сфере на две части. Помимо университетов, во Франции создана система **специализированных высших учебных заведений**. Последние практически обладают монополией на доступ к руководящим должностям в государственной администрации и крупных компаниях.

Еще одной отличительной чертой политологии во Франции является ее преподавание в качестве **обязательной дисциплины** для ряда профессий. В частности, общенациональный закон 1954 г. ввел в юридических факультетах изучение политической науки в качестве

[1] Bielawska Agnieszka, Wiśniewski, Janusz. Political science in the Federal Republic of Germany – featured examples. 3. 2016. – Pp. 199-225.

предмета, необходимого для получения диплома. В результате, в настоящее время большинство политологов работают на юридических факультетах.

В развитии политической науки как самостоятельной дисциплины основую роль сыграло создание в 1945 году специализированных вузов – **институтов политических исследований**. Сначала функционировал только один подобный вуз в Париже, однако впоследствии его региональные филиалы были открыты в Бордо, Гренобле, Страсбурге, Тулузе, Лионе, Ренне и т.д. Они отличаются относительной самостоятельностью и строгим отбором студентов[1].

Дальнейшей институционализации политологии послужило создание Ассоциации политических наук (**1949** год), учреждение первого журнала политической науки (**1951** год), образование первой кафедры политической науки в Университете Парижа (**1956** год).

Таким образом, Франция создала мощную систему национальной подготовки кадров в сфере политологии, заложив в ее основе двойственный механизм с естественной конкуренцией между вузами, широким взаимодействием академического сообщества и государственного аппарата.

Заключение

В целом, европейские страны накопили значительный опыт в подготовке квалифицированных кадров в сфере политологии. Им удалось создать крупные центры преподавания политической науки, в которые стремятся поступить молодые умы со всего мира. Немаловажным является совмещение традиционного образования с новейшими подходами к преподавательской деятельности. В первую очередь это создание интерактивных виртуальных площадок, а также различных совместных государственных программ. Это позволяет не только облегчить процесс передачи знаний, но и обмениваться опытом между преподавателями и студентами вузов. Улучшается методология преподавания, в которую включаются передовые технологии.

Совершенствованию европейской системы подготовки кадров также поспособствовало внедрение принципов Болонского процесса, который практически унифицировал систему подготовки кадров на обширной территории Европейского союза.

Исходя из вышеперечисленного, считается актуальным изучение и, при необходимости, внедрение передового европейского опыта преподавания политологии в Узбекистане. Это могло бы улучшить качество преподавания этой науки в стране, усовершенствовать методику работы со студентами, а также внедрить передовые технологии.

---

[1] Лоик Блондио и Ив Делоа. Современное состояние политической науки: доклад по положению во Франции // Вестник Московского университета, серия 12, Политические науки, 2008, №2. – С. 68.

Миродил СУЛТАНОВ
(Высшая школа стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан)

ОПЫТ ПОДГОТОВКИ ПОЛИТОЛОГОВ В США

Американская школа политологии воспитала огромное количество знаменитых ученых, таких как Джозеф Най, Ганс Моргентау, Збигнев Бзежинский, Роберт Каплан и т.д., благодаря своей глубокой истории и методологии обучения политологов. В 1857 г. в Колумбийском университете была создана первая в истории Америки кафедра политической науки. Позже примеру Колумбийского университета последовали Йельский, Гарвардский, Принстонский и другие университеты США. Всё это привело в 1903 г. к созданию Американской ассоциации политических наук, послужившей примером для появления подобных ассоциаций и в других странах. Сейчас США имеют большой опыт в подготовке специалистов в области политологии, поэтому необходимо изучение и внедрение передового американского опыта подготовки политологов в Узбекистане.

1. Политологическая специализация в университетах

Согласно данным последнего справочного издания «Магистерские программы в социально-гуманитарных науках», специалистов-политологов различного профиля готовят почти в 400 американских учебных заведениях. По американской образовательной классификации учебные программы «Политические науки» (именуемые также прикладной политологией и включающие в себя дисциплины политико-управленческого цикла) объединены в одной секции (разделе) с тематически близкими программами «Международные дела» (именуемыми также международными отношениями). При этом нередко соответствующие кафедры, отделения, факультеты, учебные центры, магистратуры американских образовательных учреждений так и именуются: «политических наук и международных дел», «политических наук и международных отношений», «политических и международных исследований», «общественной и международной политики», «международной политэкономии», «международной торговли и политики».

В названиях учебных подразделений и учебных программ встречаются и иные объединенные наименования: «общественные дела и политика»; «международные отношения и политический менеджмент окружающей

среды»; «сравнительная политика»; «география, история и политические науки»; «глобальная политэкономия»; «исследования Китая» и т.д.[1].

Политология как учебная дисциплина в американских образовательных учреждениях носит не только и не столько теоретико-академический, сколько отраслевой характер. Она имеет целью *обучить студентов умению анализа политической, социальной, экономической и иной информации и на основе этого – грамотного управления (принятия политических и административных решений) в самых разных сферах общественной жизни*. Например, в Университете Тафтса (город Медфорд) функционирует Магистерская школа наук о питании и политике Джеральда и Дороти Фридман [2]. Предлагаемая ими *политологическая учебная программа в области сельского хозяйства, продовольствия и окружающей среды подчеркивает взаимосвязь политических аспектов производства продовольствия и проблем окружающей среды*. Студенты, а также аспиранты Школы Фридманов в процессе обучения и научно-производственной практики тесно сотрудничают с Отделением городской политики и политики в области охраны окружающей среды Университета Тафтса, активно вовлекаются в исследовательские проекты данного Отделения (департамента). Политологически-прикладной характер имеет и подготовка в Магистерской школе коммуникаций и журналистики Анненберга Университета Южной Калифорнии (программа коммуникационного менеджмента [3]). При этом студентам, решившим специализироваться в вопросах стратегии общественных отношений и журналистики, предлагается углубленная подготовка для последующей работы в печатных средствах массовой информации, на радиостанциях или в электронных СМИ, иначе говоря, они смогут делать профессиональную карьеру в любом из сегментов этой отрасли.

Обращает на себя внимание *междисциплинарный характер многих американских магистерских и докторских политологических программ*. Например, в Государственном университете Юго-Западного Миссури, в колледже гуманитарных наук и общественных дел, студентам, в зависимости от их профессиональных (карьерных) устремлений предоставляется возможность углубленной специализации в области политики национальной безопасности, военно-политического анализа, контроля за вооружениями, или же в сфере образования. Во многих университетах *студенты-политологи получают сильную подготовку в области права*, то есть фактически могут иметь **две специальности** (это, например, предлагает своим учащимся Джорджтаунский Университет в

---

[1] Master Degrees in the USA// https://www.findamasters.com/masters-degrees/usa/?400l20
[2] TUFTS university// https://www.tufts.edu/
[3] The university of South California// https://www.usc.edu/

Вашингтоне). Хорошее знание законодательства, особенно в профильной области, считается обязательным для дипломированного политолога-управленца.

В число обязательных учебных предметов американских политологических и международных факультетов входят также *политэкономия, финансовый менеджмент, социология, психология, статистика* и целый ряд других теоретических и прикладных дисциплин (американские политологи изучают даже марксизм, от которого в испуге отказались российские политологические факультеты и преподаватели-политологи, до этого десятилетиями доказывавшие его преимущества по сравнению с другими социально-философскими, политическими и экономическими теориями и методами познания общественной практики).

Политология, образно говоря, пронизывает всю систему высшего образования Соединенных Штатов. Политические науки (*искусство управления или манипулирования людьми*) системно изучаются как в светских, так и в религиозных учебных заведениях. Например, в одном из крупнейших в мире католических вузов – Университете ДиПаула, располагающемся в Чикаго, на магистерском отделении международных исследований существуют следующие научно-исследовательские и учебные курсы: *европейская политика, ближневосточная политика, иностранная политика, политика Бразилии и т.д.*

В другом известном религиозном высшем учебном заведении – Католическом университете Америки на отделении политологии Магистерской школы гуманитарных наук студентам предлагаются следующие исследовательские темы, разрабатываемые преподавателями-политологами: *политическая философия, американские политические институты и политические процессы, политэкономия, национальная безопасность*. Выпускникам политологического отделения присваивают следующие степени: Магистр по исследованиям деятельности Конгресса, Магистр международных дел, Магистр международной политэкономии, Магистр политической теории, Магистр мировой политики[1].

Ввиду децентрализованности американской системы образования и отсутствия вышестоящего органа (аналогичного Министерству образования), утверждающего стандартны учебных специальностей и направлений обучения, *американские университеты (как государственные, так и частные) сами определяют направленность и наименования учебных специализаций в зависимости от потребностей в специалистах* (в том числе политологах-управленцах или политологах-

---

[1] Принципы набора студентов// https://www.educationindex.ru/articles/higher-education-in-the-usa/education-system-in-the-usa/kak-ustroeno-vysshee-obrazovanie-v-ssha-osnovnye-otlichiya-ot-rosiykoy-sistemy/

исследователях) в тех или иных американских штатах или городах, где находятся данные образовательные учреждения. Хорошее представление об этом разнообразии дает перечень научно-исследовательских тем на отделениях политологического профиля различных американских университетов, которые ведут соответствующие преподаватели, именуемых «факульти рисеч» (специализаций, по которым магистры и докторанты под руководством преподавателей могут готовить свои дипломные и диссертационные работы).

2. Принципы набора студентов

Так как система образования в США самым непосредственным образом связана с потребностями экономики и местным рынком рабочей силы, то их изменения влияют и на практику набора абитуриентов в местные университеты. Например, ввиду роста безработицы и экономической стагнации в Техасе и Калифорнии, власти этих штатов распорядились о временном прекращении приема на учебу в местные государственные университеты приезжей молодежи. При этом характерно, что в большинстве американских университетов существует квотирование мест по приему местных и приезжих граждан. Кроме того, *существует квотирование учебных мест для женщин и, что наиболее интересно, – для представителей так называемых нацменьшинств – национально-этнических групп*. В этой связи упомянем, что подобная практика квотирования мест для нацменьшинств, а также для выходцев из семей рабочих и крестьян, существовала и в советской системе высшей школы, обеспечивая определенное равенство прав на получение высшего образования и социальную мобильность в многонациональном государстве.

3. Попечительская поддержка университетов

Американское общество в лице государственных и общественных институтов, частных компаний, общественных и религиозных организаций оказывает определяющее влияние на подготовку кадров политического (управленческого) профиля, делая университетам своеобразный социальный заказ и финансируя соответствующие учебные программы и курсы и обучение самих студентов через систему государственных грантов и грантов от местных властей (властей штатов), либо студенческих займов. Нередко американские компании, общественные фонды и другие организации и даже отдельные политические деятели становятся основателями учебных заведений.

Важную роль в формировании образовательной политики американских университетов играют их *попечительские* и *консультационные советы*, в которые входят представители крупных американских и транснациональных компаний, опытные управленцы,

заинтересованные в качественной профессиональной подготовке специалистов нужного им профиля. Например, в январе 2004 года Центр политики в области энергетики, морского транспорта и общественных связей Колумбийского университета объявил о назначении членом своего Консультационного совета Председателя правления и главу нефтяной компании «ЮКОС», гражданина США Семена Кукеса[1].

Таким образом, *отличительной чертой американской высшей школы является очень сильная ориентация на рынок* (значительно более сильная, чем у западноевропейских университетов, не говоря уже о российских). И в этом, как представляется, один из источников лидирующих позиций американской экономики. Не являются исключением и отделения политологического профиля. Анализ профессионального (должностного) состава их преподавателей показывает, что до 50% «факульти [2] » (профессуры) являются практиками – профессионалами (бывшими или действующими) из системы законодательной и исполнительной власти (на федеральном уровне, уровне штата или города), финансовых учреждений, частных корпораций, общественных и международных организаций. Можно считать, что они как бы «делегированы» в образовательные учреждения для более качественной подготовки высококвалифицированных кадров по соответствующим специализациям.

4. Учебная практика и трудоустройство

Несомненная компетенция преподавателей в плане практической подготовки выпускников магистерских программ с учетом потребностей рынка в специалистах по управлению в различных сферах позволяет ряду американских вузов гарантировать трудоустройство всем студентам, обучающимся по специальностям «политология», «управление», «международные отношения» и т.п. В качестве примера можно привести провинциальный Университет Саффолка [3] , все учащиеся отделения правительственной политики Магистерской школы гуманитарных и социальных наук которого стабильно обеспечиваются рабочими местами, а также более известный столичный Джорджтаунский университет. Речь идет об отделении правительственной политики Магистерской школы гуманитарных наук этого университета, присуждающем степени магистров и докторов наук в области политической теории, международных отношений, американской правительственной политики. Рассмотрим его деятельность подробнее.

---

[1] https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/52566/1/UM_2002_2_015.pdf
[2] Там же.
[3] Study practice and post-graduation work// https://collegedunia.com/usa/article/post-degree-options-post-graduate-courses-and-jobs-in-usa

Данное отделение Джорджтаунского университета (именуемое также отделением правительственных программ) в процессе учебы старается обеспечить оптимальное соотношение между эмпирической подготовкой (исследованиями) и нормативными и теоретическими вопросами. Учитывая местонахождение университета (в городе Вашингтон), в учебном процессе усилены программы, касающиеся американских национальных институтов, иностранной политики и региональных исследований. В равной мере усиливается и взаимосвязь между изучаемой политической теорией и политической практикой. Магистерские программы основаны на академической подготовке, и поэтому выпускники Джорджтаунского университета легко находят рабочие места в американской университетской системе и в исследовательских институтах [1]. Кроме того, дипломы Джорджтаунского университета позволяют легко трудоустраиваться в Германии и других западноевропейских странах, в Латинской Америке, странах Восточной Европы. Этому способствует *региональная специализация студентов*, а также их углубленная подготовка в области проблем национальной безопасности и программ региональной американской политики[2].

Возможность трудоустройства выпускников американских факультетов политологического профиля не только в своем штате, но и за его пределами, резко повышает мобильность американских специалистов-политологов, управленцев, социальных работников, международников. Последние, например, могут на конкурсной основе подавать заявления о приеме на работу в Госдепартамент или многочисленные американские посольства за границей или в иные зарубежные американские и международные организации.

В США существует хорошо отлаженная система трудоустройства магистров политологического профиля. Помимо помощи в этом вопросе, которую оказывают выпускникам магистратур администрация и преподаватели учебных заведений (часть которых являются действующими и бывшими руководящими сотрудниками различных организаций и учреждений и охотно протежируют способных студентов), а также собственных инициатив и поисков учащихся на рынке труда (в том числе в Интернете), в Соединенных Штатах *издаются специализированные справочники, аккумулирующие все потенциально существующие вакансии по конкретным специальностям* в тех или иных организациях. Наиболее полезным справочным изданием для будущих политологов, юристов, журналистов является ежегодно выходящее издание Peterson's Interships[3], в

---

[1] Georgetown university// https://www.georgetown.edu/who-we-are/our-history/
[2] Там же.
[3] Medium salary of political scientist// https://www.petersons.com/blog/tag/internships/

котором можно найти подробное описание деятельности организации-работодателя (как в США – на местном или общенациональном уровне, так и за границей), детальный перечень требований к кандидатам на то или иное рабочее место (должность), касающийся прежде всего наличия у них практических навыков и умений. Ценность этого издания в том, что оно предлагает работу практикантами (помощниками, ассистентами, лаборантами, стажерами, интернами) как недавним выпускникам высшей школы, так и студентам, находящимся на разных ступенях обучения. Работа предлагается, естественно, прежде всего по профилю обучения и является своеобразной формой подготовки к будущей самостоятельной трудовой деятельности. Она может занимать в сумме 8-10 недель в течение учебного года (или от 16 до 37,5 часов в неделю) и является формой хорошей *производственной практики*. Она может быть как оплачиваемой (например, $ 4000 за 8-недельную работу в Фонде Артритиса в Сан-Франциско, в том числе в период летних студенческих каникул, или 16-28 долларов в час за работу в Городском институте в Вашингтоне, либо 12-14 долларов в час за работу в Национальном центре исследований общественной политики), так и бесплатной (например, в Американской ассоциации международного права, Национальном институте публичной политики в Фэйрфаксе и других организациях[1]). Преимущества подобной работы в том, что она дает, как правило, хорошие практические профессиональные навыки, возможность получения документа для оформления образовательного кредита (если в этом есть потребность), и главное – получения рекомендации (при добросовестном отношении к работе) для будущего трудоустройства (в том числе, возможно, в самой этой организации). Характерно, что количество желающих получить временную или постоянную работу в этих организациях значительно превышает число вакансий (иногда – в десятки раз). Поэтому существует практика конкурсного отбора. Устраивающихся на постоянную работу принимают, как правило, с испытательным сроком. Первоначальный годовой оклад молодого политолога может составлять от 30 до 40 тысяч долларов и более в год. Например, в Квакерской службе ООН магистрам политологии или международных дел платят за работу в административной секретарской должности (именуемой также должностью клерка) 32 тысячи долларов в год[2].

Анализируемый справочник 2019 года издания[3] (Peterson's Interships) предлагает студенческой молодежи и «свежеиспеченным» магистрам, специализирующимся по политологии, управлению, общественным и

[1] Там же.
[2] Medium salary of political scientist// https://www.petersons.com/blog/tag/internships/
[3] Там же.

международным отношениям, социальной работе вакансии (иногда – до сотни вакансий) в 134 базовых организациях, нередко имеющих, в свою очередь, сеть филиалов или аффилированных организаций (структурных подразделений), где также возможны варианты трудоустройства учащейся молодежи и выпускников университетов. Работодатели, заинтересованные в привлечении молодых талантливых специалистов и толковых практикантов и помощников, охотно предоставляют издательству информацию о своих кадровых потребностях и пожеланиях к профессиональным качествам потенциальных сотрудников – как временных, так и постоянных.

Ежегодный обзор рынка занятости делает и Статистическое бюро труда Департамента занятости США. Оно *ежегодно выпускает аналитический обзор рынка труда по группам специальностей, в том числе политологического профиля, подробно описывает требования работодателей к кандидатам на различные должности, «вилки» должностных окладов, в том числе для магистров и докторов наук, дает различные прогнозы в этой сфере и указывает адреса, куда могут обращаться желающие трудоустроиться по тем или иным профессиям, а также вспомогательные справочные материалы* (в частности, политолог-исследователь с докторской степенью может рассчитывать на годовое жалование не менее чем в $ 50 000, в то время как «остепененный» управленец-практик в области городской политики – почти в два раза больше, то есть около $ 100 000[1]). *Согласно аналитическим прогнозам, в период до 2025 года на американском рынке «управленческо-политологического» труда в наибольшей мере будут востребованы специалисты с магистерскими и докторскими степенями, получившими хорошую подготовку в области экономики, в том числе международной (глобальной) и сравнительной (компаративной), а также в области психологии и региональной и городской политики и планирования и политики в отношении окружающей среды*.

Исходя из вышеизложенного, с момента появления первой кафедры политологии в США, американская система подготовки проявила свою состоятельность путем создания новых научных и прикладных теорий в политологии, и путем воспитания целого ряда знаменитых ученых. Внедрение элементов американской системы подготовки политологов, которая состоит из принципов набора студентов, попечительской поддержки университетов, учебной практики и трудоустройства, позволят Узбекистану развивать науку политологию.

---

[1] Medium salary of political scientist// https://www.petersons.com/blog/tag/internships/

Азат ИМАТОВ,
Нодир АБДУРАСУЛОВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА СИЁСАТШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

XX асрда жаҳонда сиёсатшунослик фани ривожи янги босқичга кўтарилиб, унинг профессионаллашуви ва институционаллашуви амалга ошди, ҳам илмий, ҳам академик йўналиш сифатида кенг ривожланди. Айни пайтда таъкидлаш лозимки, постсовет маконидаги давлатларда сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш масалалари бошқа хорижий давлатларга нисбатан бирмунча ортда қолган. Чунки, ушбу макондаги давлатларда сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш масаласига коммунистик нуқтаи назардан ёндашиб келинган эди.

Советлар ҳукумати даврида мавжуд тузумнинг бақарорлигини сақлаб қолиш ва бутун давлатни ягона ғоя остида бирлаштириш учун мамлакатдаги олий таълим муассасаларида сиёсатшунослик фанини ривожлантиришдан воз кечиш керак деб ҳисобланган. Фақатгина 1918 йил июнида ташкил қилинган Бутунроссия марказий ижро комитети ҳузуридагина Я.М. Свердлов номидаги тарғиботчилар Олий мактабида ва унинг иттифоқдош республикалардаги филиалларида коммунистик партиянинг раҳбар кадрлари тайёрланган. Сўнгра ушбу олий мактаб Партия олий мактаби, деб қайта номланган. Дастлаб мазкур мактабда ўша даврнинг инқилобчи етакчи раҳбарлари – В.И. Ленин, Я.М. Свердлов, А.М. Горкий, М.И. Калинин ва В.В. Куйбишевларнинг мафкуралари асосида дарслар бериб келинган[1] .

Кейинчалик собиқ Иттифоқда сиёсатшунослик фанини олий таълим муассасаларида фан сифатида ўқитишга 1985 йилдан эътибор қаратила бошланди. 1989-90 йиллар СССР Таълим давлат қўмитасининг буйруғи билан «КПСС тарихи» фани ўрнига университетларда янги фан – «XX асрнинг сиёсий тарихи» фани, «Илмий коммунизм» фани ўрнига олдинига «Замонавий социализм назарияси», кейинчалик эса, «Ижтимоий-сиёсий муносабатлар назарияси» фани ўқитила бошланган.

1991 йилда собиқ СССРнинг парчаланиши билан унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатларда сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш масалалари юзасидан турлича ёндашувлар пайдо бўлди. Шу билан бирга, постсовет маконидаги бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Россия Федерациясида шу пайтгача шаклланган мавжуд салоҳиятдан келиб чиқиб, сиёсатшунос кадрларни тайёрлашга ва сиёсатшунослик фани ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, федерал давлат хизматларига сиёсатшунос кадрлар етказиб бериш мақсадида 1991 йилда собиқ партия

---

[1] https://polit.msu.ru/

мактаби вакилларининг ташаббуси билан КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси ва партия олий мактаблари негизида Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматлари Академияси ва ҳудудий давлат хизматлари Академиялари шакллантирилди. 2010 йил 20 сентябрда РФ Президентининг фармони билан Президент ҳузуридаги Россия Давлат бошқаруви академияси ва Ҳукумат ҳузуридаги Халқ хўжалиги академияси бирлаштирилиб, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат бошқаруви академияси этиб қайта ташкил қилинди[1].

Бугунги кунда Академиянинг 52 та филиали Россия Федерациясининг 8 та федерал округида жойлашган. Унда бутун мамлакат бўйлаб 180 мингдан ортиқ, шундан ҳудудларда 81 минг нафардан ортиқ киши *(уларнинг 67 минг нафари бакалавриат, 9 минг нафарга яқини магистратура, 5,5 минг нафардан ортиғи ўрта махсус касб-ҳунар таълимида)* тайёрланмоқда. Академия филиалларида 1700 дан ортиқ хорижлик талабалар таҳсил олмоқда[2].

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Россия Федерациясида сиёсатшунос кадрларни тайёрлашда 1998 йилдан бери кенг кўламли ва кўп жиҳатдан ноёб дастур – «Россия Федерациясининг халқ хўжалиги ташкилотлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури» амалга оширилиб келинмоқда. Бу «Президентлик дастури» деб ҳам аталади, у Россия Федерацияси Президентининг 1997 йил 23 июлдаги «Россия Федерацияси халқ хўжалиги ташкилотлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони билан ташкил қилинган[3].

Дастур доирасида мутахассисларни тайёрлаш 120 та таълим муассасаларида Россия Федерациясининг деярли барча ҳудудларида амалга оширилади. Дастурнинг ажралмас қисми мутахассислар учун чет элдаги турли корхоналардаги амалиётдир. Дастурнинг хорижий ҳамкорлари Германия, Норвегия, Франция, Финляндия ва Япония давлатларидир[4].

Президент дастури етакчи халқаро андозалар асосида раҳбар ходимлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, дастур битирувчилари кейинчалик бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш учун ихтисослаштирилган «федерал маълумотлар базаси»га киритилади. Ҳар йили 300-400 нафар битирувчи давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ишга боради[5].

Дастурнинг давлат буюртмачиси Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ҳисобланиб, давлат режасини амалга ошириш учун масъул ваколатли ташкилот – мазкур вазирликка бўйсунувчи «Бошқарув кадрларини тайёрлашни ташкил этиш федерал ресурс маркази» ташкил қилинган.

---

[1] https://www.ranepa.ru/
[2] Ўша манба.
[3] http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&prevDoc=102094364&backlink=1&&nd=102048406
[4] http://old.economy.gov.ru/minec/activity/sections/managementTraining/
[5] Ўша манба.

Дастурнинг ягона ижрочиси этиб Президент ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат бошқаруви академияси белгиланган.

Ҳозирда «сиёсатшунослик» ихтисослиги ўқув фани сифатида мамлакатдаги олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига киритилган бўлиб, бу йўналишда давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрланмоқда. Хусусан, мамлакатда мазкур мутахассислик бўйича кундузги таълимда 72 та, сиртқи таълимда 10 та, кундузги-сиртқи таълимда 16 та олий таълим муассасалари [1] ва уларда сиёсатшунослик фанлари ўқитиладиган 200 га яқин кафедралар[2] мавжуд. Ушбу мутахассислик бўйича магистратура босқичида 26 та олий таълим муассасалари фаолият юритмоқда [3]. Ушбу олий таълим муассасаларида Россия Федерацияси Таълим ва фан вазирлигининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган федерал давлат таълим стандартига мувофиқ,[4] булғуси сиёсатшунослар фалсафа, сиёсий тарих, замонавий рус сиёсати, сиёсат назарияси ва бошқа кўплаб йўналишларда билим оладилар. Талабаларга зарур назарий билим ва кўникмалар билан бир қаторда федерал, минтақавий ва шаҳар ҳокимиятлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларида амалиёт ўтилади.

Айни пайтда малакали сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш мақсадида бир нечта олий таълим муассасаларида сиёсатшунослик йўналиши бўйича махсус факультетлар ташкил этилган. Жумладан, Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва Санкт-Петербург давлат университетининг Сиёсатшунослик факультетлари, Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг Социология ва сиёсатшунослик факультети, Шимолий-ғарбий менежмент институтининг Қиёсий сиёсий тадқиқотлар факультети, Россия давлат гуманитар университетининг Тарих, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ ҳамда Томск давлат университетининг Тарих ва сиёсий фанлар факультетлари мамлакатдаги сиёсатшунослик йўналиши бўйича бакалаврлар, магистрлар, шунингдек, фан номзодлари ва докторларини тайёрлашда етакчилардан ҳисобланади[5].

Шу билан бирга, талабаларга олган назарий билимларни ўқиш жараёнининг ўзида ҳаётий воқелик билан боғлаган ҳолда қўллаш ва ўзини амалий ишда синаб кўриш имконияти яратиб берилган. Масалан,

---

[1]Соколова А.Е. Легко ли стать политологом? // Знания о политике: как получить и где применить? Сборник материалов по итогам цикла региональных круглых столов. Москва 2020. С. 22.

[2] Боталов А.М. Актуальные проблемы современного политологического образования в России// Знания о политике: как получить и где применить? Сборник материалов по итогам цикла региональных круглых столов. Москва 2020. 54-б.

[3] https://postupi.online/specialnost-magistr

[4] Приказ Министерства образования и науки РФ от 30 июля 2014 г. N 900 "Об утверждении федерального государственного образовательного стандарта высшего образования по направлению подготовки 41.06.01 Политические науки и регионоведение (уровень подготовки кадров высшей квалификации)" //: https://base.garant.ru/70733286/#ixzz7DUVfgRcd

[5] file:///C:/Users/2020_Imatov_a/Downloads/reyting-fakultetov-politologii-rossii.pdf

сиёсатшуносларни тайёрлаш бўйича ўқув режаси одатда жами бешта, жумладан, учинчи ва тўртинчи йил учун биттадан ва бешинчи йил учун учтадан амалиётни назарда тутади [1] . Қоида тариқасида, талабалар маъмурий органларда, сиёсий партияларда амалий машғулотлардан ўтишади.

Бугунги кунга келиб, мамлакатда ушбу соҳада илмий даражали кадрларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, пойтахт ва улкалардаги олий таълим юртларида сиёсатшунослик йўналиши бўйича аспирантура ва докторантуралар очилган [2] . Уларнинг ўқув режаларига «Ҳокимият: замонавий тушунчалар ва сиёсий амалиёт», «Россиядаги минтақавий сиёсий элита», «Замонавий Россияда минтақавий сиёсий жараёнлар» каби фанлар киритилган[3].

Россия сиёсатшунослигининг яна бир муҳим томони шундаки, мамлакатда профессионал илмий ҳамжамиятнинг консолидациясига ва сиёсатшуносликнинг ривожланишига ҳисса қўшиш мақсадида 1991 йил 20 декабрда тузилган Бутунроссия жамоат ташкилоти – «Россия сиёсий фанлар ассоциацияси» [4] мамлакатда сиёсатшуносликнинг профессионаллашуви ва ихтисослашувида муҳим омилга айланди. Ассоциация томонидан бугунги кунга қадар 9 маротаба Сиёсатшуносларнинг Бутунроссия конгресслари ташкил этилди. Ушбу конгресслар доирасида қатор секция ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Унда нафақат федерация субъектлари, балки МДҲ мамлакатлари сиёсатшуносларининг ҳам долзарб мавзулардаги қатор маъруза ва тезислари тингланди[5].

Мазкур Ассоциация иштирокида ташкил этилган «Сиёсий тадқиқотлар (Полис)» журнали қарийб чорак аср давомида сиёсатшунослик ва сиёсат социологияси соҳасида Россиянинг етакчи илмий, маданий ва маърифий журнали бўлиб қолди. Журнал мамлакатдаги фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияларнинг асосий илмий натижалари чоп этиладиган етакчи илмий журналлар рўйхатига киритилганлигидан ташқари, 2016 йилдан Scopus, 2017 йилдан Web of Science, Russian Science Citation Index каби илмий нашрларининг халқаро библиографик маълумотлар базаси киритилган. Ҳар йили 6 маротаба нашр этиладиган мазкур журналда сиёсатшунослик назарияси, халқаро ва ички сиёсий жараёнлар, миллий сиёсатни модернизация қилиш масалалари фаол муҳокама қилинади[6].

---

[1] Романов В. В., Сельцер Д. Г. Программы практик студентов-политологов: учеб.-методич. пособие для студентов специальности «Политология». Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г. Р. Державина, 2008. 18 с.
[2]Дианов С.А. Политологическое образование в аспирантуре: выбор времени // Знания о политике: как получить и где применить? Сборник материалов по итогам цикла региональных круглых столов. Москва 2020. С.68.
[3]Ўша манба. 69-б.
[4] https://rapn.ru/in.php?part=in&gr=11&d=6&n=35&p=0&to=about
[5] https://rapn.ru/in.php?to=history
[6] https://www.politstudies.ru/index.php?page_id=513

Бундан ташқари, ҳозирда сиёсатшунослик соҳасида кадрларни тайёрлашда мамлакатда ўтказилаётган илмий-амалий конференциялар муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда ҳар йили ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари ташаббуси билан сиёсатшунослик соҳасида ўртача ҳисобда 1000 га яқин илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтади [1] . Унда сиёсатшунослик назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари муҳокама қилиб борилади.

Ҳозирда сиёсатшунослик соҳасида мутахассислар тайёрлаш жараёнида мамлакатдаги сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, 1999 йилда «Россия либерал демократик партияси» томонидан тўлақонли олий таълимни таъминловчи нодавлат «Жаҳон цивилизациялари институти»[2], 2008 йилда «Адолатли Россия партияси» томонидан илмий-тадқиқот маркази ва ўзининг партия фаоллари учун курслар кўринишида «Адолатли дунё институти»[3] 2013 йилда «Ягона Россия» партия лойиҳаси доирасида «Фуқаролик университети» *(2019 йилда «Олий партия мактаби» деб ўзгартирилди)*[4], шу йил «Россия Федерацияси Коммунистик партияси» томонидан партия кадрлари учун «Коммунистик партия Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Сиёсий тадқиқотлар маркази»[5] ташкил этилди.

Айни пайтда, замонавий рус сиёсатшунослиги қатор ютуқларга эришган бўлишига қарамай, тадқиқот кўникмаларининг етишмаслиги ва замонавий таҳдидларга ўз вақтида муносиб жавоб бера олмаслик каби бошқа ижтимоий ва гуманитар фанларига хос бўлган кўплаб муаммолар билан ҳам тавсифланади. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг издан чиқиши, юксак интеллектуал салоҳиятли кадрлар нуфузининг пасайиши натижасида мамлакатнинг ижтимоий салоҳияти заифлашиб, нафақат саноат ва қишлоқ хўжалигида, балки илм-фанда ҳам интеллектуал ресурс пасайиб бормоқда. Масалан, илм-фанда иш билан банд бўлганлар сони Россия Федерациясида сўнгги 10 йилда 2,3 баробар камайган[6].

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, сиёсатшунос кадрларни тайёрлаш юзасидан ўрганилган хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир давлатда сиёсий фанлар бўйича кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асосларининг шаклланиши ва ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

---

[1] https://www.science-community.org/ru/conferences/Russian-Federation/0/%D0%9F%D0%BE%D0%BB%
[2] http://imc-i.ru/sveden/common
[3] http://www.spravmir.ru/institute.html
[4] https://vpsh.er.ru/
[5] https://msk.kprf.ru/tag
[6] http://vasilievaa.narod.ru/5_3_02.htm

Азамат ФОЗИЛОВ,
Азат ИМАТОВ
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЮЗАСИДАН ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР

Қозоғистон Республикасида мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммоларни таҳлил қилиш орқали уларнинг ечимини ишлаб чиқиш ва мамлакатнинг барқарор ривожланиб боришда ақлий марказлар, сиёсатшунослик фани ва сиёсатшуносларнинг ўрни муҳим бўлиб, сўнгги 20 йил ичида мамлакатда мазкур фаннинг ривожлантиришга йўналтирилган меъёрий ҳуқуқий асослар ҳамда ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қозоғистон мустақилликка эришгач, дастлабки ўтиш даврида юзага келган турли ижтимоий-сиёсий муаммолар ечимини ишлаб чиқиш ва мамлакатнинг барқарор ривожланиб боришида «ақлий марказлар» ва сиёсатшуносларнинг ҳиссаси мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

Сиёсатшунослик фанини такомиллаштиришга қаратилган инфратузилма ҳам яратилган бўлиб, олий таълим муассасалари қошида кафедралар, илмий-таҳлилий марказлар ва муаллифлик жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар Қозоғистон институти, Фалсафа институти, Қозоғистон Республикаси таълим ва фан вазирлиги фан қўмитаси сиёсий фан ва диний тадқиқотлар, «Альтернатива» долзарб тадқиқотлар маркази, Қозоғистон гуманитар ва сиёсий конъюнктура маркази, Қозоғистон Республикаси биринчи Президенти Жамғармаси ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсат институти, Қозоғистон ижтимоий-иқтисодий ахборот ва прогнозлаштириш институти шулар жумласидандир[1].

2020 йилда мамлакатда илк бор истиқболли илмий ғояларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш олимлар учун қисқа муддатли грантларнинг янги турлари жорий этилиши натижасида илмий фаолият билан шуғулланаётган ёш тадқиқотчилар сони сезиларли даражада ортгани кузатилган. Шунингдек, истиқболда 2025 йилга қадар илм-фан соҳасини молиялаштириш миқдорини ялпи ички маҳсулотнинг 1 %гача ошириш *(2016 йилда 0,12 %)* [2] режалаштирилмоқда.

---

[1] Саитова Н. О политологии в Казахстане и политических исследованиях. http://sayasat.org/tribune/1026-o-politologii-v-kazahstane-i-politicheskih-issledjovanijah. 15.11.21 г.

[2] В Казахстане стало меньше докторов наук. https://scientist.kz/2019/04/16/v-kazakhstane-stalo-menshe-doktorov-na. 16.04.2019 г.

Бугунги кунда Қозоғистонда илмий даражага эга бўлганларнинг 34 % 35 ёшгача, 43 % 35 ёшдан 54 ёшгача ва 23 % 55 ёшдан ошганларни ташкил этиб, «Сиёсатшунослик» фанлари доирасида ҳам илмий изланишларни жадаллаштириш ва унинг натижаларини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалиётга татбиқ этиш долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоқда[1].

Юқорида таъкидланган олий ўқув юртлари таркибида учта мутахассислик – сиёсатшунослик, социология ва журналистика фанларини ўз ичига олган 36 та кафедра фаолият юритиб келмоқда. Ушбу таълим даргоҳларида охирги 30 йил давомида 5862 *(30 %)* фан доктори ва *(70 %)* фан номзоди етишиб чиққан бўлса, айнан сиёсатшунослик бўйича 418 нафар тадқиқотчилар *(жами илмий даражага эга бўлганларнинг 7,1 %)* фан доктори ва номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган[2].

Сиёсий фанлар доирасида фаолият юритаётган илмий-тадқиқот муассасалари ва тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилаётган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар мамлакат хавфсизлиги ва бошқаруви тизимидаги аҳамиятининг муҳим эканлиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда.

Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими, сиёсий фанлар доктори Ю. Булуктаевнинг таъкидлашича, сиёсатшунослик фанига Қозоғистонда эҳтиёж юқори ҳисобланиб, мазкур фан доирасида фаолият олиб бораётган тадқиқотчиларнинг давлат бошқаруви ва таълим соҳасида роли муҳим аҳамият касб этади. Сиёсатшунослар фаолиятининг объектлари сифатида ҳукумат бошқарувининг барча даражалари, жумладан, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида юзага келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўз ичига қамраб олади[3].

Сиёсатшунослар мамлакатда ташкилий-бошқарув, технологик-ишлаб чиқариш, экспертлик-маслаҳати, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда таълим соҳаларида фаолият олиб боришмоқда.

Бугунги кунда сиёсатшунослар олиб бораётган фаолиятига кўра, бир-биридан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

Биринчи тоифадагилар Фанлар Академияси тизимида ёки сиёсатшунослик, диншунослик ва фалсафа институтларида ишлаётган сиёсатшунос-тадқиқотчилар.

Иккинчи тоифадагилар олий таълим муассасаларидаги талаба ва тингловчиларга таълим-тарбия бераётган профессор-ўқитувчилар.

---

[1] Қазақстан ғылымы: сандарды сөйлетсек. https://www.gov.kz/memleket/entities/edu/press/news/details/185640?lang=kk. 20.09.2021й.
[2] Тулешева г., Таран О. Конгресс политологов Казахстана на тему «Казахстан – 2050» https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31540466&pos=4;-70#pos=4;-70. 17.11.2021 г.
[3] Казахстанский институт стратегических исследований при Президенте Республики Казахстан. http://www.kisi.kz/index.php/ru. 10.10.2021 г.

Учинчи тоифадагилар эса оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик олдида ўз чиқишлари билан жамиятда содир бўлаётган сиёсий жараёнларни баҳолаш ва аҳолига етказиш билан шуғулланадилар.

Қозоғистонлик олимлар томонидан сиёсий ўзгаришларнинг хусусиятлари ва мавжуд муаммоларни инобатга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда:

- миллий хавфсизлик;
- минтақавий хавфсизлик;
- сайлов жараёнлари ва медиасиёсат режими;
- ички ва халқаро сиёсат;
- сиёсий транзит ва модернизация;
- сиёсий тизим ва кўппартиявийлик;
- демократия ва фуқаролик жамияти[1].

2002 йилда ташкил этилган Қозоғистон сиёсатшунослар Ассоциацияси томонидан сиёсий фанлар бўйича тадқиқотчилар билан ҳамкорликда сиёсатшунослик фанини ривожлантиришга йўналтирилган қуйидаги мақсадли устувор йўналишлар белгилаб олинган:

- сиёсатшуносларга қўйиладиган касбий талаб мезонлари ва ахлоқ нормаларини тасдиқлаш;
- сиёсатшунослар жамияти инфраструктурасини ривожлантириш;
- миллий сиёсатшунослик асослари ва анъаналарини ривожлантириш;
- сиёсатшунослик фанини ўқитиш тизимини ривожлантириш;
- сиёсий фанларда маҳаллий экспертлар аҳамиятини ошириш[2].

Экспертларнинг фикрига кўра, сиёсатшунослар Ассоциацияси томонидан устувор йўналишлар сифатида белгиланган вазифалар маълум объектив ва субъектив сабаблар туфайли ҳанузгача бажарилмасдан қолмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ассоциациянинг «Ask-aleumettanu.kz» расмий сайти ташкил этилган бўлиб, ушбу сайтнинг сўнгги 2 йилдаги фаолиятини ижобий томондан баҳолаш қийин. Жумладан, сайтга сўнгги маълумотлар 2 йил муқаддам жойланган бўлиб, Ассоциациянинг сўнгги конгресси ҳам 2018 йилда бўлиб ўтган.

Қозоғистонда сиёсий фанларнинг ривожланиши юзасидан илмий изланишлар олиб борган Ю. Булуктаев сиёсатшунослик фанининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнларини 4 босқичга ажратган:

Биринчи босқич – 1991–1995 йилларни ўз ичига олиб, собиқ Совет Иттифоқи давридаги К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. Ленин ғояларига асосланган эски сиёсий қарашлардан воз кечиб, жаҳоннинг илғор тажрибаларини амалиётга татбиқ этиш ишлари йўлга қўйилган.

---

[1] Булуктаев Ю. Этапы развития политической науки в Казахстане. https://scibook.net/filosofiya-nauki-knigi/etapyi-razvitiya-politicheskoy-nauki-30387.html

[2] Там же.

Иккинчи босқич – 1995–2001 йилларни қамраб олган ушбу даврда сиёсатшунослик бўйича илк бор диссертация ишлари ҳимояси амалга оширилган. Сиёсий билим ва кўникмаларни такомиллаштиришга йўналтирилган Сиёсатшунослик кафедралари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилиб, керакли ўқув-услубий қўлланмаларни нашрдан чиқариш бошланган.

Учинчи босқич – 2001–2009 йилларда эса сиёсатшунослик фани кенг жамоатчилик фикрини ўзгартиришда қўлланилиб, сиёсатшунос тадқиқотчиларни бирлаштириш чора-тадбирлари кўрилди. Масалан, Қозоғистон сиёсатчиларининг биринчи конгресси ёки Қозоғистон сиёсий фанлари ассоциацияси шулар жумласидандир.

Тўртинчи босқич – 2009–2019 йиллар мобайнида Қозоғистон тадқиқотчилари бутунжаҳон сиёсатшунослари ҳамжамияти қаторига киришга эришди. Масалан, Қозоғистон сиёсий тадқиқотлар Ассоциацияси Бутунжаҳон сиёсий фанлари Ассоциацияси таркибига киритилди. Бироқ, ушбу йилларда мамлакатда сиёсатшунослик доирасидаги тадқиқот ишлари сони кескин ортган бўлишига қарамай, уларнинг сифати сезиларли даражада пасайган. Шунингдек, маҳаллий тадқиқотчилар муаллифлигидаги миллий дарсликларнинг етишмаслиги муаммоси кузатилган.

Шу билан бирга, аксарият сиёсатшунослар фақатгина назария билангина чекланиб қолаётганлиги, турли мамлакатлар ҳудудида таҳсил олиб қайтган сиёсий фанлар бўйича олимларнинг сиёсат борасидаги қарашларининг ўзаро бир-бирига зид келаётганлиги ҳамда мамлакатдаги сиёсий жараёнлардаги соғлом рақобатнинг сустлиги ушбу фан ва соҳа мутахассислари фаолиятига нисбатан танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда[1].

Юқорида таъкидланган танқидий фикрлар Қозоғистонда сиёсатшунослик фанининг жамоатчилик олдидаги савиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оқибатда олий таълим муассасаларида сиёсатшунослик фанига ажратилган соатларни қисқартириш ёки бутунлай олиб ташлаш каби саволларни юзага келишига туртки бўлмоқда.

Қозоғистонда сиёсатшунослик фанининг ривожланишини ўрганиш ишлари натижасида К.К. Токаевнинг давлат раҳбари сифатида келиши баробарида мамлакатда сиёсатшунослик фани учун яратилаётган имкониятлар билан бирга ушбу фанни танқидий баҳолаш орқали тизимга замонавий талабларнинг қўйилаётганлиги ҳолатларини кузатган ҳолда, сиёсатшунослик фанининг **бешинчи** ривожланиш босқичи бошланди. Бунда мазкур йўналишда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларини баҳолашда уларнинг сони эмас, балки илмий ишланма ёки таклиф ва тавсияларни амалиётга татбиқ этилишига асосий эътибор қаратилмоқда.

---

[1] Татиля К. Казахстанская политология: нужна ли она власти и обществу? https://camonitor.kz/33832-kazahstanskaya-politologiya-nuzhna-li-ona-vlasti-i-obschestvu.html. 07.10.2021 г.

Сиёсатшунослик фани юзасидан ўрганилган хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир давлатда ушбу фан мавқеининг ўсиб бориши нафақат илмий даражага эга олимлар сонининг ортиб бориши, балки сиёсий фанлар доирасида амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари натижаларининг давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати самарадорлигини оширишга қўшган ҳиссаси билан баҳоланади. Ўз ўрнида, мамлакат ҳудудида соғлом рақобатга эга бўлган сиёсий жараёнларнинг амалга оширилиши сиёсатшунослик фанининг ривожланиши учун қулай муҳит бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хулоса шуки, ҳар қандай демократик давлатда фуқароларнинг сиёсий билимларини ошириб бориш, сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммоларни бартараф этиш юзасидан давлат бошқаруви тизимига илмий асосланган таклиф ва тавсияларни тақдим этиб боришда сиёсатшунослик фани, сиёсатшунослар ва сиёсий таҳлилчиларнинг ўрни юқори ҳисобланади.

Илёс ИСЛАМОВ, тарих фанлари доктори, доцент
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби),

Анвар ЮЛДАШЕВ, тарих фанлари доктори, профессор
(Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси)

СИЁСАТНИНГ ЯНГИ ТЎЛҚИНИ

Шахс, жамият ва давлат ўзаро муносабатларининг замонавий босқичи – ахборот жамиятининг шаклланиб бориши сиёсий коммуникацияларнинг объектив равишда тараққий этишига туртки бўлди.

Сиёсий жараёнлар субъектлари ўртасида ҳар қандай алоқалар йиғиндиси ҳисобланмиш сиёсий коммуникациялар бугун шаклий, даврий ва мазмуний жиҳатдан ўзгара бошлади.

Шу ўринда сиёсий коммуникациялар тушунчасига таъриф берар эканмиз, у айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, «сиёсий соҳа субъектлари ўртасидаги, шунингдек, мазкур субъектларнинг сиёсат объектлари билан ўзаро алоқаларида юз берадиган мулоқотлар йиғиндисидир»[1].

[1] Савельев А.И. Политическая коммуникация: определение исследовательского поля. Вестник ЧГПУ им. И.Я.Яковлева. 2010. № 2 (74). Ч. 2. – С. 136-140.

Француз тадқиқотчиси Ж. Коттрэ сиёсий ҳаёт учун коммуникацияни ўринли равишда «инсон организмидаги қон айланиши жараёни»га[1] ўхшатса, немис олими К. Дойч сиёсий коммуникацияга «давлат бошқарувининг асаб тизими» [2], дея таъриф беради.

Тадқиқотчи Р. Перлофф эса бу жараёнга «давлат сиёсатини амалга оширишга алоқадор бўлган маълумотларнинг маъно-мазмунини муҳокама қилиш ва улар юзасидан фуқароларнинг, медиа ва миллий етакчиларнинг ўз фикрларини билдиришидир» [3], дея изоҳ беради.

Умуман олганда, сиёсий фаолиятнинг бош мақсади – бошқарувчи ва бошқарилувчилар ўртасида муайян келишувга эришиш бўлиб, унга мувофиқ барча даражадаги индивид ва гуруҳлар ўртасида узлуксиз равишда ахборот алмашинуви ҳодисаси, яъни сиёсий коммуникация жараёни юз беради.

Айниқса, глобаллашув шароитида юз бераётган замонавий сиёсий жараёнларда шахснинг сиёсий онги ва маданияти ривожини сиёсий коммуникацияларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Замонавий давр жамиятида давлат сиёсатининг ролини мустаҳкамлаш ва уни фуқароларга тушунтириб бориш, асосан, оммавий ахборот коммуникациялари орқали амалга оширилиб келинмоқда.

Ижтимоий муносабатлар, умуман, жамиятнинг тадрижий тараққиёти босқичларида ахборот, айниқса, сиёсий маълумотлар алмашинувининг ўрни нақадар катта эканлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Энг муҳими, сиёсий коммуникациялар сиёсий элита учун фуқароларнинг турли соҳалардаги асосий эҳтиёжларини аниқлаб олиш ва уларни бошқариш имкониятини янада кенгайтириб, мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлашнинг самарали воситаларидан бирига айланди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун сиёсий жараёнларни Интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди ва у сиёсий коммуникациянинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Сабаби, Интернет инсоннинг атрофидаги муҳитдан келаётган ахборотни қабул қилиши ва ўзлаштириши жараёни характерини ўзгартириб юборди[4].

Ҳозирги давр ўзининг шиддатли ўзгаришлари билан ўтган даврлардан фарқланиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири глобал Интернет тармоғининг чексиз имкониятлари ошиши натижасида ахборот алмашинувининг янада тезлашиб кетганлигидадир. Ахборот алмашинувининг тезлашуви деярли барча соҳаларда ислоҳотлар

---

[1] Cotteret J.-M. Gouvernants et gouvernes: La communication politique. [Paris]: Presses universitaires de France, 1973. – 178 p.
[2] Deutsch K.W. The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control. London, Free Press of Glencoe, 1963. – 316 p.
[3] Perloff R.M. Political communication: politics, press and public in America. Mahwah, NJ: Lawrence Erlbaum Associates, 1998. – 492 p.
[4] Зверев А.Л., Башков А.В. Роль Интернет-коммуникаций в выработке политических представлений российских граждан. Статья. Вестник Томского государственного университета Философия. Социология. Политология. 2013. № 3 (23). – С. 87.

самарадорлигининг ошишига, шунингдек, фуқаро ва давлат муносабатларида туб бурилишларга олиб келди. Ҳозирги даврда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони дунё аҳолисининг 60 %ни ташкил этмоқда [1]. Шунингдек, Ўзбекистонда 2021 йилга келиб, тармоқдан фойдаланувчиларнинг умумий сони 22,5 миллион нафарни ташкил этди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги вақтларда жаҳоннинг аксарият мамлакатларида сиёсий муносабатларнинг реал муҳитдан виртуал муҳитга кўчиб ўтиши кузатилиб, мавжуд сиёсий коммуникациялар Интернет тармоғининг замонавий талаблари, қоида ва тамойилларига мослашиб бормоқда [2]. Замонавий илмий адабиётларда сиёсий муносабатларнинг Интернет маконига кўчиши жараёни «сиёсатнинг виртуаллашуви», деб номланиб келинмоқда.

Унга кўра, «сиёсатнинг виртуаллашуви» тушунчаси «Интернет тармоғида сиёсий-коммуникациявий технологиялар ва амалиётни яратиш, тарқатиш ҳамда қўллаш билан боғлиқ доимий жараён» сифатида эътироф этилади. Бунда, виртуал сиёсий технологиялардан фойдаланиш орқали муайян жамият ёки унинг бир қисми ўзининг сиёсий муносабатлардаги иштирокини таъминлайди ҳамда бошқарув жараёнини назорат қила олиш имкониятига эга бўлади.

Шу билан бир қаторда, ахборот оқимининг тезлашуви, маълумотларнинг очиқлиги, ахборот алмашинувида қулайлик яратувчи турли дастурий воситалар *(ижтимоий тармоқлар, видеохостинглар, мессенжерлар)* ва Интернет тармоғига мобил қурилмалари орқали киришнинг осонлиги фуқаролар, турли ижтимоий гуруҳлар, халқлар, миллатлар ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни виртуаллаштирди. Бу эса сиёсий жараёнларни янада ривожлантиришда катализатор бўлиб хизмат қилди ва сиёсатнинг янги тўлқинини вужудга келтирди.

Фикримизча, сиёсатнинг янги тўлқинини қуйидаги учта жиҳатда кўриш мумкин:

Биринчидан, Интернетнинг глобал миқёсда қўлланиши натижасида *сиёсий институтлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар*нинг анъанавий модели инқирозга учрай бошлади, сиёсий муносабатлар виртуал муносабатларга айланди ва бу қуйидагиларда ўз аксини топмоқда:

- Президентнинг виртуал қабулхонаси, давлатнинг барча ташкилот ва муассасаларига виртуал мурожаат қилиш тизимининг жорий этилганлиги;
- амалдаги ислоҳотларнинг сиёсий-ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланувчи аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг

[1] «Global Digital Overview January 2020 DataReportal». http://datareportal.com/reports/digital-2020-global-digital-overview.
[2] Бронников И.А. Особенности сети Интернет как формы политической коммуникации. – Москва: Издательство ННОУ ВПО «Московский гуманитарный университет», 2011. – С. 1.

махсус Интернет-ресурсларга жойлаштириб, улар бўйича муҳокамаларга бевосита фуқароларни жалб этиш ва таклифларини ўрганиш;

- Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали муайян ижтимоий-сиёсий резонансга олиб келувчи ахборотларга олий давлат бошқарув органлари ва институтларининг муносабати, яъни кўтарилган масалага сиёсий даражада эътибор берилаётганлиги;
- давлат раҳбарлари онлайн тарзда учрашувлар ва брифинглар ўтказилиши;
- «Электрон ҳукумат» ва «электрон парламент» шаклланиши, аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча жабҳалари виртуаллашиб, ортиқча бюрократик тўсиқ ва ҳолатлар олиб ташланаётгани;
- фуқароларга сиёсий ахборотлар узлуксиз, яъни 24 соат давомида етказиб берилаётгани.

Иккинчидан, ахборот алмашинувининг тезлашуви *сиёсат субъектлари орасидаги ўзаро муносабатлар*ни виртуаллаштирди ва бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- Халқаро, минтақавий ва маълум бир давлатдаги сиёсий ташкилотлар, уюшмалар ва бирлашмалар ўзларининг веб-сайтларига эга бўлиб, маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб борилаётганлиги.
- Жаҳон сиёсатида катта ўринга эга бўлган нуфузли ташкилотлар (БМТ, ШҲТ, МДҲ ва бошқалар) йиғилишлар (саммитлар, конференциялар ва учрашувлар)ни онлайн тарзда ўтказилаётганлиги;
- Давлат ва ҳукуматларнинг раҳбарлари ўртасидаги учрашувлар онлайн шаклида ўтказила бошланиши.
- Сиёсий ҳокимиятнинг олий бошқарув органларини шакллантиришда электрон сайлов тизими жорий этилиб, амалиётда қўлланилаётганлиги.

***Учинчидан*,** Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларнинг таъсирида *фуқаролар ўртасидаги виртуал муносабатлар* янада ривожланиб бормоқда:

- ижтимоий тармоқларда ва мессенжерларда фуқаролар томонидан сиёсийлашган турли виртуал ташкилотлар, бирлашмалар ва гуруҳлар ташкил этилиб, уларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётганлиги;
- Интернет тармоғи ёки мессенжердан сиёсий ахборотни олган шахс уни фақат қабул қилувчига эмас, балки унга фикр билдирувчига, қайта ишловчи ва тарқатувчига айланганлиги;
- Интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланиб, деструктив руҳдаги сиёсий бирлашмаларнинг фаолиятида ҳам жадаллашув кузатилаётганлиги.
- бир фуқаронинг бошқасига ахборот-психологик ёки манипулятив таъсир этиш кўлами кенгайиши ва бундай имкониятдан сиёсий мақсадларга эришишда ҳам фойдаланиш ҳолатлари кўпайиши.

Юқорида қайд қилинган ҳолатлар сиёсатда олдин амалга оширилган мулоқотлар механизмини анча ўзгартириб юборди. Мазкур механизмнинг арзонлиги, қулайлиги, оммабоплиги ва очиқлиги унинг ижобий жиҳатларини белгилаб берди.

Ўз навбатида, Интернет сиёсий жараёнларнинг барча иштирокчилари (индивидлар, институтлар ва ҳокимият) ўртасидаги ҳамкорликнинг янги канал ва воситаларини вужудга келтирди.

Сиёсий коммуникациялар орасида Интернетнинг бошқа анъанавий оммавий ахборот воситаларидан (ОАВ) фарқли, қолаверса, устун жиҳати шундаки, ушбу глобал тармоқда биргина рўйхатдан ўтиш орқали (бошқа расмиятчиликларсиз) барча турдаги ОАВнинг электрон нашри билан танишиш, керак бўлса у ёки бу масала юзасидан изоҳ (фикр) қолдириш имконияти пайдо бўлди.

Шу сабабли, сиёсий маконда Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги мазкур глобал тармоқда юз бераётган ижтимоий-сиёсий тенденцияларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиб бориш[1] заруратини юзага келтирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда хорижий давлатларда, айниқса, Ғарб давлатлари ва айрим МДҲ мамлакатларида сиёсий коммуникациялар чуқур тадқиқ этилиб, эришилган натижалар сиёсий амалиётга фаол равишда татбиқ қилиниб келинмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда сиёсий ахборотларни фуқароларга етказишда, шунингдек, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида Интернет коммуникациялари асосий самарали восита сифатида эътироф этилса-да, аммо сиёсий коммуникациялар тизимини мониторинг қилишга қаратилган назарий ва амалий аҳамиятга эга тадқиқотлар кўламини етарли даражада, деб бўлмайди. Мамлакатимизда сиёсий коммуникациялар борасида илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ижтимоий-гуманитар соҳадаги тадқиқотларнинг долзарб масалаларидан бири бўлиши керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «Сиёсий коммуникациялар» йўналиши бўйича ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва турли илмий адабиётлар тайёрлаш ва унга бағишланган илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш объектив зарурат сифатида миллий сиёсатшунослик мактаби олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Шу мақсадга эришиш йўлида тегишли олий таълим муассасаларида замонавий сиёсий коммуникацияларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўқитиб бориш мақсадида қисқа муддатли махсус курсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

---

[1] Алексеев Ю.М. Особенности политической Интернет-коммуникации: региональный аспект. – Саратов: Издательство ГОУ ВПО «Саратовский государственный университет имени Н.Г. Чернышевского», 2010. – С. 3.

Сиёсий коммуникацияларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиб боришни аввалдан йўлга қўйган ривожланган хорижий давлатларнинг етук илмий-тадқиқот ва таълим марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, бу борадаги самарали жиҳатлар ва ютуқлардан мамлакатимизда ушбу йўналишда ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш тизимига жорий этиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, сиёсий коммуникацияларга оид тадқиқотларни чуқурлаштириш орқали сиёсий соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини янада оширишга шароит яратиш мумкин. Шунингдек, миллий манфаатларимизга қаратилган сиёсий таҳдидларни барвақт аниқлаш, тўлақонли баҳолаш ва уларни олдини олиш имкониятларини янада кенгайтирган бўламиз.

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

«Complex Print» нашриёти, Тошкент, 2022

Тузувчи ва масъул муҳаррир: И.Исламов

Босишга рухсат этилди 19.03.2022 й. Буюртма № 179
Формати 70x100 1/16. Arial гарнитураси билан
рақамли усулида чоп этилди.
Ҳажми 24,38 ш.б.т. 100 нусха.

Нашр.лиц. Ai №004, 20.07.2018 й.
«Complex Print» нашриёти, Тошкент ш., А.Навоий кўч., 24.
Тел.: +998 71 244 40 89

«Complex Print» ,босмахонасида чоп этилди.
Лицензия № 10-3606, 10.12.2016 й.
Тошкент ш., А.Навоий кўч., 24.
Тел.: +998 71 244 40 89

ISBN 978-9943-7601-3-4

